

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҚУЗУРИДА  
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ МЕТОДИК МАРКАЗ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ  
ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ  
ХРЕСТОМАТИЯСИ**

Тошкент – 2014

УЎК: 94(575.1)  
КБК 63.3(5Ў)  
Ў– 43

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи хрестоматияси. / Масъул муҳар-  
рир и.ф.н. Н.Талипова / -Т.: «Fan va texnologiya» 2014, 328 б.

ISBN 978-9943 – 983-16-8

Мазкур хрестоматия Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида ўзига хос миллий давлатчилик қуриш йўли ишлаб чиқилган ва мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси амалга оширилган 1989 – 2014 йилларга оид тизимли тарзда йиғилган материаллар тўпламидир. Хрестоматия талабаларнинг амалий ва мустақил ишларини ташкил этишга мўлжалланган бўлиб, ундан «Тарих», «Ўзбекистон тарихи» фанлари ўқитувчилари ҳамда талабалар фойдаланишлари мумкин.

УЎК: 94(575.1)  
КБК 63.3(5Ў)  
Ў– 43

**Таҳрир ҳайъати:** А. Сабилов, С.Пўлатова  
**Тузувчилар:** А.Сабилов, Н. Талипова, А.Замонов,  
Т.Норқобилов, С.Пўлатова, С.Тиллабоев,  
Б.Хасанов, С.Мухамедова  
**Такризчилар:** Х.Юнусова – тарих фанлар доктори,  
А.Маврулов – тарих фанлар доктори,  
профессор

Мазкур хрестоматия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-  
камаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни муво-  
фиқлаштириш қўмитасининг «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи хрес-  
томатияси»(ИОТ-2013-1-38) мавзусидаги инновация лойиҳаси доира-  
сида тайёрланди.

ISBN 978-9943 – 983-16-8

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.  
© ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ  
ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ  
МЕТОДИК МАРКАЗ, 2014.

## МУНДАРИЖА

МУАЛЛИФЛАРДАН.....	4
1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИ- ДА (1989 – 1991 йиллар).....	5
2-БОБ. МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК АСОСЛАРИНИНГ ША- КЛЛАНТИРИЛИШИ (1991 – 2000 йиллар).....	41
3-БОБ. 2000 – 2010 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН-НИНГ СИЁСИЙ, ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАЁТИ- ДАГИ ТУБ ЎЗГАРИШЛАР. ЎЗБЕКИСТОН ВА ХАЛҚАРО ҲАМ- ЖАМИЯТ.....	163
4-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖ- ЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА (2010 – 2014 ЙИЛЛАР).....	210
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ СОЛНОМАСИ.....	273

## МУАЛЛИФЛАРДАН

*Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича мамлакатимизда қатор илмий ва илмий-оммабоп адабиётлар эълон қилинди. Уларда Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши арафасидан бошлаб бугунги кунга қадар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда амалга оширилган муҳим тадбирлар ўз аксини топган бўлсада, уларга асос бўлган фармон ва қонунлар келтирилмаган. Мазкур хрестоматияда энг янги тарихимизнинг ривожланиши босқичларини ўзига хос хусусиятлари ёритиб беришга ҳаракат қилинган.*

*Хрестоматия устида ишлаш давомида Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви, Стратегик тадқиқотлар институти архиви ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси архиви материалларидан фойдаланилиб, ўрганилган ҳужжатларнинг асл нусхаси қайси тилда бўлса, улар шу тилда тақдим этилди. Тузувчилар гуруҳи юқорида санаб ўтилган ташкилотларнинг мутасадди ходимларига кўрсатилган кўмак учун миннатдорлик билдиради.*

*Тузувчи-муаллифлар гуруҳи хрестоматия камчиликлардан ҳоли эмаслигини ва ўрганиб чиқилган манбалардан мамлакатимиз ривожланишига оид баъзи хусусиятлар эътибордан четда қолган бўлиши мумкинлигини инobatга олиб, ушбу тўпلام юзасидан фикр-мулоҳазалар ва таклифларни Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи методик марказга юборишингизни сўрайди.*

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 45-уй.  
Тел.: +99871 2333701.

## 1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИДА (1989 – 1991 ЙИЛЛАР)

*Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши жараёнини тўрт босқичга бўлиш мумкин:*


*Биринчи босқич: 1989 – 1991 йиллар. Бу босқич республиканинг мустақилликка эришиши арафасида мураккаб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳолат, нафақат Ўзбекистонда балки бутун Ўрта Осиёдаги ҳолатни издан чиқариб юбориши мумкин бўлган «Фаргона фожеалари» сингари фавқулотда ҳавfli воқеалар билан характерланади.*

*Айнан 1989 йилнинг сўнги кунларида юзага келган таҳликали вазиятда ҳукумат тепасига янги раҳбар И.А.Каримов келди.*

*Мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаган ҳолда, ўтқир*

*ижтимоий муаммолар ҳал қилиш бўйича синчковлик билан ишлар бошланди. Масалан, республикада мисли кўрилмаган муҳим қарорлардан бири – 700 минг гектар сугориладиган ер майдони 2,5 миллионга яқин оилага томорқа участкаси сифатида бўлиб берилди, бу эса ўз навбатида кўп сонли қишлоқ аҳолиси ўртасидаги тангликни сезиларли даражада камайтирди. Таққослаш учун шуни таъкидлаш лозимки совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон аҳолисига бор йўғи 300 минг гектар ер ажратилган холос. Ўзбекистон раҳбариятининг собитқадамлик билан олиб борган*

*сиёсати 1991 йил 31 августда қонуний натижага олиб келди.*



«Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқка тартибда уй-жой куриш учунбарча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида» қарор қабулқилинади. Ушбу тарихий ҳужжатда қишлоқдаяшовчи ҳар бир кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ватоморқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўздатутилган эди.

Бу борадаги амалий ишлар натижасида 1989 – 1990 йилларда бир ярим миллиондан кўпроқ оилага кўшимча ер ажратилди, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди (б. 12).

Ўзбекистон энг оддий саноат маҳсулотларига бўлган ўз эҳтиёжининг ярмини ҳам қондиришга қодир эмас. Етиштирилган пахтанинг атиги 9 фоизи республикада қайта ишланади. Бир қанча вилоят ва районларда экин майдонлари нисбатида пахтазорлар 75 – 80 фоизни ташкил қилди. Оқибатда асрлар давомида четга дон, мева ва бошқа озик-овқат маҳсулотлари чиқарган минтақа бундай маҳсулотларнинг йирик истеъмолқилувчисига айланди (б. 206).

Фарғона воқеаларига, республиканинг бошқа жойларида, хусусан, Тошкент вилоятида юз берган можароларга келганда эса булар ўнлаб йиллар давомида тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал қилинмаганининг оқибатидир... Ўзбекистонга бадарға қилинган бошқа халқлар – қрим татарлари, чеченлар, ингушлар билан биргаликда 150 мингга яқин месхети турқларини олиб келишди. Шу йиллар давомида улар ўзбеклар ва республикамиздаги бошқа халқлар билан ёнма-ён яшаб келишди.

Биз 45 йил бирга яшадик, Ўзбекистонда ҳеч ким, келгиндилар бу ердан чиқиб кетсин, деган эмас... Республика раҳбарияти воқеаларнинг олдини олиш учун сезгирлик кўрсата олмади (б. 205).

*Каримов И.А. Ўзбекистон мустақиллика эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.*



**«РЕСПУБЛИКАДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТНИ  
БАРҚАРОРЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРАЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ  
ҚАРОРИДАН**

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети шуни қайд этадики, кейинги вақтларда республикада ижтимоий кескинлик анча кучайди, жиноятчилик кўпайди, жамоат, давлат ва меҳнат интизоми сусайиб кетди. Қотилликлар, гражданларнинг сихат-саломатлигига ва шахсий дахлсизлигига тажовузлар, қароқчиларча ҳужумлар, талончилик, социалистик мулк ва гражданларнинг шахсий мулкни ўғирлаш, порахўрлик, чайқовчилик каби хавфли жиноятлар, меҳнатсиз даромад олиш билан боғлиқ бошқа жиноятлар кенг ёйилганлиги айниқса ташвиш уйғотмоқда. Кооперативларнинг айрим турларини ташкил этиш чоғида ва уларнинг ишлаши жараёнида ғаразли суиистеъмол ҳоллари мавжуддир. Ҳар хил корчалонлар, экстремист кайфиятдаги шахслар бош кўтариб, республикадаги вазиятга фаол таъсир ўтказишга уринмоқдалар, улар кўпинча инсон ҳуқуқлари учун «курашувчилар» ниқоби остида республика халқлари номидан иш кўриш ҳуқуқини ўзлаштириб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Ана шундай шахсларнинг ташаббуси билан руҳсат этилмаган митинглар, намойиш ва йиғилишлар ўтказилмоқда, улар ана шу митинг, намойиш ва йиғилишларда жамиятга зид гояларни тарғиб қилмоқдалар, партия ва ҳукуматга, совет қуроли кучларига қарши кўпол хуружларга йўл кўймоқдалар, аҳолининг айрим гуруҳларини, айниқса ёшларни антисоциал ноҳўя хатти-ҳаракатлар қилишга, совет қонунларини бузишга ундамоқдалар. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисидаги қонун лойиҳаси эълон қилинганидан кейин вазият айниқса кескинлашди.

Бундай хатти-ҳаракатлар ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарор қилиб, одамларнинг давлат ҳокимияти органлари аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга қодир эканлигига бўлган ишончига путур етказмоқда, турли миш-мишларни келтириб чиқармоқда, аҳолининг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Республика Олий Совети вужудга келган ниҳоятда кескин вазият кўп жиҳатдан давлат органларининг, жамоат ташкилотларининг, министрликлар ва идоралар, қорхоналар, ташкилотлар, муассасалар, кооперативлар, колхозлар ва совхозлар, меҳнат коллективлари раҳбарларининг совет кишиларини қонунларга, белгиланган



тартиб ва интизомга хурмат руҳида тарбиялаш, шаҳар ва қишлоқларда аҳволни издан чиқариш йўлидаги уринишларнинг пайини қирқиш борасидаги фаолиятидаги жиддий камчиликлар билан боғлиқдир, деб ҳисоблайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қонунларга қатъий ва оғишмай риоя этилишини таъминламаяптилар, жамиятга зид кимсаларга нисбатан кўнгилчанлик ва асоссиз либерализмга йўл қўймоқдалар, уларга нисбатан қонунда кўзда тутилган чораларни қўлламаяптилар...

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1989 й., 26 – 28 - сон, 470-модда; 1991 й., 11-сон, 273-модда.*

*XX асрнинг 80 йиллари ўрталарига келиб СССРнинг парчала-ниши реал объектив ҳақиқатга айланиб қолди. Бу жараённи ўзбек тилига давлат мақоми берилиши айниқса, тезлатиб юборди. 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Олий Советининг XI сессияси «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида»ги Қонунни қабул қилди. Ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди.*

### **«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИДАН**

Тил миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулкидир. Социализмни, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, халқлар-нинг миллий ва байналмилал ўзлигини англашнинг ўсиши миллий тилларни ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади.

Ушбу Қонун ўзбек тилининг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ( майдонида ) давлат тили сифатида амал қилишининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ўз заминида тилга оид барча масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи барча граждaнлар, қайси тил уларнинг она тили эканлигидан қатъи назар, тенгдирлар.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республикада яшовчи бошқа миллат ва элатларнинг ўз она тилларини қўллашдан иборат конституцион ҳуқуқларига монелик қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси гражданларнинг республика давлат тилини, СССР халқлари тилларини ҳамда чет тилларни ўрганишга бўлган интилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Ушбу Қонун норасмий муомалада, ҳарбий қисмларда ва диний маросимларда қўлланадиган тилларга татбиқ этилмайди...

*Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгашининг Ахборотномаси,  
1989 й., 26 – 28 -сон, 453-модда.*

*Иш юритиши ўзбек тилига ўтказила бошланди, уни ўрганишни яхшилаш юзасидан аниқ чора - тадбирлар белгиланди. Айни вақтда рус тилини ва республикада яшовчи бошқа халқларнинг тилларини ўрганиш учун шарт - шароитлар яратилиши лозим эди, тилни ўрганишнинг ихтиёрийлиги ва уни танлаш ҳуқуқи қонунда белгилаб қўйилди.*

#### **К МЕЖДУНАРОДНОМУ ПАКТУ О ГРАЖДАНСКИХ И ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРАВАХ, НАПРАВЛЕННЫЙ НА ОТМЕНУ СМЕРТНОЙ КАЗНИ**

Участвующие в настоящем Протоколе государства, считая, что отмена смертной казни способствует укреплению человеческого достоинства и прогрессивному развитию прав человека, ссылаясь на статью 3 Всеобщей декларации прав человека, принятой 10 декабря 1948 года, и статью 6 Международного пакта о гражданских и политических правах, принятого 16 декабря 1966 года, отмечая, что формулировки статьи 6 Международного пакта о гражданских и политических правах, касающиеся отмены смертной казни, являются веским указанием на желательность отмены, будучи убеждены в том, что все меры по отмене смертной казни следует рассматривать как прогресс в обеспечении права на жизнь, желая взять настоящим международное обязательство об отмене смертной казни ...

*Нью-Йорк, 15 декабря 1989 г. Сборник  
международных договоров Республики  
Узбекистан, 2009 г., №2 – 3.*

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМЎУРИЯТИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ  
КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРНИНГ НАФАҚА МИҚДОРНИ  
КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

*Тошкент ш., 1990 йил 3 май, ПФ-1-сон*

Кўп болали оилаларнинг моддий аҳволини, ёш авлоднинг ўсиш шароитини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон ССЖда кўп болали оналарга ҳар ойда тўланадиган нафақа миқдори 1990 йил 1 июлдан бошлаб икки баравар кўпайтирилсин

*Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 25 – 27 -сон, 317-модда.*

*Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишида қўйилган навбатдаги муҳим қадамлардан бири бу – 1990 йил 20 июнда республика Олий Совети томонидан 12 моддадан иборат бўлган «Мустақиллик Декларацияси»ни қабул қилиниши эди. Декларациянинг қабул қилиниши билан Ўзбекистонда республиканинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалалар мустақил тарзда ҳал қилина бошланди.*

**«МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ»**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети: ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсади ҳақи, ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад билган ҳолда, Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилади.

1. Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларида ва барча ташқи муносабатлардаги танҳо ҳокимлигидир.

2. Ўзбекистон ССРнинг давлат ҳудуди чегараси дахлсиз ва бу ҳудуд халқнинг муҳокамасига қўйилмай туриб ўзгартирилиши мумкин эмас.

3. Ўзбекистон ССРда давлат ҳокимияти унинг ҳудудига кирадиган барча таркибий ва бўлинмас қисмлари устидан амалга оширилади ва шу ҳудудда яшайдиган аҳолига тааллуқлидир.

4. СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқлангандан кейингина Ўзбекистон ССР ҳудудида кучга эга бўлади.

5. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ваколатига Ўзбекистон ССР ички ва ташқи сиёсатига тегишли барча масалалар киради.

6. Ўзбекистон ССР халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини тан олади ва ҳурмат қилади.

7. Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар ва бошқа давлатлар билан ўзининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларини шартномалар асосида белгилайди ва амапга оширади.

8. Ўзбекистон ССР ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини (герб, байроқ, мадҳия) ўзи таъсис этади.

9. Қорақалпоғистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси мустақиллигини Мухтор Республика Конституцияси таъмин этади. Ўзбекистон ССР унинг Асосий Қонуни ва Ўзбекистон ССР Конституцияси асосида Қорақалпоғистон МССР манфаатларини ҳимоя қилади.

10. Ўзбекистон ССРнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти Ўзбекистон ССР давлат мустақиллигини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқади, Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ва иқтисодий системалари таркибини ва қурилишини белгилайди.

11. Ўзбекистон ССР Олий Совети умумхалқ муҳокамаси асосида демократик ҳуқуқий давлат тузишга қарор қилганини билдиради, Ўзбекистон ССРда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қонуний, сиёсий, иқтисодий, этник, маданий ҳуқуқларига ҳамда она тиллари ривожлантирилишига кафиллик беради.

12. Ушбу Декларация Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини ҳамда янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш учун асосдир.

*Ўзбекистон ССР Олий Советининг  
иккинчи сессиясида қабул қилинган  
(1990 йил 20 июнь).*

*Каримов И.А. Ўзбекистон мустақиллика  
эришиши остонасида.*

*Т.: «Ўзбекистон», 2011. Б. 224 – 226.*

**ВЫСТУПЛЕНИЕ ПРЕЗИДЕНТА НА СОВМЕСТНОМ ПЛЕНУМЕ  
ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И  
ЦЕНТРАЛЬНОЙ КОНТРОЛЬНОЙ КОМИССИИ, 28 АВГУСТА 1991 г.**

...Судьба скольких людей, в том числе... скольких руководителей, их семей оказалась разбитой по воле этих людей. Людей, которые никогда не знали Узбекистан, никогда не знали ни его язык, ни его культуру, ни его настоящего и прошлого и которые видели в Узбекистане, хотели бы видеть, только рабское покло-нение. И такие люди творили политику. А все, кто был наверху, только подписывали подготовленные их чиновниками решения.

Опомнились только в 1989 году, когда в Узбекистане окрепла яростная борьба против «деятельности» Гдляна и Иванова. Оскорбленный народ, народ с древней цивилизацией, богатейшей культурой, великими зодчими и мыслителями, этот народ хотели поставить на колени. И только тогда, когда народ начал просыпаться, были открыты шлюзы и, по крайней мере, пытались остановить особо ретивых прокуроров и следователей.

Я убежден, что мы Гдляну и Иванову приписываем больше, чем они того заслуживают. Они были только послушными орудиями в руках высоких руководителей.

... Сколько писем было с мольбой о справедливости! А кто пытался остановить их? Никто. Боль народа, вопли, которые шли со всех кишлаков, районов, не были услышаны.

Это наше вчерашнее. Но, если хотите, последствия этого и сегодня сказываются. Мы не можем эти вопросы забыть. Я убежден, что народ этого никогда не забудет. Пройдут десятилетия, но народ никогда не забудет и не простит.

*«Народное слово», 29 августа 1991 года.*

«У нас свой курс и путь, и мы будем твердо следовать им, чего бы это ни стоило, руководствуясь исключительно интересами народа республики...».

«...с учетом всего этого, выполняя волю нашего народа, я вношу на рассмотрение Верховного Совета один единственный вопрос: обсудить и принять Закон «О независимости Узбекистана».

В этом законе выражена воля всех людей, кто живет на этой древней и обновленной земле. А воля их для нас священна.

*Каримов И.А. Узбекистан на пороге достижения независимости. -Т.: «Ўзбекистон», 2011.- С.341.*

## **«НАВРЎЗ ХАЛҚ БАЙРАМИНИ ЎТКАЗИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПРЕЗИДЕНТНИНГ ФАРМОНИДАН**

Совет жамиятини сиёсий, маънавий-ахлокий жиҳатдан янгилаш жараёни халқларнинг миллий ўзлигини англаши ўсишига, хоҳиш иродаларини кенг изҳор этишларига янги омил бағишлади. Бугун мамлакатда бўлганидек Ўзбекистонда ҳам тарихий ва маданий меросга, халқнинг азалий миллий анъаналари ва урф-одатларини тиклашга қизиқиш кучаймоқда.

Қадимий халқ байрами – Наврўзнинг тикланишини республикамизнинг бутун аҳолиси мамнуният билан маъқуллаб, кўтаринки руҳда кутиб олди.

Наврўзнинг байрам қилиниши теран халқ анъаналари, ерга ва табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, деҳқон меҳнатини ҳурмат қилиш, яхши кўшничилик, меҳр-муруватга ва бошқаларнинг дардига малҳам бўлишга интилишлари қудратли омил бўлди. Наврўз халқ байрамининг инсоний ва байналмилал моҳияти ҳам худди ана шундадир.

Наврўзнинг байрам қилиниши чинакам умумхалқ сайлига айланди, унда Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг энг яхши анъаналари, профессионал ва ҳаваскорлик санъатининг намуналари намоён бўлди. Партия идоралари, жамоат ташкилотлари ва маҳалла кўмиталари уни ўтказишга салмоқли ҳисса қўшдилар...

*Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 25 – 27 -сон, 328-модда.*

### **ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН ССР АҲОЛИСИГА ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА НООЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ СОТИШНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШГА ДОИР МУВАҚҚАТ ЧОРАЛАР ҲАҚИДА**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика истеъмол бозорини барқарор қилиш мақсадида қарор қилади:

1. 1990 йил 30 майдан бошлаб республика территориясида яшовчи аҳолига озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларини паспорт, хизмат гувоҳномаси, студент билети, пенсия гувоҳномаси ҳамда шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга қараб сотишнинг муваққат тартиби жорий этилсин.

Республикага вақтинча (командировка, ҳарбий хизмат, туристик сафар, меҳнат шартномаси бўйича иш ва бошқа сабаблар билан) келган фуқароларга кундалик эҳтиёж моллари халқ депутат-

лари маҳаллий Совети тегишли ижроия комитети томонидан белгилаб қўйилган алоҳида рўйхат ва нормага мувофиқ сотилади.

Халқ анъаналари ва удумлари ( тўйлар, дафн маросимлари, марҳумлар ҳурмати учун ўтказиладиган маросимлар ва бошқалар) билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш чоғида аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари ва моллар сотиш нормаси кўзда тутилсин.

Харидоргир ноозиқ-овқат молларни сотиш халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг қарорига мувофиқ амалга оширилсин.

3. Молларни сотишнинг муваққат тартиби жорий этилиши муносабати билан Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, вилоят ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети вужудга келадиган барча масалаларни кўриб чиқсинлар ва ҳал этсинлар, шунингдек, молларнинг белгиланган нормага мувофиқ сотилишини назорат қилиб туришни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон ССР Давлат моддий-техника таъминоти комитети, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети, Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Курилиш министрлиги, Ўзбекистон ССР Давлат нефть маҳсулотлари билан таъминлаш комитети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети савдонинг узлуксиз бўлишини таъминлаш учун планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан, шунингдек товар айирбошлаш йўли билан олинган ресурслардан молларнинг запасларини вужудга келтириш учун зарур чораларни кўрсинлар.

**Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар Мудирининг ўринбосари**

*Тошкент ш., 1990 йил 29 май, 224-сон  
<http://lex.uz/pages/getpage>*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ЕР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИДАН**

Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонуни ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, тупроқнинг унумдорлигини тиклаш, табиий муҳитни асраш ва яхшилаш учун, хўжалик юритишнинг ҳамма шаклларини тенг ҳуқуқлар асо-

сида ривожлантириш учун шароит яратиш мақсадида ер муносабатларини тартибга солиди...

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ер участкаси олиш ҳуқуқига эгадирлар, уни бериш шартлари ва тартиби ушбу Қонун билан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади...

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси,  
1990 й., 16 – 18 -сон, 294-модда.*

**Объем посевных площадей, валовой сбор сельхозкультур  
и влияние применяемых пестицидов на здоровье населения  
Узбекистана**

№		1990 г.*	2007 г.**
1.	<b>Посевная площадь, всего тыс.га</b>	4160,1	3561,0
2.	<b>В том числе:</b>		
3.	- хлопчатник	1970,1	1457,6
4.	- зерновые культуры	881,8	1538,9
5.	- картофель	34,8	52,6
6.	- овощи	124,2	154,2
7.	<b>Валовой сбор, тыс.т., в том числе:</b>		
8.	- хлопок-сырец	5292,0	3715,8
9.	- хлопок-сырец, в пересчете на волокно	1593,0	1300,0
10.	- зерно	1640,8	6771,8
11.	- картофель	324,6	1188,1
12.	- овощи	2584,6	4669,9
13.	<b>Высокотоксичные пестициды***</b> Бутифос ДДТ Карбофос Хлорофос и другие (всего 16 пестицидов) <b>Малотоксичные пестициды, разработанные учёными Узбекистана</b>		Запрещено Запрещено Запрещено Запрещено Запрещены Сихат (2 млн. га) Садаф (330 тыс. га) ХМД (380 тыс.га)
14.	<b>Количество отравлений/год от пестицидов</b>	400-460	20-30 (лёгкая форма)
15.	<b>Количество смертельных случаев/год от острых отравлений пестицидами</b>	10 - 15	0



\*) Статистический сборник «Народное хозяйство Республики Узбекистан», 1994 г.

\*\*) Статистический сборник «Республики Узбекистан», 2008 г.

\*\*\*) Высокотоксичные пестициды ухудшают состояние здоровья людей, особенно сельских жителей, они поражают центральную нервную систему, сердце, печень, почки, кишечник, эндокринную систему и другие органы, нарушают иммунологическую защиту, снижают сопротивляемость организма к инфекционным заболеваниям, особенно детей и женщин. Рождаются дети с аномальным развитием.

## ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМЎУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ТАШКИ САВДО ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН АЛОҚА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент ш., 1990 йил 12 июн, ПФ-14-сон

Ўзбекистон ССЖнинг суверен ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда жумҳуриятнинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, савдосотик, илмий-техникавий ва маданий алоқаларини янада ривожлантиришга оид ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон ССЖ Ташки савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат қўмитаси ташкил этишни зарур деб ҳисоблайман.

Ушбу қўмита зиммасига хорижий мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантириш, бозор шароитини ўрганиш, жумҳурият ҳудудида ташки алоқалар қатнашчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ва манфаатларини таъминлаш, маҳсулот етказиб беришнинг белгиланган режалари ва битимлар бажарилишини назорат қилиш, хорижий шериклар иштирокида қўшма корхоналар, уюшмалар, савдо уйлари, акционерлик жамиятлари ташкил этишда, шунингдек ўзаро манфаатли шартларда маданий, спорт, туристик ва бошқа хил алоқаларни йўлга қўйишда қўмаклашиш вазифаси топширилсин.

Жумҳурият Вазирлар Кенгаши мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг  
Президенти И. КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий  
Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 25 – 27-сон, 316-модда.*

924706

**ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМЎУРИЯТИНИНГ  
ҚОНУНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ИЖРОИЯ ВА БОШҚАРУВ  
ҲОКИМИЯТИНИНГ ТУЗИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШ-ТИРИШ  
ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ  
ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Давлат бошқарувининг уйғун системасини яратиш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини бир-биридан катъий фарқлаб қўйиш, давлат органлари фаолиятида параллелчилик ва бир-бирининг ишини такрорлашга, бир органларни бошқа органлар вазифасини бажаришига барҳам бериш мақсадида ҳамда бозор муносабатларига ўтиш шароитида ижроия ҳокимиятини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг ҳамма жабҳаларида интизом ва тартиб ўрнатиш айниқса муҳим эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

1. Президентлик ҳокимияти билан Министрлар Советининг ижроия-бошқарув ҳокимияти қўшиб юборилсин. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилсин, Ўзбекистон ССР Президенти айни бир вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлади. Ўзбекистон ССР Президентининг ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг аппарати Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги битта аппаратга бирлаштирилсин.

2. Ўзбекистон ССР Вице-Президенти лавозими таъсис этилсин. Вице-Президентни Ўзбекистон ССР Президенти тайинлаб, сўнгра Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиқлайди. Ўзбекистон ССР Вице-Президенти Ўзбекистон ССР Президентининг топширигига кўра Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилади ва унинг ишини ташкил этади.

3. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Президиуми, Министрлар Советининг Раиси, Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари лавозими тугатилсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси Раисинг давлат-хўжалик ва социал-маданий қўрилишнинг асосий белгиловчи йўналишлари бўйича биринчи ўринбосарлари, ўринбосарлари лавозимлари таъсис этилиб, улар зиммасига ўзлари раҳбарлик қилаётган тармоқлар бўйича фаолиятни уйғунлаштириш ва пиравард натижаларини

таъминлаш вазифаси юклатилсин. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарларини, вазирларни ва кўмиталарнинг раисларини Президент тайинлайди, сўнгра улар республика Олий Совети томонидан тасдиқланади.

5. Республика ҳукумати таркибига Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари, вазирлари, давлат комитетларининг раислари, йирик концернларнинг ва бирлашмаларнинг раҳбарлари қиради. Ҳукумат аъзоларини тайинлаш ва озод қилиш Ўзбекистон ССР Конституциясида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

*Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1990 й., 31–33–сон, 375-модда.*

### **ИЗ ВЫСТУПЛЕНИЯ ПРЕЗИДЕНТА УЗБЕКСКОЙ ССР ИСЛАМА КАРИМОВА НА СОВЕЩАНИЕ ПО ВОПРОСАМ ПЕРЕХОДА РЕСПУБЛИКИ К ЭКОНОМИЧЕСКОЙ НЕЗАВИСИМОСТИ И РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКЕ,**

16 июня 1990 года в Центральном Комитете Компартии.

...При сложившейся в стране сложной ситуации самое важное – следовать не общим, абстрактным и высокопарным словам, а опираться на реальную жизнь, конкретные условия и возможности. Самое главное – мы должны крепко стоять на ногах, советоваться с народом, искать и находить практические пути улучшения его жизни, отметил Ислам Каримов.

Сегодня принципиально важно, не теряя ни минуты, решать актуальные экономические вопросы.

**Для нас основной курс, ключ к решению всех вопросов – это обеспечение реального политического суверенитета и экономической независимости Узбекистана.**

Независимость даст возможность республике решить такие жизненно важные вопросы, как улучшение уровня жизни населения, самостоятельное планирование и использование имеющихся возможностей и ресурсов, а также на взаимовыгодной основе установление своих отношений с центром, другими республиками и зарубежными странами.

Итак, выполняема ли данная задача?

Да, реально выполняема, и другого пути нет. Если мы не хотим, как прежде, соглашаться с вывозом из республики по мизерной цене всего, что возможно, и не желаем, чтобы за нас в центре решали, что нам нужно и чего для нас достаточно, то мы

должны придерживаться четкой позиции. Другого выхода у нас нет.

Точные экономические расчеты показывают, что переход к политической и экономической независимости вместе с внедрением рыночной экономики и с учетом всей сложности и чрезвычайной важности этой задачи будет происходить нелегко. Однако именно независимость способна дать нам сейчас отсутствующие в нашем обществе стремление к настоящему труду и материальные факторы для его стимулирования. В этом – и в прошлом, и в настоящем, и в будущем – суть всей проблемы...

*(УзТАГ), 21 июня 1990 года.*

### **«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУЛКЧИЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНДАН**

Ўзбекистон Республикасида мулк дахлсиздир. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилади. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари дахлсиз бўлишига ва уларнинг ривожланиши учун тенг шароит яратилишига қонун кафолат беради.

Ўзбекистон Республикаси мулкдорга қарашли бўлган мол-мулкни сақлаш ва кўпайтириб бориш учун барча зарур шароитларни яратиб беради.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси,  
1990 й., 31 – 33 -сон, 371-модда; 1991 й., 11-сон, 273-модда.*

### **ДОЛЖНЫ ДО ВСЕГО ДОЙТИ САМИ**

**Отрывки из ответов на вопросы корреспондента газеты «Известия».**

– **Ислам Абдуганиевич, возвращаясь к теме Союзного договора, хотелось бы спросить: какие именно предложения не были учтены при его подготовке?**

– Узбекистан должен быть владельцем всех природных богатств на своей территории и того продукта, который производится в республике. Это – основные требования. Но дело даже не в их приемлемости или неприемлемости. До сих пор мы так и не договорились, что будет представлять собой Союз и сколько будет

у него «учредителей». Растет число тех кто считает себя союзной республикой или хочет стать ею, и это стремление автономий активно поддерживается руководством Верховного Совета СССР. Может быть, это и правильно, но если количество субъектов федерации будет постоянно расширяться, то есть ли у нас в таком случае вообще шанс договориться между собой когда-нибудь?

И в то же время на прошедшем Съезде и на сессии на нас оказывалось немалое давление: Союзный договор все держит – скорее его подписывайте! Более того, против нас, руководителей республик, пытались восстановить союзный парламент. Со стороны это, может, не было заметно, но я лично это остро почувствовал. Все время возникал тезис о том, что всем необходим договор, а они, то есть мы, его держат, не подписывают, ставят какие-то условия...

Один из представителей группы «Союз», например, без каких-либо затей рубанул с трибуны со всей прямоотой: кончайте эти разговоры о суверенитете! ...Как-будто суверенитет – досужая выдумка отдельных лидеров, а не законно выраженная воля народов.

Слушаешь иных депутатов, назойливо отождествляющих себя с классом или социальной группой – мы, рабочие... мы, военные... мы, водители..., – и думаешь, как много у нас демагогии, и не простой, а крайне агрессивной, социально опасной, которая ни к чему, кроме новых столкновений, привести не может.

**-В чем же выход?**

– В шаталинской программе была, на мой взгляд, безусловно, резонная часть – экономическое соглашение. Мы эту идею полностью поддержали, в отличие от предложений той же программы, но уже из разряда «шоковой терапии», которые, я глубоко убежден, в условиях Средней Азии неприемлемы. Еще относительно недавно подписание экономического соглашения было вполне реальным, причем даже с учетом прибалтийских республик. Теперь, особенно в связи с последними событиями в Прибалтике, эти возможности упущены.

**-Ислам Абдуганиевич, для Вас, наверное, не будет большим откровением, что за среднеазиатскими республиками, в том числе и за Узбекистаном, закрепились репутация консерваторов. Для подобной оценки дает основания программа пере-**

хода к рыночным отношениям, утвержденная недавно сессией Верховного Совета республики. Эту программу, предусматривающую поэтапный переход к рынку, нельзя назвать радикальной. Вы сами, насколько я знаю, не раз высказывались против форсированного перехода к рынку.

– Почему, интересно, сейчас никто не вспоминает того времени, когда мы были «сверхпрогрессивными»? Не по своей воле, правда, но мы были переведены из феодального строя, в обход капитализма, сразу в социализм, да еще развитой. И к нам постоянно возили делегации из стран третьего мира, чтобы на нашем примере показать, как здорово можно перепрыгнуть целые исторические этапы. Но историю обмануть нельзя, нельзя просто взять и объявить новый уровень развития общества. Чтобы избавиться от консерватизма, надо пройти так называемую «мучительную» стадию капитализма, которая наряду со всеми своими недостатками преобразует экономику и, что самое главное, – мышление.

А идея «перепрыгивания», на которой возрос не один десяток диссертаций, привела к тяжелейшим для республики последствиям – к однобокой монокультурной экономике и другим перекосам практически во всех сферах жизни.

Но, с другой стороны, когда все еще только говорим о приватизации, именно у нас, у «консерваторов», появились первые частные предприятия. Мы начали приватизацию магазинов и сферы бытового обслуживания, мы за один только прошлый год отдали семьям в аренду с правом передачи по наследству 170 тысяч гектаров земли и собираемся довести эту цифру до полумиллиона гектаров. А если учесть, что до последнего времени личные хозяйства, занимавшие всего 4,5 процента земель, давали до 40 процентов продовольственных ресурсов республики, то представьте себе их «вес», когда доля таких участков в земельном наделе республики возрастет больше чем вдвое.

Я вообще убежден, что только собственник или имеющий потенциальную возможность им стать может быть привержен труду. Человек же, которому ничего не надо – ни собственного дома ни достойного дохода, – просто социально небезопасен.

Мы с апреля прошлого года создали 170 райбыткомбинатов со статуом государственно – кооперативных предприятий, дающим им большую свободу действий. Эти комбинаты, занимающиеся

практически всем, не только увеличивают объем товаров и услуг, развивают народные промыслы, но и решают столь важную для нас проблему занятости.

– Многие проблемы, с которыми сталкивается республика, связывают так или иначе с именем Рашидова. С другой стороны, говорят, что в Узбекистане пересматривается его роль за годы правления, предпринимаются попытки восстановить его авторитет.

– Отношение к Рашидову определено XXII съездом Компартии Узбекистана, I, II сессией Верховного Совета Республики, и я разделяю данные там оценки. Смысл этих оценок в том, что личность Рашидова нельзя рассматривать в отрыве от того периода, в котором он жил и работал.

Я должен сказать, что самый тяжелый кризис, поразивший нас, не экономический, а нравственный. Последствия разрушения вековых нравственных устоев в угоду идеологическим соображениям преодолеть будет намного труднее, чем расстройство экономики. Ведь не так давно коммунист, особенно занимающий заметную должность, не мог прийти на кладбище, чтобы проводить своих близких в последний путь. Участие в обряде погребения приравнивалось к смертному греху, человека выгоняли из партии, с работы. Чтобы как-то примирить себя со своей совестью и не лишиться того, чего добивались годами, люди ложились в больницу или уезжали в «срочную» командировку, даже когда умирал кто-то из родителей. И после этого мы говорим, что мало у людей осталось святого?

Причем двойная мораль в отношении к религии принимала самые уродливые формы. Полтора миллиона жителей республики, имеющих возможность смотреть телепередачи из соседнего Афганистана, видели, как Советская Армия строила или восстанавливала там мечети. А у нас в то же самое время мечети разрушались. И это продолжалось до 1988 года...

*«ИЗВЕСТИЯ» за 29 января 1991 года.*

**АНЪАНАВИЙ МИЛЛИЙ БАЙРАМ «РЎЗА ҲАЙИТИ»  
ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК  
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИДАН**

Тошкент ш., 1991 йил 11 апрель, ПФ-193-сон.

Анъанавий миллий байрам «рўза ҳайити» муносабати билан ва меҳнаткашларнинг кўпдан-кўп талаб-истакларини эътиборга олиб:

1. Республика фуқароларига 1991 йил 16 апрелда уларнинг хошишига мувофиқ ишга чиқмасликка ва корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда хўжаликларнинг маъмурияти ва касаба уюшмалари комитетлари билан келишилган ҳолда бу куни кейинчалик ишлаб беришга рухсат этилсин.

2. Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР вазирликлари ва идоралари, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари мазкур Фармоннинг биринчи банди бажарилишини таъминласинлар.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг  
Президенти И. КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси,  
1991 й., 5-сон, 112-модда.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
Ф А Р М О Н И



У К А З  
ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ  
ЎЗБЕКИСТАН

**Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш  
ҳақида**

Мустақил Ўзбекистон Республикаси мусулмонларининг истак ва хоҳишларини инобатга олиб ҳамда фуқаролар ўртасида меҳр-оқибатни барқарорлаштириш мақсадида диний байрам – Рўза ҳайити "Ийд ал-фитр"ни бу йил 4 апрель куни ва кейинги йилларда эса Рўза ҳайитининг биринчи куни дам олиш куни деб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. Каримов

Тошкент шаҳри,  
1992 йил 27 март



## **«ЖЕЛЕЗНАЯ РУКА» НЕ ПОНАДОБИТСЯ, КОГДА ДЕЙСТВУЮТ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ СТИМУЛЫ**

**-Ислам Абдуганиевич, как удается в республике вести стабильное хозяйство? Ведь Узбекистан не обошли стороной деструктивные процессы.**

– Мне уже приходилось говорить о том, что для всей нашей страны надо искать не «твердую руку», а твердо и последовательно исполнять задуманное. На выборах в Советы у нас весьма достойно выступили лучшие представители компартии. В выборных органах сейчас немало людей, обладающих опытом руководства. Советы у нас в республике не только говорящие, но и действующие. Мы строим новый дом, не разрушая сразу старого. В результате не появляется вакуума власти, который заполняется обычно пустословием.

**-Чем это можно проиллюстрировать?**

– По стоимостным показателям республика выполнила свои обязательства на 98,5 процента. А Союз по отношению к Узбекистану – на 57 – 58. Потерь урожая у нас не было, его убрали в оптимальные сроки. Для этого создали нормальные стимулы. Ручная уборка одного килограмма хлопка стала стоить 25 копеек, а ведь совсем недавно оценивалась в пятак. Подняли расценки и на машинную уборку. Проблем с ремонтом техники поубавилось – механизаторы были заинтересованы держать ее в рабочем состоянии. Впервые не потребовалось привлекать на поля десятки тысяч студентов и школьников. Мало того, 8 тысяч легковых машин из республиканского фонда решили продать тем механизаторам, которые уберут 150 и более тонн хлопка. Но результаты оказались такими высокими, что пришлось поднять эту планку до уровня 250 тонн. Это помогло превратить часть «деревянных» рублей в весомые. Сработал сугубо экономический фактор, а не чья-то «железная рука». Кстати, урожай практически на уровне прошлых лет мы взяли, сократив хлопковый клин.

**-И что это дало?**

–Десятки тысяч гектаров земли раздали под приусадебные участки. Это стимулировало индивидуальное строительство. Оно обеспечило 20-процентный прирост сдаваемого жилья. Пока у людей не утеряно стремление к созиданию, дали работу тысячам безработных. Кроме того, приусадебные участки, занимающие всего несколько процентов угодий республики, дают до 40 процен-

тов сельскохозяйственной продукции. Знаете, какими были осенью цены на базарах? Помидоры – 25 копеек за килограмм. Виноград – 60 – 70 копеек. Дыни – 30, арбузы – 25 и так далее.

Нельзя недооценивать и возможностей дополнительного дохода населения. Ведь в Узбекистане уровень потребления на душу населения более чем вдвое ниже, чем по стране. Для многодетных семей, кстати приусадебные участки особенно важны. Женщины могут работать на них, не отлучаясь из дома. Тем, кто занят на своем подворье, мы выдаем трудовые книжки. Число безработных сократилось на 250 – 300 тысяч человек. Их строжайший учет, кстати, ведется теперь в каждом кишлаке.

... жесткое внедрение монокультуры – хлопка – привело к тому, что половину мяса мы завозим из-за пределов республики. Значит, нам понадобится еще 2 миллиарда 300 миллионов рублей. А где взять эти деньги? Бюджетный дефицит Узбекистана превысит в будущем году 10 миллиардов рублей. Как накормить людей мясом? Его потребление и так составляет в республике 30 килограммов на душу населения в год – более чем вдвое ниже, чем в среднем по стране.

... Корабль нашего государства попал сейчас в сильный шторм. Как устоять ему, удержаться на верном курсе? Слагаемые этой устойчивости – не только золото, медь и хлопок, но и нечто более весомое. Что мы имеем в виду? Многомиллионные трудолюбивые народы, в национальном характере которых – приверженность институту власти. Но это относится только к власти, обеспечивающей законность и порядок.

*Ответы на вопросы корреспондента  
московского издания «Правительственный вестник»,  
№4, 1991 год.*

**УКАЗ ПРЕЗИДЕНТА УЗБЕКСКОЙ СОВЕТСКОЙ СО-  
ЦИАЛИСТИЧЕСКОЙ РЕСПУБЛИКИ О ПОДГОТОВКЕ И  
ПРОВЕДЕНИИ В РЕСПУБЛИКЕ НАРОДНОГО ПРАЗДНИКА  
«НАВРУЗ»**

В целях дальнейшего утверждения общечеловеческих ценностей, укрепления духа взаимного доверия и национальной гордости, дружбы, братства, единения, милосердия, продолжения и развития культурных и исторических традиций, обычаев и обрядов, сформировавшихся на протяжении веков, провести в республике следующие мероприятия по широкому празднованию «Наврुза»:

1. Закрепляя положительный опыт проведения этого праздника в 1990 году, начать подготовительную работу к народному празднику «Навруз», который будет отмечаться 21 марта и объявляется выходным днем. Пусть каждый гражданин республики примет активное участие в подготовке и проведении праздника.

2. Утвердить организационный комитет по подготовке и проведению народного праздника «Навруз».

3. Повсеместно определить конкретных лиц, ответственных за проведение праздника в каждой организации – от министерств и Советов до махаллинских комитетов. Действующие на территории республики предприятия, учреждения, колхозы и совхозы, кооперативы, общественные организации должны, исходя из своих возможностей, взять на себя обеспечение праздничной атрибутики, выделить транспортные средства, продовольственные и промышленные товары, активно участвовать в общенародных благотворительных движениях – в соответствии с пожеланиями всех слоев населения.

4. Согласно традициям «Навруза» уделить особое внимание старикам, детям, больным, инвалидам, вдовам и сиротам, семьям, лишенным кормильца. Оказать всемерную поддержку телемарафону – круглосуточной благотворительной передаче, проводимой Гостелерадио Узбекской ССР совместно с общественными организациями и художественными коллективами.

5. Использовать подготовку к празднику в целях укрепления уз дружбы, сотрудничества и культурных связей с соседними республиками. Организовать обмен делегациями, прием гостей.

*Президент Узбекской Советской  
Социалистической Республики И.КАРИМОВ  
12 февраля 1991 года, г. Ташкент.*

## **В СЛОЖНОЙ ОБСТАНОВКЕ НЕОБХОДИМА МУДРАЯ ПОЛИТИКА**

**... мы не соглашались и никогда не согласимся быть в составе Союза, основанного на излишней централизации, администрировании, бюрократизме, то есть на том, что давно изжило себя. Мы подпишем договор при условии, если решим войти в состав федерации только в качестве суверенного государства...**

**Наше основное требование – о собственности. Каждое суверенное государство должно владеть всеми имеющимися ресурсами и богатствами недр на собственной территории, производительными силами.**

**Вместе с тем Узбекистан должен свободно распоряжаться своими материальными богатствами и производимой продукцией. В частности, нам необходимо определиться в том, какие функции республика возьмет на себя, а какие из них будут переданы центру. Мы должны вести самостоятельную политику в области экономических, общественных и политических связей с зарубежными странами, заранее определить стратегию наших действий. Строя наши дальнейшие взаимоотношения с центром, передавая ему определенные права, мы не должны поступаться своей самостоятельностью. Вопросы обороны, космоса, ядерных исследований, средства связи, пути сообщения, воздушный флот и другие будут находиться в ведении центра. Считаю, что совместное решение названных проблем – наиболее приемлемый путь и для Союза, и для республик, которые войдут в него....**

**Спасение Узбекистана - в наших руках.** Поисками спасения на стороне не прийти к благоденствию, настоящей жизни. В единении сила, говорят в народе. Только все вместе, сплоченно и стойко мы сможем пережить эти тяжелые дни!

Призывая к дружбе, братству, хочу привести слова великого Навои. Ведь этот год объявлен годом Навои, и я надеюсь, что наследие нашего великого предка поможет в наших добрых устремлениях.

«Поймите, люди всей Земли, Вражда – плохое дело.

Живите дружно меж собой – Нет лучшего удела».

*Речь на четвертой внеочередной сессии  
Верховного Совета Узбекской ССР,  
«Народное слово», 15 февраля 1991 года.*

## **НЕЗАВИСИМОСТЬ – ЭТО ПРЕЖДЕ ВСЕГО ЕДИНСТВО И СОГЛАСИЕ НАРОДА**

... разве можно разрушать старое, не создав взамен новое, более прогрессивное? **Неразумно разрушать и превращать в развалины старый дом, в котором мы живем, не построив сначала новое здание....**

Нам необходимо определить свою стратегию в этом важном вопросе, знать, какой путь мы выбираем применительно к нашим условиям, какова будет наша дальнейшая аграрная политика.

...Решая вопрос о том, по какому пути нам идти, я думаю, мы должны учитывать особенности нашей республики. В чем они заключаются?

**Первое.** Высокая плотность населения в зонах орошения, нехватка земельной площади. Вы знаете, что во многих орошаемых зонах приходится по 1 – 1,5 и даже меньше гектара на одного работника. В таких местах раздача земли в частную собственность может привести к трагическим результатам. Она может породить вражду среди людей, последствия которой трудно предсказать.

**Второе.** Как уже было сказано, наше земледелие в основном сконцентрировано в зонах орошения. Сеть крупных каналов, оросительных и дренажных систем, взаимоувязанных с посевными площадями, создает единый земельно-водный комплекс.

Судите сами, как можно из этого комплекса вырвать землю и передать ее частному лицу? Допустим, что мы это сделали. Но ведь тогда придется передать в частную собственность и поливную воду, и весь оросительный комплекс. Кому нужна земля без воды? Она же теряет всякую ценность.

**Третье.** В нашем крае основные фонды формировались в виде основных средств водохозяйственного назначения, машинно-тракторного парка, животноводческих комплексов, больших массивов садово-виноградских хозяйств. Спрашивается, как и каким образом можно эти крупномасштабные основные средства производства разделить на куски и раздать единоличным хозяйствам?

**Четвертое.** ...Какие бы мы ни применяли методы в организации сельскохозяйственного производства, по какому бы пути ни шли, никогда не следует забывать об одной истине. Она заключается в том, что без благополучия дехкан нет и не будет процветания народа и края в целом...

В этой связи прежде всего необходимо перестроить механизм хозяйствования в колхозах и совхозах....

Мы должны заботиться о том, чтобы каждый человек в Узбекистане жил свободно, с гордо поднятой головой.

Решение стоящих перед нами больших и очень трудных задач, преодоление проблем и испытаний – все это связано с возрожде-

нием достоинства и национальной гордости нашего народа.

...Если Узбекистан решил идти по пути самостоятельности, все свои внутренние вопросы он должен решать сам. Судьбу народа пусть определит избранный им Верховный Совет, а вину преступивших закон граждан Узбекистана – Верховный суд республики....

*Выступление на курултае  
работников сельского хозяйства республики,  
«Народное слово», 27 марта 1991 года.*

### **Я УВЕРЕН, ЧТО УЗБЕКИСТАН СТАНЕТ РАВНОПРАВНЫМ ЧЛЕНОМ ОРГАНИЗАЦИИ ОБЪЕДИНЕННЫХ НАЦИЙ**

...Все богатства республики – под землей и на земле – должны быть использованы для блага нашего народа, в интересах всех людей, кто проживает в Узбекистане. С зарубежными странами мы будем вести непосредственные контакты, устанавливать свои отношения с ними.

Я уверен, что наступит и такой день, когда в качестве равноправного и суверенного государства Узбекистан будет членом ООН. Это является нашим законным правом, это – требование времени, основанное на международных законах, желание многонационального узбекского народа, всех граждан, живущих в республике.

В Союз суверенных государств Узбекистан может войти только в качестве равноправного государства. Иного пути нет, любой другой путь наш народ отвергнет.

*Выступление на пятой сессии  
Верховного Совета Узбекской ССР,  
«Народное слово», 15 июня 1991 года.*

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ**

### **«ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИ- СИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ КУЧГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Тошкент ш., 1991 йил 14 июнь, 290-ХII-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

2. Белгилаб кўйилсинки, республикада рўйхатдан ўтган ва ишлаб турган диний ташкилотларнинг уставлари (низомлари) улар ҳуқуқий шахс ҳуқуқини олишлари учун 1992 йил 1 январга қадар қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олиниши керак. Илгари рўйхатдан ўтмаган, янги тузилаётган, ўзларининг динга мансубликларини ўзгартираётган диний ташкилотлар ўз уставлари (низомлари)ни қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олиш ҳамда ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлиш учун 1992 йил 1 январдан эътиборан тақдим этадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси шу йил охиригача:

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига Ўзбекистон Республикаси қонунларини «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш ҳақида, шунингдек уни бузганлик учун жавобгарлик белгилаш тўғрисида таклифлар киритсин; Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиради

4. Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари маҳаллий Советлари «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини бажаришни таъминлаш учун зарур чоралар кўрсин.

#### **Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси,  
1991 й., 8-сон, 187-модда, 11-сон, 273-модда.*

#### **ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

#### **РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ДОН (БУҒДОЙ) БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

г. Ташкент, 20 июня 1991 г., № 165.

*Ҳужжат матни рус тилида берилган.*

Во исполнение Указа Президента Узбекской ССР о дополнительных мерах по обеспечению сельского населения республики продовольственным зерном (пшеницей) Кабинета Министров постановляет:

1. Совету Министров Каракалпакской АССР, облисполкомам:

в месячный срок определить по каждому хозяйству потребность зерна для реализации населению и возможные объемы перераспределения между районами и областями;

обеспечить реализацию по закупочным ценам колхозами и госхозами излишков зерна (пшеницы) из урожая 1991 года из расчета не менее 100 кг на каждую сельскую семью, включая пенсионеров, врачей, учителей и другие категории населения, сверх натуроплаты на уборке зерноколосовых.

2. Совету Министров Каракалпакской АССР, облисполкомам и райисполкомам организовать перераспределение излишков зерна (пшеницы) в колхозах и госхозах между районами и хозяйствами.

Кашкадарьинскому и Джизакскому облисполкомам обеспечить закупку излишков пшеницы и ее поставку в Каракалпакскую АССР, Бухарскую, Ферганскую и Хорезмскую области и объемах согласно приложению.

3. В целях стимулирования производства зерноколосовых в личных подсобных хозяйствах Узбекбрышу организовать по представлению советов владельцев личных подсобных хозяйств при поселковых, кишлачных и аульных Советах встречную продажу товаров повышенного спроса лицам, обеспечившим получение 500 кг зерна и более на приусадебном участке.

4. Министерству сельского хозяйства УзССР, Министерству сельского хозяйства Каракалпакской АССР, облагопромусоюзам, Ассоциации владельцев личных подсобных хозяйств и их органам на местах оказывать необходимую помощь гражданам, изъявившим желание выращивать пшеницу на приусадебных участках, в приобретении сортовых семян и минеральных удобрений.

**Вице-Президент Узбекской ССР**

*<http://www.lex.uz/index.aspx>*

**ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ  
ДИНИЙ БАЙРАМ «ҚУРБОН ҲАЙИТ»НИ ДАМ ОЛИШ  
КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ҲАҚИДА**

Тошкент ш., 1991 йил 20 июнь, ПФ-221-сон.

Мусулмонларнинг кўплаб истак ва хошишларини қондириш ва Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармасининг мурожаатини эътиборга олиб ҳамда фуқаролар ҳамжихатлиги ва меҳр-оқибатини юксалтириш мақсадида «Қурбон ҳайит» («Ийд ал-адҳа»)ни бу йил



22 июнь куни ва кейинги йилларда эса «Қурбон ҳайит»нинг биринчи куни дам олиш куни деб тайинлансин.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг  
Президенти И. КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси,  
1991 й., 7-сон, 139-модда.*

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК  
ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
Ф А Р М О Н И



У К А З  
ПРЕЗИДЕНТА УЗБЕКСКОЙ СОВЕТСКОЙ  
СОЦИАЛИСТИЧЕСКОЙ РЕСПУБЛИКИ

**Данияй Байрам «Қурбон Ҳайит»ни дам олиш куни деб эълон  
килиш ҳақида**

Мусулмонларнинг куплаб хоҳиш ва истаklarини қондириш ва Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармасининг мурожаатини эътиборга олиб ҳақида фуқаролар ҳамжихатлиги ва меҳр оқибатини юксалтириш мақсадида "Қурбон Ҳайити" "Ийд ал-адҳа" ни бу йил 22 июнь куни ва кейинги йилларда эса "Қурбон ҳайит"нинг биринчи куни дам олиш куни деб тайинлансин.

Ўзбекистон Совет Социалистик  
Жумҳурияти Президенти

И. Каримов

Тошкент шаҳри,  
1991 йил 20 июнь

## **В ИНДИЮ С ЛЮБОВЬЮ**

**Ответы на вопросы корреспондента газеты «Тайме оф  
Индия»**

**– Каковы планы участия Узбекистана в обновленном  
Союзе?**

– Достаточно продолжительное время в стране идет подготовка к подписанию Союзного договора, и в том документе, который уже готов к подписанию – имеется в виду договор суверенных советских республик, – мы занимаем принципиальную позицию, основанную на фактическом признании суверенитета республики. В новом договоре, на мой взгляд, найден разумный баланс. Наряду с тем, что республики делегируют Союзу, нам даются конкретные гарантии: в частности, мы будем самостоятельно выходить на меж-

дународный рынок, решать вопросы лицензирования и т. д., мы можем строить свои международные связи с теми партнерами, с которыми нам выгодно эти связи устанавливать. Подписав этот договор, мы сможем поднять уровень жизни населения, реализуя свои намеченные планы. Только консолидация на позитивной программе может вывести нас из кризиса...

**—Что Вы можете сказать о перспективах внешнеэкономических и внешнеполитических связей Узбекистана?**

— ...При всей сложности социально-экономической жизни страны, в том числе и нашей республики, мы выработали систему социальной защиты различных слоев населения и наполнили ее конкретным содержанием. У нас, кстати, сохранен достигнутый в прежние годы уровень промышленного и сельскохозяйственного производства, создана государственно-правовая база для экономических и политических преобразований. В частности, наш парламент принял ряд основополагающих законов, регулирующих внешне-экономическую деятельность и дающих гарантии иностранным инвестициям. Правительством утвержден целый пакет нормативных актов, предусматривающих экономическую свободу предпринимательства, а также широкие льготы для тех, кто намерен создавать у нас совместные предприятия и заниматься инвестиционной и посреднической деятельностью. Хочу подчеркнуть: у нас получили признание и развитие все формы собственности.

**—Если можно, несколько слов об отношениях Узбекистана с Индией.**

— Узбекистан с Индией связывают традиционные исторические связи. Уверен: то, что мы имеем сегодня в отношениях с этой страной, не отвечает возможностям, которыми мы располагаем. Перспективы сотрудничества Узбекистана с Индией большие, настолько, что мы их пока не можем представить зримо, в полном объеме. Надеюсь, что предстоящий официальный визит делегации Узбекистана в Индию послужит толчком для бурного экономического и политического сотрудничества...

*«Народное слово», 16 августа 1991 года.*

**ОБРАЩЕНИЕ ПРЕЗИДЕНТА УЗБЕКСКОЙ СОВЕТСКОЙ  
СОЦИАЛИСТИЧЕСКОЙ РЕСПУБЛИКИ ИСЛАМА КАРИМОВА К  
НАСЕЛЕНИЮ РЕСПУБЛИКИ В СВЯЗИ С АВГУСТОВСКИМ  
ПУТЧЕМ**

...Нам нужны мир и спокойствие. Мы – сторонники того, чтобы каждая семья жила в мире и согласии. И мы поддерживаем поли-тику, которая стремится к этому и обеспечивает это.

Я еще раз обращаюсь к вам. В этот тяжелый час испытаний наш народ должен со всей стойкостью и терпением, спокойно и сдержанно сплотиться для того, чтобы сохранить мир. Нужно действовать сообща. Нужно не отступать от избранного пути, не прислушиваясь к тем, кто нарушает мир и покой, преследует корыстные цели...

*«Народное слово»,  
21 августа 1991 года.*

**ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

**1991 йил 21 август воқеалари бўйича...**

Тошкент ш., 1991 йил 21 август, ПФ–236-сон

Мамлакатда юзага келган ижтимоий-сиёсий вазиятда ва СССРда Фавкулотда ҳолат давлат комитети тузиш тўғрисидаги қарорга кўра, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар раҳбарлари иштирокида 1991 йил 20 августда бўлган қўшма мажлисининг Баёнотига мувофиқ, шунингдек, ижроия, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда бошқа ҳокимият ва бошқарув органларининг ишларида зиддиятларга йўл қўймаслик мақсадида қуйидагилар белгилаб қўйилсин :

1. Ўзбекистон ССР ҳудудида ҳокимият ва бошқарув идоралари, корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг қабул қилган барча қарорлари ва уларнинг ижроси СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларига ҳамда қонунларига, Ўзбекистон ССР Президентининг фармонларига, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши билан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишларига сўзсиз мос келиши керак.

2. СССРда Фавкулотда ҳолат давлат комитетининг СССР Конституцияси ҳамда қонунларига, Ўзбекистон ССР Конституцияси

хамда конунларига зид келадиган фармонлари ва қарорлари ҳақиқий эмас, деб ҳисоблансин.

Мазкур Фармон имзоланган вақтдан бошлаб қучга қиради.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг  
Президенти И. КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси,  
1991 й., 10-сон, 217-модда.*

### **УКАЗ ПРЕЗИДЕНТА УЗБЕКСКОЙ СОВЕТСКОЙ СОЦИАЛИСТИЧЕСКОЙ РЕСПУБЛИКИ**

Учитывая сложившееся положение в стране и в целях защиты интересов республики:

**1. Взять под юрисдикцию Узбекской ССР МВД и Комитет государственной безопасности республики.**

2. Руководителям указанных ведомств в двухнедельный срок пересмотреть статус и положение органов МВД и КГБ, имея в виду в первую очередь защиту безопасности, интересов республики и ее граждан.

**3. Подчинить внутренние войска МВД СССР, дислоцируемые на территории республики, непосредственно Президенту Узбекской ССР.**

4. Предложить Президиуму Верховного Совета Узбекской ССР в кратчайший срок подготовить проект Закона о государственной независимости республики и внести его на рассмотрение внеочередной сессии Верховного Совета Узбекской ССР.

5. Провести департизацию МВД, КГБ, Прокуратуры и органов юстиции Узбекской ССР, а также внутренних войск, частей и соединений ТуркВО, дислоцируемых на территории республики.

Установить, что отныне не допускается создание новых организационных структур политических партий и движений в вышеуказанных органах и учреждениях.

6. Руководителям указанных ведомств совместно с органами государственной власти и управления

принять все меры по трудоустройству лиц, высвобождаемых в связи с данным Указом.

Настоящий Указ вводится в действие с момента его подписания.

*Президент Узбекской Советской Социалистической  
Республики И. КАРИМОВ*

*«Народное слово», г. Ташкент 25 августа 1991 года.*

**ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ  
КПССНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХУДУДИДА МУЛКИ  
ТЎҒРИСИДА**

Тошкент ш., 1991 йил 29 август, ПФ-239-сон.

Республика меҳнаткашларининг кўпдан-кўп истак ва талабларини, жамиятда содир бўлаётган янада демократиялаш жараёнларини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССРнинг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларациясига ва СССР Президентининг « Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг мулки тўғрисида» 1991 йил 24 августдаги Фармонига амал қилиб:

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Ўзбекистон ССР худудидаги бутун мулкни республика мулки, яъни умумхалқ мулки деб эълон қиламан.

2. Ўзбекистон ССР Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ва жойлардаги халқ депутатлари Советлари ушбу Фармонни рўёбга чиқариш борасида зарур ишларни амалга ошириб, республика мулки деб эълон қилинган қонунларга мувофиқ фойдаланишни таъминласинлар.

Мазкур Фармон имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти**  
**И.КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1991 й., 10-сон, 220-модда.*

**МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАВЛАТ СИЁСАТИ  
ИНСОНИЙЛИК ВА ЭЗГУЛИК ҚОНУНЛАРИГА АСОСЛАНАДИ**

... Ново-Огарево Иттифоқ шартномаси устида иш олиб борилаётган бир пайтда СССР Олий Кенгаши раҳбарларининг позицияси маълум бўлди. Улар ҳар хил сиёсий ниқоблар остида давлатни, марказий бошқарувни эски ҳолича сақлаб қолишга, иттифоқ шартномасини тайёрлаш ва имзолашда эса, иттифоқ Олий Кенгашига энг олий, яъни ҳал қилувчи ҳуқуқлар берилишига ҳаракат қилишди.

Биз эса Иттифоқни фақат унинг таркибига кирувчи давлатларнинг тўлиқ мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги билан янгилаш мумкин, деган фикрда қатъий турдик. Асосий келишмовчилик мана шундан иборат эди.

... Тўнтаришнинг дастлабки соатлари ва кунларидан Ўзбекистон ва унинг раҳбарияти ўз муносабатини қатъий маълум қилди: бизнинг ўз мақсадимиз ва ўз йўлимиз бор. Бу йўл– халқимизнинг

**мафаатларига мос йўлдор ва биз унга, нима бўлмасин, қатъий амал қиламиз.**

Мен бугун мазкур сессия иштирокчиларигагина эмас, бутун халқимизга ҳам мурожаат қилиб айтмоқчиман: **Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қачон, қандай иттифоқ бўлмасин, ким билан иттифоқ бўлмасин, қандай шароит бўлмасин, иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам қўймайди. Тенглар ичида тенг бўлиш – халқимизнинг асрий орзусидир.**

Шунинг учун биз ўз мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида янги қадамлар қўйишимиз шарт. Ўзбекистон давлат мустақиллиги декларацияси қабул қилиниши қаторида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитетининг республика қарамоғига ўтиши, СССР Ички ишлар вазирлигининг юртимиздаги кўшинлари республика Президентига бўйсун-дирилиши, ҳуқуқ-тартибот органларида, Ички ишлар вазирлигининг ҳамда Туркистон ҳарбий округининг Ўзбекистонда жойлашган кўшинларида партия ташкилотларининг тугатилиши ана шундай биринчи қадамлардир.

Биз билан самимий дўстлик алоқаларини, тенг ва ўзаро фойдали ҳамкорликни ўрнатмоқчи бўлган барча кишилар бу тадбир-ларимизни тўғри тушунишини хоҳлайман.

Мана шу шароитга, сабабларга асосланиб, халқимиз хоҳиш-иродасини бажо келтириб, Олий Кенгаш диққатига фақат бир масалани қўймоқчиман: Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақидаги қонунни муҳокама этиш ва уни қабул қилишни таклиф этаман.

Бу қонунда қадимий ва янгиланаётган диёримизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиш-иродаси биз учун муқаддасдир.

Сўзимнинг охирида Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан унинг худудида яшовчи бирон-бир фуқаронинг миллатига қараб камситилишига йўл қўйилмаслигини яна бир қарра ишонтириб айтишни ўзимнинг Президентлик бурчим деб биламан. Республикамизда истиқомат қилувчи барча миллат вакилларининг конституциявий ҳуқуқларини муҳофаза этиш, уларнинг маданияти, миллий урф-одатлари ривожланишига, она тилида сўзлашиши ва ўқишига барча шароитларни яратиш учун бор имкониятлар ишга солинади.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати – инсонийлик эзгулик қонунларига асосланади ҳамда фуқаролар осойишталиги ва миллий муроса сиёсати бўлиб қолади.

**...Мен шу бугундан эътиборан 1 сентябрни республика-  
мизда Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон  
қилишни таклиф этаман...**

*Ўн иккинчи чақуриқ Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгашининг навбатдан ташқари  
Олтинчи сессиясида сўзлаган нутқи,  
«Халқ сўзи», 31 август 1991 йил.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚАСАМЎДИНИНГ

### М А Т Н И

"Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини баъаринга  
киришар эканман республикамиз халқларига садоқат билан хизмат  
қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қафолат беришга,  
Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий риоя этишга,  
зишаманга юкланган юксак вазифаларни виждонан баъаринга тантанали  
қасамёд қиламан".

Ўз Р. МДА, М-69 О 1 Д 168

## НА КАРТЕ МИРА ПОЯВИЛОСЬ НОВОЕ ГОСУДАРСТВО – РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

...Все мы знали, что даст нам независимость. Мы получили возможность самим решать свою судьбу, будущее своих детей. Мы становимся хозяевами своей земли, наших богатств, за короткое время ощутили преимущества независимости.

Независимость позволила нам выйти на мировую арену. Открылись границы, которые были закрыты почти сто лет. Мы встретились с нашими соотечественниками – узбеками, проживающими за рубежом. Мировая общественность признала Узбекистан, нашу Родину.

Теперь на карте мира появилось новое государство – Республика Узбекистан...

*Выступление И.А. Каримова  
на внеочередной девятой сессии Верховного Совета  
Республики Узбекистан, января 1992 года.  
«Народное слово», 5 января 1992 года.*

Бўлажак мустақил давлатлар... эркин, мустақил ва тенг ҳуқуқли бўлиб қолишлари, ўзларининг миллий давлат тузиш, ташқи бозорга чиқиш, ўзи маъқул топган барча мамлакатлар билан халқаро муносабат ўрнатиш, дипломатик ва консуллик алоқалари масалаларини мустақил ҳал этишлари керак. Яна таъкидлаб айтаман, бу ҳеч кимнинг буйруғисиз ва аралашувисиз мустақил амалга оширилиши керак. Мана шу шароитга, сабабларга асосланиб, халқимиз хоҳиш-иродасини бажо келтириб, Олий Кенгаш диққатига фақат бир масалани қўймоқчиман: Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақидаги қонунни муҳокама этиш ва уни қабул қилишни таклиф этаман. Бу қонунда қадимий ва янгиланаётган диёримизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиш-иродаси биз учун муқаддасдир.

*Ўзбекистон Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари сессияси, 1991 йил 31 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг наشري. Хабарнома, 1992, 3-сон, - Б. 9.*



## 2 БОБ. МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК АСОСЛАРАНИНИНГ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ 1991 – 2000 ЙИЛЛАР

**Иккинчи босқич: 1991 – 2000 йиллар.** Бу биринчи навбатда миллий давлатчилик асослари ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини юзага келтиришга қаратилган ўтиш даврининг дастлабки ислохотлар босқичидир.

Бу босқичда аҳоли онгини ва ёшлар дунёқарашини сезиларли даражада ўзгартирган **миллий истиқлол гояси** яратилди. Бунинг таъсирида ҳаётга демократик қадриятларни мустақамлаш, мамлакатни жаҳон ҳамжамиятига интеграциясиз тасаввур қила олмайдиган янги авлод вакиллари кириб кела бошлади. Бу эса мамлакатда туб сиёсий, иқтисодий, маънавий руҳий ўзгаришларни босқичма босқич ўсиб боришига хизмат қилди.

«Шок терапияси» номини олган ўтиш моделидан мутлақо фарқ қилувчи «ўзбек модели»нинг ҳаётга жорий этилиши натижа-сида миллий давлатчилик асосларини юзага келтиришга қаратил-ган ҳуқуқий база яратилди. Демократик анъаналар асосида янги давлат бошқарув тизими – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ташкил этилди ҳамда фуқаролик жамияти асослари яратилди, эркин бозор иқтисодиётига ўтила бошланди. Мамлакат мустақиллигини мустақамлаш, миллий урф одатлар, анъана ва қадриятларни сақлаш ҳамда тараққий эттириш масалалари бу янги жамиятнинг асосий шартлари сифатида намоён бўлди.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик декларациясига ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғриси-даги Баёнотга асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши ушбу Қонунни қабул қилади.

#### **1-модда.**

Ўзбекистон Республикаси, ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил, демократик давлатдир.

#### **2-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан бир соҳибидир, у ўз

ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади.

### **3-модда.**

Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди.

### **4-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмас бўлиб, унинг халқи ўз хошиш иродасини эркин билдирмасдан туриб ўзгартирилиши мумкин эмас.

### **5-модда.**

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон Республикаси давлат идораларнинг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади.

### **6-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Суверен Ўзбекистон Республикаси ҳудудида СССР Қуролли Кучларини шакллантириш ва уларга раҳбарлик қилиш масалаларида ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

### **7-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг моддий асоси унинг мулкидир.

Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, республиканинг маънавий бойликлари Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулки ҳисобланади.

### **8-модда.**

Давлат мулки объектлари, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг, шу жумладан Иттифок қарамоғида бўлиб келган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол мулки, уларнинг асосий ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва оборот ёки бошқа фондлари ҳамда ўзга мол мулки, ички коммуникация, транспорт, алоқа ва энергетика тизимлари,

республика картографияси ва геодезияси Ўзбекистон Республикасининг мулкидир.

**9-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш республика қонунларига мувофиқ амалга оширилади. Республика ҳудудида жойлашган, Иттифок қарамоғида бўлиб келган давлат корхоналарини акцияли жамиятларга айлантириш, уларни мулкнинг бошқа шакллариغا ўтказиш фақат Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган шартлар асосида ва тартибда амалга оширилади.

**10-модда.**

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида олтин, бошқа қимматбаҳо металллар ва тошларни қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлашни мустақил амалга оширади ҳамда назорат қилади, ўз олтин захирасини яратади.

Ўзбекистон Республикаси олтин захирасида, олмос ва валюта жамғармаларида ўз улушига эга.

**11-модда.**

Ўзбекистон Республикаси ўз пул бирлиги – миллий валютасини жорий этишга, жами пул обороти, пул ва бошқа давлат қимматли қоғозлари эмиссияси ҳажмларини мустақил белгилашга ҳақли.

**12-модда.**

Ўзбекистон Республикаси мустақил молия ва кредит сиёсатини амалга оширади. Республика ҳудудида олинadиган солиқлар вайиғимлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва маҳаллий бюджетларга тушади.

**13-модда.**

Ўзбекистон Республикаси чет давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо алоқалари ва бошқа алоқалар ўрнатади, улар билан мухтор вакиллар айирбошлайди, халқаро шартномалар тузади, халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиши мумкин.

**14-модда.**

Ўзбекистон Республикаси халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил субликти бўлиб, чет эл инвестицияларини амалга ошириш шартларини, инвесторларнинг ҳуқуқларини белгилайди, ўзининг конверсия қилинадиган валюта жамғармасини яратади, олтин ва бошқа захираларини, айирбошладиган валютани сотади ва сотиб олади.

### **15-модда.**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги жорий этилади.

Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллатидан, элатидан, ижтимоий чиқишидан, қайси динга мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар, бир хил фуқаролик ҳуқуқларига эгадирлар, республика Конституцияси ҳамда унинг қонунлари ҳимоясида бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари республикадан ташқарида ҳам Ўзбекистон Республикасининг ҳимоясида бўладилар.

### **16-модда.**

Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йўлини, ўз номини аниқлайди, ўз давлат рамзларини: герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади, ўз давлат тилини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддасдир ва уларни ҳар қандай таҳқирлаш қонун билан жазоланади.

### **17-модда.**

Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудий бутунлигини ва мустақиллигини эътироф этади. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар тенг ҳуқуқлилик асосида, улар ўртасидаги икки томонлама шартномалар ва битимлар воситасида қурилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан тегишли қонунлар асосида эркин чиқиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

### **Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1991 й., 11сон, 246 модда.*



О созыве внеочередной девятой сессии  
Верховного Совета Республики Узбекистан

Президиум Верховного Совета Республики Узбекистан  
п о с т а н о в л я е т :

I. Созвать внеочередную девятую сессию Верховного Совета Республики Узбекистан двенадцатого созыва 4 января 1992 года в городе Ташкенте.

II. Внести на обсуждение внеочередной девятой сессии Верховного Совета Республики Узбекистан следующие вопросы:

I. Доклад Мандатной комиссии Верховного Совета Республики Узбекистан.

Вносит Мандатная комиссия

2. Доклад Центральной избирательной комиссии об итогах выборов Президента Республики Узбекистан и референдума о государственной независимости Республики Узбекистан.

Вносит Центральная избирательная комиссия


3. О ратификации Соглашения и Протокола о создании Содружества независимых государств.

Вносит Президент Республики Узбекистан

4. О ратификации Договора "Об основах и целях связей между Республикой Узбекистан и Турецкой Республикой" и одобрении Соглашения между Республикой Узбекистан и Турецкой Республикой в области экономики и торговли.

Вносит Президент Республики Узбекистан

Ўз Р МДА, Ўз Р Олий Кенгаши архиви материаллари, М-69 О 1 Д  
168, Б. 12.



*Ўз Р МДА, Ўз Р Олий Кенгаши архиви материаллари, М-69 О 1 Д 168, л. 60.*

## **ИНФОРМАЦИОННОЕ СООБЩЕНИЕ О ВНЕОЧЕРЕДНОЙ IX СЕССИИ ВЕРХОВНОГО СОВЕТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

4 января 1992 года в Ташкенте открылась внеочередная девятая сессия Верховного Совета Республики Узбекистан.

...состоялся торжественный акт вступления И.А. Каримова в должность Президента Республики Узбекистан.

Вступая на пост Президента Республики Узбекистан, он торжественно поклялся верно служить народам Узбекистана, гарантировать права и свободы граждан, добросовестно выполнять возложенные обязанности.

И.А. Каримов выступил на Верховном Совете с речью.

По программному выступлению Президента И.А. Каримова Верховным Советом принято постановление.

С докладом о Соглашении и Протоколе о создании Содружества Независимых Государств, а также о Договоре об основах и целях связей между Республикой Узбекистан и Турецкой Республикой, Соглашении между ними в области экономики и торговли выступил Президент Республики Узбекистан ИА. Каримов.

Верховный Совет ратифицировал эти документы.

Парламент республики признал государственную независимость Азербайджанской Республики, Республики Армения, Республики Беларусь, Республики Казахстан, Республики Кыргызстан, Республики Молдова, Российской Федерации, Республики Таджикистан, Туркмении и Украины.

Депутаты приняли Обращение Верховного Совета к главам государств и парламентам стран, признавшим государственную независимость Республики Узбекистан.

На сессии внесены изменения и дополнения в Конституцию республики. Согласно принятому закону должности вице-президента Республики Узбекистан упраздняется и вводится должность премьер-министра. Кабинет министров при Президенте Республики Узбекистан наделяется правом законодательной инициативы.

Принят Закон о реорганизации местных органов власти республики.

Верховный Совет принял Закон о чрезвычайном бюджете Республики Узбекистан на первый квартал 1992 года.

На сессии отменено постановление Верховного Совета «О кандидатурах народных депутатов СССР и народных депутатов Республики Узбекистан, делегируемых в составы палат Верховного Совета СССР от Республики Узбекистан» и принято Постановление о прекращении полномочий народных депутатов СССР, избранных от Республики Узбекистан.

*«Народное слово»,  
5 января 1992 года.*

“Ахборотнома” да эълон қилинади

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
O‘LIMY KENGAШИНИНГ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
ВЕРХОВНОГО СОВЕТА РЕСПУБЛИКИ  
ЎЗБЕКИСТАН

ҚАРОРИ

“Ўзбекистон Республикасининг Вице-Президенти лавазимини тугатиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бosh Вазир лавазимини тасъис этиш ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси /Ассойи Қснуни/га узгартишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзбекистон Республикасининг Вице-Президенти лавазимини тугатиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бosh Вазир лавазимини тасъис этиш ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси /Ассойи Қснуни/га узгартишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қснунини матбуудда эълон қилинган пайтдан бoshлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қснунчилик, қснунийлик ва ҳуқуқ-таътибост масъалалари комитети амалдаги қснунларга мазкур Қснундан келиб чиқадиған узгартишларни киритиш ҳақида таклифлар тэйёрласин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгашининг Раиси

Ш.ИУДОНОВ.

Тошкент шаҳри,  
1992 йил “ 4 ” январь,  
№ 495-ХII.

Ўз Р МДА, Ўз Р Олий Кенгаши архиви материаллари, М-69 О 1 Д  
168, Б. 60.





# Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О И

1991 йил 26 сентябрь, № 139

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ҲАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустaqимлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига Республикасининг қалқаро алоқаларини дипломатик ҳўқуқини жийлтириш, таъминлаш вазифаси юклатилсин. Шу мақсадда Вазирлик ҳўқўқига қўйидагилар топширилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустaqимлиги асослари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ хорижий давлатлар билан дипломатик, консуллик, маъсодий, маданият ва бошқа тўл алоқаларни ўрнатил ва ривожлантириши ишларини фаоллаштириш;

Бир ой муддат ичиде Ўзбекистон Республикасининг давлат протоколи тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

шў илдинг IV қисми мобилинида СССР Ташқи ишлар вазирлигида хорижий мамлакатлардаги СССР элчихоналари ва бош консулликлариде Ўзбекистон Республикасининг дипломатик вакилликни таъминлаш учун республикага ўрин ажратили билан боғлиқ масалаларни ишлаб чиқиш;

2

*«Қатагон қўрбонлари хотираси» музейи материаларидан*



# Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

1991 йил 30 декабрь, № 316

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БАЙРОҒИНИ ТАЙЁРЛАШ, САҚЛАШ ВА ЙЎҚ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ҳақида» қарорини амалда жорий этиш тўғрисида» 1991 йил 18 ноябрдаги қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Илова қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини тайёрлаш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР Давлат байроғи тўғрисида»ги Низомни қўлланиш юзасидан Инструкцияни тасдиқлаш тўғрисида» 1974 йил 14 октябрдаги 475-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1974 й., 10-сон, 57-модда);

Ўзбекистон ССР Давлат байроғи тўғрисидаги Низомни қўлланиш юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1974 йил 14 октябрдаги 475-сон қарори билан тасдиқланган Инструкцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1978 йил 11 июлдаги 384-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1978 й., 7-сон, 27-модда);

23

*Ўз Р МДА, Ўз Р Олий Кенгаши архиви материаллари, М-69 О  
1 Д 168.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИДАН

### **1-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг схематик ва рангли тасвири тасдиқлансин.

### **2-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзидир.

### **3-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади.

### **4-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи – байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг узунлиги 250 сантиметрга, кенлиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларнинг кенлиги бир хил. Ҳар бир эн 40 сантиметрга тенгдир. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидан кенлиги 2,5 сантиметрга тенг қизил хошиялар ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг юз томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Оқ рангли янги ой ва ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдузнинг тасвири мовий рангли юқори эннинг ўртасидан 75x30 сантиметрга тенг тўғри тўртбурчакка сиғадиган қилиб жойлаштирилган.

Оқ рангли янги ой вертикал ҳолатда дўнг томони дастага қаратилган, дастадан 20 сантиметр масофада жойлаштирилган бўлиб, диаметри 30 сантиметрли доирага сиғади.

Ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдуз диаметри 6 сантиметрли доирага сиғади. Доиралар орасидаги масофа 6 сантиметр. Юлдузлар узунасига ва тиккасига қуйидаги тартибда жойлашади: юқори қаторда учта, ўрта қаторда тўртта ва қуйи қаторда бешта юлдуз. Қуйи қатордаги юлдузлар янги ойнинг пастки учидан 3,5 сантиметр масофада жойлашади.


### 5-модда.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.


### Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1992 й., 1сон, 27модда.*

#### Олд томони



#### Орқа томони



Ўз Р МДА, ЎЗР Олий кенгашит архиви материаллари, М-69 О 1 Д 168.

**Сайлов тизими.** Ўзбекистонда демократик жамиятга ҳос сайлов тизими барпо этилишида халқаро ҳуқуқ андозалари ва талабларига, илғор чет эл тажрибасига мос сайлов қонунчилиги яратилиши муҳим аҳамият касб этди.

Дастлаб сайлов тизимини йўлга қўйиш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида» ва «Ўзбекистон

*Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» (1991 йил 18 ноябрь) Қонунлари қабул қилинди. Сайловлар ҳақида, сайлов ўтказиш тартиблари тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилинди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (1993 йил 28 декабрь), «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги (1994 йил 5 май) ва «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги (1994 йил 5 май) Қонунлар шулар жумласидандир.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING  
КЎМИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Тошкент ш., 1995 йил 23 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйидаги кўмиталари ташкил этилсин:

Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси

Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш кўмитаси

Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари кўмитаси

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси

Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш кўмитаси

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат кўмитаси

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўмитаси

Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси

Қурилиш ва уй жой-коммунал хўжалиги кўмитаси

Матбуот ва ахборот кўмитаси

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси

2. Депутатларнинг касб-кор қизиқишларини, уларнинг ишлаб чиқаришга оид ва ҳаётий тажрибасини, эркин изҳор этилган майл-истагини инобатга олиб кўмиталар таркибини шакллантириш ҳамда ушбу масалани Олий Мажлисининг иккинчи сессияси тасдиғига киритиш вазифаси Олий Мажлис Кенгаши зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1995 й., 4-сон, 19-модда.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ  
ҚАРОРИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ  
ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Тошкент ш., 1995 йил 24 февраль, 25-1-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи бўйича 1995 йил 26 март, якшанба куни Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказилсин.

2. Референдумда овоз бериш бюллетенларига қуйидаги мазмундаги савол киритилсин: «Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилишига розимисиз?»

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*

*Ахборотномас и, 1995 й., 4-сон, 32-модда.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
КОНСТИТУЦИЯСИ МУҚАДДИМА**

Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,  
ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда,

ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,  
демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,  
халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,  
фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,

ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади.

## **БИРИНЧИ БЎЛИМ. АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР**

### **I боб. Давлат суверенитети**

#### **1-модда.**

Ўзбекистон – суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади.

#### **2-модда.**

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

#### **3-модда.**

Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий давлат ва маъмурий ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

#### **4-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

#### **5-модда.**

Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

#### **6-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг пойтахти – Тошкент шаҳри.

### **II боб. Халқ ҳокимиятчилиги**

#### **7-модда.**

Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

**8-модда.**

Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.

**9-модда.**

Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) кўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонунбилан белгиланади.

**10-модда.**

Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

**11-модда.**

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципларга асосланади.

**12-модда.**

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

**13-модда.**

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.



#### **14-модда.**

Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

### **III боб. Конституция ва қонуннинг устунлиги**

#### **15-модда.**

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

#### **16-модда.**

Мазкур Конституциянинг бирорта қондаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

### **IV боб. Ташқи сиёсат**

#### **17-модда.**

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

## **ИККИНЧИ БЎЛИМ. ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ХУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ**

### **V боб. Умумий қондалар**

#### **18-модда.**

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этникоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

#### **19-модда.**

Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

#### **20-модда.**

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

### **VI боб. Фуқаролик**

#### **21-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айна вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади.

#### **22-модда.**

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

#### **23-модда.**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон

Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

## **VII боб. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар**

### **24-модда.**

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

### **25-модда.**

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олинishi ёки қамокда сақланиши мумкин эмас.

### **26-модда.**

Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

### **27-модда.**

Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

### **28-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

### **29-модда.**

Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган

ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

### **30-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

### **31-модда.**

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

## **VIII боб. Сиёсий ҳуқуқлар**

### **32-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва тақомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади.

### **33-модда.**

Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намоишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

### **34-модда.**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

### **35-модда.**

Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

## **IX боб. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар**

### **36-модда.**

Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

### **37-модда.**

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

### **38-модда.**

Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

### **39-модда.**

Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

### **40-модда.**

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

**41-модда.**

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мақтаб ишлари давлат назоратидадир.

**42-модда.**

Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

**X боб. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари**

**43-модда.**

Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

**44-модда.**

Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

**45-модда.**

Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

**46-модда.**

Хотин қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлидирлар.

**XI боб. Фуқароларнинг бурчлари**

**47-модда.**

Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.

**48-модда.**

Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва кадр қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

**49-модда.**

Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

**50-модда.**

Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

### **51-модда.**

Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

### **52-модда.**

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

## **УЧИНЧИ БЎЛИМ. ЖАМИЯТ ВА ШАХС**

### **XII боб. Жамиятнинг иқтисодий негизлари**

#### **53-модда.**

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

#### **54-модда.**

Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

#### **55-модда.**

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

### **XIII боб. Жамоат бирлашмалари**

#### **56-модда.**

Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

### **57-модда.**

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига таъжовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

### **58-модда.**

Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

### **59-модда.**

Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий–иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

### **60-модда.**

Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар.

### **61-модда.**

Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

### **62-модда.**

Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар



фаолиятини тақиклаб ёки чеклаб қўйиш факат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

#### **XIV боб. Оила**

##### **63-модда.**

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

##### **64-модда.**

Ота оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқи-тишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

##### **65-модда.**

Фарзандлар ота оналарнинг насл насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

##### **66-модда.**

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота–оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

#### **XV боб. Оммавий ахборот воситалари**

##### **67-модда.**

Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди.

### **ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ. МАЪМУРИЙ–ХУДУДИЙ ВА ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ**

#### **XVI боб. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши**

##### **68-модда.**

Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

##### **69-модда.**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек вилоятлар, шаҳарлар,

туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.

## **XVII боб. Қорақалпоғистон Республикаси**

### **70-модда.**

Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради.

Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади.

### **71-модда.**

Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга.

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас.

### **72-модда.**

Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир.

### **73-модда.**

Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади.

### **74-модда.**

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон Республикаси халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга.

### **75-модда.**

Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар муросага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал этилади.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

### XVIII боб. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

#### 76-модда.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан – Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати – беш йил.

#### 77-модда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сайлов кuni йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас.

#### **78-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини, қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- 3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;
- 5) Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;
- 7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;
- 8) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;
- 9) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;
- 10) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;
- 11) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;
- 12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;
- 13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат кўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси-ни тузиш;

*Олдинги тахрирга қаранг.*

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш;

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботи-ни кўриб чиқиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;

21) парламент назоратини ва ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатида кўриб чиқилади.

#### **79-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мутлақ ваколатларига:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

3) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

4) сиёсий, ижтимоий иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

#### **80-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатларига:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раисини ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судини сайлаш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш;

10) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш;

11) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш;

13) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

14) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш қиради.

### **81-модда.**

Ваколат муддати тугагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тегишинча янги қақриқ Қонунчилик палатаси ва Сенати иш бошлагунига қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлислари тегишинча Қонунчилик палатасига сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай ва Сенат таркиб топганидан кейин бир ойдан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан қақрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мажлислари сессиялар даврида ўтказилади. Сессиялар, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охириг иш кунига қадар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мажлислари заруратга қараб, лекин йилига қаида уч марта ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари, агар улар ишида барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг қаида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Конституциявий қонунларни қабул қилишда барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг қаида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида, шунингдек уларнинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди раислари, Бош прокурори, Марказий банки Бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва унинг органлари мажлисларида Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва унинг органлари мажлисларида Қонунчилик палатаси Спикери иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати алоҳида алоҳида мажлис ўтказадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

### **82-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ўз ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарорлари Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчиликлари овози билан қабул қилинади, ушбу Конституцияда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **83-модда.**

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий



Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

#### **84-модда.**

Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилинган, юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенатига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати томонидан рад этилган қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

Қонунларнинг ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

### **85-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўз таркибидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери:

1) Қонунчилик палатасининг мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

2) Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

3) Қонунчилик палатаси қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Қонунчилик палатаси қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

5) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

6) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва ўзга

ташкilotлар билан ўзаро муносабатларда Қонунчилик палатаси номидан иш кўради;

7) Қонунчилик палатаси қарорларини имзолайди;

8) ушбу Конституция ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери фармойишлар чиқаради.

#### **86-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ўз таркибидан Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди. Сенат Раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси ва унинг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Сенат қарорларига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси:

1) Сенат мажлисларини чакиради, уларда раислик қилади;

2) Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

3) Сенат қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Сенат қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

5) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкilotлари иши билан боғлиқ Сенат гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

6) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкilotлар билан ўзаро муносабатларда Сенат номидан иш кўради;

7) Сенат қарорларини имзолайди;

8) ушбу Конституция ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси фармойишлар чиқаради.

#### **87-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан кўмиталарни сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига сенаторлар орасидан кўмиталарни сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, зарурат бўлган тақдирда, муайян вазифаларни бажариш учун депутатлар, сенаторлар орасидан комиссиялар тузади.

#### **88-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатларига ва Сенати аъзоларига уларнинг депутатлик ёки сенаторлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланади.

Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенатда доимий асосда ишловчи Сенат аъзолари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Улар тегишинча Қонунчилик палатаси ёки Сенатнинг розилигисиз жинойий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибда бериладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас.

## **XIX боб. Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

### **89-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.

### **90-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Айти бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

### **91-модда.**

Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас. Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.

### **92-модда.**

Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасамдани қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади:

«Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига қанолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамд қиламан».

### **93-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир;

2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора тадбирлар кўради;

3) мамлакат ичкарасида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

4) музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

5) ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрликларини қабул қилади;

6) Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

7) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга;

8) республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжихат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади;

9) Сенат Раиси лавозимига сайлаш учун номзодни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

10) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тақдим этади ҳамда уни истеъфога чиққанда, Бош вазирга нисбатан билдирилган ишончсизлик вотуми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан қабул қилинганда ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда лавозимидан озод қилади;

11) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимларидан озод қилади;

12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ҳисоб палатаси раисини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига Конституциявий суд раиси ва судьялари, Олий суд раиси ва судьялари, Олий хўжалик суди раиси ва судьялари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

14) вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади;

15) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қиммати-га доғ туширадиган хатти ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;

16) республика давлат бошқаруви органларининг ва ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини улар қонун ҳужжатлари нормаларига номувофиқ бўлган ҳолларда тўхтатади, бекор қилади; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли;

17) Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди ва эълон қилади; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли;

18) Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритади;

19) фавқулодда вазиятлар (реал ташқи ҳавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз

берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

20) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради;

21) Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини беради;

22) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади;

23) амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади;

24) Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик шу масалаларга доир фармонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади;

25) ушбу Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

#### **94-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

#### **95-модда.**

Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Ўзбекистон Респуб-



ликаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

#### **96-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади.

#### **97-модда.**

Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди.

### **XX боб. Вазирлар Маҳкамаси**

#### **98-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат кўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

#### **Вазирлар Маҳкамаси:**

1) самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул кредит сиёсати юритилиши, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгар бўлади;

2) фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора тадбирларни амалга оширади;

3) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, уларнинг фаолияти устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни таъминлайди;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди;

5) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий–иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади;

6) ушбу Конституция ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси конституциявий нормалар доирасида ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида жавобгардир.

Амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби шакллантирилгунига қадар мамлакат Президентининг қарорига мувофиқ ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири:

1) Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади;

2) Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди;

3) халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда

энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимиغا номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир лавозимиغا номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиляётганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

## **XXI боб. Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари**

### **99-модда.**

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

### **100-модда.**

Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;

ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йигимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

### **101-модда.**

Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадидлар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик маса-

лаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қуйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати – 5 йил.

### **102-модда.**

Вакилик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг ҳокимлари туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

### **103-модда.**

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яққа–бошчилик асосларида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади, улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилинади.

Ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доирасини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби қонун билан белгиланади.

### **104-модда.**

Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар,

бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.

#### **105-модда.**

Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни ( оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.

### **XXII боб. Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти**

#### **106-модда.**

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

#### **107-модда.**

Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва ҳўжалик судларидан иборат.

Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

#### **108-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Конституциявий суд сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан – Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидан иборат таркибда сайланади.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсундилар.

#### **109-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳуқуматнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

#### **110-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоятлар, шаҳарлар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

#### **111-модда.**

Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

#### **112-модда.**

Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон–бир тарзда аралashiшга йўл қўйилмайди ва бундай аралashiш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон бир фаолият турлари билан шугулланиши мумкин эмас.

Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

#### **113-модда.**

Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпик мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

#### **114-модда.**

Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

#### **115-модда.**

Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон



орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

#### **116-модда.**

Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

### **XXIII боб. Сайлов тизими**

#### **117-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида ўтказилади. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошқоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонунларга амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими бўйича комиссия мажлисида сайланади.

Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

## **XXIV боб. Прокуратура**

### **118-модда.**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

### **119-модда.**

Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Прокурори Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи томонидан тайинланади.

Вилоятларнинг прокурорлари, туман ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси Прокурорининг, вилоят, туман ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати – беш йил.

#### **120-модда.**

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар.

Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.

Прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

#### **121-модда.**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор–қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши таъқиқланади.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин.

### **XXV боб. Молия ва кредит**

#### **122-модда.**

Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул–кредит тизимига эга Ўзбекистоннинг Давлат бюджети Республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат.

#### **123-модда.**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли.

### **124-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини республика Марказий банки бошқаради.

### **XXVI боб. Мудофаа ва хавфсизлик**

#### **125-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.

#### **126-модда.**

Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуролли кучларига эга.

### **ОЛТИНЧИ БЎЛИМ. КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ**

#### **127-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади.

#### **128-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин.

*«Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь.*

Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни ҳолисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт (41 б.)

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз а ҳолисининг с иёсий ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг я нада м утаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт–шароитларни юзага келтирмоқда ( 46–47 бб.).

Биз ҳаммамиз шуни аниқ англаб олишимиз зарурки, сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа қатор чора–тадбирлар ўз мазмун–моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради(53 б).

Ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш мақсади да « Судлар тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, шунингдек, бу даврда жиноят процессуал, фуқаролик процессуал қ онунчилигига тегишли ўзгартиш ва кўшимчалар киритил ди. Бу эса, ўз навбатида, суд тизимини ижро этув чи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берганини алоҳида таъкидлаш лозим ( 56 б.).

*Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.: «O'zbekiston», 2011. Т. 19.*

## **«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ТЎҒРИСИДА» ГИ ҚОНУНДАН**

### **1-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг матни ва мусиқавий таҳрири тасдиқлансин.

### **2-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясига зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 52-модда.*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ**

*А.Орипов шеър*

Серкуёш, хур ўлкам, элга бахт, нажот,  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!  
Яшнагай то абад илму фан, ижод,  
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!  
Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оламни маҳлиё айлаган диёр!  
Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,  
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!  
Истиклол машғали, тинчлик посбони,  
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!  
Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

## **«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ТЎҒРИСИДА» ГИ ҚОНУНИДАН**

### **1-модда**

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли ва оқ-қора тасвири тасдиқлансин.

### **2-модда**

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзидир.

### **3-модда**

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қуйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноклари очилган ғўза шоҳларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида Республика ҳурлигининг рамзи сифатида

саккизбурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Гербнинг марказида бахт ва эрксеварлик рамзи-қанотларини ёзган Хумо куши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида «O‘zbekiston» деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлатгербининг рангли кўриниши-да: Хумо куши ва дарёлар – кумуш рангида; куёш, бошоқлар, пахта чаноқлари ва «O‘zbekiston» ёзуви – олтин рангида; ғўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водий – яшил рангида; чаноқлардаги пахта – оқ рангида; лента – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангларини акс эттирувчи уч хил рангида; саккизбурчак – олтин зарҳал билан ҳошияланган ҳолда ҳаво рангида; ярим ой ва юлдузлар – оқ рангида тасвирланган...

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 328-модда.*



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент ш., 1993 йил 2 сентябрь, 931–XII сон.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб ва ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929 – 1940 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларини инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимидаги киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади.

**1-модда.**

Ўзбекистон Республикасида лотин ёзувига асосланган, қуйидаги 26 ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмасидан иборат ўзбек алифбоси жорий этилсин.

Лотинча			Кирилча	Лотинча			Кирилча
Ҳарфлар			Ҳарфлар	Ҳарфлар			Ҳарфлар
Босма	Ёзма	Талаффуз		Босма	Ёзма	Талаффуз	
Aa	<i>Aa</i>	a	Аа	Rr	<i>Rr</i>	re	Рр
Bb	<i>Bd</i>	be	Бб	Ss	<i>Ss</i>	es	Сс
Dd	<i>Dd</i>	de	Дд	Tt	<i>Tt</i>	te	Тт
Ee	<i>Ee</i>	e	Ээ	Uu	<i>Uu</i>	u	Уу
Ff	<i>Ff</i>	ef	Фф	Vv	<i>Vv</i>	ve	Вв
Gg	<i>Gg</i>	ge	Гг	Xx	<i>Xx</i>	xa	Хх
Hh	<i>Hh</i>	he	Хх	Yy	<i>Yy</i>	ye	Йе
Ii	<i>Ii</i>	i	Ии	Zz	<i>Zz</i>	ze	Зз
Jj	<i>Jj</i>	Je (Jōra)	Жж (Жўра)	Ch ch	<i>Ch ch</i>	<i>che</i>	Чч
Kk	<i>Kk</i>	ka	Кк	G`g`	<i>G`g`</i>	g`a	Ғғ
Ll	<i>Ll</i>	el	Лл	Ng ng	<i>Ng ng</i>	ng	Нг нг
Mm	<i>Mm</i>	em	Мм	O`o`	<i>O`o`</i>	o`(o`rdak)	Ўў (ўрдак)
Nn	<i>Nn</i>	en	Нн	Sh sh	<i>Sh sh</i>	she	Шш
Oo	<i>Oo</i>	o (ota)	Оо (ота)				
Pp	<i>Pp</i>	pe	Пп				
Qq	<i>Qq</i>	qa	Ққ	(`) – тутук белгиси (апостроф)			

**2-модда.**

Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш билан бирга Ўзбекистон халқининг миллий ифтихори бўлмиш бебаҳо маънавий мерос битилган араб алифбосини ва кириллицани ўрганиш ва улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар сақлаб қолинади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 331-модда.*



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «МУДОФАА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИДАН

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик декларацияси, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларидан келиб чиқиб, барча давлатлар билан тинч тотув яшаш сиёсатини ўткази бориб ўз мудофаа қудратини қуроли тажовуздан ҳимоялашиш учун етарли даражада сақлаб туради.

Ушбу Қонун давлат идоралари ва маҳаллий бошқарув идораларининг Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилиятини таъминлаш борасидаги ишларни йўлга қўйиш, бошқариш асосини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

### **1-модда. Ўзбекистон Республикаси муд офаасининг асослари**

1. Ўзбекистон Республикасининг мудофаа асослари – давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитликни, республика манфаатлари ҳимоя қилинишини ва аҳолининг тинч ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоий ҳуқуқий тадбирлар мажмуидан иборатдир.

2. Мудофаанинг мақсадларига Ўзбекистон Республикасига қарши четдан қилинадиган ҳужумнинг олдини олиш ва ҳар қандай тажовуз қилиниши мумкин бўлган шароитда қуроли ҳимоялашни уюшган ҳолатда қўллашнинг барча зарур шарт шароитини яратиш орқали эришилади.

3. Ўзбекистон Республикасини мудофаа қилиш Қуроли Кучларнинг, иқтисодиётнинг, аҳолининг, ҳудуднинг Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринасига мувофиқ тажовузни даф этишга доим тайёргилигига асосланади.

4. Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси Қуроли Кучлар тузилишида мудофааланиш кифоя қиларли даражада бўлиши қоидага амал қилади ва Ўзбекистон Республикаси:

урушни халқаро муаммоларни ҳал этишнинг усули сифатида тан олмаслигидан;

бетарафлик йўлини тутишга интилишидан ва ядро қуролини яқинлаштирмамаслик, ядро қуролини жойлаштирмамаслик, ишлаб чиқармаслик ва сотиб олмаслик қоидага риоя этишга ҳаракат қилишидан;

биронта ҳам давлатга ҳудудий масалада даъво қилмаслигидан ва биронта ҳам халқни душман деб билмаслигидан;

башарти ўзи тажовуз объекти бўлиб қолмаган тақдирда бирон–бир давлатга қарши жанговар ҳаракатларни биринчи бўлиб бошламаслигидан иборатдир....

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1992 й., 10-сон, 398-модда.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

**«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Тошкент ш., 1993 йил 7 май, 873–XII сон

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг биринчи ва иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилсин.
2. «Соғлом авлод учун» ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.
3. Биринчи ва иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» орденининг тасвири тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси 1993 й., 6-сон, 257-модда.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

**«АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Тошкент ш., 1996 йил 26 апрель, 225–I-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. «Амир Темура» ордени таъсис этилсин.
2. «Амир Темура» ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. «Амир Темура» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).
4. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266 модда) 11 моддасининг «Мустақиллик» ордени» деган сўзларидан кейин «Амир Темура» ордени» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 й., 5–6-сон, 63-модда.*

## **БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ, ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

*Ислом Каримов ўн иккинчи чақирқиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 1992 йил 4 январдаги IX сессиясида сўзлаган дастурий нутқида ҳамда 1992 йил август ойида нашр этилган « Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини ҳар томонлама пухта белгилаб берди.*

*Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли Ислом Каримовнинг кейинги асарлари, маъруза ва нутқларида янги маъно мазмун билан тўлдирилиб, аниқлаштирилиб борилди. Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиши модели Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилди. Беш тамойилни ўз ичига олган бу моделнинг мазмуни ва моҳияти Президентнинг 1993 йилда нашр этилган « Ўзбекистон – бозор муносабатлариغا ўтишининг ўзига хос йўли» номли асарида асослаб берилди.*

***Ижтимоий иқтисодий янгилашни « ўзбек модели»нинг концепцияси ва тамойиллари, унинг дунё томонидан тан олинishi.** Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган мустақил тараққиёт йўли халқимиз томонидан ҳам, халқаро майдонда ҳам тараққиётнинг « ўзбек модели» деб қабул қилинди. Ўзбек модели ишлаб чиқишда, биринчидан, халқаро тажриба асос қилиб олинди. Иккинчидан, хўжалик имкониятлари, шарт-шароитлари, эски тузумдан мерос бўлиб қолган муаммолар ҳисобга олинди.*

*«Ўзбек модели» бешта асосий тамойилнинг моҳиятини қуйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин (жадвал).*

### **«Ўзбек модели» бешта асосий тамойилининг моҳияти**

<b>Асосий тамойиллар</b>	<b>Асосий тамойилларнинг моҳияти</b>
<b><i>Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги</i></b>	<i>Иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиши зарур.</i>
<b><i>Давлат бош ислохотчи, иқтисодий</i></b>	<i>Давлат бош ислохотчи бўлиши лозим. У ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгаришлар сиёсатини</i>

<b>Ўзгартиришларнинг ташиббускори</b>	ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпарастлар ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт.
<b>Қонунлар ва уларга риоя қилиш устуворлиги</b>	Қонун ва қонунларга риоя этиши устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.
<b>Кучли ижтимоий сиёсат юргизиш</b>	Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиши. Бозор муносабатларини жорий этиши билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.
<b>Бозор иқтисодиётига босқичма – босқич ўтиб бориш</b>	Бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги «инқилобий сакрашлар»сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма босқич амалга оширилиши керак.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли назарий ва амалий жиҳатдан пухта белгилаб олинди. Бу барча 1990 йилларнинг бошида Ўзбекистонда ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чуқур номутаносибликлар

<b>Кўрсаткич</b>	<b>Миқдори</b>
Саноатда тайёр маҳсулотнинг улуши	50 фоиз
Қайта ишланмасдан, республика ташқарисига чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг улуши	80 фоиздан кўпроқ
Республикадан олиб кетилаётган маҳсулот таркибида хомашё, материаллар ва чала тайёр маҳсулотлар улуши	65 фоиздан кўпроқ

Республикага келтирилаётган товарлар таркибида саноати маҳсулотлари (машиналар, асбоб ускуналар, енгил саноат, ва озиқ овқат маҳсулотлари) улуши	60 фоиз
--	---------

тамойиллар демократик ва иқтисодий қайта ўзгартишлар жараёнларини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, ҳаёт синовидан ўтди.

Совет даврининг кейинги ўн йилликлари мобайнида иқтисодиётни ривожлантиришда хомашё ва чала тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва четга юбориладиган, меҳнатни нисбатан камроқ талаб қиладиган хомашё тармоқларини ривожлантиришга устувор аҳамият берилиши ушбу номутаносибликларни янада кучайтирди. Жумладан, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида енгил саноатнинг улуши кейинги 50 йил ичида 54 фоиздан 37 фоизга, озиқ овқат саноатининг улуши 30 фоиздан 14 фоизга тушиб қолган, машинасозликнинг улуши атиги 7 фоизга ўсиб, 16 фоизни ташкил этган.

Иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичи (1992–1994 йиллар)нинг вазибалари бўлиб мустақил давлатнинг амал қилишини таъминловчи инфратузилмани яратиш, бозор иқтисодиётига ўтишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш, нархларни эркинлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, инфляцияга қарши курашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳисобланар эди.

**Бозор ислоҳотларининг ҳуқуқий базасини яратиш жараёнлари.** Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий омилларидан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир. Шу боисдан ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир». Шу нуқтаи назардан дастлабки вақтнинг ўзида иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган 100 га яқин асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Бу қонунларни мазмун моҳияти жиҳатидан қуйидаги йўналишга бўлиш мумкин:

1. Ўзбекистоннинг давлат ва унинг иқтисодий мустақиллигининг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатни бошқарув қоидаларини

тартибга солувчи қонунлар. Ана шу йўналишида «Ўзбекистан Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида», «Ер ости бойликлари тўғрисида», «Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида», «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

2. Мулкчилик муносабатлари ва кўп укладли иқтисодий шакллантирувчи қонунлар. Бу йўналиш доирасида мулкчилик тўғрисида, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, ер тўғрисида, ижара тўғрисида, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

3. Хўжалик юртини тартибга солувчи қонунлар, яъни хусусийлаштириш, мулкчилик, тадбиркорлик, корхоналар, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, ширкат хўжалиги тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Бозор инфратузилмасини яратувчи ва унинг фаолиятини тартибга солиб турувчи банклар ва банк фаолияти, пул тизими, тадбиркорлик, суғурта, биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида, қимматли қозғолар ва фонд биржаси тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Корхона билан давлат ўртасидаги, корхоналар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўювчи қонунлар, Солиқ кодекси, Божхона кодекси, монополистик фаолиятни чеклаш, корхоналарнинг банкрот бўлиши ҳақида қонунлар қабул қилинди, Хўжалик-процессуал кодекси ишлаб чиқилди, хўжалик суди тузилди.

4. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормалар яратилди. Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида қабул қилинган қонунлар, халқаро пакт ва битимлар, уларнинг Ўзбекистон томонидан имзоланиши мамлакатимиз ташқи алоқаларининг ривожланиши тарихида янги саҳифа очди.

Республика иқтисодийнинг ҳуқуқий асослари Президент фармонларида, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда янада такомиллаштириб борилди.

Ўзбекистонда 1991 йилнинг августидан «Ўзбекистон» республика универсал агросаноат биржаси, «Ўзулгуржибиржасавдо» – Ўзбекистонда улгуржи ва биржа савдоси бўйича Республика давлат акциядорлик уюшмаси (1994 йил март), «Тошкент» Республика товар хомашё биржаси (1994 йил 8 апрель) ва бошқа биржалар фаолият кўрсатмоқди. 1992 йил 12 августда

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида» Қарор қабул қилди.*

*Республикамизда тадбиркорлар ва аҳолини рўй бериши мумкин бўлган турли зарарлардан ҳимоя қилувчи суғурта бозори вужудга келди. Давлат иштирокида бозор муносабатларига хизмат қилувчи «Ўзбекинвест» (1994 йил 13 апрель), «Ўзагросуғурта» (1997 йил 25 февраль), «Кафолат» (1997 йил 14 март) каби учта йирик суғурта компанияси ташкил этилди. Кўплаб хусусий суғурта компаниялари, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлайдиган қўшма суғурта компаниялари ҳам вужудга келди. 2002 йилда суғурта компанияларининг сони 28 тага етди, улар молия бозорида мамлакатимиз фуқаролари ва ташкилотларига 150 турдан ортиқ йўналиш бўйича суғурта хизмати кўрсатмоқдалар. «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши (2002 йил 5 апрель), Президент фармони билан 2002 йил 1 февралдан бошлаб суғурта ташкилотларининг 3 йил муддатга даромад солиғидан озод қилиниши мамлакатимизда суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда. 2006 йил 1 январдаги ҳолатига кўра Ўзбекистон суғурта бозорида 25 та суғурталовчи компания ва 1 та суғурта брокери фаолият кўрсатади.*

## **ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

### **КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗЛАРНИНГ ИШЧИЛАРИ ВА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ЯШОВЧИ БОШҚА ФУҚАРОЛАРНИНГ ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Қишлоқда ижтимоий муаммоларни ҳал этишни жадаллаштириш, аҳолига амалий ёрдам бериш ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш мақсадида қуйидагиларни амалга оширишни зарур деб ҳисоблайман:

1. Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, халқ депутатлари вилоят Советлари ижроия қўмиталари, ноҳия ижроия қўмиталари, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

ҳар бир хўжалик посёлка, қишлоқ, ноҳия ва вилоятда янги томорқа участкаларига ёки мавжуд томорқа участкаларини кенгайтиришга муҳтож бўлганларни аниқласин;

пахтазорлар қисқартирилишини назарда тутиб, 1991 йилда жамоа хўжалиklarининг аъзолари, давлат хўжалиklarининг ишчилари ва қишлоқда яшовчи бошқа фуқароларнинг томорқа майдонларига эҳтиёжини қондириш учун 108,5 минг ер жумладан Қорақалпоғистон МССРда 16,0 минг гектар, Андижон вилоятида 8,7 минг гектар, Бухоро вилоятида 12,6 минг гектар, Жиззах вилоятида 3,1 минг гектар, Қашқадарё вилоятида 9,8 минг гектар, Наманган вилоятида 7,6 минг гектар, Самарқанд вилоятида 7,7 минг гектар, Сурхондарё вилоятида 13,0 минг гектар, Сирдарё вилоятида 3,9 минг гектар, Тошкент вилоятида 8,2 минг гектар, Фарғона вилоятида 14,6 минг гектар, Хоразм вилоятида 3,3 минг гектар ер ажратилсин.

Халқ депутатлари ноҳия, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари, жамоа хўжалиklари ва давлат хўжалиklари раҳбарлари 1991 йилнинг сентябрига қадар ажратиб бериладиган томорқа участкалари расмийлаштирилишини таъминласинлар.

2. Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят, ноҳия, қишлоқ ва овул Советлари:

1989 – 1990 йилларда ажратиб берилган барча томорқа ерларини қайта рўйхатга олсин, фойдаланилмаётган участкаларни тортиб олиб, муҳтож оилаларга берсин;

уй–жойлар ижтимоий–маданий иншоотлар ва муҳандислик ер ости иншоотлари жойлаштирилишини ҳисобга олиб, бош режалар ва намунали лойиҳаларга қатъиян мувофиқ тарзда қурилсин.

3. Шахсий ёрдамчи хўжалиklари эгалари уюшмаси (ўртоқ С.Н. Усмонов) аҳолига ер участкалари ажратишга оид қарорларни қабул қилиш ва рўёбга чиқаришда ижтимоий адолатга риоя этилишини қатъий назорат остига олсин.

4. Ушбу Фармон бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ И.Х. Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг  
Президенти И. КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1991 й., 3-сон, 35-модда.*



**«РЕСПУБЛИКАДА ДЕХҚОН (ФЕРМЕР) ХЎЖАЛИКЛАРИНИ  
ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ  
ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ Тўғрисида»ГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИДАН**

Озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва аҳолига хизмат кўрсатишни кенгайтириш, бозор иқтисодиётининг хўжалик тармоқлари мажмуини жадал шакллантириш, деҳқон (фермер) хўжалиklarини янада ривожлантириш ва фуқароларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун кўшимча шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Шахсий ёрдамчи хўжалиklar уюшмасининг, деҳқонлар иттифоқининг республикада 1992 йилда деҳқон (фермер) хўжалиklarини ривожлантириш учун ер фондини вужудга келтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин...

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 9-модда.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА  
ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида**

Тошкент ш., 1993 йил 7 январь, 13-сон.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш шароитларида хўжалиklarнинг ҳуқуқлари ва мустақилликларини янада кенгайтириш, иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1993 йилда зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли давлат хўжалиklarини хўжалиklarнинг жамоа ва бошқа нодавлат шаклларига босқичма босқич айлантириш чора тадбирларини 1-иловага мувофиқ миқдорда ва муддатларда амалга ошириш зарур деб ҳисоблансин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноати» концерни, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари ушбу муҳим ижтимоий-иқтисодий ишларни ташкил этиш ва ўтказишда давлат хўжалиklarининг асосий воситалари ва бошқа мол мулкани меҳнат жамоаларининг мулкчилигига текин бериш, хўжалиklarнинг худудлари ва ер фонди ҳамда

уларда шакланган ишлаб чиқариш ихтисослашувини сақлаб қолиш зарурлигидан келиб чиқсинлар.

Ислохотни ўтказиш пировард натижада хўжалик ички иқтисодий муносабатларини тубдан ўзгартиришни, жамоа ва ижара мулкчилиги асосида сифат жиҳатидан янги мустақил ишлаб чиқариш бўлинмалари ташкил этилишини таъминлаши керак. Уларда ижара кооператив, фермер, оила хўжаликлари ва хўжаликларнинг бошқа турлари шаклланиши учун ерга узоқ ва тўғри эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, маҳсулотларни мустақил тақсимлаш ҳуқуқи билан барча шароитлар яратилсин.

Белгилаб қўйилсинки, зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли давлат хўжаликлари хўжаликларнинг бошқа шакллари ва турларига айлантирилгандан кейин уларга муддати ўтиб кетган тўловларни банклар ва маҳсулот етказиб берувчиларга тўлаш учун 20 йил узайтирилган муддат берилсин.

2. Ишлаб чиқаришнинг ўзига хослигини ва айрим хўжаликларнинг республика учун муҳимлигини ҳисобга олиб Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича энг аввало уруғчилик, наслчилик ва бошқа базавий йўналишлардаги давлат хўжаликлари 2 иловага\*мувофиқ давлат тасарруфида сақлаб қолинсин.

3. Қишлоқда тадбиркорлик ва мулкчиликнинг янги шаклларини ривожлантиришни амалда молиявий қўллаб қувватлаш, янги ишлаб чиқариш тузилмалари жамоаларининг иш фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш учун «Ўздекқончиликсаноат-банк» ҳузурида тадбиркорлар, фермерлар ва хусусий шахсларнинг «Тадбиркор» акционерлик тижорат банки ташкил этилсин, деҳқон (фермер) хўжаликларига, шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларига, қишлоқ хўжалиги ижарачиларига ва кооперативларга, кичик, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи хусусий корхона лар ва фирмаларга хизмат кўрсатиш хорижий сармояни кенг жалб этишнинг асосий функциялари бўлиши керак.

«Тадбиркор» акционерлик тижорат банкининг устав фондидаги улуши сифатида республика давлат бюджетидан 1 млрд. 500 млн сўм ажратилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва «Ўздекқончиликсаноатбанк» бир ой муддат ичида «Тадбиркор» акционерлик тижорат банкининг Уставини ҳамда унинг Қорақалпоғистон

Республикаси, вилоятлар ва туманлардаги бўлимлари тўғрисидаги низомни тасдиқласинлар...

**Вазирлар Маҳкамасининг Ранси И. КАРИМОВ**

**1993 йилда кооператив ва мулкчиликнинг бошқа шакллариغا айлантириладиган давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарининг сони**

	Жами хўжаликлар	шу жумладан:		
		мулкчиликнинг бошқа шакллариغا айлантириладиган хўжаликлар		мулкчиликнинг бошқа шакллариغا айлантирилмайдиган хўжаликлар
		1993 йил 1 апрелгача (зарар кўриб ишлайдиган хўжаликлар)	1994 йил 1 январгача	
Қорақалпоғистон Республикаси	112	30	55	27
вилоятлар:				
Андижон	53	7	33	13
Бухоро	55	12	26	17
Жиззах	114	35	46	33
Қашқадарё	168	25	100	43
Навой	52	4	5	43
Наманган	52	6	27	19
Самарқанд	81	5	40	36
Сурхондарё	86	21	46	19
Сирдарё	69	19	38	12
Тошкент	75	12	33	30
Фарғона	58	10	34	14
Хоразм	41	11	20	10
Ўзбекистон Республикаси бўйича жами	1016	197	503	316

*Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 январдаги 13-сон қарорига 3-шова.*

**1993 йилда чигит экиладиган майдон, пахта хом ашёси ва пахта толаси етиштириш**

	<b>Майдон, минг гектар</b>	<b>Ялпи ҳосил, минг тонна</b>	<b>Пахта толаси, минг тонна</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	143	314	101
вилоятлар:			
Андижон	125	352	113
Бухоро	110	357	121,5
Жиззах	137	322	96
Қашқадарё	195	459	144
Навий	44	125	41,2
Наманган	103	309	98
Самарқанд	111	286	88,3
Сурхондарё	128	396	132
Сирдарё	146	348	106
Тошкент	119	320	99
Фарғона	136	404	131
Хоразм	103	308	99
Ўзбекистон Республикаси бўйича жами	1600	4300	1370

*Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 январдаги 13-сон қарорига 4-шлова.*

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1993 й.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЕР КОДЕКСИ  
1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-модда. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари**

Ер умуммиллий бойликдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан

илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳуқуқлилиқ асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан иборат.

## **2-модда. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принциплари**

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қуйидаги асосий принципларга асосланади:

энг муҳим табиий ресурс, фуқаролар ҳаётий фаолиятининг асоси тариқасида ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш;

ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;

кишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг, энг аввало, сугориладиган ерларнинг алоҳида муҳофаза этилишини, кенгайтириб борилишини ҳамда улардан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;

кишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишни давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб қувватлаш;

ерга ва бутун атроф табиий муҳитга зарар етказилишининг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш;

ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш шаклларининг хилма хиллиги, ер муносабатлари иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш;

ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш;

ерларнинг ҳолати ҳақидаги ахборотнинг тўлиқ бўлишини ҳамда ундан эркин фойдаланишга йўл қўйилишини таъминлаш.

## **3-модда. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодексдан ва ер муносабатларини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида ер муносабатлари Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Тоғ, ўрмон ва сув билан боғлиқ муносабатлар, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан, шунингдек атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид муносабатлар махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### **4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига қиради:

ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ушбу Кодексга, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ер муносабатларини тартибга солиш тўғрисида норматив ҳужжатлар қабул қилиш;

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат дастурларини тасдиқлаш;

қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш, ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

давлат мулкидаги ерларни тасарруф этиш;

ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда вазирликлар ҳамда идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36 моддасига мувофиқ бекор қилиш;

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

**5-модда. Вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ер ресурсларидан белгиланган мақсадда, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

юримдик шахсларга қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун эгаллик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;

ўлчамидан қатъи назар барча ерларни олиб қўйиш, алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий маданий аҳамиятга молик ерлар, шаҳар атрофи ерлари ва шаҳарларнинг яшил зоналари ерлари, илмий тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юрларининг тажриба майдонлари, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлар бундан мустасно;

дипломатия ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга мазкур ваколатхоналарнинг биноларини, шу жумладан ваколатхона бошлиғи қароргоҳини қуриш учун ер участкаларини мулк этиб реализация қилиш;

ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

### **6-модда. Туманлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган суғориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари ерларни, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларини, саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларни, сув фонди ерларини олиб қўйиш – ҳар бир ер эгасига ва ердан фойдаланувчига ўн гектаргача ўлчамда;

фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ерларни ижарага бериш;

фуқароларга, юридик шахсларга захира ерлардан ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;

ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;

ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини ким ошди савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш;

ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36 моддасига мувофиқ бекор қилиш



қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда, уларнинг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши масалаларини ҳал этиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш...

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1998 й., 5 – б-сон, 82-модда.*

## **«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МЕХНАТ КОДЕКСИ»ДАН**

### **УМУМИЙ ҚИСМ**

### **I-БОБ. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **1-модда. Меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар**

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ва Жўқорғи Кенгес қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари, давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик ва ижроия органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлардан иборатдир.

Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

#### **2-модда. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари**

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар,

давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади.

### **3-модда. Меҳнат кодексининг амал қилиш доираси**

Меҳнат кодекси Ўзбекистон Республикасининг б утун

худудида амал қилади...

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова.*



## **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг**

### **Қ А Р О Р И**

1992 йил 15 февраль, № 65

#### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат назорати қўмитасини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1992 йил 4 февралдаги Р-127-сон фармойишига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати қўмитаси ва унинг жойлашлаган органлари ходимлари сони 751 кишидан иборат

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1992 й., февраль.*



**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг  
Қ А Р О Р И**

1992 йил 10 февраль, № 37

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ  
ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ҚўМИТАСИ (ДАВЛАТ МУЛК  
ҚўМИТАСИ) ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси» тузиш тўғрисидаги Фармонига мувофиқ ва бозор муносабатларини шакллантириш шакли сифатида давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасига изилатиб-вазифаларга таъин этиш:

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги  
Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1992 й., февраль.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ ДАВЛАТ КОНЦЕРНИ  
«ЎЗБЕКНЕФТЬГАЗ»НИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ Тўғрисида**

Тошкент ш., 1992 йил 3 май, ПФ-393-сон.

Ўзбекистоннинг нефть ва газ конларини ҳар томонлама ва самарали ўзлаштириш, республика халқ хўжалиги ва аҳолисини газ, газ конденцати, нефть ҳамда уларни қайта ишлаш маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, нефть ва газ саноатини бошқариш тузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. «Средазгазпром», «Ўзбекнефть», «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг, «Средазнефтегазстрой» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасининг «Ўзбекистон Республикаси корхоналари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концерни «Ўзбекнефтьгаз» ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Ўзбекнефтьгаз» давлат концерни фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

республика ҳудудига нефть, газ ва газ конденсатини излаш, казиб чиқариш, қайта ишлаш ва ташишни, газ, нефть ҳамда нефть ва газни қайта ишлаш саноати иншоотлари қурилишини амалга оширувчи бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

нефть ва газ конларидан самарали фойдаланишни, республикада нефть, газ ҳамда нефть ва газни қайта ишлаш саноати янада ривожланишини, нефть ва газ захиралари кўпайишини таъминлаш;

концерн тизимида ягона техникавий сиёсатни ўтказиш, корхоналарни кенгайтиришда, қайта қуриш ва техника билан қайта қуроллантиришда, замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришда кўмаклашиш;

нефть, газ ҳамда газ конденсатини излаш, казиб чиқариш, қайта ишлаш ва ташиш соҳасидаги илмий тадқиқот, қидирув ва лойиҳа–конструкторлик ишларини ташкил қилиш;

нефть ва газ конларини излаш ҳамда улардан фойдаланиш борасидаги ишларни ўтказиш чоғида ер ости ва бошқа табиий бойликларни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш;

моддий техника ресурслари билан таъминлашда, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда нефть, газ ҳамда нефть ва газни қайта ишлаш саноати корхоналари ва ташкилотларининг тижорат алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

концерн таркибига кирган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни малакали ходимлар билан мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш;

очиқ газ ва нефть фавворалари юзага келишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чора тадбирларини амалга ошириш;

концерн таркибига кирган корхоналар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат бошқаруви идораларида ва чет элларда уларнинг умумий манфаатларини ифода этиш.

3. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концернининг фаолиятини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1992 й., 7-сон, 264-модда.*

## **«Республикада савдони эркинлаштиришни таъминлаш тўғрисида»ги қароридан**

Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 14 декабрдаги 604-сон қарори билан товарларнинг, шу жумладан озиқ овқат товарларнинг нархлари эркинлаштирилишини тугаллаш ва 1995 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ эркинлаштиришни таъминлаш назарда тутилган эди.

Шу билан бирга а ҳолини энг зарур товарлар билан таъминлаш узилишларга йўл қўймаслик ва савдо ходимлари томонидан суистеъмол қилишларнинг олдини олиш мақсадида кундалик эҳтиёж товарларининг савдода эркин нархлар бўйича мавжуд бўлиши ва сотилиши учун шахсий жавобгарлик вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг биринчи раҳбарлари ва Бош вазирнинг ўринбосари зиммасига юкланган эди...

Ўз МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1995 й., февраль.

### **МИЛЛИЙ МОЛИЯ БАНК ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

*Ўзбекистонда мустақил банк тизимини яратиш бўйича энг асосий тадбир – 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши ҳисобланади.*

*Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банклари – «Ғаллабанк», «Мевасабзавотбанк», «Тадбиркорбанк», «Савдогар» ва бошқа банклар тузилди. Бу банклар тадбиркорлик ишларига хизмат қилади, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан бойитиш манфаатларини кўзлаб инвестициялар учун маблағ беради.*

*Ўзбекистонда икки погонали банк тизимини ташкил қилишга 1988 йилдан бошлаб киришилган бўлсада, бу мақсаднинг тўлиқ амалга оширилишига 1994 йилдан бошлаб шароитюзага келди. Бу даврга келиб Марказий банкнинг ташкилий таркибий асоси, фаолият олиб бориш услуби ўзгарди, тижорат банкларнинг сони ва улар бажарадиган операциялар салмоғи ошиб борди. Бу босқичда кредитдан фойдаланиш масаласида кескин ўзгаришлар ясалди, тармоқлар, бирлашмалар, корхоналар, аввало ўз кучига шионишлари иқтисодий барқарорлик омилларидан бири этиб белгиланди.*

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING TAШҚИ  
ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИДАН**

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида мустақил сиёсатни рўёбга чиқариш, ташқи иқтисодий фаолиятга хизмат кўрсатишни таъминлаш ва унинг самарадорлигини ошириш, республиканинг валюта маблағларини жамлаш ва улардан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилсин...

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 231-модда.*

**ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**О ДЕНЕЖНОЙ СИСТЕМЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

г. Ташкент, 6 мая 1993 г., № 835–XII

Настоящий Закон устанавливает правовые основы денежной системы Республики Узбекистан и ее функционирование.

**Статья 1.**

Денежная система Республики Узбекистан включает в себя официальную денежную единицу, организацию и регулирование денежного обращения.

**Статья 2.**

В качестве официальной денежной единицы (валюты) Республики Узбекистан используется валюта Российской Федерации – рубль, эмитируемый в обращение Центральным банком Российской Федерации. Один рубль состоит из 100 копеек.

Введение на территории Республики Узбекистан других денежных единиц и выпуск денежных суррогатов запрещается.

**Статья 3.**

Выпускаемые в обращение на территории Республики Узбекистан рубли отражаются в балансе Центрального банка Республики Узбекистан.

**Статья 4.**

Официальный курс рубля к денежным единицам других государств на территории Республики Узбекистан еженедельно

публикуется Центральным банком Республики Узбекистан в соответствии с котировками Центрального банка Российской Федерации.

#### **Статья 5.**

Центральный банк Республики Узбекистан для удовлетворения текущих потребностей клиентов, имеющих право на внешне-экономическую деятельность и вывоз своего денежного дохода за пределы Республики Узбекистан в иностранной валюте, обеспечивает свободный обмен российского рубля на конвертируемую иностранную валюту по курсу, установленному Центральным банком Российской Федерации.

#### **Статья 6.**

Организация, обращение и изъятие наличных денег на территории Республики Узбекистан осуществляется исключительно Центральным банком Республики Узбекистан в соответствии с Соглашением с Российской Федерацией о взаимных обязательствах и требованиях, связанных с использованием рубля в качестве средства обращения на территории республики.

#### **Статья 7.**

Наличные деньги выпускаются в обращение Центральным банком Республики Узбекистан в виде банковских билетов (банкнот) и металлической монеты, эмитируемых Центральным банком Российской Федерации.

Сообщения о выпуске в обращение банкнот и монет новых образцов, а также их описание публикуются Центральным банком Республики Узбекистан в средствах массовой информации.

#### **Статья 8.**

Центральный банк Республики Узбекистан изменяет денежную массу, находящуюся в обращении на территории Республики Узбекистан, только в соответствии с изменением величины своих активов и исходя из основных направлений денежно-кредитной политики Республики Узбекистан.

#### **Статья 9.**

Банкноты и монеты, эмитированные Центральным банком Российской Федерации, обязательны к приему по их нарицательной стоимости на всей территории Республики Узбекистан во все виды платежей, для зачисления на счета, во вклады, на аккредитивы, а также для переводных операций.

### **Статья 10.**

Кредитная эмиссия рубля осуществляется Центральным банком Республики Узбекистан в размерах, согласованных с Центральным банком Российской Федерации.

### **Статья 11.**

Расчеты на территории Республики Узбекистан осуществляются в рублях, за исключением случаев, предусмотренных законодательством.

Порядок и условия расчетов в иностранной валюте на территории Республики Узбекистан определяются Центральным банком Республики Узбекистан в соответствии с законодательством Республики Узбекистан.

### **Статья 12.**

Формы безналичных расчетов определяются правилами, устанавливаемыми Центральным банком Республики Узбекистан в соответствии с законодательными актами Республики Узбекистан. Образцы платежных документов, используемых для безналичных расчетов на территории Республики Узбекистан, утверждаются Центральным банком Республики Узбекистан.

### **Статья 13.**

Расчеты между юридическими лицами, а также между физическими и юридическими лицами по платежам, сумма которых превышает размеры, установленные Кабинетом Министров Республики Узбекистан, осуществляются только в безналичном порядке.

### **Статья 14**

Поврежденные и испорченные банкноты и монеты принимают и заменяют новыми Центральный банк Республики Узбекистан и уполномоченные им банки.

### **Статья 15.**

Подделка и незаконное изготовление банкнот и металлических монет, а также иные нарушения требований настоящего Закона влекут за собой ответственность в соответствии с законодательством.

**Президент Республики Узбекистан И. КАРИМОВ**

*Ведомости Верховного Совета  
Республики Узбекистан, 1993 г., № 5, с.219.*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ОРОЛБЎЙИ БЎЛИМИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Тошкент ш., 1991 йил 6 декабрь, ПФ–299-сон.

Туркменистон темир йўли ташкил этилиши муносабати билан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудларида темир йўл орқали юк ва йўловчилар ташишни бошқариш самарадорлигини таъминлаш мақсадида:

1. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўрта Осиё темир йўлининг Оролбўйи бўлими ташкил этилиб, унинг таркибига Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудларида жойлашган темир йўл участкалари, станциялари, разъездлари ҳамда темир йўл транспортининг бошқа корхоналари ва ташкилотлари киритилсин.

2. Ўрта Осиё темир йўли бошқармасига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ижроия комитети билан келишиб, темир йўлнинг ана шу бўлими бошқармаси идоралари манзилгоҳини, унга кирувчи корхоналар ва ташкилотлар рўйхатини, шунингдек уларни иктисодий ва ижтимоий ривожлантиришга оид тадбирларни белгилаш топширилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 13-модда.*



## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ҲАВО ТРАНСПОРТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРДАН**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон миллий авиокомпаниясини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 28 январдаги Фармонини бажариш юзасидан ҳамда республика, давлатлараро ва халқаро авиайўллар бўйича авиация орқали ташувларни ташкил этиш, аҳолининг ва республика халқ хўжалигининг эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси, Фуқаро авиациясининг 243 заводи «Авиастрой» қурилиш монтаж бирлашмасининг «Авиаспецмонтажналадқа» хўжалик ҳисобидаги участкаси негизда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиокомпанияси тузилсин...

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги  
Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1992 й., февраль.*

### **«АЛОҚА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНДАН**

Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида»ги Қонуни алоқа тармоқларини ташкил қилишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий асосларини, алоқа шохобчаларини барпо этиш ва улардан фойдаланишда, алоқа хизмати кўрсатишда мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва фуқароларнинг алоқа воситаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ва бошқариш соҳасидаги ҳуқуқлари ва вазифаларини, шунингдек берилган ҳуқуқларни бузганлик ва вазифаларини бажармаганлик учун жавобгарлик чораларини белгилайди...

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1992 й., 3-сон, 159-модда.*

### **«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНДАН**

Ўзбекистон Республикасининг ягона ташқи иқтисодий сиёсатини ўтказиш, ташқи бозорда умумдавлат манфаатларини таъминлаш, чет мамлакатлар билан иқтисодий, техникавий ва савдо ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, бу соҳада бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро миқёсдаги самарали ишда ташқи

иқтисодий фаолият қатнашчиларига зарур шарт шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо ва хорижий алоқалар давлат комитети негизида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилсин.

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги қошида Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси негизида Тижорат–реклама маркази ташкил этилсин...

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1992 й., 4-сон, 202-модда.*

### **ИЗ ЗАКОНА ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН О МЕРАХ ПО СТИМУЛИРОВАНИЮ ВНЕШНЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ, ПРИВЛЕЧЕНИЮ И ЗАЩИТЕ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

В целях создания необходимых условий для поступательного социально–экономического развития Республики Узбекистан, активизации внешнеэкономической деятельности, насыщения внутреннего рынка товарами первой необходимости, привлечения дополнительных капиталовложений, передовой техники, опыта управления, обеспечения надежных гарантий защиты прав иностранных инвесторов, эффективного использования экспортного потенциала республики:

1. С 1 августа 1992 года:

отменить до 1 января 1994 г. налоги на импорт всех видов товаров, завозимых в республику;

освободить до 1 января 1994 года от уплаты таможенных пошлин завозимые в республику импортные товары народного потребления, продовольствие, медикаменты, медицинскую технику, а также оборудование, комплектующие изделия и сырье для их производства согласно приложению...

*Ведомости Верховного Совета  
Республики Узбекистан, 1992 г., № 9, ст. 374.*

## **МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ СИЁСАТИ**

### **О РЕАЛИЗАЦИИ УКАЗА ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ОТ 19 АВГУСТА 1992 Г. «О ДОПОЛНИТЕЛЬНЫХ МЕРАХ ПО СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЕ МАЛООБЕСПЕЧЕННЫХ СЛОЕВ НАСЕЛЕНИЯ В СВЯЗИ С ПРИВАТИЗАЦИЕЙ ЖИЛЬЯ»**

Во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан от 19 августа 1992 г. «О дополнительных мерах по социальной защите малообеспеченных слоев населения в связи с приватизацией жилья» Кабинет Министров постановляет:

1. Совету Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятам областей и г. Ташкента, министерствам, ведомствам, предприятиям и организациям передавать безвозмездно в личную (долевою) собственность граждан квартиры (комнаты) и отдельные дома, в которых они проживают (постоянно прописаны), независимо от ведомственной принадлежности этого жилья:

семьям погибших военнослужащих;

семьям, имеющим инвалидов из числа воинов-интернационалистов;

семьям, имеющим инвалидов I группы по зрению;

многодетным семьям, имеющим 7 и более детей в возрасте до 18 лет;

детям – круглым сиротам, усыновленным и взятым на попечительство;

семьям, потерявшим кормильца, с тремя и более нетрудоспособными членами семьи;

инвалидам I и II групп неработающим;

семьям, в которых имеются лица, репрессированные в 30–50-х годах и реабилитированные в настоящее время;

семьям, члены которых принимали участие в ликвидации последствий Чернобыльской аварии.

2. Сохранить льготы по оплате коммунальных услуг тем категориям граждан, которые имеют на них право в соответствии с указами Президента Республики Узбекистан и постановлениями Кабинета Министров Республики Узбекистан.

3. Комитету по управлению государственным имуществом и приватизации Республики Узбекистан совместно с Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и г. Ташкента, руководителями министерств, ведомств, предприятий и организаций в двухнедельный срок разработать и утвердить по

согласованию с Кабинетом Министров порядок безвозмездной передачи в личную (долевою) собственность квартиры (комнаты) и отдельные дома вышеуказанным категориям населения независимо от ведомственной подчиненности.

4. Совету Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятам областей и г. Ташкента, руководителям министерств и ведомств при передаче жилья безвозмездно в личную собственность, принимать необходимые меры и привлекать к ответственности должностных лиц, злоупотребляющих служебным положением и допускающих волокиту при оформлении документов, а также пресекать факты спекуляции и других незаконных действий в отношении приватизированного жилья.

5. Средствам массовой информации широко освещать ход выполнения Указа Президента Республики Узбекистан и настоящего постановления.

6. Контроль за ходом выполнения постановления возложить на Председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимов областей и г. Ташкента. Информацию о проделанной работе представить в Госкомимущество до 15 января 1993 г. Госкомимуществу обобщить и проанализировать представленные материалы и подготовить доклад в Кабинет Министров до 25 января 1993 г.

**Премьер-министр Республики Узбекистан**  
<http://www.lex.uz/index.aspx>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ  
ХАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ  
МУСТАҚИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ РЕФЕРЕНДУМ ЯҚУНЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА**

Тошкент ш., 1992 йил 4 январь, 476–ХII сон

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдумда овоз бериш натижаларига доир Марказий сайлов комиссиясининг маърузаси ва Баёнлар тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 38 моддасига мувофиқ ўртоқ Ислоҳ Абдуганиевич

Каримов 1991 йил 31 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1992 й., 3 сон, 126 модда.*



**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг  
Қ А Р О Р И**

**1992 йил 13 ноябрь, № 533**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОСИ ПАСПОРТИНИ  
ЖОРИЙ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти тўғрисидаги илова қилинаётган Низом тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги 1993 йил 1 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг шахсий коддини ишлаб чиқсинлар ва Ўзбекистон Республикаси аҳолиси регистрини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқсинлар.
3. 1992 йил 1 декабргача республика жамғармасидан зарур

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1992 й., ноябрь.*

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING УЙ-ЖОЙ КОДЕКСИ»ДАН  
I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-боб. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-модда. Уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодексдан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар уй-жой муносабатлари уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган бўлса, ерга оид қонун ҳужжатлари ҳамда архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги қонун

хужжатларининг ана шу муносабатларни тартибга солишга тааллуқли қисми қўлланилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

## **2 модда. Уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар**

Уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фуқаролар, юридик шахслар, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қуйидаги масалалар бўйича муносабатларини тартибга солади:

турар жойларга мулк ҳуқуқи, эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқининг юзага келиши, амалга оширилиши, ўзгариши ҳамда бекор бўлиши;

уй-жой фондини ҳисобга олиш;

уй-жой фондини сақлаш, қараш ва таъмирлашни таъминлаш;

фуқароларнинг уй-жой ҳуқуқларига риоя этилиши ва уй-жой фондидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш.

Уйларни қуриш, турар жойларни қайта қуриш ва ўзгартириш, муҳандислик қурилмаларидан фойдаланиш, коммунал хизматлар билан таъминлаш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар қонунда ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидалари чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл юридик шахслари иштирокидаги уй-жой муносабатларига нисбатан қўлланилади...

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 й., 1 сон, 4 модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда.*

## **Президент «Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармонидан**

Ўзбекистон фуқаролари жаҳон тилларини эгаллашлари, уларни умуминсоний қадриятлардан баҳраманд қилиш, жаҳон цивилизацияси ютуқларидан фойдаланишда тил тўсиқларини бартараф этиш, кенгайиб бораётган халқаро алоқаларни юқори малакали таржимон ва мутахассислар билан таъминлаш, бу соҳадаги мавжуд кадрларни, моддий молиявий маблағларни жамлаш мақсадида:



1. 1992 йилнинг 15 июнида Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти билан Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг негизда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетини ташкил этиш тўғрисида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг таклифи қабул қилинсин...

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1992 й., 7-сон, 271-модда.*

## **«ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИДАН**

Таълим олиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқларидан бирidir.

Таълим Ўзбекистон Республикасида жамиятни ижтимоий иқтисодий, маънавий ва маданий ривожлантиришнинг устувор соҳаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасидаги давлат сиёсатини умуминсоний кадрятларни, халқнинг тарихий тажрибасини, маданий ва фан бобидаги анъаналарини, жамиятнинг истиқболдаги ривожини ҳисобга олган ҳолда юргизади.

Таълим илм бериш ва тарбияни ўз ичига олади, у республиканинг заковат ва илм борасидаги куч қувватини ривожлантириш, жамият, оила олдидаги ўз масъулиятини англайдиган ҳар жиҳатдан баркамол шакллантириш мақсадини кўзлайди.

### **1. БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонунлари

Таълим Конституцияга, «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, ушбу Қонунга ва уларга мувофиқ ҳолда чиқариладиган бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ рўёбга чиқарилади.

Қорақалпоғистон Республикасида таълимга доир масалалар Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари билан тартибга солиб борилади.

### **2-модда. Таълим тўғрисидаги қонунларнинг вазифалари**

Таълим тўғрисидаги қонунлар фуқароларнинг илм олиш соҳасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, жисмоний ва юридик шахсларнинг таълим соҳасидаги ўзаро муносабатларининг принциплари, ҳуқуқ ваколатлари ва масъулият-

ларини, Ўзбекистон Республикасида таълим эркин ривожланишининг ҳуқуқий кафолатларини белгилаб беради...

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9 сон, 342 модда; 1993 й., 6-сон, 268-модда.*

### **ПРЕЗИДЕНТНИНГ «ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИДАН**

Жаҳон иқтисодий алоқалари, давлатлараро муносабатлар ва дипломатия соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш зарурлигини эътиборга олиб Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятга кириши, хорижий мамлакатлар билан дипломатик, иқтисодий, савдо ва маданий алоқалар ўрнатилиши натижасида пайдо бўлган янги имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия комитети билан Республика Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент шаҳридаги Сиёсатшунослик ва бошқарув институти тугатиш ҳамда унинг моддий негизида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин...

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 11-сон, 440-модда.*

### **ИЗ ПОСТАНОВЛЕНИЯ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН О ВОПРОСАХ УЗБЕКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО АГЕНТСТВА КОСМИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ**

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 11 декабря 1992 года «О структурах по исследованию и использованию космического пространства» Кабинет Министров постановляет:

1. Утвердить структуру центрального аппарата Узбекского государственного агентства космических исследований (Узбеккосмос)...

2. Утвердить Положение об Узбекском государственном агентстве космических исследований (Узбеккосмос) ...

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1993 й, февраль.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ  
УЧУН ТАЛАБАЛАРНИ ТЕСТ УСУЛИДА ТАНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Тошкент ш., 1993 йил 5 февраль, 61-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари кундузги бўлимларига қабул қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ 1992 йилда талабаларни тест усулида қабул қилишнинг ижобий яқунларини эътиборга олиб, олий ўқув юртлари ректорлари кенгашининг тавсияларини ва кенг жамоатчиликнинг истакларини назарда тутиб, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1993 йилда барча давлат олий ўқув юртларида, шунингдек, республиканинг рухсатномаси бўлган олий ўқув юртларида барча таълим шакллари бўйича талабаларни тест усули билан танлаш жорий этилсин.

2. Тест усули билан танлашни амалга ошириш Олий ўқув юртларига талабаларни танлаб олиш республика маркази зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги  
Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1993 й, февраль.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ  
**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Тошкент ш., 1995 йил 7 июль, ПФ–1203-сон.

Ўзбекистон кон металлургия мажмуининг устувор ривожланишини таъминлаш ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш саноати учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлаш мақсадида:

1. Навоий вилояти ҳокимлиги, «Қизилкумнодирметаллолтин» давлат концерни, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг Навоий техника коллежи негизида Навоий давлат кончилик институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар институт фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

– кончилик ишлари, конметаллургия, кимётехнология, энергетика ва машинасозлик соҳалари бўйича мутахассислар конструкторлар, технологлар, таъмирлов ва шу соҳаларнинг ишла-тувчиларини тайёрлаш;

– жаҳон фундаментал ва амалий тадқиқотлари ютуқларини ўрганиш асосида фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш соҳасида ўз илмий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш;

– фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида янги илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни республиканинг муайян геологик ҳамда иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга жорий қилиш;

– жаҳон фани ва технологияларининг энг янги ютуқлари негизида фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида мутахассислар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш;

– республика кончилик тармоғини ривожлантиришни илмий таҳлил ва прогноз қилиш;

– чет эллардаги йирик ўқув юртлари, МДХ мамлакатларидаги етакчи кончилик ва конметаллургия олий ўқув юртлари ҳамда илмий марказлари билан кенг кооперацияни амалга ошириш.

3. Навоий шаҳридаги 2 хунар техника билим юрти негизида Навоий давлат кончилик институти ҳузурда коллеж ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 15 кун муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан ташкилий чора тадбирларни назарда тутувчи тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1995 й., 7–8-сон, 158-модда.*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Тошкент ш., 1996 йил 27 декабрь, 367–I-сон.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. 1 октябрь «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» деб белгилансин ҳамда у байрам (дам олиш) куни деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат

кодексининг ( Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1 сонга илова) 131 моддаси олтинчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:

«1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини»

Шу модданинг еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари тегишли равишда саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Халқ таълими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги 1993 йил 29 декабрь Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 1, 26 модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 65-модда.*

## ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ ҲАЁТ ВА МАЪНАВИЙ РИВОЖЛАНИШ

### ПУСТЬ ПОДДЕРЖИТ НАС ДУХ НАВОИ

... Сегодня мы становимся свидетелями незабываемого исторического события. Мы участвуем в торжествах в связи с открытием в столице независимого Узбекистана – дорогим и родимом Ташкенте – памятника Низамеддину Мир Алишеру Навои и большого Национального парка. Пользуясь случаем, разрешите от вашего имени, дорогие друзья, поздравить и поблагодарить скульпторов, архитекторов и строителей, всех тружеников, создавших памятник Алишеру Навои, который станет подлинным украшением этого парка! Действительно, наши строители плодотворно потрудились, всего за 4–5 месяцев они выполнили работу четырех-пяти лет.

Алишер Навои мечтал видеть свой край утопающим в зеленых парках, он писал в своих стихах о таком парке, где все люди будут друг другу друзьями и желанными гостями. Он призывал людей быть друг к другу добрыми и милосердными, ценить жизнь и дружбу...

У народа, который чтит свою историю и предков, должно быть светлое будущее. Мы верим, что и наш Узбекистан в скором времени займет достойное место в мировом содружестве. И тогда, безусловно, великое имя Алишера Навои будет служить нам духовной поддержкой...

*Выступление на торжественном открытии монумента, воздвигнутого в связи с 550-летием великого поэта и мыслителя Алишера Навои в Национальном парке.*

*«Народное слово», 1 октября 1991 года.*

### ПРЕЗИДЕНТИНГ «ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ (ЎЗАГ)НИ – ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ (ЎЗА)ГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИДАН

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» ва «Оммавий ахборот воситалари ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Ахборот агентлигини қайта ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ахборот агентлиги (ЎзТАГ) – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА)га айлантирилсин...

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1992 й., 4-сон, 183-модда.*

### **«ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ МУЗЕЙИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОДАН**

Республикада музей ишларини янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг В.И. Ленин марказий музейининг Тошкент филиалини ва Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлар тарихи музейини тугатиб, уларнинг негизида 1992 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистон тарихи музейини ташкил этиш ҳақидаги таклифлар қабул қилинсин...

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1992 й., апрель.*

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

#### **«ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Тошкент ш., 1992 йил 20 октябрь, 484-сон.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 27 июлдаги Фармонни бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан биргаликда бир ой муддат ичида амалдаги қонунчиликка мувофиқ корхоналар ва ташкилотлар мулки эгалари билан ўзаро ҳисоб китоблар масалаларини кўриб чиқсин, шунингдек, 1 иловага мувофиқ «Ўзбектуризм» компаниясига берилган давлат мулк идан айрим тижора тузилмаларининг фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида қарор қабул қилсин.

7. «Ўзбектуризм» компаниясининг ташкил этилишига амалий ёрдам кўрсатиш ва унинг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида:

1992–1993 йилларда компаниянинг таклифи билан Ўзбекистонга келувчи хорижий делегацияларга хизмат кўрсатиш бўйича

уларнинг яшаши ва транспорт харажатлари учун сўмларда ҳақ тўлашга рухсат берилсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида Ҳиндистоннинг «Тата» ва «Ларсен» фирмалари иштирокида Тошкент, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида меҳмонхона комплекслари қурилишини тўла тугаллаш учун зарур бўлган товарлар алмашиш тўғрисидаги протоколни бажариш ҳисобидан компаниясига «Ўзбектуризм» валюта маблағлари ўтказсин. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги «Ўзбектуризм» компанияси билан биргаликда 10 кун муддат ичида ушбу масала бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

«Ўзшартномасавдо» уюшмаси ва республиканинг бошқа таъминот – сотиш ташкилотлари бирктирилган турлар бўйича квота қилинадиган моддий ресурслар турларини ажратишни назарда тутсинлар, маҳсулот етказиб берувчилар билан хўжалик алоқалари ўрнатишда компанияга ёрдам кўрсатсинлар;

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонаси компаниянинг Москва шаҳридаги ваколатхонасини жойлаштиришга кўмаклашсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги компания учун 4-та енгил автомашинани сақлашга лимит ажратсин, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти вазирлиги эса шартнома асосида транспорт воситалари билан таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги компаниянинг талабномаси бўйича телефон, ҳукумат, телекс ва телефакс алоқасини таъминласин;

«Ўзбектуризм» компанияси бошқаруви ва унинг ишчи аппарати Маданий ахборот марказининг Тошкент шаҳар, Ҳамза кўчаси, 45 уйдаги биносига жойлаштирилсин.

8. «Ўзбектуризм» миллий компанияси бир ой муддатда:

мазкур қарордан келиб чиқувчи вазифаларни ҳисобга олган ҳолда компания Уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

2 ой муддат ичида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотларни ҳамда туристик фаолият билан шуғулланувчи хусусий шахсларни қайта рўйхатдан ўтказсин.



9. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1989 йил 20 октябрдаги 351-сон қарорининг 3 ва 4 бандлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1990 йил 9 апрелдаги 168 -сон қарорининг 1 ва 7 бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари ўртоқ Э.С.Самандаров зиммасига юклатилсин. Унинг қандай бажарилаётганлиги 1993 йил апрель ойида қўриб чиқилсин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1992 й., октябрь.*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **БАҲОУДДИН НАҚШБАНДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 675 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА Тошкент ш., 1992 йил 28 октябрь, 497-сон.**

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Кўплаб фуқаролар, уламолар ва Мовароуннаҳр Мусулмонлари идорасининг 1993 йилда Шарқ халқлари тафаккури тараққиётига катта ҳисса қўшган аллома Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Юбилей комиссиясининг таркиби иловага\* мувофиқ тасдиқлансин. Комиссия бир ой муддат ичида Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқиб, бажаришга киришсин.

\*Илова берилмайди.

3. Бухоро вилояти ҳокимлиги Дин ишлари бўйича қўмита, Мовароуннаҳр Мусулмонлари идораси ва Ўзбекистон Фанлар академияси тегишли ташкилотлар билан бирга 1993 йилда Бухоро шаҳрида Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига бағишланган анжуман ўтказсинлар.

4. Ўзбекистон Фанлар академияси ва Дин ишлари бўйича қўмитасига:

– мазкур сана муносабати билан 1993 йилнинг сентябрь ойида илмий конференция ўтказиш;

– «Нақшбандия таълимоти ва унинг жаҳоншумул аҳамияти» монографиясини ҳамда Абдураҳмон Жомийнинг « Нафаҳот ул-

унс», Ас–Сафийнинг «Рашоҳот айн ул–ҳаёт» асарларидан нақшбандия таълимотига оид маълумотларни таржима этиб, уларни илмий шарҳлар билан нашр этиш топширилсин.

5. Бухоро вилояти ҳокимлигига Бухоро шаҳрида ва Баҳоуддин Нақшбандий туғилган Қасри Орифон қишлоғида унинг номини абадийлаштириш тadbирларини кўриш юклатилсин.

6. Мана шу тadbирларини ўтказиш учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан йигирма беш миллион сўм ажратилсин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

*Ўз МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1992 й., октябрь.*



### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И**

1993 йил 26 август, № 429

#### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА АЛОҲИДА ТОПШИРИҚЛАР БЎЙИЧА ЭЛЧИЛАР ЛАВОЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси олий раҳбариятининг махсус топшириқлари ва миссияларини тезлик билан амалга ошириш, хорижий давлатлар ва ҳукуматларнинг расмий вакиллари билан музокара-лар олиб бориш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсат йўлини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа ўта муҳим топшириқларни бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида алоҳида топшириқлар бўйича элчилар лавозими жорий этилсин (1-ило-ва).
2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидаги алоҳида топшириқлар бўйича элчи тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.
3. Алоҳида топшириқлар бўйича элчи мақоми, маъиший таъминоти, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитлари

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1993 й., август.*

**«ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ  
510 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ  
ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА» ГИ ҚАРОРДАН**

Ўзбек классик адабиётининг улкан намояндаси, атоқли давлат арбоби ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига 510 йил тўлиши муносабати билан Бобур ижодиётининг адабиётимиз ва маданиятимиз тарихида, ижтимоий фикр таракқиётида муҳим ўрин тутишини ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1993 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги Ўзбекистон Республикасида кенг миқёсида нишонлансин. ҳамда бу санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика юбилей комиссиясиловага мувофиқ тузилсин...

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1993 й., июль.*

**«АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ЮБИЛЕЙИНИ ЎТКАЗИШ  
ТЎҒРИСИДА» ГИ ҚАРОРДАН**

1994 йилда атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий туғилган кунга 100 йил тўлиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Юбилейни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин...

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1993 й., июнь.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**1994 ЙИЛНИ МИРЗО УЛУҒБЕК ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ЭТИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Тошкент ш., 1994 йил 19 март, ПФ–796-сон

Улуғ ўзбек олими, мунажжим, математик, физик, меъмор, темурийлар сулоласининг муносиб давомчиси, йирик давлат арбоби Муҳаммад Тарағай – Улуғбек (Мирзо Улуғбек) таваллудига 600 йил тўлиши муносабати билан:

жамоат фикрини қувватлаб, алломанинг жаҳон илм-фани ва маданияти равнақида қўшган улкан ҳиссасини эътиборда тутиб;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият соҳасидаги ташкилоти ( ЮНЕСКО) Бош конференциясининг 27-сессияси қарорига кўра Мирзо Улуғбек юбилейи жаҳон кадриятлари рўйхатига – 1994 йилда дунё миқёсида нишонланадиган

байрамлар қаторига киритилгани ва шу муносабат билан ташкил этиладиган халқаро тадбирларни ҳамда республикада олиб борилаётган улкан хайрли ишларни инobatга олиб;

ёш авлод қалбида миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, уларнинг илм-маърифатга бўлган интилишини рағбатлантириш ҳамда мустақил Ўзбекистон илм-фани ривожига кўмаклашиш мақсадида;

1994 йил Ўзбекистон Республикасида Мирзо Улуғбек йили деб эълон қилинсин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1994 й., 4-сон, 95-модда.*

### **«МУҲАММАД РАҲИМХОН – ФЕРУЗ ТАВАЛЛУДИНИНГ 150 ЙИЛЛИГИНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОДАН**

Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган мутафаккир шоир ва бастакор, атоқли давлат арбоби Муҳаммад Раҳимхон – Феруз таваллудига 150 йил тўлиши муносабати билан ҳамда миллий кадриятларимизни авайлаб асраш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1994 йилда Муҳаммад Раҳимхон – Феруз таваллудининг 150 йиллиги республикамызда кенг нишонлансин ҳамда бу санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий кўмитасининг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин...

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1994 й., март.*

### **«АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОДАН**

Жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуг давлат арбоби ва саркарда, фан ва маданият ҳомийси соҳибқирон Амир Темур таваллудига 660 йил тўлиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Кўрсатилган қутлуғ сана 1996 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистонда кенг нишонлансин...

*Ўз МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1994 й., декабрь.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**1996 йилни «АМИР ТЕМУР ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Тошкент ш., 1995 йил 26 декабрь, ПФ-1333-сон.

Буюк давлат арбоби Амир Темуր туғилган куннинг 660 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз жамоатчилигидан тушаётган кўплаб таклифларни инобатга олиб,

унинг давлатчиликни барпо этишдаги, фан, таълим ва маданият таракқиётидаги улкан хиссасини назарда тутиб,

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1996 йилда Амир Темурунинг 660 йиллиги жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонланиши тўғрисидаги қарорига эътиборан халқаро ва республика миқёсида тадбирлар ўтказилаётганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон фуқароларининг, ёш авлоднинг миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини янада ривожлангириш мақсадида, 1996 йил – «Амир Темуру йили» деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 303-модда.*

**«АБДУРАУФ ФИТРАТ ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИНИ  
НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОДАН**

Атоқли адиб ва олим Абдурауф Абдурахим ўғли Фитратнинг Ўзбекистон фани ва маданияти таракқиётига қўшган беқиёс хиссаси ва келажак авлодларга ўрнатилган бўлувчи фуқаролик жасоратини инобатга олиб ҳамда унинг илмий ва адабий меросини халқимизга тўла етказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси ва Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг А.Фитрат таваллудининг 110 йиллигини 1996 йилда мамлакатимизда кенг миқёсда нишонлаш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.....

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1996 й., февраль.*

## **ПРЕЗИДЕНТНИНГ «ЎЗБЕККИНО» ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА» ГИ ФАРМОНИДАН**

Ватанимиз кинематографиясини ташкил этиш даражаси ҳамда унинг Ўзбекистон халқининг маънавий–ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, кўп асрлик маънавий, маданий қадриятлар ва миллий анъаналарини қайта тиклаш ҳамда бойитиш, шунингдек, бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда миллий кинематография тараққиётини давлат йўли билан қўллаб – қувватлашни кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси ва Ўзбекистон кинематографиячилар уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида худудий бўлинмалари билан биргаликда «Ўзбеккино» Давлат – акционерлик компаниясини тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин...

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 й., 4-сон, 44-модда.*

## **ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОРДАН**

Темурийлар тарихи Давлат музейи зиммасига юклатилган вазифаларни амалда бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Маданият ишлари вазирлиги 2 ой муддатда республика музейларининг Темурийлар тарихига мансуб экспонатлари рўйхатини аниқласинлар ва уларни Темурийлар тарихи Давлат музейига текин бериш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

2. Амир Темур ва Темурийлар даври экспонатлари кўрғазмасини ташкил этиш ҳамда кейинчалик чет эл тўпламларидан уларнинг аслини ёки нусхаларини сотиб олиш масалаларини ишлаб чиқиш бўйича иловага\*мувофиқ таркибда Комиссия тузилсин...

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1997 й., январь.*

## **ПРЕЗИДЕНТНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА»ГИ ФАРМОНИДАН**

Ўзбекистон худудида қадимдан шаклланган, жаҳоний шуҳрат қозонган нафис санъатлар мактабининг ноёб анъаналарини авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, миллий тасвирий, амалий

миниатюра санъатимизнинг нодир дурдоналарини дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиклол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, замон талабларига мос бадий таълим тизимини барпо этиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, академик илмий–тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Рассомлар уюшмаси, атоқли санъат намоёндалари ва кенг жамоатчиликнинг таклифларини инобатга олиб, Ўзбекистон Бадий Академияси ташкил этилсин...

*«Қатагон қурбонлари хотираси» музейи материаларидан.*

### **«АХМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ**

#### **1200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРДАН**

Аниқ фанлар ривожига бекиёс ҳисса қўшган улуғ ватандошимиз, қомусий аллома Аҳмад ал–Фарғоний илмий меросининг халқимиз маънавий–маданий ҳаётидаги ўрнини, аллома таваллудининг 1200 йиллиги ЮНЕСКОнинг 1998 йилдаги тадбирлари режасига қиритилганлигини ҳисобга олиб ҳамда унинг меросини авайлаб асраш ва авлодларга тўла етказишга кенг йўл очиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлиги, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва илмий–ижодий зиёлиларнинг Аҳмад ал–Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини 1998 йилда ЮНЕСКО иштирокида кенг миқёсда нишонлаш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин...

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1997 й., ноябрь.*

### **«АЛПОМИШ» ДОСТОНИ ЯРАТИЛГАНЛИГИНИНГ**

#### **1000 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИДАН**

«Алпомиш» достонининг аجدодларимиз ижодий даҳосининг бебаҳо бадий ёдгорлиги сифатида жаҳон халқлари эпик ижодиёти намуналари ичида алоҳида ўрин тутишини, унинг мустақил ривожланиш даврида миллат бирлиги ва маънавий уйғониши, миллий ғурур ва ўз–ўзини англаш рамзига айланганлигини, ушбу дoston яратилганлигининг 1000 йиллиги ЮНЕСКОнинг 1999 йилдаги





## **ПРЕЗИДЕНТНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТР САНЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИДАН**

Ўзбекистонда асрлар оша яшаб келаётган томоша–санъати анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, моддий–техник негизини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий–маърифий ислохотларда театр арбобларининг фаол иштирокини таъминлаш, миллий ва умумбашарий кадриятларни тараннум этувчи бадиий баркамол саҳна асарлари яратиш, махсус таълим тизимини замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириш, юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Театр арбоблари уюшмаси, атоқли санъат намояндalари ва кенг жамоатчиликнинг таклифларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлигининг театр ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси негизида Маданият ишлари вазирлиги тизимида «Ўзбектеатр» ижодий–ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг қошида Театр ижодкорлари уюшмаси ташкил этилсин...

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1998 й., 4-сон, 61-модда.*

### **«ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ТАВАЛЛУДИНИНГ**

#### **800 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИДАН**

Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган довурак курашчи, миллий қаҳрамон, жаҳон халқлари тарихида ўчмас из қолдирган Жалололдин Мангуберди таваллудига 800 йил тўлиши муносабати билан унинг хотирасини абадийлаштириш ва тарихий адолатни қарор топтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Хоразм вилояти ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлигининг 1999 йилда Жалололдин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин...

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1998 й., сентябрь.*

«Биз нега тарихий кадриятларимизга, буюк бобокалонларимизга бу қадар эътибор бердик? Уларни халқимизга қайтаришга, танитишга ҳаракат қилдик?

Мақсад шу эдики, ҳар бир инсон ўз умрини ана шу табаррук зотлар кечирган ибратли ҳаёт билан таққослар экан, кўнглидан мен ана шу салафларимизга муносиб ворисманми, деган саволлар ўтсин. Улар шу қадар буюк мерос қолдирибдики, мендан нима қолади, деган туйғу билан ўз фаолиятини баҳоласин».

*(Каримов И.А. Асарлар, 5-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1997, –Б. 150).*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЖАҲОН ХАМЖАМИЯТИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ**

#### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎРТАСИДАГИ ДАВЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ АСОСЛАРИ, ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА**

Тошкент ш., 1992 йил 2 июль, 618–XII сон

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этган, 1992 йил 30 майда Москва шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома ратификация қилинсин.

#### **Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 330-модда.*

#### **«АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭЛЧИХОНАСИНИ ОЧИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРДАН**

Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида дипломатик муносабатларни ўрнатиш тўғрисида 1992 йил 9 февралдаги Протоколга ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 19 февралдаги 566-сон Фармониға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Америка Қўшма Штатларининг Вашингтон шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Элчихонасини очиш зарур деб ҳисоблансин...

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1993 й., май.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ  
ҚАРОРИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО  
ШАРТНОМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИ АМАЛГА  
КИРИТИШ ҲАҚИДА

Тошкент ш., 1995 йил 22 декабрь, 173–I-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонун матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукуматнинг қарорларини «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, республика вазирликлари ва идоралари ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қи-лишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 263-модда.*

**МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ**

*Миллий хавфсизликни таъминлаш, мамлакатнинг ҳудудий бутунлигини сақлаш масалалари мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб давлатимизнинг диққат марказида турди. Халқаро вазият, Иттифоқ парчалангандан кейинги муҳит, қўшни давлатлар – Афғонистондаги можаролар, Тожикистондаги нотинчлик зудлик билан чегараларни мустаҳкамлаш, қуроли кучларни тузишни тақозо этарди. Шу боисдан миллий хавфсизлик концепсияси ва унинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи қонунлар ишлаб чиқишга киришилди.*

*1995 йилда Ўзбекистон Президенти ҳузурида мамлакатимиз миллий хавфсизлигини таъминлаш, зарур чора–тадбирлар ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи маслаҳат органи – Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик кенгаши ташкил этилди. 1997 йил 29 августда «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепсияси тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Бу ҳужжатда диний экстремизм, халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик авж олган шароитда давлатнинг муҳим вазифаларидан бири миллий хавфсизликнинг самарали тизимини яратишдан иборат эканлиги таъкид-*

ланган. Миллий хавфсизлик хизмати тизими вазият талаб қилган даражада кучайтирилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

Ф А Р М О Н И



У К А З  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

О преобразовании Министерства по делам  
обороны Республики Узбекистан в Минис-  
терство обороны Республики Узбекистан

В соответствии с Законом Республики Узбекистан "Об оборо-  
не" и в связи с расформированием и прекращением с 1 июля  
1992 года деятельности Управления Туркестанского военного окру-  
га:

1. Преобразовать Министерство по делам обороны Республики  
Узбекистан в Министерство обороны Республики Узбекистан.
2. Кабинету Министров Республики Узбекистан в месячный  
срок принять постановление по данному вопросу.

Президент  
Республики Узбекистан



И.Каримов

гор.Ташкент,  
3 июля 1992 года  
№ УП-434

*«Қатагон қурбонлари хотираси» музейи материаларидан.*

**Ўзбекистон Қуrolли Кучлари – хавфсизлик таянчи.** Миллий хавфсизлик, аввало, мамлакатнинг мудофаа қобилиятига боғлиқ. Шу боисдан мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. 1991 йил сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тузилди. Ўзбекистон Республикаси парламентининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган «Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ўқув муассасалари тўғрисида»ги қарори асосида Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча ҳарбий қисмлар, ҳарбий ўқув юртлари республика тасарруфига олинди. Ўзбекистоннинг ўз Қуrolли Кучлари ташкил этилди. 1992 йил 2 июнда «Мудофаа тўғрисида» Қонун қабул қилинди. 1993 йилда эса 14 январь –

*Ватан ҳимоячилари кун, деб эълон қилинди.*

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Президент мамлакат Қуроли Кучларининг Олий Бош Қўмондони ҳисобланади.*



## **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И**

**1991 йил 26 октябрь, № 272**

### **РЕСПУБЛИКАДА БОЖХОНА ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ МАСАЛАЛАРИ ҲАҚИДА**

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» ва «Ўзбекистон ССЖнинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳақида»ги Қонунларга мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Божхона қўмитасини ташкил этиш ҳақида» 1991 йил 25 октябрдаги Фармони ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикаси божхона хизмати ва Божхона қўмитасининг марказий аппарати тузилиши 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Республика божхона муассасалари ходимларининг сони 415 киши (булардан 373 киши — шираб турғам бўлимлари ҳисобига)

*Ўз Р МДА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, 1991 й., октябрь.*

...Ҳарбий курилиш соҳасидаги мақсад профессионал армияни, ўз таркибида яхши тайёрланган ва таълим олган, ўз халқига, она заминига садоқатли бўлган, ўз Ватанининг шайни ва кадр-қимматини охиригача ҳимоя қила оладиган жангчиларга эга бўлган армияни босқичма-босқич вужудга келтиришдан иборат бўлиши лозим.

*Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.  
– Т.: «Ўзбекистон», 1998. –54-б.*

## **ОСНОВОПОЛАГАЮЩИЕ ДОКУМЕНТЫ ПО ОРГАНИЗАЦИИ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ В ВООРУЖЕННЫХ СИЛАХ УЗБЕКИСТАНА**

### **ПОСТАНОВЛЕНИЕ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

23 сентября 1992 г. № 145 Тошкент ш.-г. Ташкент

#### **О мерах по укреплению воинской дисциплины и совершенствованию воспитательной работы в Вооруженных Силах, пограничных и внутренних войсках Республики Узбекистан**

Перед Вооруженными Силами, пограничными и внутренними войсками Республики Узбекистан поставлены ответственные задачи по защите независимости, территориальной целостности, суверенитета государства и мирной жизни населения. В решении этих задач важное место занимают вопросы укрепления воинской дисциплины и совершенствования воспитательной работы. Однако, как показывают результаты проверок, в ряде воинских коллективов работа по укреплению воинской дисциплины, правовому, воинскому и гражданскому воспитанию, а также морально-психологической подготовке военнослужащих ведется неэффективно, она не оказывает должного влияния на боевую готовность, качество выполнения служебно-боевых задач, не воздействует должным образом на сознание и поведение военнослужащих.

Деятельность в войсках структуры по работе с личным составом еще не в полной мере обеспечивают проведение необходимых мероприятий по укреплению воинской дисциплины и совершенствованию воспитательной работы в войсках.

В целях организации и проведения государственной политики в области обороны и безопасности, повышения боевой готовности войск, совершенствования патристического воспитания, а также укрепления политико-морального состава Вооруженных Сил, пограничных и внутренних войск Республики Узбекистан Кабинет Министров

*«Қатагон қурбонлари хотираси» музейи материалларидан.*

**ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
ОБ УСТАНОВЛЕНИИ ДНЯ ЗАЩИТНИКОВ РОДИНЫ**

г. Ташкент, 29 декабря 1993 г., № 1018—ХП

Учитывая значение Вооруженных Сил Республики Узбекистан в деле защиты суверенитета и территориальной целостности страны, мирной жизни и созидательного труда народа на пути укрепления независимости, воспитания молодого поколения в духе патриотизма, а также принятие 14 января 1992 года под юрисдикцию республики воинских формирований, дислоцированных на ее территории, Верховный Совет Республики Узбекистан постановляет:

Установить 14 января – Днем защитников Родины.

**Президент Республики Узбекистан И. КАРИМОВ**

*Ведомости Верховного Совета  
Республики Узбекистан, 1994 г., № 1, ст. 27.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲАРБИЙ  
ДОКТРИНАСИ**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

Ҳарбий доктрина Ўзбекистон Республикаси мудофаа сиёсатининг негизини ташкил этади ва миллий хавфсизлик умумдавлат концепциясининг таркибий қисми бўлиб, ташқи сиёсат, давлатлараро муносабат масалаларига, уруш ва тинчлик муаммоларига мутлақо янгича ёндашувларга асосланади.

Ўзбекистон кенг кўламдаги мафкуравий қарама-қаршилик мушкулотлари ўтмишда қолган тарихий даврда, жаҳон урушининг бевосита хавфи анча қамайишига эришилиб, «совуқ уруш»га барҳам берилган даврда мустақил давлатга айланди.

Айни чоғда халқаро муносабатлар таркибидаги ўзгаришлар, мувозанатлар янги тизимининг шаклланиши кескинлик, можароларнинг янги ўчоқлари пайдо бўлиши, экстремизм ва террорчилик турли кўринишларининг фаоллашиши билан бирга кечмоқда.

Шу туфайли ҳам ёш мустақил давлатнинг мудофаа қобиляти ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилиб ва ўзининг маънавий ҳамда интеллектуал кадриятларини тиклаш, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришларни амалга ошириш йўлига ўтиб, ҳуқуқий, демократик ва дунёвий жамият қурмоқда.

Ўтказилаётган демократик ислохотларни амалда рўёбга чиқаришда жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлаш ва давлатнинг пухта хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон учун ҳаётий зарурдир.

Шуларни назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат ва халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида ўзининг мудофаа сиёсатини барча мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, уларнинг мустақиллигини, шунингдек давлатлараро таркиб топган чегараларнинг бузилмаслиги ва ўзгармаслигини ҳурмат қилиш принципларига асослайди.

Ўзбекистон Республикаси ўз куч-ғайратларини барча давлатлар билан кўп томонлама алоқалар ўрнатиш ва бу алоқаларни ривожлантиришга, ялпи тинчликка, ҳамма жойда ижтимоий-сиёсий барқарорликка ва қуролсизланишга эришиш мақсадларига қаратади.

Ўзбекистон Республикаси барча мамлакатлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш ўз халқининг турмушини яхшилаш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига, демократия ва ижтимоий адолат принципларига асосланган ижтимоий тузумни мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратади, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда тинчликсеварлик йўлидан бориб, айни вақтда ўз фуқароларининг ҳаёти ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олади, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига биноан ўзини ўзи мудофаа қилишдек ажралмас ҳуқуқини амалга оширади, давлатнинг ҳарбий қудрати ва мудофаа қобилияти оқилона зарурат даражасида бўлишини таъминлайди.

## **II. ДОКТРИНАНИНГ СИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

### **Ўзбекистон Республикасининг урушга муносабати**

Ўзбекистон Республикаси халқаро ва давлатлараро муаммоларни уруш йўли билан ҳал этишга қатъиян қарши чиқади ва жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўртасида ҳарбий можаролар чиқишини превентив дипломатия воситасида бартараф қилишда фаол иштирок этишни, зиддиятларни кескинлаштирадиган сабабларга барҳам беришга ёки уларни енгишга куч-ғайрат сарфлашни ўз ташқи сиёсатининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди.



## **Урушнинг ва уруш хавфининг олдини олиш – бош стратегик йўналиш**

Урушлар ва ҳарбий можароларнинг олдини олишни, ҳарбий блоklarга кирмасликни ўз ташқи сиёсатининг бош стратегик йўналиши деб эълон қилиб, Ўзбекистон Республикаси шуни қайд этадики, у:

ўз Қуролли Кучларини бошқа давлатга қарши ишга солмайди, Ўзбекистон Республикасига ёки Ўзбекистон билан ўзаро ҳарбий ёрдам тўғрисидаги тегишли шартномалар орқали боғланган давлатларга қарши ҳужумни қайтариш ҳоллари бундан мустасно;

ҳеч кимга таҳдид солмайди ва жаҳондаги бирорта ҳам давлатни ўзининг душмани деб ҳисобламайди, улардан бирортасига на худудий, на бошқа даъвоси бор ва барча мамлакатлар билан халқаро ҳуқуқ, хавфсизлик манфаатларини ўзаро ҳисобга олиш асосида муносабатлар ўрнатишга тайёр;

ядро қуролисиз яшаш: ядро қуrolини жойлаштирмаслик, ишлаб чиқармаслик ва сотиб олмаслик принципларига амал қилади.

Урушнинг олдини олиш борасида Ўзбекистон Республикаси халқаро фаолиятининг бош мезонлари қуйидагилардан иборат:

умумий хавфсизликни таъминлашда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ролини ошириш;

давлатлар ва халқлар ўртасида тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорликни таъминлашни бош мақсад қилиб олган халқаро ҳамда минтақаларо тузилмаларга фаол қўшилиш;

манфаатдор давлатлар ва жаҳон ҳамжамиятининг фаол иштирокида Марказий Осиёнинг минтақавий хавфсизлиги тизимини ривожлантириш;

ядро қуrolлари синовини ёппасига тақиқлаш ва пировард натижада Ядро қуrolини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномадан уни бутунлай йўқ қилиш ҳақидаги шартномани тузишга ўтиш учун шароит яратиш;

Марказий Осиё минтақасини ядро қуrolидан ҳоли худуд деб эълон қилиш;

кимёвий, бактериологик ва бошқа турдаги ялли қиргин қуrolларини ҳамма ерда йўқ қилиш, Ўзбекистон Республикасининг Кимёвий қуrolларни тақиқлаш тўғрисидаги Конвенцияда ва бактериологик қуrolларни тақиқлаш муаммолари юзасидан музокараларда иштирок этиши;

одамнинг рухиятига ҳалокатли таъсир этадиган воситалар, тектоник ва бошқа турдаги қуроллар яратилиши, синовдан ўтказилиши ва ишлаб чиқарилишини тақиқлаш;

минтақага қурол-яроғ етказиб бериш ва у билан савдо қилиш устидан самарали назорат ўрнатишнинг, шу жумладан қонунсиз ҳарбий тузилмаларни қурол билан таъминлашнинг олдини олиш мақсадида самарали назорат ўрнатишнинг келишилган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш. Бу чора-тадбирларга ахборот алмашишни, ўзаро текширувларни, мунтазам маслаҳатлашувларни, назорат қилишнинг миллий воситаларидан фойдаланишни асос қилиб олиш;

конверсияни фаол амалга оширишга қаратилган ҳаракатларни беғараз ёрдам ва имтиёзли кредитлар бериш тарзида моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали рағбатлантириш;

барча мамлакатларда оддий қурол-яроғлар ва қуролли кучларни қисқартириш, ўзаро ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кенгайтириш;

ҳарбий қурилишнинг ошқоралиги ва ҳарбий соҳадаги алоқаларнинг кенгайтирилишига қўмаклашувчи давлатлараро ҳарбий ҳамкорликни ривожлантириш;

ҳалқаро муносабатларда миллий ва диний муросасизликка йўл қўймаслик;

фундаментализм, экстремизм, террорчиликнинг кучайиш тенденциясига йўл қўймаслик;

тинчликни сақлаш бўйича ўзаро мажбуриятларга, барча давлатларнинг ҳарбий куч ишлатишдан ёки ҳарбий куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечишига асосланган мустаҳкам давлатлараро муносабатлар тизимини яратиш;

қўшинларни фақат миллий чегаралар доирасида жойлаштиришни пировард мақсад қилиб олиб, ўзгалар ҳудудида ажнабий ҳарбийларнинг туришини изчил қисқартириб бориш;

ҳарбий-сиёсий иттифоқларнинг минтақавий миқёсда ҳам, жаҳон миқёсида ҳам сиёсий ҳамкорлик воситасига айлантирилишига эришиш.

### **III. ДОКТРИНАНИНГ ҲАРБИЙ-ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

#### **Марказий Осиё минтақасининг ўзига хос хусусиятлари**

Ўзбекистон барча минтақаларда ва энг аввало Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қатъий ва изчил ҳаракат қилади. Бу минтақанинг ўзига хос хусусияти, дунёда

тутган сиёсий ўрнининг нозиклиги шундаки, воқеалар ривожини салбий тус олгудек бўлса, у бутун жаҳонда барқарорликни издан чиқариб юборувчи кучли детонаторга айланиши мумкин.

Марказий Осиёда турли этник ва диний гуруҳларга мансуб 60 миллионга яқин киши истиқомат қилади. Бу минтақада ядро қуроллари, шунингдек вайрон қилувчи қудратли кучга эга бўлган оддий қуроллар тўпланган. Минтақада тўқнашувлар юз берса, ақл бовар қилмайдиган фалокатларга олиб келиши мумкин.

Ҳозирги вақтда бу минтақадаги кўпгина мамлакатлар ўртасида том маънодаги чегаралар йўқ. Бундай шароитда ушбу мамлакатларнинг биронтасида келиб чиққан можаро бутун минтақага ёйилиб кетиши мумкин.

Жаҳонда ва энг аввало Марказий Осиё минтақасида ҳарбий–сиёсий вазият салбий томонга ривожланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси олдида ўз хавфсизлигини таъминлаш масаласи кўндаланг бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси урушининг олдини олиш ишидаги ўз сиёсий–дипломатик ва бошқа тинчликпарвар саъй–ҳаракатлари устуворлигини таъкидлаш билан бир қаторда ўз мудофаа қобилятини мустаҳкамлашни зарур деб ҳисоблайди.

### **Ҳарбий хавфнинг потенциал манбалари**

Ҳарбий хавфнинг потенциал манбалари қуйидагилардан иборат:

жаҳоннинг турли минтақаларида қуролли гуруҳлар юқори даражада жамланганлиги;

жаҳондаги сиёсий вазиятнинг кескинлиги пасаймаётганлиги;

айрим давлатлар ёки давлатлар блокларининг ўз сиёсатини ўтказишда куч ишлатишга мойиллиги;

айрим давлатларнинг бошқа давлатлар чегаралари яқинида қуролли кучлар гуруҳларини кўпайтиришга интилиши;

қўшни мамлакатлардаги сиёсий вазиятнинг беқарорлиги ва унинг кучайиб кетиш эҳтимоли;

айрим давлатларнинг Марказий Осиё минтақаси мамлакатларидаги вазиятга ўз таъсирини кучайтиришга қаратилган ҳаракатлари;

экстремистик сиёсий ташкилотлар, ғайриқонуний ҳарбий тузилмалар томонидан минтақада амалга оширилаётган террорчилик хатти–ҳаракатлари, шунингдек, уларнинг миллатчилик кайфият–

ларини ва диний мурасасизликни авж олдиришга қаратилган фаолияти.

### **Ҳозирги замон урушларининг хусусияти ва оқибатлари**

Жаҳонда юз бераётган ижобий ўзгаришлар шароитида янги жаҳон урушининг келиб чиқиш эҳтимоли камайди. Айни вақтда жаҳоннинг турли минтақаларида локал урушлар ва ҳарбий можаролар келиб чиқиши хавфи ортди, улар жаҳон кўламидаги оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳозирги замон урушларининг стратегик характери ва оқибатларига баҳо беришда куйидаги қоидаларга асосланади:

ядро уруши локал уруш бўла олмайди ва бирон–бир давлат ядро уруши бошлагудек бўлса, у бутун инсоният учун ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқаради;

кўп миқдорда кимёвий қуруллар, вайрон қилувчи қудратли кучга эга бўлган қуруллар тўпланган давлатлар ўртасида оддий қуруллар воситасида олиб бориладиган локал урушлар ҳам жаҳон кўламига ёйилиб, оқибатда бутун цивилизация учун худди шундай ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Ҳарбий технологияларнинг такомиллаштирилиши ва қурулли кураш воситаларининг ривожлантирилиши ҳарбий можароларнинг локал урушларга, локал урушларнинг эса минтақавий урушга ёки ҳар қандай босқичда ядро урушига ўтиб кетиши мумкин бўлган жаҳон миқёсидаги урушга айланиш эҳтимолини туғдиради.

Ўзбекистонга ёки у билан ўзаро ҳарбий ёрдам тўғрисидаги шартномалар орқали боғланган давлатларга қарши қаратилган тажовузнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси ўз ҳарбий имкониятларидан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

### **Бош ҳарбий - стратегик вазифалар**

Ўзбекистон Республикасининг бош ҳарбий-стратегик вазифалари:

тинчлик даврида давлатнинг мудофаа қобилиятини республиканинг худудий яхлитлигини, унинг суверенитетига қарши қилиниши мумкин бўлган иғво ва тажовузларнинг олдини олишни қафолатлайдиган оқилона зарурат даражасида сақлаб туришдан, ҳужумларни ҳам мустақил тарзда, ҳам Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Шартнома қатнашчиси бўлган давлатларнинг қурулли кучлари билан ўзаро ҳамкорликда даф этиш учун Қурулли Кучларининг ҳар тарафлама доимий тайёр туришини таъминлашдан;

уруш чиққан тақдирда – ҳам ўз кучлари билан, ҳам Ўзбекистон Республикаси билан тегишли шартномалар орқали боғланган бошқа давлатларнинг ҳарбий куч-қудрати билан биргаликда тажовузни кафолатли тарзда даф этиш, тажовузкорни катъиян мағлуб қилишдан иборатдир.

### **Қуролли Кучлар қурилиши ва уларни стратегик қўллаш принциплари**

Ҳарбий хавф-хатарни, урушнинг эҳтимол тутилган характерини, мудофаа вазифалари қўламини англаган ҳолда ва республиканинг иқтисодий имкониятларига мувофиқ Қуролли Кучлар қурилиши, уларнинг таркибини такомиллаштириш ва тайёргарликдан ўтказиш амалга оширилади, уларни жангда қўллаш принциплари белгиланади.

Қуролли Кучлар қурилиши уларнинг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишни таъминлай оладиган хилларини, қўшин турлари ва махсус қўшинларни тузиш ҳамда мутаносиб ривожлантириш асосида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари Қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-ҳаво кучлари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, Махсус ва муҳандислик-қурилиш қўшинлари ҳамда Миллий гвардиядан иборат.

Қуролли Кучлар қурилишини такомиллаштиришдан кўзланган мақсад уларни давлат тузилишининг хусусиятларига, минтақанинг физик-жуғрофий шароитларига мувофиқлаштиришдан, Қуролли Кучларнинг хиллари ва қўшин турларини, қуролларнинг асосий тизимларини уйғун ривожлантириш ва қўллашдан иборатдир.

Қуролли Кучлар қурилишида ислохот тинчлик даври қўшинлар гуруҳларининг жанговар қудрати локал ( минтақавий) миқёсдаги тажовузни даф этишни таъминлайдиган даражада бўлишига алоҳида аҳамият берган ҳолда амалга оширилади.

Уруш чиққан тақдирда Қуролли Кучлар ўз вазифаларини Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондонининг уруш даврида оператив резерви ҳисобланувчи Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ҳамда Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари билан биргаликда адо этадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари мунтазам, кадрлар армияси қондаси асосида қурилади.

Қуролли Кучларнинг таркиби ва тузилиши, уларнинг техника билан қуроллантирилиши ва қуролли кураш воситаларини

такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш, сафарбарлик ресурсларига ва захираларига бўлган талаб-эҳтиёж, ҳарбий қурилишни пул билан таъминлаш ишини Ўзбекистон Республикаси тажовузни ҳам мустақил тарзда, ҳам Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Шартнома қатнашчиси бўлган давлатларнинг қуроли кучлари билан биргаликда ҳаракат қилиб, бартараф этиш учун пухта ва оқилона эҳтиёж принципига риоя этиш зарурати билан боғлайди.

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларни доимий жанговар шай ҳолатда сақлаб туришга, уларни барча зарур моддий-техника ресурслари билан таъминлашга, халқ хўжалигини, аҳолини ва худудни тажовузни даф этишга тайёрлашга қаратилган тадбирлар мажмуини амалга оширади.

Армияга чақирилишдан олдинги тайёргарлик сифатини ошириш, ўспирин ёшларни ҳамма ерда соғломлаштириш, ҳарбий мутахассислар тайёрлаш давлат дастурларига асос қилиб олинган.

Қўшинларни жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган замонавий техника, қурол-яроғ билан таъминлаш, бу соҳада илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини амалга ошириш ҳарбий-техника сиёсатига асос қилиб олинган.

Ўзбекистон Республикаси тажовузга жавоб тариқасидаги ҳаракатларни назарда тутиб иш олиб борар экан, айтилган вақтда тажовузкорни жиловлаш тадбирларини ўтказишни зарур деб ҳисоблайди ва Қуроли Кучларни қўқисдан ҳужум бўлишини истисно этадиган ва тажовузкорга дарҳол қарши зарба беришни таъминлайдиган даражада шай ҳолда сақлаб туради.

Тажовуз бошланган вақтда стратегик миқёсдаги ҳарбий ҳаракатларнинг асосий тури мудофаа бўлади. Бунда вазиятга қараб, муайян йўналишларда ҳужум ҳаракатлари олиб бориш истисно этилмайди.

Шу муносабат билан тинчлик даврида қўшинлар ҳар қандай шароитда, шу жумладан душман ядро қуралини қўллаган шароитда ҳам жанговар ҳаракат олиб боришга тайёрланади.

Штаблар ва қўшинларнинг оператив ва жанговар тайёргарлиги ҳам мудофаа, ҳам ҳужум операцияларини тайёрлаш ва олиб бориш усулларини ўзлаштириш ҳамда такомиллаштиришга қаратилгандир.

Шахсий таркибга таълим ва тарбия бериш жараёни жанговар навбатчилик вазифаларини аниқ бажаришга, жанговар шайлик даражасини, қўшинларнинг оператив ва жанговар тайёргарлик

сифатини оширишга, қурол-яроғ, ҳарбий техникани ва улардан самарали фойдаланиш усуллари моҳирона эгаллашга, шахсий таркибда Ўзбекистон Республикасига, ўз халқига, Ҳарбий қасамёдга, ҳарбий бурчга садоқатни, шунингдек она Ватанининг тарихи ва анъаналарига чуқур ҳурмат-эҳтиромни, ўз Ватанининг ҳимояси учун юксак шахсий масъулиятни шакллантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси тинчлик вақтида Қуролли Кучларнинг инфраструктурасини ривожлантиришни таъминлаш ва давлатнинг стратегик иқтисодий дастурларини бажариш мақсадида муҳандислик-қурилиш қўшинларини кенгайтиришни назарда тутди. Уруш чиққан тақдирда муҳандислик-қурилиш қўшинлари мудофаа иншоотлари, коммуникация мосламалари қуришга ва авария-тиклаш ишларини бажаришга жалб этиладилар.

### **Қуролли Кучлардан фойдаланиш шартлари**

Ўзбекистон Республикаси, тинч воситалар ёрдамидаги кучгайратлар ҳамиша ҳам урушлар ва қуролли можароларнинг олдини олиш имконини беравермайди деб ҳисоблаб, қуйидаги мақсадларда ўз Қуролли Кучларини қўллаш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади:

Ўзбекистон Республикасига қарши ҳужумни даф этиш;  
тажовуздан ўзаро мудофааланиш юзасидан шартнома мажбуриятларини бажариш;

Жанговар ҳаракатлар олиб бориш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони қарор қабул қилади ва буйруқ беради.

Фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган тажовузни, ички вазиятни беқарорлаштиришга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг амал қилишини издан чиқаришга қаратилган ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш мақсадида Олий Бош қўмондон вазиятни барқарорлаштириш ишида Қуролли Кучлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга, унинг бу хусусдаги қарори кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида муҳокама этилади.

Қуролли Кучларни Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари ва Миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари билан биргаликда стратегик мақсадда қўллашни режалаштириш ишига Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги умумий раҳбарлик қилади.

## **Республика иқтисодиётини, ҳудудини ва аҳолисини мудофаага тайёрлаш**

Иқтисодиёт, давлат органлари ва бошқарув тизимининг уруш даврида ишлашга сафарбарлик тайёргарлиги, шунингдек мамлакат ҳудудини ва аҳолисини мудофаага тайёрлаш давлатнинг мудофаа қобилятини мустаҳкамлашдаги муҳим йўналишдир.

Бундай тайёргарлик ҳарбий тажовуз бўлган тақдирда қисқа муддат ичида энг кўп одамлар резервини, моддий-техника ресурсларини сафарбар этиш, халқ хўжалигини уруш даври шароитида ишлашга ўтказиш имконини берадиган ташкилий ва амалий тадбирлар мажмуини тинчлик даврида ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни назарда тутати.

Иқтисодиётнинг сафарбарлик тайёргарлиги жумласига:

қурол-яроғ, ҳарбий техника ва мол-мулкни, шунингдек, давлат хавфсизлигини таъминлаш, Қуролли Кучлар эҳтиёжларини қондиришга керакли ноҳарбий маҳсулотларни ишлаб чиқариш (таъмирлаш) учун сафарбарлик қувватларини вужудга келтириш ва сақлаб туриш;

уруш даврида давлат хавфсизлигини таъминлаш, саноатда, транспортда, автомобиль йўлларида, алоқа объектларида тиклаш, фойдаланиш, таъмирлаш, қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажариш учун, тиббий таъминотни ташкил этиш, бошқа эҳтиёжлар учун, махсус тузилмаларни ва муассасаларни барпо этиш ҳамда шай тутиш, шунингдек бу тузилмаларни Қуролли Кучлар таркибига бериш ёки улардан Қуролли Кучлар манфаатларини кўзлаб фойдаланиш;

сафарбарлик захирасида моддий бойликларни тўплаш, сақлаш ва янгилаб бориш киради.

Ҳудудни тинчлик даврида ва уруш даврида олдиндан мудофаага тайёрлаш Қуролли Кучларнинг барча турларини ривожлантириш, қайта жойлаштириш, жамлаш ва жанговар мувофиқлаштириш, мамлакат ичкарасидаги муҳим объектларни ва халқ хўжалигини замонавий зарба воситалари таъсиридан ҳимоялаш манфаатларини кўзлаб тадбирлар мажмуини амалга ошириш йўли билан рўёбга чиқарилади.

Умумдавлат тадбирлари коммуникация ва транспортнинг барча турларини яратиш ва ривожлантириш, алоқа ва бошқарув воситаларини тайёрлаш, давлат ва сафарбарлик захиралари базалари, омборлари тармоғини ривожлантириш, мудофаа буюртмаларини



бажаришга мўлжалланган корхоналар ва ташкилотларни тайёрлаш, уларнинг фаолият кўрсатиши ва ҳимоя этилишини ташкил қилиш йўли билан амалга оширилади.

Аҳолини мудофаага тайёрлаш тинчлик даврида ҳам, уруш даврида ҳам умумдавлат амалий тадбирлари мажмуини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Аҳолининг ҳарбий тайёргарлиги тинчлик даврида Қуролли Кучларнинг юксак жанговар тайёрлигини таъминлаш, қисқартирилган таркиб ва кадрлардан иборат қўшилмалар ва қисмларни, янги тузилаётган қўшилмалар ва қисмларни уруш даври штатида белгиланган даражага етказиб бутлаш ва сафарбар қилиш, шунингдек хавф тугилган даврда ва уруш вақтида талафотларнинг ўрнини тўлдириш мақсадида амалга оширилади.

Аҳолининг ҳарбий тайёргарлиги:

чақирув арафасидаги ва чақириладиган ёшларни мактабларда ва бошқа ўқув юртларида, Ўзбекистон Республикасининг Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамиятига қарашли ўқув ташкилотларида ҳарбий хизматга тайёрлаш тизимида;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида шахсий таркиб муддатли ҳарбий хизматни ўташи чоғида, турли ўқув-йигин тадбирларида ҳарбий мажбурларнинг билимларини такомиллаштириш чоғида, курсантларга ҳарбий билим юртларида таълим бериш чоғида;

ҳарбий лицейларда, республика ноҳарбий олий ўқув юртларининг ҳарбий факультетлари ва кафедраларида;

Қуролли Кучларга бериладиган махсус тузилмаларда ўтказилади.

### **Ҳарбий доктринанинг ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва республиканинг ҳарбий хавфсизлигига тажовузларга қарши ҳаракатларни ташкил этишда мамлакатни мудофаага тайёрлаш борасидаги давлат фаолиятини, Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоя қилиш учун Қуролли Кучларни қўллашни тартибга солувчи қонунларига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси ўз Ҳарбий доктринасининг моҳиятини эълон қилар экан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставидан, Хельсинкида имзоланган Яқунловчи ҳужжатдан, Стокгольм конференцияси ҳужжатида, икки томонлама, кўп томон-

лама, кўп томонлама шартномалар ва битимлардан, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг умум эътироф этган нормаларидан келиб чиқувчи барча халқаро мажбуриятларга қатъий риоя этилишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасининг ишончли муҳофаа қобилияти ва Қуролли Кучларнинг юксак жанговарлик қобилияти иқтисодий, ҳарбий-техникавий ва илмий куч-қудратни ривожлантириш, Ўзбекистон халқининг жипслиги ва ҳар бир фуқарони ватан-парварлик руҳида тарбиялаш билан таъминланади...

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 180-модда.*

### **3 БОБ. 2000 –2010 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАЁТИДАГИ ТУБ ЎЗГАРИШЛАР. ЎЗБЕКИСТОН ВА ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ**

**Учинчи босқич: 2001–2010 йиллар** – ўтиш даври шароитида ва миллий давлатчиликни шакллантириш жараёнида изчил ва босқичма-босқич кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти ўтиш босқичидир.

Бу қисмда очиқ, кучли барқарор иқтисодий ривожланган давлат куриш мақсадида босиб ўтилган узоқ ва машаққатли йўлда эришилган муваффақиятлар кўрсатиб берилган.

2000–2010 йилларда мамлакатда фаол демократик янгилашни ва модернизациялаш жараёнлари кузатилди. Ушбу босқичнинг асосий вазифаси қилиб ўтиш даврининг объектив эҳтиёжи ҳамда миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашга қаратилган кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш вазифаси қўйилди.

Президент Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек « бу икки давр халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври, том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди».<sup>1</sup>

«Айни пайтда барчамиз бир ҳақиқатни ўзимизга аниқ тасаввур этишимизни истардим. Яъни эришилган бундай марралар–барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат куриш, инсон, унинг манфаати, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми холос»<sup>2</sup>, деган фикрлари юқоридаги мулоҳазаларимизни тасдиқлайди.

Сиёсий соҳадаги ислоҳотларни қуйидагиларда кўришимиз мумкин. Мазкур Олий Мажлисининг яқунловчи XV сессияси иккинчи

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожланириш йўлида. – Т.:«Ўзбекистон», 2008. 16-жилд, 3–47-бетлар.

чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайловини 1999 йил 5 декабрь кунига белгилаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси I сессиясининг биринчи мажлиси 2000 йил 22 январь кuni бўлиб ўтди.

Шуни таъкидлаш лозимки, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳам бир палатали парламент сифатида шакллантирилди. Мамлакатимизда бир палатали парламентининг 2000–2004 йилларда бўлиб ўтган 16 та сессиясида 101 та қонун, 300 дан ортиқ қарор қабул қилинди, 55 та халқаро шартнома ва битимлар ратификация қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 329 та қонун ҳужжатига 1357 та ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Халқаро ҳуқуқий тамойиллар ва ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда давр талаби билан сиёсий ислохотлар кенгайтирилиб, Ўзбекистонда бир палатали парламент тизимидан икки палатали парламент тизимига ўтиш йўлга қўйилди. Лекин бу жараён муайян даврни ташкил этди.

2000 йил 25 май кuni иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида икки палатали парламент тузиш гоясини илгари сурди.

Бу демократик ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилига мос равишда республика парламентини икки палатали асосда янада такомиллаштиришни назарда тутган гоядир.

2001 йил 6–7 декабрь кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясида икки палатали парламент тузиш масаласи муҳокама қилинди.

2002 йил 27 январь кuni « Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига рози-

---

<sup>2</sup>Каримов И.А Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. 19-жилд, 39-бет.

мисиз?» деган масалада референдум бўлиб ўтди. Референдумда қатнашганларнинг 93,65 рози эканлигини билдириб овоз бердилар.

2002 йил 4–5 апрель кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясида «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конститутивий қонун қабул қилинди. Бу қонунда республика парламентининг номи Олий Мажлис дейилади, у икки палатали – қўйи ва юқори палаталардан иборат этиб ташкил этилади, деб белгилаб қўйилди. Қўйи палата – Қонунчилик палатаси, юқори палата – Сенат деб аталади, уларнинг ваколат мuddати 5 йил деб белгиланган.

VIII сессияда Олий Мажлис «2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Референдумининг яқунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарорини ҳам қабул қилди.

Хуллас, бу ҳужжатлар икки палатали парламент тузиш ишларини бошлашга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

2002 йил 12–13 декабрь кунлари Олий Мажлисининг X сессияси бўлиб ўтди. Унда халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конститутивий қонунлар ҳамда уларни амалга киритиш тўғрисида қарорларни қабул қилди.

Қонунчилик палатаси 120 нафар депутатдан, Сенат 100 нафар сенатордан иборат этиб шакллантирилди. Бу ўзгаришлар 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунда ҳам ўз ифодасини топди. 2003 йил 29 августда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, мазкур қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Шу тариқа, икки палатали профессионал парламентни шакллантиришнинг конститутивий-ҳуқуқий асослари яратилди. 2004 йил декабрь – 2005 йил январь ойларида мамлакатимизда илк бор

икки палатали парламентга сайлов ўтказилди. Жумладан, 2004 йил 26 декабрь ва 2005 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайловлар бўлиб ўтди. 2005 йил 17–20 январь кунлари эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига сайлов бўлиб ўтди.

2005 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палата – Қонунчилик палатаси (қўйи палата) ва Сенат (юқори палата)дан иборат қилиб шакллантирилди. Қонунчилик палатасига 120 нафар депутат сайланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери қилиб Эркин Халилов сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига республиканинг ҳар бир ҳудудидан 6 нафардан, жами 84 сенатор сайланди. Конституциянинг 77- моддасига мувофиқ, Сенатнинг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланди. Жами бўлиб, Сенат 100 та сенатордан иборат бўлди. Сенатнинг Раиси қилиб Мурод Шарифхўжаев сайланди.

Миллий парламентаризм ривож топишининг учинчи даври Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидан бошланиб, бунда янги икки палатали Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари амалда ўз ишларига киришдилар.

2009 йил 27 декабрь ва 2010 йил 10 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайловлар бўлиб ўтди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда атроф-муҳит муҳофазаси, экологик ҳолатни соғломлаштириш ва экологик барқарорликни таъминлаш долзарб масалага айланди. Республикада фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон экологик ҳаракатини юридик жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш муҳим

аҳамият касб этди. Шу мақсадда 2008 йил 25 декабрь кuni Ўзбекистон Республикасининг « Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиши ва қўшимчалар киритиши ҳақида»ги Қонуни қабул қилинди.

Қонунчилик палатасининг 135 нафар депутати бир мандатли ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериши йўли билан сайланади.

Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади.

Ушбу Қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартиши киритилиб, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги депутатлар сони 150 нафар депутатдан иборат бўлди.

Ижро органининг тараққий этиши.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида Вазирлар Маҳкамасининг таркиби тобора такомиллашиб, қисқартириб борилди.

2003 йил 24–25 апрель кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиши тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг таркиби, уни тузиши ва тасдиқлаш тартиби ўзгартирилди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими-га биноан, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари номзодлари аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади ҳамда тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг бошқа аъзолари эса Бош вазирнинг тақдими-га биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади (98-модда). Бу ҳолат мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолияти-да қуйидаги асосий конституциявий тамойилларга асосланади:

- коллегиялик;
- демократия;

- қонунийлик;
- *Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш.*

*Ҳозирда Вазирлар Маҳкамасининг таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси вазирлари, давлат қўмиталарининг раислари, (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси киради.*

## **ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР**

### **«Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин**

...бир нарса барчамизга аён бўлиши керак: ёшларимизни ўз сафига бирлаштирадиган ҳаракат ёки ташкилот тузишни замоннинг ўзи олдимизга энг кескин ва долзарб масала тариғасида қўймоқда. Лекин бундай ташкилотнинг юзага келишини, аввало, ёшларимизнинг ўз хоҳиш-иродаси, уларнинг ҳаёт режалари, ташвиш-армонлари, орзу-умидлари асосида амалга ошириш даркор...

Менинг фикримча, Ҳаракатнинг асосий вазифаси – ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига қўмаклашишдан, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдан иборат бўлиши даркор.

Мана шу ҳолатларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, бу Ҳаракатни тузиш ташаббускорлари, менинг назаримда, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериши зарур.

Биринчидан, ...Ҳаракат ёшларга амалий ёрдам бериши, уларнинг ҳаётда тўғри йўлни танлаб олишида таянч ва суянч бўлиши, ёшларнинг бошига турли синовлар тушганда, дейлик, моддий – маънавий мададга муҳтожлик сезган пайтларида қўллаб-қувватлаши даркор.

Иккинчидан, одамзот ўзининг эзгу мақсадларига асосан жамоа бўлиб эришган, ўз бошига тушган кулфатларни ҳамиша биргалашиб енгган. Бу – ҳаётий ҳақиқат.

Шунинг учун бугунги кунда ҳам инсоният ўз олижаноб орзу-умидларига етиб боришда бирга, ҳамкорликда ҳаракат қилиб, қўп-



кўп ютуқларни қўлга киритаётган экан, ўйлайманки, ёшларимизнинг ҳам мана шу ҳаракат сафида бирлашиши уларнинг бир-бирига мадад бўлиб, елкадош бўлиб, катта куч бўлиб шаклланишида ижобий натижалар бериши муқаррар.

Учинчидан, ҳаммамиз яхши биламизки, ўсиб-улғайиш жараёнида болалар орасида табиий етакчилар пайдо бўлади. Бу – ёшликнинг ўзига хос қонунияти бўлиб, улар бошқа болалардан ўз кучи ва қобилияти билан ажралиб туради...

Тўртинчидан, одатда ҳар бир ёш йигит-қиз мустақил ҳаётга кириб келар экан, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишга ҳаракат қилади. Шу маънода, ташкил этилаётган бу Ҳаракат ёшларни касб-хунарга йўналтиришда ҳам муҳим ўрин тутиши керак...

Бешинчидан, бу ташкилот ҳозирги мураккаб шароитда ёшларни нафақат ёт мафкуралар, диний экстремизм ва террорчилик, гиёҳвандлик каби ташқи таъсирлардан, балки ўзимиздаги ички хавф-хатарлар – тўрачилик, сансалорлик, маҳаллийчилик, боқибеғамлик каби иллатлардан асрашда ҳам фаоллик кўрсатиши керак.

Олтинчидан, биз оилани жамиятнинг энг муҳим бўғини, деб биламиз. Бу масалага давлатимиз масъулият билан қараб, катта ишларни амалга ошироқда.

Лекин ёш йигит-қизлар турмуш кураётган пайтда мураккаб ҳаётини синовлардан ўтади, шу даврда ёрдамга кўпроқ муҳтож бўлади. Ҳаракат бу муҳтожликни сезгирлик билан пайқаб, ёш оилаларга ёрдам беришни ўзининг асосий бурчи, деб билиши, шу мақсадда «Ёш оила» дастурини ишлаб чиқиш масаласига алоҳида аҳамият қаратиши зарур.

Еттинчидан, мен Ҳаракатнинг яна бир вазифасини шундай тушунаман: олий ўқув юр்தларини битириб, эндигина катта ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг хизмат поғоналаридан кўтарилишида, лавозим нуқтаи назаридан ўсишида уларга ишонч билдириш, ёрдам бериш борасида ҳам бу ташкилот асосий ташаббускор бўлиши керак...

«Камолот» ижтимоий ҳаракатининг ҳаётга келишида муҳим ва энг жиддий масалалардан бири – бу ҳаракатнинг ташкилий таркиби, унга аъзо бўлиб кириш тартибидир...

Бизнинг мақсадимиз «Камолот» ҳаракатини қандайдир ёпик, ўта расмий ташкилот тарзида тузиш эмас. Чунки бу ёшларни

амалда бўлиб ташлашга олиб келиши, оқибатда Ҳаракат таркибида турли оқимлар, амалпараст кимсалар пайдо бўлиши мумкин.

Шунинг учун «Камолот» ҳаракатига аъзо бўлиб кириш якка тартибда эмас, балки жамоа асосида, ташкилий жиҳатдан уюшган гуруҳлар тарзида бўлгани маъкул, деб ўйлайман...

Хўш, бундай вазиятда уларни Ҳаракат таркибига қабул қилиш қандай амалга оширилади? Бундай пайтда ўша ҳар бир жамоанинг ўзи уюшган ҳолда, бошланғич ташкилот сифатида Ҳаракатга аъзо бўлиб кириши мумкин...

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак ёшлар ташкилотининг мақсад-вазифалари ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин энг муҳими, у ёшларимизнинг кўнглига йўл топиши, улар билан ҳамнафас бўлиб, дарду ташвишларини яқиндан ҳис этиб, уларнинг ҳақиқий ёрдамчисига, маслаҳатгўйига, маслақдошига айланиши зарур.

*Ёшлар масалаларига бағишланган йиғилишида  
сўзланган нутқ, 2001 йил 24 январь.*

*И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.  
9-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 186-бет.*

### **"ҚОНУНЧИЛИК ВА СУД ҲУҚУҚИ" МАСАЛАСИ БЎЙИЧА.**

Суд ижрочиси ҳақида гапиришдан олдин мен бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Биз судларнинг ҳуқуқи, судларнинг бугунги ҳаётимиздаги ўрни ва судларнинг ҳолисона ҳукмлар чиқариши масаласи бўйича анча-мунча қарорлар қабул қилдик. Судларни ҳақиқий учинчи ҳокимият даражасига кўтариш учун кўп ҳаракатлар бўляпти. Судларни танлаш, судларни сайлаш, судларни тасдиқлаш масаласига, ўйлайманки, депутатлар ҳам катта аҳамият беради. Ўзбекистонда, шунини аниқ айтишимиз мумкинки, бошқалардан фарқли ўлароқ жуда чуқур ўйланган тартиб-интизомни жорий қилдик, яъни алоҳида квалификация комиссиясини туздик. Уни Олий Мажлис Раисининг муовини бошқаради. У номзодлар бўйича алоҳида қарор чиқариб, кейин Президентнинг тасдиғига тақдим этади. Ҳар қайси суд, у туман суди бўладими, шаҳар суди бўладими ёки вилоят судими ҳаммасини биз мана шундай йўл билан, ҳолисона танлаб оламиз. Бундай суднинг ҳақиқатан ҳам адолатли иш олиб боришига ишонамиз. Энди суд ижрочилари масаласига қайтсак.

Сиз айтган фикрни мен яна бир бор қайтариб айтмоқчиманки, агарда жиноий иш бўлса, жиноятчини олиб бориб қамаш мумкин.

Лекин ҳўжалик ишлари билан боғлиқ жиноий ишлар бўлса-чи? Ўйлайманки, бугун, умуман, биз ана шу ўта муҳим муаммони ҳали охиригача ечганимиз йўқ. Одамни олиб бориб қамаш мумкин, лекин давлатга ёки бошқа шахсларга етказилган катта зарарни қоплаш масаласини ҳали ҳал қилганимиз йўқ. Масалан, давлатга хиёнат қилиб топилган маблағларнинг 80 фоизини қайтариб ололмаслигимиз қонунчилигимиз заифлигини кўрсатади.

Яна бир бор айтаман, жиноий нуқтаи назардан олиб қараганда, жазо бериш мумкин, қамаш мумкин, лекин бу жазо билан биз нимага эришамиз? Мен мана шу жиноятчиларнинг оилалари, болаларига кўп қуюнаман, отасиз ё онасиз болаларнинг ҳаёти, турмуши, тарбияси қандай бўлади? Қамалган одамнинг болалари бошини кўтариб юролмайди, энди вояга етаётган болалар, айниқса, кўпроқ эзилади. Аёллари изтироб чекади ва ҳоказо.

Биз ҳозир шу масала устида чуқур ўйлашимиз керак: қандай қилиб болаларни бу изтироблардан асраб қолиш, етказилган зиённи қандай қилиб қонун асосида тўлиқ қайтариб олиш мумкин? Менга қолса ҳўжалик ишлари билан боғлиқ жиноий ишлар бўйича одамларни қамаш, уларни бир жойга ўтқазиб қўйиб, қурол билан қўриқлаб ўтириш шарт эмас – бу давлатга жуда қимматга тушади. Менга қолса, етказилган зарарни ундириб олардим-у, шунга қараб жазосини берардим. Бу масалага сиз депутатларимиз ҳам бошқача кўз билан қарашингизни сўрардим.

Биз адолат ўрнатмоқчи бўлсак, минг йилликлар, асрлар давомида ўзимизда шаклланган адолатни жорий қиладиган бўлсак, аввало, етказилган зарарни ундириб олиш масаласини ҳал қилишимиз керак, жиноятнинг бундай турларини содир этган одамларни қамашга қаршиман. Ғарб мамлакатларида жиноятчи, деб гумон қилинган шахс, қочиб кетмайман, ёки умуман давлат қонунини ёки суд қарорини бажараман, деган ваъдасига кўра, маблағини кафолат тариқасида берса, бемалол юраверади. Бизда суд қилинмасдан туриб, одамлар йиллаб ётади. Шу тўғрида биз қарор чиқаришимиз керак. Агар ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини қурмоқчи бўлсак, биз ўзбеклар ҳам шундай жамиятга, шундай тартибга, шундай тизимга чиқишимиз керакми, йўқми? Совет тузуми даврида эски замондан қолган шундай бир ярамас мерос бор эди: бир килограмм ёғни ўғирлагани учун ҳам одамлар 10–15 йиллаб қамоқда ётган. Умуман айтганда, жазо бериш бизнинг тузумимизда шундай бўлиб келган: агар жиноят қилган бўлса, албатта, қамаш керак. Бунинг

оқибатида қанча оила хонавайрон бўлади, бу ҳақда ўйлашмаган.

Биз шарқ шароитида яшаймиз. Демократик давлат қураётганимизда, аввало, ўз анъаналаримизни асос қилиб олишимиз керак. Буни унутмаслигимиз лозим. Тарихимизга назар ташласак, кўрамиз, хато қилган одамни жазолашдан кўра, кўпроқ кўпчилик ўрта-сида муҳокама қилиш, изза қилиш, яъни унга авваламбор, тарбиявий чоралар қўлланилган. Иккинчи марта жиноят қилдирмаслик – бу биринчи вазифа. Иккинчи вазифа шундан иборатки, етказилган зарарни қайтариб олиш. Турмаларда, лагерларда ётган одамларнинг сонини камайтиришимиз керак. Бу ҳеч кимга фойда бермайди. Мен гапимни якунлаб нима демоқчиман, мана шу суд ижрочиларида зиённинг қайтарилиши бўйича кафолат борми? Агар шу пайтгача зиённинг 80 фоизини қайтариб ололмаган бўлсак, янги қонунни қабул қилганимиздан кейин етказилган зиённи эртага қайтариб олиш учун бизда реал имкониятлар пайдо бўлишига ўзингиз ишонасизми, йўқми? Ижрочи қандай бўлиши керак? Ижрочиға қандай ҳуқуқ, кафолат ёки имкониятлар беришимиз лозим. Етказилган зиён эртага жисмоний шахсларга ё давлатга қайтарилиши учун қандай кўшимча чоралар зарур? Бу – биринчи масала. Иккинчи масала шуки, мана бу янги қонун лойиҳасида ёзилишича, мисол учун одамларнинг банкларда ўз маблағлари бўлса, ижрочи ўз ҳукмини чиқаради-ю, шунга асосан етказилган зиён қайтариб олинади. Савол туғилади: ақлли, олдиндан ўйлаб, чуқур тайёргарлик кўрган жиноятчилар ўз пулини Ўзбекистон «омонат кассалари»да сақлайдими? Жиноят қилишга қўл урган одам, авваламбор, пулини қаерга, қайси счётга олиб бориб қўяди? Аввало, Ўзбекистон чегарасидан узоқроқ жойга қўйишни чуқур ўйлайди. Бу масала қандай ечилади? Мана, масалан, Россияга ёки Қозоғистонга олиб бориб қўяди, ёки Форс кўрфазидида жойлашган бой Араб давлатларидаги банкларга жойлаштиради. Шунга ўхшаган жойларни топади. Қонунда шу каби ҳолатлар кўзда тутилганми, йўқми? Бу халқаро қонуниятлардан келиб чиқадиган масала демоқчиман.

Менинг фикрим шундай, одамни қамаш эмас, аввало, у етказган зиённи қандай қилиб ундириб олиш ҳақида ўйлаш керак. Яна бир масала бор: ўша жиноятни содир қилган шахс ақли кириб, бундан хулоса чиқариб олса яхши, агар у бундай жиноятни такроран қилса-чи? Ундай ҳолда қандай чора қўлланилади? Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керак. Умуман, менинг шахсий фикрим шундай: хўжа-

лик ишлари бўйича, унчалик оғир бўлмаган бошқа жиноятлар бўйича ҳам қарор чиқаришда, жазо белгилашда масалага худди шундай кўз билан қараш тарафдориман.

*Каримов И.А. «Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз»  
9-жилд., Т.:«Ўзбекистон», 2001. 133-бет.*

### **«МАХСУС ЮКЛАР ВА ҲАРБИЙ ТАРКИБЛАРНИНГ ТРАНЗИТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ МАСАЛА БЎЙИЧА**

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда унга анчагина аниқликлар киритилгани кўриниб турибди. Қонун лойиҳасига оид бир қанча таклифларда вазият беқарор бўлиб турган мамлакатларга қурол-яроғ, ҳарбий техника ва ҳарбий буюмларни ўтказишда қўшимча чеклашлар жорий этиш тўғрисида фикр билдирилди. Менимча, 18-модда биринчи қисмининг мавжуд таҳрири халқаро нормаларга ва мамлакатимизнинг қонун ҳужжатларига мос келади. Чунончи, унда: «уруш ҳаракатлари олиб борилаётган, уруш ёки қуролли можаро хавфи мавжуд бўлган минтақаларга қурол-яроғ, ҳарбий техника ва ҳарбий буюмлар ўтказилишига йўл қўйилмайди», дейилган.

Айрим депутатлар «махсус юклар» тушунчасини кенгайтириб, уни «ядро ва термоядро қуроли, барча турдаги ўқ-дори, портловчи моддалар ва шу қабилар» деган сўзлар билан, «хатарли юклар» тушунчасини эса « кучли таъсир қилувчи заҳарлар, заҳарли моддалар, бошқа кимёвий қурол ва оммавий қирғин қуроли, шунингдек, радиоактив чиқитлар» деган сўзлар билан тўлдиришни таклиф қилдилар. Мутахассислар бу таклифларнинг ҳаммасини синчиклаб кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳасини такомилга етказиш учун тузилган ишчи гуруҳ юқоридаги тушунчаларни аввалги таҳририда қолдирди, чунки тилга олинган барча қурол турлари «қурол-яроғ» тушунчасига ҳамда « қурол-яроғ ва чиқитлар» деган умумлашма тушунчага киради. Мазкур қонунни бундай деталлаштиришнинг зарурати йўқ. Бошқа бир қанча моддаларга таҳририй тусдаги тузатишлар киритилди.

Тушган таклифлар ва мулоҳазалар устида олиб борилган ишлар чоғида ишчи гуруҳ ҳар бир модда, ҳар бир норманинг мазмун-мундарижасини яна бир бор танқидий назардан ўтказди. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бугун эътиборингизга ҳавола

этилаётган қонун лойиҳаси анча яхшиланди ва унга аниқликлар киритилди, энди у халқаро амалиётга ва мамлакатимиз қонунчилигига мос келади.

Қонун лойиҳасини мукамаллаштириш учун фаол ишлаган республика Ташқи ишлар, Ташқи иқтисодий алоқалар, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси, Прокуратура, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси мутахассисларига, шунингдек, муҳокамада фаол иштирок этган депутатларга миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Қонун лойиҳаси киритилган барча тузатишлар ва қўшимчалар билан бирга Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа масалалари қўмитасининг мажлисида муҳокама қилиниб, маъқулланди.

*Каримов И.А. «Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз». 9-жилд., Т.:«Ўзбекистон», 2001. 158-бет.*

### **МАФКУРАВИЙ КУРАШ МАСАЛАСИ БЎЙИЧА**

Менинг мафкура ҳақида ва одамларнинг тафакқурини ўзгартириш ҳақида айтадиган гапим шуки, биз бу масаланинг ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга эканлигини яхши тушуниб олишимиз зарур. Чунки бугун биз янги ҳаёт қураёмиз, янги жамият қураёёмиз. Яъни эски замондан, эски давлат тузумидан, эски жамият тузумидан бутунлай фарқ қилувчи, замон талаб қилаётган, бутун дунё амал қилиб яшаётган тартибларга асосланган янги жамият барпо этмоқчимиз. Шу ўринда бир савол туғилади: бу улкан вазифани қандай қилиб амалга ошириш мумкин? Энг муҳим масала нимадан иборат! Айтайлик, бунинг учун биз, керак бўлса давлат тизимини ҳам ўзгартиришимиз, катта-катта муҳим дастурларни ҳам тузишимиз, тез орада иқтисодни ҳам ҳар томонлама ўзгартиришимиз мумкиндир. Бу қийин эмас, бошқалардан бориб ўрганиш орқали ўзимизнинг эҳтиёжimizга, ўзимизнинг миллий манфаатларimizга қараб, ўзимизнинг анъаналарimiz, урф-одатларimizдан келиб чиқиб ўзгартириш мумкин. Лекин, яна бир савол туғилади: мана шу янги-ланишлар жараёнини, ислохотларни мафкурасиз амалга ошириш мумкинми, умуман мафкурасиз яшаш мумкин-ми ёки йўқми?

Биз Ватан, Ватанга садоқат, эл-юртга бефарқ бўлмаслик, эл-юртнинг эртанги кунини кўриш ҳақида кўп гапирамиз. Оддий, олис бир жойларда тарбия олаётган, ўқиётган, умуман, ҳаёт кечираётган ёш йигит-қизлар бизга шундай савол бериши мумкинми: «Бу улуг,

буюк ғоялар мафкура, тафаккур тўғрисида кўп гапирасизлар, кимдан ибрат олай, кимнинг мисолида ўзимнинг феъл-атворим, ички дунёимни шакллантириш бўйича, умуман, бу ҳаётда мен кимдан ибрат олишим керак? Менга кўрсатинглар. Мана, Абдулла Қодирийнинг қахрамони - Отабекларни биламан, шунга ўхшаган, номини Рустам, Жасур, Баҳодир дейсизми, замонавий баҳодирлар, жасурлар ёки уларга ўхшаган йигит-қизлар, умуман ёшлар мисолида, ибрат тариқасида кимдан ўрганай?».

Сўх тумани 24-йилларда, Москвадан келишиб, чегараларни белгилашаётган бир пайтда, менимча, атайин шундай ташкил қилинган. Фарғона вилояти чегарасидаги Сўх шунақа аҳволга тушиб қолганки, у ерда яшайдиган ўзбеклар, тожиклар у ёқ-бу ёққа бориш учун албатта, Қирғизистон ҳудудидан ўтиши керак. Мен шу ҳақдаги саволингиздан фойдаланиб, айтмоқчиманки, ва буни «Озодлик» радиоси орқали албатта, етказинг: Қирғизистоннинг ўзида ҳам, Ўзбекистон ҳудудида ҳам худди Сўхга ўхшаган яна шундай тўртта-бешта ҳудуд бор. Бу аҳвол нафақат ўзбек давлатини безовта қиляпти, мен ўзим, айтайлик, таркибимизга кирувчи ҳудудга, туманга ёки одамларнинг олдига етиб бориш учун кимнингдир ҳудудидан ўтиб боришим керак. Қирғизлар ҳам худди шунақа аҳволни бошидан кечиради. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган, аслида Қирғизистонга қарайдиган районларга, жойларга ўтиш учун улар ҳам, албатта, Ўзбекистон ҳудудидан ўтишга мажбур. Шунинг учун бу муаммо фақат ўзбекларнинг муаммоси эмас. Бу, умуман, 24-йилларда бизнинг орамизни вақти-соати келганда бузишга имконият, замин туғдириш учун атайин қилинган ишлардир. Бугун ҳам шу муаммо гоҳ-гоҳ ўзини кўрсатаяпти. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, биз қуйидаги таклифимизни бердик: яъни бизга ҳудудимизни Сўх минтақаси, райони билан боғлайдиган коридор, йўлак ажратинг. Сиз ҳам биздан хоҳлаган жойингиздан сўранг, талабларингизни беринг. Агар ери ёқмаса, ер тошлоқ бўлса, ўзига маъқул бўлган, ёқадиган бошқа энг яхши жойни топиб айтсин. Ишонаманки, Қирғизистон халқи, умуман, қирғизлар вақти-соати келганда бу муаммони ечиш, ҳал этиш учун ақл-идрок, адолат нуқтаи назари билан иш кўради, бу масала ечилади. Нега деганда, раҳбарлар, депутатлар келади-кетади. Лекин халқ барибир ўз манфаатини ўтказишга қодир. Буни ҳеч ким унутмаслиги керак.

Агар Ўзбекистон Ислом ҳаракати деган ҳаракатнинг таркибини жиддийроқ кўрадиган бўлсак, унинг каттаси, раҳбари ким ўзи, унинг таркибини кимлар ташкил қилади ўзи? Сизда имконият бор, телефонда гапиришга устасизлар, бирингиз Машҳаддан туриб телефонда гаплашасиз, бирингиз Лондон билан гаплашасиз ва сизлар кимнинг тегирмонига сув қуяпсизлар ўзи?! Кимга хизмат қиляпсизлар?! Ўзбеклар ҳақида куюниб гапирасизлар; эй, яшасин, бир вақтлар, Чўлпон, Бехбудий, яна айтайлик, Фитрат, Қодирий ва бошқалар бор эди. Улар бир вақтлар тазйиқ ва қирғин остида қолгани тўғрисида кўп маротаба оғзингизни тўлдириб гапирар эдинглар. Бу озуқа тамом бўлди энди. Сизлар учун бу озуқа йўқ энди. Хўш, нима кидираяпсизлар? Ўзбек миллатини бирлаштириш, ўзбек миллатининг осойишталигини, бир-бирига меҳрибонлигини, бир-бирига ҳурматини қозониш, керак бўлса тарбиялаш ўрнига дорнинг тагидан қочган одамларни топасизлар. Ўзбекистонда неча фоизни ташкил қилади улар? Ўзингизга савол беринглар, дордан қочиб кетган одамларнинг сони қанча? Уларни дунёнинг бир чеккасидан топасизлар, телефонда гаплашиб, шу гапларни тарқатиб, ўзингизга озуқа топасизлар.

Шунинг учун мен нима демоқчиман: бу ҳаракатга кимлар аъзолигига қаранглар, уларнинг тарихини ўрганинглар. Ўзбекистонда улар ким бўлган, қаерда бўлган? Мисол учун, Тоҳир Йўлдош ким бўлган? Қандай давлат арбоби бўлган ёки Ўзбекистон учун, Наманган вилояти учун қанақа фойдали иш қилган? Мен у билан учрашганман бир вақтлар, 1991 йил декабрь ойида, биласизлар. Ва яна айтайлик, анави Тожиев дегани, Намангоний деган номни ўзига олган. У ким? Босмачи! Уларнинг сафида қанча ўзбек бор? Афғонлардан қанча бор? Қанча бошқа миллат вакиллари бор? Бугун умуман уларнинг номини Ўзбекистон Ислом ҳаракати деб айтишга, қандай ҳақларингиз бор?! Агар улар сизларга ўзларини шундай таништирган бўлса, сизлар уларнинг башарасини, қиёфасини кўрсатишга ҳам йўл топинглар. Нима, имкониятингиз йўқми? Бор. Нима учун шулар тўғрисида гапирмайсизлар? Нега уларга «Сизлар Ўзбекистоннинг қайси чеккасидан чиққансизлар, Ўзбекистоннинг қайси бир тоифасининг манфаатини мужассамлаштириб намойиш этаяпсизлар», деб савол бермайсиз. «Тоҳир Йўлдош, сиз кимсиз, Ўзбекистонда нима аламингиз бор, Сўхга бостириб қирамиз ва ҳоказо деган бемаза гапларни айтиб, бошқаларни қўрқи-



тиш ёки шунинг ҳисобидан яшаш нима учун керак. Кимнинг ҳисобига яшайпсиз, кимдан маблағ олаёпсиз», дея савол бермайсиз. Кимнинг садақаси ҳисобидан яшайпти булар, шулар тўғрисида савол беринглар уларга. Ҳой, барака топкур, нима ҳисобидан сенинг тўртта хотининг бор, деб сўрамайсизми? Тожиевнинг нечта хотини бор? Биласизлар, уни ҳам яхши биласизлар. Нима учун сўрамайсизлар?! Барака топкур, битта оилани тебратиш, боқиш учун қанча пул керак? Қандай қилиб бемалол юрибсан, мана, Машҳадга бораяпсан, айтайлик, Қандаҳорга борасан, Кобулга борасан, Покистонга борасан, Исломободга борасан, Пешаварга борасан, дунёнинг бошқа жойларига ҳам бораяпсан ўзингнинг кўпорувчилик мақсадларинг учун. Бунинг пулини сенга ким тўлаяпти, деб нима учун битгаларинг ҳам савол бермайсизлар? Ўзингизнинг Лондонда ёки Прагада ўтирган хўжайинларингизга айтинглар. Айтинглар, ким боқаяпти уларни? Шу нуқтаи назардан қараганда яна бир бор сизларга айтаман, кўпорувчи, бўхтон гапларни тарқатиш билан бизнинг диққатимизни жалб қилишга қанча ҳаракат қилманг, бунга эриша олмайсиз.

Айтайлик, кўпни кўрмаган, сиёсий савияси ҳали етарли бўлмаган одамларга, ёшларгагина таъсирингиз ўтиши мумкин. Мен берган оддий саволларга ҳар бир журналист жавоб қайтара олади, агар ўзининг бурчини виждонан бажарадиган бўлса. Кимнингдир буюртмасини бажариш учун эмас, шунинг ҳисобидан ўзини боқиш, шунинг ҳисобидан ўзига даромад топиш учун эмас. Нон топиб бўлмайди бунинг ҳисобидан. Ватанини сотаётган, ёки Ватанининг манфаатига қарши ишлайдиган инсон ҳеч қачон бой бўлмайди. Билиб кўйингларки, шунинг ҳисобидан ҳеч қачон ўзининг муродига етолмайди. Мен буни Президент эмас, ҳаётни биладиган инсон тариқасида айтаяпман. Гапларни тарқатиш олдидан ўзингиз уларга бир савол беринглар, барака топкур, ўтган йили ўта олдингми, нима учун бу йил ўтмоқчисан? Нима, Ўзбекистон лапашанг бўлиб, Тоҳир Йўлдошнинг одамлари, босмачилари қачон Ўзбекистонга бостириб келади, деб қараб ўтирибдими? Нима, давлат билан курашиш мумкинми. Халқ билан курашиш мумкинми? Чўлпоннинг: «Халқ - денгиздир, халқ - тўлқиндир, халқ - кучдир» деган гапини биласиз-ку? Халқ билан ҳазиллашиб бўлмайди. Шуларни бу муттаҳамларга етказсангиз, ҳали ҳам кеч эмас, ақлини йиғиштириб

Ватани ҳақида, тақдири ҳақида ўйласин, яна бир бор айтаман, ҳали ҳам кеч эмас.

*Олий Мажлис V сессияси фойесида журналистлар  
билан бўлган суҳбатдан.*

*Каримов И.А. «Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз».  
9-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2001. 70-бет.*

### **АДОЛАТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА**

Суд бугунги кунда аввалгидек ҳукмрон коммунистик тизимнинг қатағон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда. Фуқароларнинг судга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда.

1993 йили қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги биринчи Қонундаёқ айбсизлик презумпцияси, ҳимояга бўлган ҳуқуқ, суд жараёнидаги тортишув ва ошкоралик каби умумэтироф этилган тамойиллар белгилаб қўйилган эди. Улар кейин жиноий-процессуал, фуқаролик-процессуал ва бошқа кодекс ҳамда қонунларда ривожлантирилди.

Ислохотларнинг мана шу босқичида суд иш юритишининг, том маънодаги мустақил ва фақат қонун олдида жавоб берувчи суд тизимининг қонуний асослари яратилди. «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги, «Адвокатура тўғрисида»ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлар, фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кучайтиришга, суд тизимини демократлаштиришга қаратилган бошқа қонунлар қабул қилинди.

2000 йилда янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши суд тизимини ислох қилишда муҳим босқич бўлди. Унда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш борасида орттирилган тажрибадан хулоса чиқарилди ҳамда судлар фаолиятининг янада демократлашуви ва такомиллашуви учун шароит вужудга келтирилди.

«Судлар тўғрисида»ги янги Қонуннинг моҳияти нимадан иборат?

Биринчи ва энг асосийси - давлат ҳокимиятининг бўлинишига оид конституциявий тамойилдан келиб чиқиб, ҳокимиятнинг тўла-қонли мустақил тармоғи бўлган суднинг мустақиллигини таъминлашнинг мустаҳкам механизми яратилди.

Судьялик лавозимларига номзодларни тавсия этиш, уларнинг ваколатларини тўхтатиш ва муддатидан илгари тугатиш ҳақида тақдимномалар киритиш ваколатлари Адлия вазирлиги тасарруфидан чиқарилди. Бу ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тузилган Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси зиммасига юкланди.

Иккинчидан, умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви қонуний мустаҳкамланди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судларни ташкил этиш механизми жорий қилинди...

Учинчидан, судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш вазифаси махсус ваколатли мустақил орган - Адлия вазирлиги қошидаги Суд департаменти зиммасига юкланди..

Тўртинчидан, «Судлар тўғрисида»ги аввалги Қонундан фарқли ўлароқ, янги Қонун асосида суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилди...

Суд-ҳуқук соҳасидаги асосий ҳужжат ҳисобланган «Судлар тўғрисида»ги янги Қонунга мувофиқ, жиноий-процессуал ва фуқаролик-процессуал қонунчилигига ўзгартиришлар киритилди.

Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий қилинди. Бу суд хатоларини ўз вақтида тузатиш, суд иш юритишида сансалорликка йўл қўйилмаслигининг муҳим кафолати бўлди.

Янги қонунга мувофиқ, апелляция инстанцияси суди ишни қайта кўриб чиқиш учун судга юбормасдан, ўзи мазмунан кўриб чиқишга ҳақли...

Суд тизими билан бир қаторда жамиятда қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ҳам чуқур ислохотлар рўй бермоқда.

Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасининг кўпайиши тергов ва суд органларининг қамоққа олиш билан боғлиқ

бўлмаган ҳуқуқий чеклашлардан фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради...

Яна бир ўз ечимини кутаётган муаммо ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг барчасига тааллуқлидир...

Давлат муассасалари, биринчи навбатда, прокуратура ходимлари бир ҳақиқатни қулоғига қуйиб олсинки, улар ҳам мана шу халқнинг бир қисми, ҳеч кимдан, оддий одамлардан ортиқ жойи йўқ. Уларни шу халқ, шу жамият тарбиялаб вояга етказган. Бас, шундай экан, прокуратура ходимлари уларни назорат қилиши эмас, балки уларга хизмат қилиши керак.

Жамиятни демократлаштиришнинг ҳозирги босқичида, яъни мамлакатда бозор муносабатларини тартибга солишнинг муҳим ҳуқуқий асослари, фуқароларни ва ҳўжалик субъектларини суд-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш институти барпо этилаётган бир пайтда прокурорлик назорати тизимига ҳам ўзгаришлар киритиш вақти келди...

Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва контроль органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу - прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир.

...«Прокуратура тўғрисида»ги қонунда прокуратура фаолияти устидан самарали, биринчи галда, жамоатчилик томонидан назорат ўрнатишни таъминловчи механизмлар мустаҳкам белгилаб қўйилиши лозим.

Мамлакатимиз Конституциясида прокуратура ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисоб бериши белгилаб қўйилган. Аммо бу нормани амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқий механизмлар ҳанузгача яратилмаган эди...

«Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасига прокуратура фаолияти устидан назоратни кескин қучайтирувчи қоидалар киритилди.

Қонун лойиҳасига Конституциявий суд томонидан Бош прокурор қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва амалдаги қонунчиликка мослиги устидан суд назоратини ўрнатиш механизми ҳақидаги қонуннинг киритилиши жуда тўғри бўлган, деб ўйлайман.

Қонун лойиҳасига вилоят, туман ва шаҳар прокурорлари қонунчиликнинг ва жинойатчиликка қарши курашнинг аҳволи

тўғрисида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига мунтазам равишда ахборот бериб туриши шарт эканлиги ҳақидаги қоида ҳам киритилди.

*Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза,  
2001 йил 29 август.*

*Каримов И.А. «Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз».  
9-жилд., Т.: «Ўзбекистон», 2001. 26-бет.*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БАЁНОТИ**

Шу йил (2001 назарда тутилмоқда – А.З.) 11 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида минтақамизда кескин вазият вужудга келди. Шу муносабат билан кейинги вақтда террорчи тўдалар уя қуриб олган Афғонистон ва унинг атрофида бўлаётган воқеалар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида турли хабарлар берилмоқда.

Уларда асосли маълумотлар билан бир қаторда жуда кўп уйдирмалар, ўйлаб чиқарилган сохта гаплар, бирёклама қарашлар ҳам кўзга ташланмоқда. Бунга, аввало, ҳар қайси давлат, ҳар қайси сиёсий кучнинг ахборот майдонида ўз манфаатини кўзлаб ҳаракат қилаётгани сабаб бўлмоқда.

Агар бу борада Россия телевидениеси ва оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга қулоқ соладиган бўлсак, Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари ва Ғарб давлатларининг қуролли кучларига ўз ҳудудидан жой берди, эртага бу ҳарбий қисмлар ана шу базалардан ҳаракат бошлаб, Афғонистонга ҳужум қилади, деган гапларни эшитишимиз мумкин.

Куни кеча баъзи хорижий ахборот воситаларида Америка Қўшма Штатларининг тоғли ҳудудларда жанг қиладиган 10-ўкчи дивизияси қисмлари Ўзбекистон ҳудудига жойлаштирилди ва уларнинг асосий мақсади Афғонистонга бостириб кириш, деган хабарлар тарқатилди. Ҳатто айрим оммавий ахборот воситалари компьютерлар ёрдамида ишланган суратларни намойиш этиб, уларни гўёки Ўзбекистоннинг аэродромлари деб кўрсатишга уринишмоқда.

Айниқса, Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Дональд Рамсфельднинг Ўзбекистонга келиши муносабати билан хорижий

матбуот воситаларида бир қанча тахминлар ва ғаразли уйдирмалар пайдо бўлди.

Тарқатилаётган аксарият хабарларда, кўпинча бўҳтондан иборат бўлган ахборот ва тахминларда, Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазирининг Миср, Уммон ва Саудия Қироллиги қаторида Ўзбекистонга ҳам ташриф буюришини худдики бизнинг орамизда пинҳона тузилаётган қандайдир шартномаларнинг далили деб кўрсатишга уринмоқдалар.

Америка Қўшма Штатлари Президенти ва Буюк Британия Бош вазирининг Ўзбекистон Президенти билан телефон орқали бўлган мулоқотларини мана шу маъно-мазмунда талқин қилинаётгани ҳам бунинг исботидир.

Савол тугилади: бундай информация хуруж ва уйдирмаларни тарқатишдан кўзда тутилган мақсад нима?

Биринчидан, бу ҳолни бизни кўролмайдиган, мустақил сиёсатимизни, ўзимизни ўз кучимиз билан ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракатларимизни қабул қила олмайдиган, ҳанузгача бизга эскича кўз билан қараётган, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрўйи ортиб бораётганини кўриб кайфияти бузилаётган кучларнинг ғаразли интилиши, деб баҳолаш керак.

Иккинчидан, бундай информация хуруж замирида мана шу минтақада жойлашган давлатларнинг орасини бузиш, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва ўзаро ишончини йўқотиш мақсадида қилинаётган игвогарлик ҳаракатларининг намоёишини кўриш мумкин.

Энг ёмони, бу уйдирмалардан кўзланган пинҳоний мақсад-минтақамизда яшаётган турли миллат ва динга мансуб одамларни таҳликага солиш, уларнинг юрагида гўлгула ва ваҳима туғдириш, эртанги кунга бўлган ишончини йўқотишдан иборат.

Куни кеча Америка Қўшма Штатлари Президенти томонидан имзоланган фармон бўйича фақатгина Афғонистоннинг жафокаш халқига моддий, аввало, озик-овқат ёрдами кўрсатиш мақсадида 320 миллион доллар ажратилаётганининг ўзи терроризмга қарши бошланаётган кураш Афғон халқига, унинг манфаатига қарши эмаслигининг яққол намоёни деб қабул қилишга асос бўлади.

Албатта, барчани қизиқтираётган масала – бу воқеаларга Ўзбекистоннинг муносабати қандай, бу курашда Ўзбекистоннинг ўрни ва ҳиссаси нимадан иборат бўлади, деган савол бўлиши табиийдир.

Авалло, шуни айтишим керакки, терроризмнинг даҳшатли оқибатларини Ўзбекистон халқи, бу ерда яшаётган инсонлар бево-сита ўз ҳаёти, ўз тақдири мисолида яхши билади. Агар 11 сентябрь воқеалари кўп давлатлар ва халқларнинг кўзини очиб берган бўлса, биз терроризм деган разил кучнинг даҳшатли башараси билан ўз ҳаётимизда олдинроқ дуч келганмиз.

Модомики, ён-атрофимизда мана шундай хавф-хатар мавжуд экан, биз Ватанимиз мустақиллигини, халқимизнинг омонлигини сақлаш учун барча зарур чораларни кўраётганимизни ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Биз бу йил ёз ойларида Сариосиёда курулли кучларимизнинг ҳарбий машқларини ўтказдик. Чунки бугун сарҳадларимизда, тун зулматидан фойдаланиб, бизга пинҳона зарба бериш ниятида изғиб юрган ёвуз кучлар борлигидан хабардормиз.

Бугун «Толибон» бикинидан паноҳ топиб, Мозори Шариф ёки Тоҳарда, Қундуз ёки Кобулда, Қандаҳор ёки Шибирғонда бўлади-ми, ҳарбий лагерларда одамқушликни касб қилиб, Ҳайратон кўпригининг нариги томонида бизга ўзининг жирканч башарасини кўрсатиб, тиш қайраб турган ана шундай террорчи газандаларнинг уяси борлиги биз учун сир эмас.

Ашаддий террорчи Жума Намангоний «Толибон» армиясининг қўмондонларидан бири бўлиб юргани, Шимолий Афғонистон иттифоқига қарши уруш олиб бораётган кучлар таркибида Ўрта Осиёдан чиққан 400 та жангари иштирок этаётгани ҳам кўп нарсани англатмайдими?

Шулардан хулоса қилиб айтсак, Ўзбекистонни ўз танлаган йўлидан қайтариш, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини издан чи-қаришни ўзининг асосий мақсади қилиб олган бу мудҳиш кучларнинг хатти-ҳаракатлари уларнинг орқасида турган экстремистик марказлар томонидан берилаётган ёрдамга боғлиқ экани бизга яхши аён.

Ўзимизга бир тасаввур қилиб кўрайлик. Эртага Афғонистонда мана шу ёвуз кучлар устун келса, улар Ўзбекистонга ҳужум қилиши ҳақида кимда қандай шубҳа бўлиши мумкин?

Бу савол шу муқаддас заминимизда яшаётган ҳар бир инсон олдида кўндаланг бўлиши ва ҳар бир одам унга ўз ақлини ишлатиб, виждонан жавоб бериши керак.

Мана энди фараз қилайлик: эртага юртимизга қарши босқинчилик хуружи бошланса, биз бу бало-қазони бартараф этиш учун кимдан, қаердан кўмак ва ҳимоя топишимиз мумкин?

Ҳеч шубҳасиз, биз аввало, ўз кучимизга, ўз Куролли Кучларимизга, халқимизнинг иймон-эътиқоди ва қатъиятига суянишимиз даркор. Бугун мен Президент сифатида халқимизнинг очиқ чеҳрасига қараб, ҳаммамизга даҳлдор бўлган ана шу ҳақиқатни такрор айтмоқчиман: биз энг аввало, ўз кучимизга таянишимиз керак.

Бугун мен Америка Қўшма Штатлари раҳбарияти, бу давлатнинг расмий вакиллари билан халқаро террорчиликка қарши биргаликда курашиш бўйича музокаралар олиб бораётганимиз ҳақида очиқ маълумот беришим керак.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда шундай мулоқотлар бўляпти. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин ҳали бу масалада бирон-бир ҳужжат имзолангани йўқ.

Ҳозирги кунда ана шундай ҳамкорликка асос бўладиган ҳуқуқий ҳужжат устида иш олиб бораёпмиз. Бу ҳужжатларда ўзаро мажбуриятлар, шу билан бирга, ўзаро кафолатлар ҳам аниқ бўлиши шарт.

Шуни таъкидлаш керакки, бизнинг бу масала бўйича принципал ёндашувимиз Америка Қўшма Штатлари Президенти Буш жаноблари билан телефонда бўлган мулоқотда, мудофаа вазири жаноб Рамсфельд билан бўлган бугунги суҳбатда аниқ баён этилди.

Яъни, бизнинг позициямиз қуйидагича:

1. Мамлакатимиз ҳаво ҳудудини Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий ҳаво кучлари учун очиб бериш.

2. Ҳар икки мамлакат хавфсизлик идоралари ўртасида ўзаро маълумот ва ахборот алмашувини йўлга қўйиш.

3. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган битта ҳарбий аэродромга Америка Қўшма Штатларининг транспорт самолёт ва вертолётлари қўниши учун рухсат этиш. Бу самолёт ва вертолётларга хизмат кўрсатадиган америкалик мутахассислар, техник ходимлар фаолияти учун тегишли шароит яратиб бериш. Биз бу аэродромни бутунлай уларнинг ихтиёрига бераётганимиз йўқ. У ерда ўзимизнинг ҳарбий самолётларимиз ҳам қолаверади.

4. Америка Қўшма Штатларининг бу самолёт ва вертолётларидан фақат қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш ва



гуманитар мақсадларда фойдаланилади. Улар оз сонли бўлиб, фақат транспорт – юк ташийдиган самолёт ва вертолётлардир.

Шунингдек, биз иккита муҳим масала бўйича ўз принципиал қаршимизни баён этамиз:

1. Бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши ердан жанговар операциялар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

2. Бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши бомбали ҳужум операциялари амалга оширилишига розилик берилмайди.

Халқаро терроризмга қарши курашда иштирок этиш бора-сидаги бизнинг позициямиз ана шундан иборат.

*2001 йил 5 октябрь.*

*Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: «Ўзбекистон», 2002, 111-бет.*

## **ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ**

Олий Мажлисимизнинг бугунги сессияси муҳокамасига кири-тилган муҳим масалалардан бири – бу жорий йилнинг 27 январида бўлиб ўтган умумхалқ референдумининг натижалари ва уларни ҳаётга татбиқ қилиш билан боғлиқдир.

Бу вазифа бугунги кунда мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг долзарб масала бўлиб турибди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди...

...мамлакатимизда ўтказилган референдумнинг натижаларини амалда жорий қилиш мақсадида бугун сизларнинг муҳокамангизга «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни лойиҳаси қўйилмоқда.

Бу лойиҳа, авваламбор, давлат бошқаруви масаласида, қонунчилик ҳокимияти бўлиши Олий Мажлис таркибини ўзгартириш, яъни қўйи палата – Қонунчилик палатаси ва Сенат деб аталадиган юқори палатани ташкил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йил қилиб ўзгартириш ва мана шу ислохотлар билан боғлиқ бўлган кўпгина муҳим масалаларни ўз ичига олади...

Шу билан бирга, биз бир нарсани англаб олишимиз керакки, ушбу Конституциявий қонун лойиҳаси, ўз моҳиятига кўра, келгусида қабул қилиниши зарур бўлган, ўзгаришлар жараёнини ўзида мужассам этадиган янги қонунлар олдида принципиал талаблар қўяди...

Қонун лойиҳасига кўра, бу сайловларни ушбу органларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилнинг декабрь ойида, учинчи ўн кунликнинг биринчи якшанбасида ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Бундай тартиб қандай амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин?

Биринчидан, кўпгина демократик давлатларда ўрнатилган мана шундай тартиб, яъни сайлов ўтказиш муддатининг аниқ-равшан белгилаб қўйилиши бу соҳада қандайдир ўзбошимчилик бўлиши, кимдир бу муддатларни ўз манфаати учун ишлатишининг, яъни, шу каби субъектив ҳолатлар вужудга келишининг олдини олади.

Юқори палата – Сенат ҳақида гапирадиган бўлсак, бу палата аъзолари декабрь ойининг охирида Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, шаҳар ва туман кенгашларига бўладиган сайловлардан кейин бир ой ўтмасдан, қонунда белгиланган тартибда сайланади...

Барчамизга аёнки, Қонунчилик палатаси, деб ном олган қуйи палата биз учун мутлақо янги тартибда, яъни доимий, профессионал асосда иш олиб боради.

Юқори палатанинг қуйи палатадан фарқига келсак, у шундан иборат бўладики, сайловчилар томонидан барча маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар сафидан бу палатага территориал субъектлардан, Қорақалпоғистон Республикаси бўладими, вилоятлар ёки Тошкент шаҳри бўладими, бундан қатъи назар, уларнинг ҳар биридан олти нафардан депутат сайланади.

Улар қаторида Президент томонидан тайинладиган ўн олти нафар эл-юртда обрў-эътибор қозонган, кўзга кўринган киши ҳам юқори палатанинг аъзоси бўлади.

Юқори палатанинг шаклланиш тартибига келсак, бу палата аъзолари маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар орасидан уларнинг қўшма йиғилишида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, Сенат қуйи палата билан биргаликда бевосита қонун яратиш иши билан шуғулланмаслиги лозим.

Сенат аъзолари қуйи палата томонидан тақдим этилган қонунларни маъқуллаш ёки рад қилиш орқали, аввало, мамлакатимиз, шу билан бирга, тегишли минтақа манфаатларини инобатга олган ҳолда, қонун ижодкорлиги соҳасида иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Юқори палатанинг ваколатларини белгилаш чоғида бугун Президент бажараётган баъзи бир вазифалар, бошқа бир қанча муҳим масалалар қаторида мана шу палата, яъни Сенат зиммасига юклатилади.

Юқори палата – Сенатнинг қуйи палатадан яна бир фарқи шундан иборатки, агар қуйи палата доимий асосда иш олиб борадиган бўлса, юқори палата - Сенат сессияларда тўпланиб, қуйи палата томонидан тайёрланган қонунларни муҳокама қилади ва ўз қарорини чиқаради.

*Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг VIII сессиясидаги маъруза,  
2002 йил 4 апрель.*

*Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.:  
«Ўзбекистон», 2002, 330-бет.*

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Ишончим комилки, Олий Мажлисимизни икки палатали қилиб ташкил этиш, қуйи палатага асосан партиялар томонидан тақдим этиладиган рўйхатлар бўйича сайлов ўтказиш жамиятимизни сиёсий жиҳатдан фаоллаштиришга кучли туртки беради. Ўйлайманки, сай-ловлар тўғрисидаги қонуннинг қондаларини қайтадан кўриб чиқиш ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Бешинчи устувор йўналиш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб, бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат.

Ёки бошқача қилиб айтганда, бу – «Кучли давлатдан кучли жамият сари» деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш демакдир.

Ҳаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказиш боришни тақозо этади...

Бу масалада давлатнинг роли, аввало, иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларни аниқлашга, қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий нормаларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашга, ташаббус ва тадбиркорликни

рағбатлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат мухитини қарор топтириш учун зарур ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратишга қаратилмоғи даркор.

Қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Биз «Адолат – қонун устуворлигида» деган ҳаётгий тамойилга катъий амал қилиб яшашимиз зарур. Биз учун бундан бошқа йўл йўқ.

Барчангизга яхши маълумки, фуқаролар йилига икки марта муддатли ҳарбий хизматга чақирилади. Бироқ армия ёшидаги, яъни соғлиғи ва бошқа жиҳатларига кўра муддатли ҳарбий хизматга яроғли фуқаролар сони хизматга сафарбар этилиши лозим бўлган йигитларимиз сонидан анча кўп, ҳатто айтиш мумкинки, 3-4 баробар ортиқдир.

Чақирув ва ҳарбий хизматни ўташ тизимини ўзгартириш заруратини тараққий топган давлатларнинг тажрибаси ҳам кўрсатиб турибди...

Қани, айтинг, азиз дўстлар, биродарлар, қандай қилсак, армияда хизмат қилиш том маънодаги нуфузли ишга айланади?... Мен бугун фурсатдан фойдаланиб, бу муаммоларнинг ечими тариқасида бир таклифни ўртага қўймоқчиман. Яъни болаларимиз, фарзандларимизнинг Қурулли Кучларда хизмат ўташ муддатини 18 ойдан 12 ойга, лўнда қилиб айтганда, бир йилгача қисқартиришни таклиф қиламан.

Ушбу таклиф негизида қандай муҳим далиллар мавжудлигини алоҳида айтиб ўтмоқчиман.

Биринчи далил. Илғор мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ёш йигитнинг тўлақонли билим олиши – қишки, ёзги, кузги ҳарбий тайёргарликдан ўтиши, энг замонавий курулларни ишлатиш ва жанговар ҳаракатлар олиб бориш кўникмаларига эга бўлиши учун – 12 ой кифоя қилади...

Иккинчи далил. Агар биз ҳарбий хизматнинг иссиқ-совуғини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳар ҳолда, 12 ой –18 ой дегани эмас. Айтайлик, ота-она учун ўғлининг армиядан бир ярим йилда қайтгани қандай-у, бир йилда қайтгани қандай...

Учинчи далил. Ҳарбий хизматнинг янги, анчагина қисқарган муддати ҳаётга қадам қўяётган ёш йигитларимизга шу муддат мобайнида ўз ҳаёт йўлини белгилаб олиши учун етарли бўлади. Ва

Ўзининг келажагини аниқ танлаб олиш – ҳарбий касб бўладими ёки фуқаролик касби бўладими – унинг ўзига ҳавола.

Тўртинчи далил. Яна шу нарса муҳимки, хизмат муддатининг қисқариши натижасида совет замонидан қолиб келаётган «эски хизматчилар» ва «янги келганлар» деган бемаъни тушунчаларга, агар улар бугун гоҳ-гоҳ учрайдиган бўлса ҳам, бундан кейин бутунлай барҳам берилади, аскарлар жамоасида соғлом ва илик муносабатлар кучаяди.

*Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги  
маъруза, 2002 йил 29 август.*

*Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва  
маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т: «Ўзбекистон»,  
2003, 3-бет.*

### **ҲАРБИЙ СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР**

2001 йилнинг 11 майида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Мудофа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Ушбу ҳужжатда Мустақиллик йилларида ҳарбий қурилиш соҳасида амалга оширилган ва оширилаётган ўзгаришлар ўзининг қонуний аксини топди. Янги таҳрирдаги ушбу Қонунда мудофаа соҳасидаги давлатимиз сиёсатининг асосий принциплари очиб берилди.

2000 йилнинг 21 апрелида Тошкент шаҳрида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарлари томонидан «Терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва мамлакатларнинг хавфсизлиги ва барқарорлигига нисбатан мавжуд бўлган бошқа таҳдидларга қарши биргаликдаги хатти-ҳаракатлар тўғрисида»ги Шартноманинг имзоланиши ХХI асрнинг бошланишида Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам эди. 2000 йилнинг 15 декабрида эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Қонунда терроризм тушунчасига таъриф берилди, бу иллат билан муросасиз кураш борасидаги давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ваколатлари ҳамда бурч ва вазифалари белгилаб олинди. 2001 йилнинг 12 майида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш ҳақидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш

тўғрисида» Қарор қабул қилди. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг халқаро терроризмга ва уни молиялаштиришга қарши олиб бораётган изчил сиёсатининг ёрқин намоёниши эди. 2001 йилнинг 30 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш ҳақидаги Шанхай Конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида»ги навбатдаги қарорни қабул қилди. Бу билан мамлакатимиз Марказий Осиёда Минтақавий хавфсизликни ва барқарорликни таъминлаш, Афғонистонда тинчликни қарор топтириш борасида нафақат бонг ураётганлигини, шу билан бирга, амалий хатти-харакатлар қилаётганлигини исботлаб берди.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Ахборотномаси, 2001 йил, 5–10-сон, 16-бет.*

#### **АФҒОНИСТОН МУАММОСИГА ДОИР АЙРИМ МАСАЛАЛАР**

2000 йилнинг сентябр ойида бўлиб ўтган, БМТ Бош ассамблеясининг «минг йиллик» юбилей саммитида Ўзбекистон ушбу нуфузли халқаро ташкилот фаолиятининг асосий тамойилларидан бири бўлган хавфсизлик яхлитлиги тамойилини тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди. Анжуман минбаридан туриб, Ўзбекистон раҳбари БМТга, хавфсизлик Кенгашига ва бутун халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилиб, «Афғонистон ҳозирги пайтда халқаро террорчилик ва экстремизмнинг полигони ҳамда таянч базасига, миллиардлаб даромад келтираётган ва халқаро террорчиликни озиқлантираётган гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришнинг дунё миғёсидаги асосий манбаи – базасига айлангандир... Афғонистонда давом этаётган уруш фақат Марказий Осиё минтақаси давлатлари хавфсизлигига эмас, балки бутун жаҳон хавфсизлигига ҳам таҳдидир», деган эди.

2001 йилнинг июнь ойида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида Президент И.Каримов анжуман иштирокчиларининг диққат-эътиборларини яна бир бор Афғонистон муаммосига қаратар экан, шундай деган эди: «Экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва халқаро террорга қарши ялпи кураш олиб борилмас экан, мақсадга эришиб бўлмайди. Айниқса, якка-ёлғиз, тарқоқ ҳолда ва ноизчил усуллар билан кураш олиб бориш истиқболсиз экани тобора равшанлашмоқда». Ўзбекистон учун равшан бўлган бу ҳолат, афсуски, АҚШ, Буюк Британия ва дунёнинг қатор

бошқа давлатлари учун тушунарсиз бир нарсасдек эди. Улар учун узоқ Осиёнинг бир чеккасида жойлашган Афғонистон ҳеч қачон хавф туғдира олмасдек туюлар эди.

*Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар  
биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.:  
«Ўзбекистон», 1999. 107-бет.*

2001 йил 11 сентябрда Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида амалга оширилган террористик хатти-харакатлар, унинг оқибатида 3 мингдан зиёд кишининг дунёдан кўз юмиши, келтирилган мислсиз талофатлар бутун дунё афкор оммасини ларзага келтирди. Афсуски, ана шу мудҳиш воқеалар бўлиб ўтгандан кейингина халқаро ҳамжамият ўз нигоҳини Афғонистонга қарата бошлади, у ердан келаётган терроризм, диний экстремизм ва гиёҳвандлик каби иллатларнинг оқибатини англаб етди. Ваҳоланки, Ўзбекистон бу иллатларга қарши курашиш учун бутун дунё ҳамжамиятини 90-йилларнинг бошларидан бери қақриб келар эди.

11 сентябр воқеаларидан сўнг, Ўзбекистон биринчилардан бўлиб, АҚШ бошчилигида тузилган аксилтеррористик коалицияга қўшилди. Қашқадарё вилоятидаги «Хонобод» аэродроми Афғонистон ҳудудида инсонпарварлик ва қутқарув-қидирув ишларини амалга ошириш учун халқаро аксилтеррористик кучлар ихтиёрига тақдим этилди. «Биз антитеррор операцияларини қатъийлик билан қўллаб-қувватлашга қарор қилдик...халқимизга мурожаат этиб, одамларимизни Америка Қўшма Штатларини (терроризмга қарши курашда – *муаллифдан*) қўллаб-қувватлаш энг тўғри йўл эканлигига ишонттира олдик...бу фикримизни халқимиз маъқуллади», – деган эди Ўзбекистон раҳбари республикамизнинг аксилтеррористик коалициядаги иштирокига изоҳ берар экан.

*Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик  
учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.:  
«Ўзбекистон», 2002. 253-бет.*

### **ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЕВРОАТЛАНТИКА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ ЙИФИЛИШИДАГИ НУТҚИДАН**

2002 йилнинг 22 ноябрида Чехия пойтахти Прага шаҳрида Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти ўз нутқида анжуман иштирокчиларининг диққат-эътиборини Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик

муаммоларига яна бир бор қаратди. НАТОнинг Ўзбекистон ва минтақа давлатлари билан олиб бораётган сиёсатига баҳо берар экан, И.Каримов «Биз НАТО билан тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлигимизни юксак кадрлаймиз ва Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш учун ўқув ва ахборот марказларини ташкил этиш, чегараларни замонавий воситалар билан жиҳозлаш, террорчиликка қарши курашиш борасида тайёргарликни янада такомиллаштиришга йўналтирилган шериклик муносабатларимизни кенгайтириш тарафдоримиз», деган эди.

Ўзбекистонлик зобитлардан бир гуруҳи шу даврда Греция, Швеция, Руминия, Словения, Туркия ва бир қатор бошқа мамлакатларда бўлиб, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» Дастури доирасида ташкил этилган танишув ҳамда тактик ўқув машғулотларида иштирок этдилар.

*Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: «Ўзбекистон», 2003. 68-бет.*

#### **НОДАВЛАТ ВА НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида ва 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги Қарорида фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасида ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш вазифаларни қамраб олган Концепция тасдиқланди.

Бу босқичда амалга оширилган ислохотларнинг ҳуқуқий негизини ташкил қилувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги (2002), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида»ги (2002), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги (2002), «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар (2003), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги (2003), «Ўзбекистон Республикаси Олий



Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида»ги (2003), «Ўзбекистон Республикаси «Вилоят, туман ва шаҳар Халқ депутатлари Кенгашлариға сайлов тўғрисида»ги қонунға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги (2003), янги таҳрирда «Ўзбекистон Ресублқаси Олий Мажлисиға сайлов тўғрисида»ги (2003), «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги (2004), «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги (2007), «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги (2007), «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддаға, 93-модданинг 15-бандига, 102-модданинг иккинчи қисмиға)»ги (2007) қонунлар қабул қилинди.

Бу борада шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалға ошириш Дастури тўғрисида» (2005), «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришға қўмаклашиш чоратадбирлари тўғрисида»ги (2005) қарорлари қабул қилинди.

Мазкур даврда сиёсий партияларға қонунлар асосида берилган имкониятларнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сиёсий партияларнинг уставда назарда тutilган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» (2005), «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» (2007) ги қарорлари қабул қилинди.

Бугунги кунда жамоат ташкилотларининг жамият ҳаётида тутган муҳим ўрнини белгилаб берадиган қуйидаги омилларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

– жамиятни бирлаштирувчи асосий ижтимоий кадриятлардан бири эканлиги;

– ҳокимиятни шакллантиришда ва унинг сиёсатини белгилашдаги муҳим роли;

– давлат ҳокимияти фаолияти устидан самарали жамоат назоратини ташкил этишнинг муҳим воситаси эканлиги;

– фуқароларнинг манфаатларини амалга ошириш ҳамда эҳтиёжларини қондиришда турли хил жамоат ташкилотлари аҳамиятининг юқори эканлиги;

– «кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий қурилиш дастурини амалга ошириш баробарида давлат ҳокимиятининг айрим функцияларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш заруратининг долзарб аҳамият касб этаётганлиги ва бошқалар.

Демак, жамоат ташкилотлари жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларида фаолият юритиш баробарида, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатадилар.

*Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11 – Т.: «Ўзбекистон», –2003. 56-б.*

## **ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРИМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ЎТА МУҲИМ МАСАЛА**

Мамлакат ичида ва халқаро майдонда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга қарамасдан, халқаро террористик гуруҳларнинг чет эллардаги раҳнамолари ўзларининг Ўзбекистонга нисбатан қабих ниятларидан қайтмаган эдилар. Боз устига, АҚШ қўшинларининг 2003 йили Ироққа бостириб кириши, Афғонистондаги аксил-террористик хатти-ҳаракатларнинг чўзилиб кетганлиги ва буларнинг натижасида халқаро террористик гуруҳларнинг, энг аввало, «Ал-Қоида»нинг ўз стратегия ва тактикасини ўзгартирганлиги Марказий Осиё давлатлари учун ҳам жиддий таҳдид сола бошлади.

2004 йилнинг 29–30 март ва 1 апрель кунлари Бухоро вилоятида ва Тошкент шаҳрида портлашлар содир бўлди. Бу мудҳиш тер-рорчилик ҳаракатлари оқибатида 9 нафар ички ишлар ходими ва 5 нафар фуқаро ҳалок бўлди. Ўтказилган тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатлари натижасида бир неча жиноятчилар қўлга олинди. Тергов материалларининг таҳлили ушбу террористик хатти-ҳаракатларнинг илдизи мамлакатимиз ташқарисида жойлашган террористик ва диний-экстремистик марказларга бориб тақалаётганлигидан далолат бериб турар эди.

2004 йилнинг 1 июнида Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Тошкент саммити давомида қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинганлиги, бинобарин,

ҳалқаро терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш, Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида ифтиодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги келишувларга эришилганлиги, унинг аввалги йиғилишлардан нуфузи жиҳатидан фарқли эканлигини кўрсатиб турар эди. Саммит доирасида Ўзбекистон ва Россия Федерациясининг Президентлари И.Каримов ва В.Путин ўртасида музокаралар ўтказилди. Музокаралар натижаси ўларок, Ўзбекистон ва Россия ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Шартнома имзоланди. ШХТ саммитида иштирок этган Хитой, Россия ва Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари Тошкент шаҳрида «Минтақавий аксилтеррор тузилмаси» нинг очилиши маросимида ҳам ҳозир бўлдилар. Минтақавий аксилтеррор тузилманинг мағоми, фаолиятнинг муҳим йўналишлари ШХТнинг давлат раҳбарлари даражасида тасдиқланган асосий ҳужжатлар билан белгилаб берилди. Тошкент саммити ШХТнинг ташкилий жиҳатдан шаклланишидаги энг муҳим босқичлардан бири бўлди.

2004 йилнинг 30 июль куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, АҚШ ва Исроил давлатларининг элчихоналари олдида яна портлашлар содир этилди. Ушбу фожеали воқеалар чоғида бир неча киши ҳалок бўлди, Бош прокуратура ва зикр этилган элчихоналарга моддий зиён етказилди. Тергов натижалари асосида қилинган таҳлилларнинг натижаси июль ойидаги портлашлар 2004 йилнинг март-апрель ойларида Тошкент ва Бухорода амалга оширилган портлашлар билан узвий боғлиқлигини кўрсатди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, аynи шу кунлари Ўзбекистон Олий Судида март-апрель ойларида содир этилган террористик хатти-ҳаракатларга алоқадорликда гумон қилинган 15 нафар шахс устидан суд жараёни кетаётган эди.

Юқорида санаб ўтилган барча террористик воқеаларда иштирок этган, суд қарори билан айбдор деб топилган шахсларга нисбатан турли ҳил жазо муддатлари белгиланди. Суд жараёни давомида уларнинг ортларида турли ҳил террористик ва диний-экстремистик ташкилотларнинг, жумладан, «Хизб ут-Таҳрир»нинг хорижий мамлакатлардаги раҳнаmolари турганлиги аён бўлди. «Хизб ут-Таҳрир» ўта махфий шароитда фаолият олиб борар экан, ўзининг Марказий Осиёда жойлашган дунёвий давлатлардаги конституцион тузумни ўзгартиришга ҳаракат қилаётганини, ушбу давлатларга нисбатан жиҳод эълон қилганлигини, 2001 йил июн ойида нашр этилган «Хизб» журналида ёзилганидек, «кофирларга

қарши курашда барча усуллар, жумладан, ўлдириш йўли билан»<sup>3</sup> ҳам ўз мақсадларига эришмоқчи эканлигини ҳеч кимдан яширмаётган эди.

2004 йилнинг охирлари ва 2005 йилнинг бошларига келиб, МДХ давлатларида бирин-кетин «рангли инқилоблар» амалга оширила бошланди. Аввал Грузияда, кейин Украинада, 2005 йилнинг март ойида эса қўшнимиз Қирғизистон худудида «рангли инқилоб»лар амалга оширилди. Ўзининг «демократик қадриятларини» ўрнатиш борасида МДХ худудида бирин-кетин эришаётган ютуқларидан сармаст бўлган АҚШ сиёсий доиралари, жумладан, президент Ж.Буш «рангли инқилоб»лар чегараси аста-секинлик билан кенгайиб боришини ҳеч кимдан яширмай овоза қила бошлади. Боз устига, МДХ давлатларида «демократик тамойилларни» жорий қилиш ва янада чуқурлаштириш учун АҚШ маъмурияти «Демократияни ёйиш тўғрисида»ги Қонунни (*Advance Democracy Act*) қабул қилди. Қонунга кўра, «рангли инқилобларни» молиялаштиришда ҳам давлатга қарашли, ҳам нодавлат ташкилотлар (ЮСАИД, Фридом Хаус ва бошқ.) ва турли жамғармаларнинг иштирок этиши назарда тутилган эди. Жумладан, «рангли инқилобларни» молиялаштириш махсус равишда давлат томонидан ташкил этилган «Инсон ҳуқуқлари ва демократияни қўллаб-қувватлаш жамғармаси» (*Human Rights and Democracy Fund*) томонидан амалга ошириладиган бўлди. Ушбу жамғарманинг 2005–2007 молиявий йилларга белгиланган бюджети 250 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

*Ўзбекистон ва Россия – стратегик ҳамкор. «Халқ сўзи», 2004 йил, 17 июнь.*

### **ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК – ДАВР ТАЛАБИ**

Ўзбекистон ҳукумати мамлакат миллий хавфсизлик стратегиясини огишмай ҳаётга татбиғ этиб борар экан, ҳам республика ичидаги, ҳам ташқи сиёсатдаги устувор йўналишларни белгилаб олган эди. 2005 йилнинг бошларида, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва қайта тиклаш борасида давом этаётган ижобий жараёнлар билан бир қаторда Минтақамиздаги мавжуд аҳволни реал ва ҳолис баҳолар экан, мамлакатимиз раҳбари, «Минтақада

<sup>3</sup>См.: Джоши Н. Дестабилизация региона, кому это выгодно?. – Проблемы безопасности в Центральной Азии // Материалы международной научно-практической конференции. – Т.: TURON-IQBOL, 2006. – С. 78.

стра-тегик мавхумлик сакланиб қолаётганини ҳам тан олишга тўғри келади», деб таъкидлаган эди.

2005 йилнинг 28 январида Тошкент шаҳрида янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу мажлисдаги ўз нутқида Ўзбекистон Президенти депутатлар ва Сенат аъзоларининг диққат-эътиборларини жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш масалаларига қаратди. Мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш масалалари тўғрисида гапирар экан, Президент И.Каримов Ўзбекистон халқаро терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик каби иллатларга қарши олиб борилаётган жаҳон ҳамжамиятининг мурасасиз курашини тўла қўллаб-қувватлашини яна бир бор баён қилди. «Биз фақат терроризмнинг ташқи кўринишларига, бегуноҳ одамларни гаровга оладиган, портлатадиган ва ўлдирадиган кимсаларга қарши курашиш билангина бу офатни бартараф этиб бўлмаслигини бир неча бор таъкидлаганмиз. Ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, авваламбор, ушбу бало-қазонинг бирламчи манбаларига қарши курашиш даркор. Ислоҳ динини сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг, биринчи галда, ёшлар онгини захарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвейер ташкил этаётган, халифалик тузишдек турли хомхаёлларни амалга оширишга уринаётган қабих кучларнинг илдинини қирқиб ташлаш керак... Биз наркоагрессия, халқаро терроризм, диний экстремизм ва сепаратизм учун ҳеч қандай «транзит мамлакат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз...бундай тажовузкор кучлар билан «ўйин» қилиш, уларга қарши курашдан ўзини четга олишга ҳар қандай уриниш катта хатодир», деган эди давлатимиз раҳбари.

*Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.  
Т.13. –Т.: «Ўзбекистон», 2005. 196-бет.*

### **2005 ЙИЛНИНГ МАЙ ОЙИДА АНДИЖОНДА РЎЙ БЕРГАН НОХУШЛИКЛАР ҲАҚИДА**

2005 йилнинг май ойида Андижон шаҳрида террористик ва диний-экстремистик кучлар ўзларининг навбатдаги жинояткорона хатти-ҳаракатларини амалга оширдилар. Шу йилнинг 12 майдан 13 майга ўтар кечаси яхши қуролланган 30 га яқин, ўзларини

«Акромия» деб номлаган диний-экстремистик ташкилотнинг жангарилари аввал Андижон шаҳридаги милиция навбатчилик қисмига, кейин ҳарбий қисмлардан бирига ҳужум қилиб, 4 нафар милиция ходими ва 5 нафар ҳарбийларни ўлдириб, кўплаб ўқ-отар қуролларни ва юк ташиш автомашинасини қўлга киритадилар. Орадан оз вақт ўтгач, жангарилар шаҳарда жойлашган тергов изоляторини ишғол этиб, у ердан 527 нафар ҳукм қилинган ва тергов остида бўлган шахсларни озод қиладилар (Кейинчалик ана шу кимсаларнинг 470 нафари ўз истак-хоҳишларига кўра турмага қайтиб келганликлари, яна 15 нафар озод этилган жиноятчи қўлга олиниб, турмага қайтарилганлиги маълум). 20га яқин одам гаровга олинади. Жангарилар Андижон вилоят ҳокимияти биносини босиб олиб, ҳукуматга ақл бовар қилмас шартлар қўя бошлайдилар. Бу орада ички ишлар вазирлиги, миллий хавфсизлик хизматининг Андижон вилоят бошқармалари ўққа тутилади, шаҳардаги кўплаб бинолар портлатиб, ёндириб юборилади. Ўз қабиҳ ниятларига эриша олмаган жангариларнинг кўпчилиги, ўзларининг олдиларига тинч аҳолидан «жонли девор» ясаб, шаҳардан чиғиб кетишга эришадилар. Ушбу воқеалар натижасида 180 дан зиёд киши қурбон бўлади, улардан 32 нафари ҳарбийлар ва милиция ходимлари эди.

*Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон,  
ҳеч кимга қарам бўлмайди.*

*Т.13 –Т.: «Ўзбекистон», 2005. 306 – 419-бетлар.*

### **НОДАВЛАТ ВА НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДАГИ МАҚОМИ ХУСУСИДА.**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўз олдига эркин, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Мазкур мақсадга эришиш жараёнида босқичма-босқич фуқаролик жамиятининг таркибий институтларини, хусусан, унинг муҳим бўғини ҳисобланган сиёсий партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини мус-таҳкамлаш ва ошириш борасида туб ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу институтларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII боби жамоат бирлашмалари фаолиятининг конституциявий асосларига бағишланган бўлиб, унда ушбу ташкилотларнинг турлари, фаолият кўрсатиш тартиби, уларнинг давлат ҳокимияти орган-

лари ва мансабдор шахслардан мустақиллиги каби тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади», деб белгиланди.

*Ўзбекистон Республикасининг  
Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2014.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ МУЗЕЙЛАР ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 26 июнда қабул қилинган.

Сенат томонидан 2008 йил 28 августда маъқулланган.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

#### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади музейларнинг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### **2-модда. Музейлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Музейлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг музейлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### **3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Миллий музей фонди** - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий турган музей ашёлари ва музей коллекциялари мажмуи;

**Миллий музей фондининг Давлат каталоги** - Миллий музей фонди таркибига киритилган ҳар бир музей ашёси ва ҳар бир музей коллекцияси тўғрисидаги асосий маълумотлар мавжуд бўлган ҳисобга олиш ҳужжати;

**музей** – музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ҳамда оммага намоиш этиш учун мулкдор томонидан

ташқил этилган доимий фаолият юритувчи ноижорат маданият муассасаси;

**музей ашёси** – сифати ёки алоҳида белгилари жамият манфатлари учун сақлаш, ўрганиш ва оммага намойиш этиш заруратини тақозо этувчи маданий бойлик;

**музей коллекцияси** – ўз келиб чиқиш хусусияти ёки шаклан яқинлиги туфайли ёхуд бошқа белгилари бўйича бирлаштирилгандагина музей ашёси хусусиятига эга бўладиган маданий бойликлар мажмуи;

**сақлаш** – музейнинг музей ашёси ва музей коллекцияси бут сақланишини таъминлаш учун моддий ва ҳуқуқий шароитлар яратилишини назарда тутувчи фаолият тури;

**эълон қилиш** – музейнинг музей ашёлари ва музей коллекцияларини омма олдида намойиш этиш, босма нашрларда, электрон ва бошқа турдаги жисмларда такрорлаш орқали жамиятга тақдим этишнинг барча шакллари назарда тутувчи фаолият тури.

2008 йил 12 сентябрь,

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2008 й., 37–38-сон, 364-модда.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ ҲУЗУРИДА МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАРНИ САҚЛАШ ВА ОБОД ЭТИШ ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Муқаддас ислом дини, ислом фалсафаси ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган буюк уламо ва азиз-авлиёларнинг табаррук номлари билан боглик Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Ҳазрати Имом, Шоҳи Зинда, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Кўк гумбаз, Дорус-саодат, Қосим шайх каби мамлакатимиз ҳудудидаги кутлуг зиёратгоҳ ва қадамжоларни талаб даражасида сақлаш ва ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини такомиллаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Дин ишлари бўйича кўмита, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда «Нуроний» жамғармасининг Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармасини ташқил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш жамғармасининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:



юртимизда яшаб ўтган, ёдгорлик ва қадамжолари қутлуг зиёратгоҳга айланиб кетган азиз-авлиё ва мутафаккирларнинг қолдирган бебаҳо меросини халқимиз, аввало, ёшларимизнинг қалби ва онгига чуқур сингдириш;

ноёб тарихий-меъморий мажмуалар бўлмиш мазкур зиёратгоҳларни сақлаш, тиклаш-таъмирлаш ва янада ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш;

ушбу қадамжоларнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу масканларга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг кенг кўламдаги зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

диний таълим муассасалари учун мутахассислар тайёрлаш ҳамда диний соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг малакасини ошириш масаласида молиявий кўмак бериш.

*2008 йил 7 август,*

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2008 й., 37–38-сон.*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Муқаддас ислом дини ривожига бекиёс ҳисса қўшган, ҳадис илмининг султони, буюк ватандошимиз Имом Бухорийнинг улкан меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, азалий миллий қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, иймон-этиқодини мустаҳкамлаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий ҳадис илми маркази ҳамда Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази негизида Имом Бухорий халқаро марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Имом Бухорий халқаро марказининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланиши эътиборга олинсин:

ислом динининг, Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асосларини,

Имом Бухорий, Имом Термизий сингари юртимиздан етишиб чиққан буюк ҳадисшунос алломалар меросини ҳар томонлама теран ўрганиш, кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш;

юксак инсоний ғоялар ва муқаддас қадриятларимизни ўзида ифода этган манбаларни тизимли асосда тадқиқ этиш, улардан диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланиш мақсадида зарур дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий-амалий тавсиялар тайёрлаш юзасидан доимий иш олиб бориш;

Имом Бухорий мажмуасида мужассам топган руҳий-маънавий муҳит ва бетакрор мерос асосида диний ходимларнинг билим ва тажрибаси, касб малакасини ошириш бўйича ўқув-услубий ишларни амалга ошириш;

Имом Бухорий мероси ва ҳадис илмини ўрганиш борасида ҳамкорликни йўлга қўйиш;

юқорида кўрсатилган вазифаларни бажариш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш бўйича тегишли илмий ишланма ва тавсияларни тайёрлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасига бир ой муддатда Имом Бухорий халқаро марказининг ташкилий-бошқарув тузилмаси ва низомини тасдиқлаш, унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш топширилсин.

*2008 йил 23 май,*

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,*

*2008 й., 38-сон.*

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН Фойдаланиш тўғрисида»ги қонунидан**

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 16 июнда қабул қилинган.

Сенат томонидан 2009 йил 29 августда маъқулланган.

#### **1-боб. Умумий қондалар**

##### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади...

**4-модда. Археология мероси объектларига бўлган мулк ҳуқуқи**

Археология мероси объектларига бўлган мулк ҳуқуқи давлатга тегишлидир.

Археология ашёлари оператив бошқариш ҳуқуқи асосида фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириб қўйилиши мумкин.

Археология мероси объектлари моддий маданий мерос объектлари сирасига киради...

**3-боб. Археология мероси объектларини давлат томонидан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш...**

*2009 йил 13 октябрь,*

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2009 й., 42-сон, 448-модда.*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «БОЛА ХУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИДАН**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**бола (болалар)** –ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар);

**боланинг қонуний вакиллари** – ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар;

**васийлик ва ҳомийлик** – ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларга таъминот, тарбия ҳамда таълим бериш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли. Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган, ҳомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларга нисбатан белгиланади;

**етим бола** – отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган бола;

**жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола** – ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлган бола;  
**ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар** – юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда кўллаб-қувватлашга муҳтож болалар, шу жумладан:

ногирон болалар;

**жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар;**

етим болалар;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;

**ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар;**

муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар;

кам таъминланган оилалардаги болалар;

**жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар;**

**зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болалар;**

**ногирон бола** – жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлганлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдамга, ҳимояга муҳтож ҳамда қонунда белгиланган тартибда ногирон деб топилган бола;

**ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар** – қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар);

**ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола** – ҳар қандай сабабга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола, бундан етим бола мустасно.

**4-модда. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати**

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш;

боланинг камситилишига йўл қўймаслик;  
боланинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;  
болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш;

бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомил-лаштириш;

бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;...

### **11-модда. Боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади...

### **19-модда. Боланинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари**

Ҳар бир бола турар жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳуқуқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Турар жой мулкдорининг ёки турар жойни ижарага олувчининг оила аъзолари бўлган болалар улар қаерда бўлишларидан қатъи назар, турар жой мулкдори ёки турар жойни ижарага олувчиси эгаллаб турган турар жойга нисбатан ҳуқуққа эга бўлади.

Тарбия, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларда, қариндошлари, васийлари ёки ҳомийлари қарамоғида бўлган етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланган боланинг мулкида ёки фойдаланишида бўлган турар жойни ўзга шахсга ўтказиш учун васийлик ёки ҳомийлик органининг розилиги талаб қилинади.

### **20-модда. Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга...

Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади.

**22-модда. Боланинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи кафолатлари**  
Ҳар бир бола соғлиғини сақлаш ҳуқуқига эга.

Давлат соғлом бола туғилишини таъминлаш учун онага унинг соғлиғини сақлаш шароитларини яратади.

Давлат болаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳажмда бепул тиббий ёрдамни кафолатлайди.

**23-модда. Боланинг билим олиш ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола билим олиш ҳуқуқига эга.

Давлат боланинг бепул мажбурий умумий ўрта таълим, шунингдек ўрта махсус касб-хунар таълими олишини кафолатлайди...

**28-модда. Ногирон болалар, жисмоний ва (ёки) рухий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари**

Ногирон болалар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу профилактика, даволаш-ташхис қўйиш, реабилитация, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдамини, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли шартларда таъминланишни ва бошқа ёрдам турларини ўз ичига олади.

Ногирон болалар давлат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйларида парвариш қилиниш ҳуқуқига эга.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
07.01.2008 й., 39-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**  
**ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ - ПЕДАГОГИК**  
**КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

«Баркамол авлод йили» давлат дастурига мувофиқ ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1.2010 йилнинг 10 ноябридан бошлаб республиканинг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг янгиланган тизими жорий этилсин, унда: аспирантура ўрнига – таълим муддати 3 йилдан иборат бўлган стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтини;

докторантура ўрнига – тадқиқот соҳасига қараб таълим муддати 2–3 йилдан иборат бўлган катта илмий ходим-изланувчилар институтини ташкил қилиш назарда тутилади.

## 2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологияларни ривожлантиришини мувофиқлаштириш қўмитаси зиммасига идоравий мансублиги ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар, республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази зиммасига олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг давлат аккредитацияси бўйича функцияни бажариш вазифаси юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда олий ўқув юртидан кейинги таълим тузилмасини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин, жумладан таълим олаётган аспирантлар ва докторантларни стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ҳамда катта илмий ходим-изланувчилар лавозимларига ўтказсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларидаги стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва катта илмий ходим-изланувчи лавозимларига қабул қилиш ҳамда уларнинг таъминоти олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига, вазирликлар, идоралар ва муассасаларга ҳар йили мана шу мақсадлар учун ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади.

Шу билан бирга стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва катта илмий ходим-изланувчи тўғрисидаги низомда уларнинг асосий фаолияти ўзлари танлаган мавзунини ҳисобга олган ҳолда илмий изланишларни бажаришдан иборат эканлиги белгилаб қўйилсин.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 2 ноябрь, 44–45-сон.*

## АФҒОНИСТОН МУАММОСИНИ БАРТАРИФ ЭТИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ПОЗИЦИЯСИ

Ўзбекистон ҳукумати Афғонистон муаммосига миллий хавф-сизликни таъминлашга доимий таъсир этувчи бир омил сифатида қа-раб келди. Жумладан, 2008 йил апрель ойида Бухарестда ўтказилган НАТО саммитида Президент И.Каримов Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш бўйича БМТ шафелигида «6+2» Мулоқот гуруҳи доирасида олиб борилган музокара жараёнини Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Покистон, Хитой, Эрон, шунингдек, АҚШ ва Россия ҳамда Афғонистонда аксилтеррор ҳаракатларини амалга ошираётган ташкилот – НАТОни қўшиб, «6+3» шаклида қайта тиклаш борасида ўта муҳим ташаббус билан чиғди. Ўзбекистон раҳбари дунё ҳамжамияти эътиборини афғон муаммоси глобал аҳамиятга эга бўлганлиги боис, унинг ечимини НАТО давлат-лари иштирокида умумжаҳон миёсида кўриб чиқиш зарурлигига қаратди. Президент И.Каримов ўз нутқида «6+3» мулоқот гуруҳи аъзолари томонидан Афғонистон бўйича ягона узоқ муддатли стратегияни шакллантириш ва халқаро ҳамжамият кўмагида ушбу мамлакатда миллий мурсага эришишнинг янги моделини ишлаб чиқиш мумкинлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича кўп маротаба билдирган таклифлари билан чекланиб қолмади. Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон Афғонистонга унинг иқтисодиётини тиклаш учун кенг миғёсли амалий ёрдам кўрсатди. Масалан, Осиё Тараққиёт банки кўмагида Ўзбекистон Афғонистоннинг шимолий вилоятларини бошқа давлатлар билан боғлаб турган ягона « Термиз-Ҳайратон» темир йўл тармоғини модернизация қилишда, 75 км. дан иборат « Термиз-Ҳайратон-Мозори-Шариф» темир йўл қурилишини амалга оширишда ёрдам берди. Ўзбекистоннинг транзит соҳасида кўрсатган яна бир ёрдами бу – 2009 йилнинг февраль ойида фойдаланишга топширилган, НАТОнинг Шимолий Тақсимловчи тармоғи таркибидаги сўнгги темир йўл тармоғининг мамлакат ҳудудида жойлаштирилишидир. Бу тармоқ НАТОнинг Афғонистондаги халқаро кучлари учун мўлжалланган юklar ҳажми ошишини таъминлаб берди.

Шу даврда Ўзбекистон компания ва мутахассислари «Мозори-Шариф – Қобул» йўналиши бўйлаб 11 кўприк қуриб, ишга туширишди. Ер шарининг энг мураккаб тоғли ландшафтларидан



бири орқали 275 милга тенг юкори кучланишли тармокни, 150 мегаватли электр энергиясини Термиздан Қобулгача узатишга қодир қурилиш ишларини амалга оширмоқдалар. Бундан ташқари, Ўзбекистон тарафи оптика-толали алоқаларни ўрнатиш ҳамда Афғонистонни Интернет тармоғи билан таъминлаш борасида ҳам ишларни амалга оширмоқда.

Ушбу ҳолатлар Ўзбекистоннинг Афғонистонни қайта тиклаш жараёнида фаол иштирокчи сифатида мустақкам ўрин эгаллаганини билдиради. Ўзбекистон Республикаси Афғонистон муаммосининг ечимини топиш бўйича Минтақавий саъй-ҳаракатларга етакчилик қилиб келмоқда десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида доимо миллий манфаатлар устуворлиги мезонларига асосланган ҳолда, «очиқ қўл» сиёсатини юргизиб келган. Мамлакат миллий хавфсизлик стратегиясини изчил-лик билан амалга ошира борар экан, Ўзбекистон ҳукумати собит-қадамлик билан бунёдкорлик йўлидан боришни давом эттириб келмоқда. Қуролли Кучларнинг, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда ички ишлар органларининг, бинобарин, мамлакат хавфсизлигини таъминлашга масъул барча идора ва жамоат ташкилотларининг истиклолимизни бардавом қилиш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сағлаш, чегараларимиз даҳлсизлигини, мамлакатимиз худудий яхлитлигини таъминлаш, давлат қурилиши тизимини мустақкамлаш, Минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги мавқелари кундан-кун ортиб бормоқда.

*Афғонистондаги геосиёсий ва стратегик вазиятга прагматик баҳо. Халқ сўзи, 2009 йил 10 ноябрь.*

#### **4-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА (2010 – 2014 ЙИЛЛАР)**

*Ушбу босқич давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими, оммавий-ахборот, ахборот-информацион соҳани ислоҳ этиш, сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган демократик бозор ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилганлиги билан характерланади. 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “ Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”<sup>4</sup> нинг қабул қилиниши юртимизда амалга оширилаётган демократик янгилаш ва модернизация жараёнларининг қонуний ва манتيқий давоми бўлди ҳамда барча соҳаларнинг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда.*

#### **МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом**

**Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси**

**Хурматли депутатлар! Азиз дўстлар!**

Шу кунларда барчамиз ниҳоясига етиб бораётган 2010 йилни яқунлаб, Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланадиган янги 2011 йил остонасида турибмиз.

Тарихимизга кириб келаётган бу буюк марра муносабати билан ўтган давр мобайнида ҳаётимиз сифати, мамлакатимиз қиёфаси қандай ўзгариб бораётгани, қандай ютуқ ва натижаларга эришганимиз, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланиб бораётганимизни баҳолаш эҳтиёжи тугилмоқда.

Қисқача айтганда, биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида

<sup>4</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), / Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтани назаридан ҳолисона баҳо беришимиз табиийдир.

Маълумки, Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқ-бозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, «ўзбек модели» деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.

Биз ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этаётган ушбу моделнинг маъно-мазмуни давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодий мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборатдир. Биз ислохотларни инқилобий усулда, яъни «шок терапияси» йўли билан амалга оширишдан онгли равишда воз кечиб, тадрижий тараққиёт йўлини танлаб олганимиз туфайли халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлганимизни бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда...

*Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза.*

*Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.*

*Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ва унинг асосида қабул қилинган « Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун<sup>5</sup> конституциявий ривожланиш ва мамлакатни модернизация қилишда янги босқични бошлаб берди.*

*Концепцияда Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида қўлга киритган тажрибасини холисона кўриб чиқиш, уни баҳолаш, қўлга киритган ютуқларни таҳлил этиш давлатнинг тадрижий ҳамда босқичма-босқич тараққиёти бўйича танланган йўлнинг қанчалик даражада ҳаётийлиги ва тўғри эканини ҳамда шу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай қатъият билан бориш зарурлиги қайд этилди.*

<sup>5</sup> «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддалари) Ўзбекистон Республикасининг қонуни / Халқ сўзи, 2011 йил 19 апрель.

РАСПОРЯЖЕНИЕ  
ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**О МЕРАХ ПО РЕАЛИЗАЦИИ КОНЦЕПЦИИ ДАЛЬНЕЙШЕГО  
УГЛУБЛЕНИЯ ДЕМОКРАТИЧЕСКИХ РЕФОРМ И ФОРМИРОВАНИЯ  
ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В СТРАНЕ В СФЕРЕ  
ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТОВ  
ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА**

Институты гражданского общества сегодня становятся важным фактором защиты демократических ценностей, прав, свобод и законных интересов людей, создают условия для реализации гражданами своего потенциала, повышения их общественной и социально-экономической активности, способствуют поддержанию баланса интересов в обществе. Усиливается их роль в осуществлении действенного общественного контроля за деятельностью государственных и властных структур.

Создание при высшем законодательном органе Общественного фонда и Парламентской комиссии способствовало обеспечению наиболее прозрачного, открытого, адресного и демократического распределения финансовых средств, направляемых из Государственного бюджета на поддержку негосударственных некоммерческих организаций.

Дальнейшее усиление роли негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества является решающим фактором реализации поставленной цели по демократизации, формированию гражданского общества и интеграции нашей страны в мировое сообщество.

В целях практической реализации задач в сфере формирования и развития институтов гражданского общества в соответствии с Концепцией дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране, изложенной в докладе Президента Республики Узбекистан на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан 12 ноября 2010 года:

1. Утвердить состав Комиссии по подготовке проектов нормативно-правовых актов во исполнение Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране в сфере формирования и развития институтов гражданского общества...

## 2. Одобрить:

Перечень проектов нормативно-правовых актов, подлежащих подготовке во исполнение Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране в сфере формирования и развития институтов гражданского общества..;

Программу мер по реализации Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране в сфере формирования и развития институтов гражданского общества...

3. Комиссии ...обеспечить широкое и активное вовлечение различных институтов гражданского общества, включая органы самоуправления граждан, в процесс подготовки проектов нормативно-правовых актов, а также реализации программных мероприятий;

обеспечить проведение критического анализа и пересмотр действующих актов законодательства, организовать работу по подготовке проектов нормативно-правовых актов путем глубокого изучения национального и международного опыта, результатов изучения общественного мнения;

образовать экспертные группы по подготовке проектов соответствующих нормативно-правовых актов из представителей ответственных исполнителей, негосударственных некоммерческих и других организаций, обеспечить эффективное руководство их деятельностью;

широко применять практику обсуждения проектов нормативно-правовых актов среди общественности, в том числе посредством проведения конференций и «круглых столов»;

в установленные сроки обеспечить качественную проработку и согласование ответственными исполнителями проектов нормативно-правовых актов, осуществлять постоянный и строгий контроль за ходом выполнения мероприятий, предусмотренных Программой мер....

**Президент Республики Узбекистан И. КАРИМОВ**

*г. Ташкент, 14 января 2011 г., №Р-3562, Lex.uz. №5312.*

*Мамлакатнинг дунёдаги тараққий этган демократик давлатлар сафидан муносиб ўрин олишини таъминлаш мақсадида жамият ҳаётининг энг муҳим соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича қонунчилик*

*ташаббуслари, концептуал зоя ва таклифлар илгари сурилди.*

*Мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини қуриш бўйича эришилаётган натижалар бугунги кунда дунё жамоатчилиги орасида катта қизиқиш уйғотмоқда.*

*Концепцияда мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар соҳалардаги қудратини янада оширишнинг олтига энг муҳим устувор йўналиши белгилаб берилган.*

**Биринчи устувор йўналиш** – давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш. Унда ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини амалиётга татбиқ этишни янада такомиллаштириш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини амалда таъминлаш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатлари ҳамда назорат вазифалари доирасини аниқ белгилаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис ( унинг палаталари), Бош вазир ваколатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддаларига зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасида қатор таклифлар билдирилди ва бу таклифлар асосида 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддаларига ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши юртимизда амалга оширилаётган демократик янгилашни ва модернизация жараёнларининг қонуний ва манتيқий давоми бўлди<sup>6</sup>.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING АЙРИМ МОДДАЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

(78, 80, 93, 96 ВА 98-МОДДАЛАРИГА)

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 4 мартда қабул қилинган.  
Сенат томонидан 2011 йил 25 мартда маъқулланган.

<sup>6</sup> Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи, 2013 йил 7 декабрь.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ушбу ва кўшимчалар демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи - Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мақсадида киритилмоқда.

**1-модда.** 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ( Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №1, 4-модда; 1994 йил, №1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, №3-4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, №4, 162-модда; 2008 йил, №12, 637-модда) куйидаги ўзгартиш ва кўшимчалар киритилсин:

1) 78-модда биринчи қисмининг 15-банди «шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) 80-модданинг 6-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва» деган сўзлардан кейин:

«унинг ўринбосарларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«Ҳисоб палатаси раисини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) 93-модда биринчи қисмининг:

8-бандидаги «ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

12-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва» деган сўзлардан кейин:

«унинг ўринбосарларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«Ҳисоб палатаси раисини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

15-банди «вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод

этади» деган сўзлардан олдин «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

16-банди «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) 96-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«96-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади»;

5) 98-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«98-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат кўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодийнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида,



Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун тақлиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш., 2011 йил 18 апрель, ЎРҚ - 284-сон

*Ўзбекистон Республикаси қонун*

*ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 16-сон.*

*«Халқ сўзи» газетаси, 2011 йил 19 апрель.*

*Дарҳақиқат, бугунги кунда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида Ўзбекистон Конституциясига киритилган тузатишлар бўйича парламентда изчил ишлар олиб борилмоқда, партиялар фракциялари ўртасида соғлом рақобат муҳити кучайди, қабул қилинаётган қонунлар бўйича принципиал баҳслар бўлмоқда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботларини ва ахборотларини эшитиш йўлга қўйилди.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис (унинг палаталари), Бош вазир ваколатлари тизимига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддаларига қуйидаги зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.*

<b>Концепциягача</b>	<b>Концепциядан кейин</b>
<p>93-модданинг 8-банди: Ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади.</p>	<p>93-модданинг 8-банди: Республика олий ҳокимияти ва бошқарув орган-ларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқару-вининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади.<sup>7</sup></p>
<p>93-модданинг 12-банди: Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимдан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади.</p>	<p>93-модданинг 12-банди: Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ҳисоб палатаси раисини тайинлайди ва уларни лавозимдан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади.</p>
<p>93-модданинг 15-банди: вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимдан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимдан озод этишга ҳақли.</p>	<p>93-модданинг 15-банди: Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг такдимига биноан вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимдан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимдан озод этиш-га ҳақли.<sup>8</sup></p>

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2012.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2012.

<p>93-модданинг 16-банди:          Республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади, бекор қилади.</p>	<p>93-модданинг 16-б анди:          Республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади, бекор қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли.</p>
<p>96-модда.          Ўзбекистон Республикаси Президенти бетоб-лиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг палаталари қўшма қаро-рига кўра тузилган давлат тиббий комиссияси хулосаси билан тасдиқланган тақдирда ўн кун муддат ичида палаталарнинг қўшма фавқулод-да йиғилишида депутатлар, сенаторлар орасидан уч ойгача бўлган муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт.</p>	<p>96-модда.          Мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз ваколатларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатларини вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой ичида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади.</p>
<p>78-модданинг 15-банди:          Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>78-модданинг банди-15:          Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. Шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш.<sup>9</sup></p>

*Шу билан бирга, Концепцияга асосан Вазирлар Маҳкамаси ваколатларига ҳам қуйидагича ўзгартиришлар киритилди<sup>10</sup>:*

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2012.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2012.

*Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партиялар ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади.*

*Ўзбекистон Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққандан кейин 10 кун ичида уни Олий Мажлис палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.*

*Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган хисобланади.*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан тасдиқланади.*

*Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қўйилма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириши ҳақидаги масала киритилади.*

*Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.*

*Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон*

Республикаси Олий Мажлиснинг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун тақлиф этилади.

Концепциядан кейин давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш бўйича қўйидагича ўзгаришлар амалга оширилди:

- Давлат ҳокимиятининг конституциявий бўлиниш принципи янада демократлаштирилмоқда.
- Марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари, маъмурий органлар ваколатлари, давлатнинг иқтисодийни бошқаришдаги роли камайтирилмоқда.
- Бошқарув соҳасидаги марказлаштириш чекланмоқда.
- Вилоят, туман, шаҳарлардаги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораси - маҳалла тизими ислоҳоти ўтказилиб, унинг роли янада оширилди.
- Икки палатали парламентнинг давлат ҳокимиятини ташкил этишдаги ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди. Юқори палата – Сенат ҳудудий манфаатларни ифода этмоқда. Қуйи – Қонунчилик палатаси фаолияти доимий профессионал асосда амалга оширилмоқда.
- Президент – давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши, ҳамкорлиги таъминланди.
- Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозими тугатилиб, Бош вазир лавозими жорий қилинди ва бу жараён янада либераллаштирилди.
- Давлат ҳокимиятининг 3 та субъекти: давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги тақсимланиш янада мустаҳкамланди.
- Сиёсий тизимни модернизация қилиш, ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичига қадам қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида Президент томонидан Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлаш бўйича демократик принципнинг янги тартиби ўрнатилди. Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи берилди.
- Сайловларда голиб чиққан сиёсий партия Бош вазир номзодини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди.

- Бош вазир номзоди Президент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши белгиланиб, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институти жорий этилди.
- Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми асосида парламент аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда Бош вазирни лавозимидан озод этиши бўйича қарор қабул қилинади. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.
- Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилса, Президент вақтинча Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Олий Мажлисни тарқатиб юборади.
- Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Президент ваколатидан чиқарилмоқда.
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 96-моддасининг янги таҳририга кўра, Президентнинг вазифа ва ваколатларига доир янги тақлифлар асосида 78- ва 93-моддаларга тегишли ўзгаришлар киритилди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли.
- Мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз ваколатларини бажара олмайдиган ҳолатда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Олий Мажлис Сенати Раиси зиммасига юклатилади ҳамда бунда уч ой ичида қонунга мувофиқ Президентлик сайлови ўтказилади.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Бош прокурори, Ҳисоб палатаси раисини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади ҳамда Олий Мажлис Сенати тасдиғига киритади.
- Олий Мажлис Сенати Бош вазир ҳисоботларини эшитади ва муҳокама қилади.
- Олий Мажлисга ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳлардан номзод кўрсатиш ҳуқуқи тугатилди.
- Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партияларга берилди. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакили Қонунчилик палатасига киритилди.
- Депутатлик ўринларини квоталаш институти жорий этилди.

- *Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги 15-та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилди.*

*Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Бош вазир тақдимига кўра, Президент томонидан тасдиқланади.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### **«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ АЙРИМ МОДДАЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА» (32, 78, 93, 98, 103 ВА 117-МОДДАЛАРИГА)ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 27 мартда қабул қилинган. Сенат томонидан 2014 йил 10 апрелда маъқулланган.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 818-ХП сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524-П сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, №9-10, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, №4, 163-модда; 2008 йил, №12, 637-модда; 2009 йил, №12, 465-модда; 2011 йил, №4, 101-модда) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш., 2014 йил 16 апрель, ЎРҚ-367-сон

*\*Манба: «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 17 апрель.*

*Концепциянинг Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш деб номланган **иккинчи устувор йўналишида** мустақиллик йилларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти ҳамда уларнинг реал натижалари аниқ рақамлар орқали кенг очиб берилди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш, жумладан, жиноий-ҳуқуқий соҳани либераллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш вазифаларини самарали ҳал қилишга қаратилган саккиз йўналишдаги муҳим таклифларини билдирди.*



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **СУД ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Қонун ва қонунчилик устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, давлат ҳокимиятининг ғоят муҳим тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган узоқ муддатли ва изчил ислоҳотлар дастурининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган қонунлар, хусусан, «Судлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, ҳокимият тармоқларининг бўлиниши конституциявий принципини амалга ошириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни ўтмишдаги қатағон ва жазолаш куролидан қонун ҳимоясида турадиган чинакам мустақил институтга айлантириш борасида миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар олиб борилмоқда.

Суд кадрларини танлаш ва жой-жойига кўйишнинг замонавий демократик тамойилларга асосланган тизими яратилди, бунда асосан жамоатчилик асосида фаолият юритадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси муҳим роль ўйнайди.

Шу билан бирга, ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаси ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўтган давр давомидаги ишларнинг танқидий таҳлили шундан далолат берадики, суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамияти янада оширилишини таъминламасдан, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтирмасдан туриб мамлакатни сиёсий ҳамда иқтисодий янгилаш ва модернизация қилишда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Айни шу боисдан 2010 йилнинг 12 ноябрида қабул қилинган ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган Мамлакатимизда Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида зикр этилган муаммоларни ҳал этишга, шу жумладан, суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза

қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал кафолатларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Қўйилган мақсадларни амалга ошириш учун:

1. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб:

Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьяларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари 1 - 4-иловаларга мувофиқ;

Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьялари ҳамда мазкур суд идораларининг мансаб даражасига эга бўлган ходимларининг алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига ойлик устама ҳақ миқдори 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларининг судьялари хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўловидан озод қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари беришни, шунингдек турар жойлар ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси тўлаб боришни назарда тутадиган тартибни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди билан келишилган ҳолда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқласин;

судларнинг таркибий тузилмасида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил қилиш тўғрисида таклифлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг мавжуд иш юкмасини, туманлараро судларнинг ўзларига бириктирилган ҳудудларга нисбатан қанчалик олисда жойлашганини ўрганиб чиқсин ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштириш бўйича таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин. Бунда судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг тегишли равишда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судида мажбурий тайёргарлик ва ста-жировка ўташлари назарда тутилсин.

5. Ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда юридик таълимни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини кўриб чиқиш учун киритсин;

бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиған ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси вазифасини бажарувчиси Б.А.Қоканбаев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш., 2012 йил 2 август, ПФ-4459-сон  
*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари  
тўплами, 2012 й., 31-сон.*

***Иккинчи устувор йўналиш*** – суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш бўйича бу йўналишдаги ишлар янада такомиллаштирилди, жумладан, жиной-ҳуқуқий соҳани либераллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш вазифалари самарали ҳал қилинди. Концепцияга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришининг

муҳим таркибий қисми сифатида судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди. Бу борада Президент Ислоҳ Каримов шундай фикр билдиради: «Аввало, прокуратура органларининг суд ҳокимияти устидан назорат функциялари тўлиқ бекор қилинди, прокуратура ваколатларидан суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи чиқарилди. Жиноят ишини юритишда суд назоратини мустаҳкамлаш, ҳимоя ва айблов тортишувини таъминлаш тизими ва механизмларини такомиллаштиришда «Хабеас корпус» институти қўлланишини кенгайтириш бўйича қонун ҳужжатлари амалга оширилмоқда».<sup>11</sup>

Жиноят-процессуал қонунчиликдан суднинг жиноят ишини қўзғатиш, жиноят иши бўйича айблов хулосаларини эълон қилиш ваколатлари соқит қилинди, судгача иш юритиш босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Шахсни лавозимдан четлаштириш ва тиббиёт муассасасига жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколатлари судларга берилди.

**Концепция жорий этилганидан сўнг суд ҳуқуқ соҳасида бир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди**<sup>12</sup>. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг 245 ва 246-моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 2011 йил 18 апрелдаги 287 сонли қонун, «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2012 йил 18 сентябрдаги 335 сонли қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2012 йил 29 декабрдаги Ф-3949-сонли фармони, «Умумий юрисдикция судларининг тузилмасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги 2013 йил 24 июндаги ПФ-4543 сонли фармони шулар сирасидандир.

<sup>11</sup> Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилidir. Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси / Халқ сўзи, 2013 йил 7 декабрь.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. <http://lex.uz>.

*Юқорида кўрсатилган қонунчилик ҳужжатларига кўра, суд-хуқуқ соҳасини ривожлантириш, судларнинг мустақиллиги, суд жараёнларини янада эркинлигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги, тезкор-қидирув ишларини олиб боришнинг аниқ асослари белгиланди, бу жараёнда қонунчиликка риоя қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, маъмурий ўзбошимчалikka йўл қўймаслик бўйича реал хуқуқий кафолатлар яратилди.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг суд тизими ходимларининг ижтимоий ҳимоясини тубдан яхшилаш, шунингдек, туман ва шаҳар умумий юрисдикция судларининг фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонларининг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали тизимини яратиш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлди.*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ЛАВОЗИМЛАРГА ТАВСИЯ ЭТИШ БЎЙИЧА ОЛИЙ МАЛАКА КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТўҒРИСИДА**

Судьялик лавозимларига номзодларни танлаш, тайёрлаш тизимини, ташкилий-хуқуқий механизмларини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш, суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини янада таъминлаш, Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 11-моддасига мувофиқ:

#### **1. Қуйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида янги таҳрирдаги Низом, шунингдек унинг таркиби 1 ва 2-иловаларга мувофиқ ...

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комис-

сиясининг та шкилийт узилмаситузилмаси штатлари 3 ва 4-илова-ларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий ма-лака комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжа-лик суди ва Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармойишдан келиб чиқадиган ўзгар-тиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

3. Мазкур Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси в.б. Б. Кокан-баев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш., 2012 йил 29 декабрь, Ф-3949-сон.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 2-сон.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилнинг июнь ойида қабул қилинган «Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантирилди, юридик таълим тизимининг фундаментал асосларини тубдан ислоҳ қилиш ва яхшилашнинг пойдевори яратилди.*

**Учинчи устувор йўналиш** – Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш деб номланган. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ўз марузасида мамлакатда оммавий ахборот воситалари ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бунда давлат томонидан уларни қўллаб-қувватлашни қонуний асосга қўйиш син-гари муҳим йўналишларда қатор янги қонунларни қабул қилиш, мавжуд қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшим-чалар киритишни ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганини таъкидлади.

Маълумки, жамият ҳаётини демократлаштириш, инсон ҳу-қуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш масаласи мамлакат аҳо-лисининг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқат-тиш эркинлиги, оммавий ахборот воситалари мустақиллигининг таъминланишига бевосита боғлиқ. Шу масала бўйича белгиланган **учинчи устувор йўналишда** ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича ахборот соҳаси ривож-

лантирилди, оммавий ахборот воситалари ҳуқуқ ва эркинликлари янада кенгайтирилди, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, давлат томонидан уларни қўллаб-қувватлашни қонуний асосга қўйиш сингари муҳим йўналишларда қатор янги қонунларни қабул қилиш, мавжуд қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ишлар жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Бу борада «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаси, «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар муҳокамасини тезлаштириш ва қабул қилиш муҳим вазифа сифатида белгиланди. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлайди, эркин ахборот майдонини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари такомиллашувига олиб келади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВА АФЗАЛЛИКЛАР БЕРИШ Тўғрисида**

Оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар ва омилларни яратиш, бунинг асносида оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, ахборот соҳасини ривожлантиришда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамият назоратини ўрнатишда уларнинг ролини ошириш мақсадида:

#### 1. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб:

оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар (кўзи ожизлар, кар-соқовлар ва бошқалар) учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солиғини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан;

таҳририятлар, нашриёт ва босмаҳоналар оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотлари, китоб маҳсулотларини сотишдан ва уларнинг нухсаларини кўпайтириш бўйича хизматлардан олинadиган даромадлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланadиган рўйхат бўйича оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, телерадиоэшиттириш компаниялари ва полиграфия ташкилотлари томонидан олиб келинадиган қоғоз, полиграфия материаллари ва ахборот сақлаш мосламалари, ускуналар божхона тўловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно) беш йил муддатга озод этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғига тортилмайди.

3. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб:

микрофирмалар ва кичик корхоналарга мансуб бўлган оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, полиграфия ташкилотлари, телерадиоэшиттириш компаниялари учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга;

чоп этилган маҳсулотларни сотишдан, муҳаррирлик хизматлари, полиграфия ва нашриёт хизматларини кўрсатишдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» Жамғармасига нашриёт ва матбаа ташкилотлари тўлайдиган мажбурий ажратмалар миқдори икки фоиздан бир фоизга;

газета, журналлар ва китоб маҳсулотларини чакана сотишга ихтисослашган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрта ҳисобда 2 баробарга пасайтирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2012 йил 1 январдан бошлаб оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриёт ва босмаҳоналарни кичик корхоналар тоифасига киритиш



чоғида улар ходимларининг ўртача йиллик чекланган сонини 50 нафардан 100 нафаргача ошириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш., 2011 йил 30 декабрь, ПҚ-1672-сон.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 52-сон.*

*Ўзбекистонда фақат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган қарийб 1250 та оммавий ахборот воситаларининг аксарияти нодавлат ҳисобланади.*

**Тўртинчи устувор йўналиш** – Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш деб номланган бўлиб, маърузада бу борадаги фикрлар мамлакат сайлов тизимини шакллантириш, уни босқичма-босқич такомиллаштириш борасида 2010 йилга қадар эришилган муваффақиятлар таҳлил этилади. Унга асосан Ўзбекистонда сайлов тизими шаклланиши ва ривожланиши тўртта муҳим босқичга ажратилди. Биринчи босқич – Конституция қабул қилингунга қадар бўлган даврни ўз ичига олиб, бу даврда Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайлови ва Референдум тўғрисидаги бир қатор қонунлар қабул қилинди. Иккинчи босқич – Конституция қабул қилинганидан то 2001 йилгача давом этди. Бу даврда миллий сайлов тизими шакллантирилди, амалдаги сайлов қонунларига айрим ўзгартишлар киритилди. Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Учинчи босқич – 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу даврда икки палатали парламентни шакллантириш билан боғлиқ сайлов қонунларига ўзгартишлар киритилди ва 2004 йил 26 декабрда Олий Мажлиснинг қўйи – Қонунчилик палатасига сайлов ўтказилди,

Президент сайлови тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритилди.

2011 йилдан бошланган тўртинчи босқич концепция асосида Конституция ва қонунларга ўзгартиришлар киритиш ва қабул қилиш жараёнида ўз аксини топмоқда.

Мустақил тарққиёт йилларида мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ талабларига мос янги сайлов қонунчилиги яратилди.

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича концепция қабул қилингандан буён Ўзбекистон Республикасида сайлов тизими қонунчилигини такомиллаштириш ва сайлов тизимини эркинлаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Юртимизда ўтказилган сайлов тажрибаларидан, ривожланган давлатларда бу борада эришилган натижалардан ижодий фойдаланиш йўлга қўйилди.

Сайлов жараёни фуқороларнинг давлат бошқарувида бевосита иштирок этишини таъминлайдиган асосий воситадир. Шу ўринда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари раиси ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш 2013 йил ноябрь – декабрь ойларида муқобил номзодлар асосида ўтказилиши Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлиги ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш борасида концепциядан кейин эришилган яққол натижалардан бири, десак, бўлади.

Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислоҳотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилга айланди.

Маълумки, юртимизда кўп партиялилиқ тизимини мустаҳкамлаш ва партиялараро рақобатни кучайтириш – биз кўзлаган демократик давлат барпо этишининг энг муҳим шартларидан бири сифатида эътироф этилган.

Бу ўринда ўз низомига ва жамият олдида турган муаммоларни ҳал қилиш борасида ўз нуқтаи назари аниқ ифода этилган ҳаракат дастурига эга бўлган сиёсий партияларни кўзда тутамиз. Ўз электоратига эга бўлган, давлат ва жамият қурилишининг асосий масалалари, мамлакатда юритилаётган ички ва ташқи сиёсат бўйича аниқ-равшан позицияси билан, сайловда мазкур партия учун

*овоз берадиган одамлар манфаатларини қатъий ҳимоя қилишга қодирлиги билан сайловчилар ўртасида обрў қозонган партия ҳақида бормоқда. Ушбу масалалар 2014 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ўтказилган умумхалқ сайловлари нуқтаи назаридан қаралганда алоҳида долзарб аҳамият касб этади.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ  
КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ  
ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА  
УЛАРНИНГ МАСЛАХАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА  
ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши қарор қилади :

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари 2011 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилиши ҳамда ўтказилишини таъминласин.

Фуқаролар йиғинлари раислари ( оқсоқоллари ) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда сайловни ўтказиш жараёнига фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашиш борасидаги ўз конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишларига, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда манфаатлар мувозанатини сақлашга, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» принципини изчил амалга оширишга қаратилган ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида қаралсин.

2. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ( оқсоқоллари ) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар дастури 1, 2-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

3. Қуйидагилар сайловни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича энг муҳим талаблар ҳамда мақсадли вазифалар деб ҳисоблансин:

фуқароларнинг жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ( маҳаллаларни ) шакллантириш жараёнида кенг

иштирок этиш борасидаги конституциявий ҳуқуқлари тўла амалга оширилиши учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни таъминлаш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловнинг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз ва оғишмай риоя этилиши;

фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидаларини сайловчиларга атрофлича тушунтириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишини амалга ошириш;

фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан фуқароларни ҳар томонлама таништириш;

мамлакат ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида сайловни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнидан сайловчиларнинг ҳабардорлигини ҳамда маълумотга эғалигини ошириш;

сайлов жараёнига ёшлар ва хотин-қизларни фаол жалб этиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини, ҳуқуқий ва сайлов маданиятини ошириш учун зарур шароитларни яратиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси (бундан буён матнда Сенат Кенгаши комиссияси деб юритилади) таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

#### **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси**

Тошкент ш., 2011 йил 31 март, 186-II-сон.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг  
Ахборотномаси, 2011 й., 3-сон.*

*Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ри-  
возлантириш номи бешинчи устувор йўналишда фуқаролик  
институтлари, нодавлат номижорат ташкилотлари, жумладан,  
ўзини ўзи бошқариш тизимининг Ўзбекистонга хос муҳим ва ноёб  
бўғини бўлган маҳалла институти фаолиятини қонуний асосга  
қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатлар, уларнинг амалий натижалари  
таҳлил этилди.*

*Мамлакат бошқарувида фуқаролик жамияти институтлари-  
нинг роли ва таъсирини ошириш, бунинг учун эса, уларнинг ҳуқуқ ва  
ваколатлари доирасини янада кенгайтириш мақсадида қатор янги*

қонунлар яратиш, амалдаги қонун ҳужжатларига муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги юзасидан аниқ таклифлар берилди.

*Нодавлат нотижорат ташкилотлари, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича дастурлар қабул қилиниб, амалга оширилмоқда.*

*Бешинчи устувор йўналишда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, ўзини ўзи бошқариш тизимининг юртимизга хос муҳим ва ноёб бўгини бўлмиш маҳалла институти фаолиятини қонуний асосга қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатлар, уларнинг амалий натижалари таҳлил этилди.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МУСТАҚИЛ ИНСТИТУТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

**[Кўчирма]**

Фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнларини тизимли мониторинг қилиш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашда, фуқароларнинг сиёсий маданияти, ҳуқуқий онги, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, шунингдек демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепциясида белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилишини таъминлашда фуқаролик институтларининг ролини кучайтириш мақсадида:

1. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти таъсисчилари Кенгашининг:

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти этиб (бундан кейин — ФЖШМҚМИ);

Умумий штат бирлиги 294 ходимдан иборат бўлган ФЖШМҚМИнинг ташкилий тузилмаси ҳамда унинг минтақавий бўлинмаларига оид намунали тузилма 1 ва 2-иловаларга\* мувофиқ маъқуллансин....

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 июндаги «Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Ф-1796-сонли фармойишида белгиланган вазифалар билан бир қаторда ФЖШМҚМИ фаолиятида қуйидагилар муҳим ўрин эгаллаши белгилаб қўйилсин:

мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий жараёнларни, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онги юксалиб боришини, очиқ демократик давлат қурилиши, «кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили амалга оширилишининг муҳим шарти сифатида ҳар томонлама таҳлил қилиш ва баҳолаш;

мамлакатни тадрижий, босқичма-босқич ислоҳ қилиш ва модернизациялаш истиқболларини тизимли ўрганиш, аҳолининг турли қатлам ва гуруҳлари манфаатларини ифода этадиган демократик фуқаролик институтларини янада ривожлантириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш, жамиятда миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш жараёнларида мазкур институтларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сайлаш эркинлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг очиқлигини таъминлашда фуқаролик институтлари родини ошириш, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг таълим ва соғлиқни сақлаш, ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини ижтимоий муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни асраш ва бошқа шу кабилар соҳалардаги муҳим давлат дастурларини амалга оширишдаги самарали ижтимоий ҳамкорлигини, ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш;

ўсиб келаётган ёш авлоднинг баркамол ривожланишига, мустақил фикрлайдиган, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллайдиган, мамлакатни янгилаш ва ислоҳ қилишда ҳақиқий ҳал қилувчи куч ва таянч бўладиган, ўз ҳаётининг позицияси ва мустаҳкам эътиқодига эга ёшларни тарбиялашга қаратилган давлат ва жамоат ташки-

лотларининг фаолияти самарадорлигини тизимли таҳлил қилиб бориш;

мамлакатда рақобатдош кўп партияли тизимни янада ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат бошқарувидаги ролини босқичма-босқич кучайтириб бориш, ижтимоий, бозор, суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш, давлат ва ҳокимият тузилмаларининг фаолияти устидан жамоат назоратини олиб бориш, маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантдириш жараёнларида фаол иштирок этиш;

фуқаролик жамияти шаклланиши, унинг институтлари мустақамланиши ва ривожланиши, ҳуқуқий демократик давлат қурилиши соҳасида тараққий этган демократик мамлакатларнинг тажрибасини чуқур ўрганиш, умумлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш....

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш., 2011 йил 12 июль, ПҚ-1576-сон

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,*  
2011 й., 30-сон; 2013 й., 45-сон.

*Унда мамлакатимизнинг бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва таъсирини ошириш, бунинг учун эса уларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари доирасини янада кенгайтириш мақсадида қатор янги қонунлар яратилиши, амалдаги қонун ҳужжатларига муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши вазифалари белгиланди.*

*Бугунги кунда нодавлат ноотижорат ташкилотлари демократик қадриятлар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим омилга айланди.*

*Ҳозирги пайтда мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат ноотижорат ташкилотларининг сони 6 мингдан ортди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат ноотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан грантлар бўйича берилаётган маблағлар миқдори сўнги уч йилда 2 баробар кўпайди.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР  
ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, 9-синф битирувчиларини касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқиш билан қамраб олиш ишларини тубдан яхшилаш, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни юқори малакали раҳбар ва педагогик кадрлар билан бутлаш, таълим стандартларини такомиллаштириш, замонавий педагогик ва ахборот-компьютер технологияларини жорий этиш ҳисобига ўқув-таълим жараёни сифатини ошириш, шунингдек иқтисодиёт тармоқларида талаб қилинган мутахассисларни тайёрлашни ва коллежлар битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Илгари юкланган вазифалар билан биргаликда қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг муҳим вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб ҳисоблансин:

халқ таълими органлари билан биргаликда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини касбга йўллаш ҳамда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқиш билан тўлиқ қамраб олиш, янги ўқув йилига ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул режасини шакллантириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинган мутахассисликлар бўйича мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан оширишга йўналтирилган ўрта махсус таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, таълим йўналишлари ва мутахассисликларни янада бирхиллаштириш, республика минтақаларида кадрларга бўлган реал эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда касб-хунар коллежларини қайта ихтисослаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

касб-хунар коллежлари битирувчилари аниқ иш ўринларида ишлаб чиқариш амалиётидан ўтишини ташкил этишни ва уларни



ишга жойлаштиришни таъминлаш, битирувчиларнинг меҳнат билан бандлиги устидан мониторинг олиб бориш;

таълим даражасини ва мутахассисларнинг касб тайёргарлиги сифатини оширишга йўналтирилган ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим стандартларини, ўқув режалари ва дастурларни такомиллаштириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни юқори профессионал раҳбар ва педагог кадрлар билан бутлаш ва уларни танлаш, уларнинг малакасини изчил ошириш ишларини тизимли асосда таъминлаш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва улардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш, уларни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва ахборот-компьютер техникаси билан жиҳозлаш.

## 2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг янгиланган ташкилий тузилмаси ҳамда унинг ходимларнинг чекланган умумий сони 68 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 53 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва аппарати ходимларининг чекланган сони 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директориغا, зарурият бўлганда, Марказнинг марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳукуқи берилсин...

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш., 2011 йил 12 июль, 204-сон.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 28-сон.*

*Концепция доирасида тайёрланаётган қонун лойиҳалари, айти пайтда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатлари бўйича жамоатчилик ўртасида муҳокамалар ўтказилмоқда.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ»  
МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ишларини кучайтириш, таълим муассасаларининг ўқувчи ва талабаларини камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек талаба ёшларнинг дам олишини мазмунли ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика маънавият тарғибот маркази ҳамда Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг Тошкент шаҳридаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг «Маънавият ва маърифат» марказини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказига (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) айлантириш йўли билан уни қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

олий, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида ва талабалар (ўқувчилар)нинг турар жойларида маънавий-маърифий ишлар олиб бориш;

таълим тизимига маънавий-ахлоқий тарбиянинг самарали услубларини жорий этиш, ўқувчи ёшларнинг дам олишини ташкил этишга методик ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг маънавий ва уйғун камол топиши билан боғлиқ қизиқишларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандликдан, ахлоқсизликдан, экстремистик марказларнинг четдан кириб келаётган ҳалокатли таъсирлари ва таҳдидларидан ҳамда савияси паст «оммавий маданият»нинг, реакцион мафқуралар ва шиорларнинг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш чора-тадбирларини янада кучайтириш;

ёшлар ўртасида оммавий ахборот-тушунтириш ишларини ва ҳуқуқий тарғиботни тизимли асосда ташкил этиш.

3. Марказнинг тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги « Маънавият ва маърифат» марказининг 2- иловага мувофиқ таркибдаги Жамоатчилик кенгаши ташкил этилсин.

### **Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш., 2011 йил 12 январь, 11-сон.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 1–2 - сон.*

*Бунинг яққол тасдигини фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг « Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларида қарийб бир йилдан буён ўтказилаётган ҳуқуқий тажрибада кенг иштирок этаётганида кўриш мумкин.*

*Концепциянинг демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш номи **олтинчи устувор йўналишида** Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг суръати ва манتيқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий соҳасининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, бунда, айниқса, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусий мулк дахлсизлигини сўзсиз таъминлаш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан банд қилишдек муҳим ижтимоий аҳамиятга молик масалаларга аҳамият қаратилади.*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **«БАРКАМОЛ АВЛОД» БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мақтадан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2011 йил 28 февралдаги 50-сон қарорига асосан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Баркамол авлод» болалар марказлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59-сон қарори ( Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 2-сон, 5-модда) билан тасдиқланган Мактабдан ташқари муассаса тўғрисида низомнинг 2-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Баркамол авлод» болалар марказлари фаолиятининг хусусиятлари Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорида белгиланади».

### **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш., 2011 йил 11 май, 130-сон.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 19-сон.*

*Олтинчи устувор йўналишда демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича сўнги уч йилдаги ўзгаришларга эътибор қаратилди. Бу борада ишлаб чиқарувчилар, мулкдорларга янада эркинликлар берилди.*

Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштиришни чуқурлаштириш жараёнларини янада такомиллаштириш бўйича қонунлар ишлаб чиқилди. Бу мамлакат иқтисодий ҳаётининг янада яхшиланишига асос бўлди. Кейинги уч йиллик якунлар, ҳар йилги мамлакат ижтимоий иқтисодий ривожланишининг якунлари бўйича қилинган ҳисоботлар шунини кўрсатадики, Ўзбекистонда халқнинг турмуш шароити йилдан – йилга яхшилашиб, аҳоли фаровонлиги ва мамлакат ободлиги таъминланмоқда.

*Саноат соҳасини модернизация қилиш, янги технологиялар билан таъминланган янги ва янги завод-фабрикаларнинг ишга туширилаётгани бунинг асосий омилли бўлди. Айниқса, қишлоқларда тадбиркорларга кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилиши бунинг яққол ифодасидир.*

### **ПОСТАНОВЛЕНИЕ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

#### **О МЕРАХ ПО РЕАЛИЗАЦИИ ПРОЕКТА «ЭКСПЛУАТАЦИЯ И ОБСЛУЖИВАНИЕ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОЙ ЛИНИИ «ХАЙРАТОН – МАЗАРИ - ШАРИФ»**

В целях развития Трансафганского железнодорожного коридора, увеличения транзитных перевозок по железнодорожной ли-

нии «Ташгузар–Бойсун–Кумкурган», расширения экспортного потенциала предприятий республики Кабинет Министров постановляет:

1. Принять к сведению, что в рамках реализации проекта «Эксплуатация и обслуживание железнодорожной линии «Хайратон–Мазари - Шариф»:

по итогам переговоров между Дочерним предприятием «Sogdiana Trans» УП «O'zbektemiryolekspeditsia» ГАЖК «Узбекистон темир йуллари» (далее – Оператор) и Министерством общественных работ Исламской Республики Афганистан с участием Азиатского Банка Развития парафирован контракт на эксплуатацию и обслуживание железнодорожной линии «Хайратон–Мазари - Шариф» сроком на 3 года;

Оператору, независимо от объемов перевозок, выплачиваются в год 32,0 млн долларов США ( из них 8,0 млн долларов США – вознаграждение за управление) и дополнительные выплаты в размере 8,0 млн долларов США в увязке с объемами перевозок, в том числе 1,5 млн долларов США при объеме перевозок 2,2 млн тонн и 275 тыс. долларов США за каждые 100 тыс. тонн груза сверх 2,2 млн тонн;

провозная плата за железнодорожные перевозки на территории Исламской Республики Афганистан будет взиматься Оператором на основе 100-процентной предоплаты и аккумулироваться на отдельном доходном счете в уполномоченном банке Республики Узбекистан с ежемесячным перечислением, в соответствии с условиями контракта, на его текущий счет в уполномоченном банке Исламской Республики Афганистан....

**Президент Республики Узбекистан И. КАРИМОВ**

*г. Ташкент, 22 июня 2011 г., №187. Манба: Lex.uz.*

*Концепцияда белгиланган устувор йўналишлар ва улар асосида амалга оширилган туб ўзгариш ва янгилинишлар мамлакатимизнинг тараққиёти ва истиқболи учун муҳим омил сифатида аҳамият касб этиб келмоқда.*

*2010 йилда « Баркамол авлод йили» Давлат дастурини ба-жаршиш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан қарийб 8 триллион сўм ва 165 миллион доллар маблағ йўналтирилди.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### «ТАДБИРҚОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ 5-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 21 октябрда қабул қилинган. Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда маъқулланган.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбирқорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 69-II сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, №5-6, 140-модда; 2001 йил, №5, 89-модда; 2003 йил, №5, 67-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда, №5, 90-модда; 2005 йил, №1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, №3, 119-модда, №9, 494-модда, №10, 536-модда; 2007 йил, №12, 608-модда; 2008 йил, №12, 640-модда; 2009 йил, №12, 472-модда; 2010 йил, №9, 336-модда) 5-моддасининг бешинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун ва кейинги уч ойга улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади. Ушбу қоида куйидаги ҳолларда татбиқ этилмайди:

микрофирма ва кичик корхона Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларининг ҳамда олий таълим муассасаларининг битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузганда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони қўпи билан 20 фоиз оширилганда. Ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни тугаллаган кунидан бошлаб уч йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирда йўл қўйилди;

кичик корхона ўз уйида ишлаётган фуқаролар (қасаначилар) билан меҳнат шартномалари тузганда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони қўпи билан 30 фоиз оширилганда».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш., 2010 йил 13 декабрь, ЎРҚ-265-сон *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 50-сон.*  
*«Халқ сўзи» газетаси, 2010 йил 14 декабрь.*

*2011 йилда иқтисодийтимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдоридида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортигини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**2011 – 2015 ЙИЛЛАРДА ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР, ПЕНСИОНЕР ВА  
НОГИРОНЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ЯНАДА  
КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР  
ТЎҒРИСИДА**

Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, уларни ижтимоий таъминлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. 2011 – 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Унда қуйидагилар назарда тутилади:

ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш;

ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, уларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ мақсадли даволаш ва соғломлаштиришни такомиллаштириш, тиббий-ижтимоий реабилитация чораларини ва геронтология ёрдамини кучайтириш;

ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар – мутасадди ижрочилар 2011 – 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қи-

лишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг 2012 – 2015 йилларга мўлжалланган Давлат бюджетини шакллантиришда 2011 – 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури тадбирларини амалга оширишни молиялаш учун зарур маблағларни, ушбу мақсадларга ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағларини кенг жалб қилишни ҳисобга олган ҳолда, назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ҳар йили Инвестиция дастурини шакллантиришда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар учун тиббий-ижтимоий муассасаларнинг қурилиши ва реконструкция қилинишига зарур маблағларни бюджет маблағлари ҳисобидан ҳар йили ажратиладиган капитал қўйилмаларнинг марказлаштирилган лимитлари доирасида молиялашнинг прогноз ҳажмига биноан 2-иловага мувофиқ назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси 2-иловада назарда тутилган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизасини ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини белгиланган тартибда таъминласин.

4. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

бир ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда 2011 – 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури тадбирларини амалга оширишни назарда тутувчи соҳалар бўйича ва ҳудудий дастурларни белгиланган параметрларга мувофиқ ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини таъминласин;



Дастурнинг мазкур қарор билан тасдиқланган тадбирларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминласин, унинг бажарилиши ва ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирларининг аниқ натижаларини мунтазам кўриб чиқсин;

ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамасига 2011 – 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастурида белгиланган тадбирлар бажарилишининг бориши ва натижалари ҳақида таҳлилий ахборот киритсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш., 2011 йил 30 май, ПҚ-1542-сон.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22 – 23-сон.*

*2012 йилда мамлакатимизда комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллионга янги иш ўрни ташкил этилди. Бу иш ўринларининг 62 фоизга яқини қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 485 минг киши, касаначиликнинг барча шакллари кенгайтириш ҳисобидан эса 218 минг киши иш билан таъминланди.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ  
ТАРИХИ БЎЙИЧА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИДАН**

Ўзбекистон миллий давлатчилигининг вужудга келиши ва тараққий топишининг энг янги тарихи бўйича ўқув-методик, илмий-оммабоп, маърифий адабиётларни ўрганиш, тайёрлаш ва чоп этиш борасида илмий, маданий, таълим, жамоат муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш, ёшларда, авваламбор умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчиларида, олий ўқув муассасалари талабаларида мамлакат тарихи ҳақидаги чуқур билимларни шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси ва

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш (кейинги ўринларда – Жамоатчилик кенгаши деб юритилади) тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, Жамоатчилик кенгаши Ўзбекистоннинг энг янги тарихини тадқиқ этиш ва ўқитиш самарадорлигини, шунингдек мазкур соҳада илмий, ўқув-методик адабиётлар, маънавий-маърифий ишлар сифатини оширишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган илмий-мувофиқлаштириш ва маслаҳат органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази тугатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашининг таркиби, Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низом 1-2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистоннинг энг янги тарихини тизимли равишда тарихийлик ва ҳолислик принципларига асосланган ҳолда ўрганишни ташкил этиш, шунингдек буюк тарихий-маданий меросга эга бўлган ва жаҳон цивилизациясининг ривожига улкан ҳисса қўшган ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунига баҳо беришда бир ёклама ёндашувларга, ақидапарастликка йўл қўймаслик;

ўқув, илмий, ўқув-методик адабиётларни тайёрлаш ва янги авлод нашрларини чоп этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, уларда Ўзбекистоннинг энг янги тарихини умумжаҳон ва минтақавий жараёнлар билан, шунингдек ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида шакланган халқлар ва давлатлар цивилизациясининг тарихий-маданий мероси билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқишни таъминлаш;

демократик ҳуқуқий давлатни, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини, фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришда « ўзбек модели»нинг моҳияти ва мазмунини, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш, жамиятда барқарор-

ликни, миллатлараро ва динлараро тотувликни сақлаш бўйича кенг кўламли ишларни, ҳозирги дунёда Ўзбекистоннинг роли ва ўрнини чуқур ўрганиш ва яққол кўрсатиб бериш;

илмий ва ўқув-методик адабиётлар, ўқув дастурлари, мамлакатнинг таълим муассасаларида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи курсини ўқитиш даражасини тизимли равишда мониторинг қилиш ҳамда экспертизадан ўтказиб бориш, ушбу соҳада илмий-тадқиқот, ўқув-методик ишларнинг сифатини яхшилаш, тарихчи-педагог кадрларнинг малакасини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

фуқароларда тарихий хотира, миллий ўзлигини англаш, юксак маънавият, халқнинг тарихий анъаналари, маданий меросига ҳурмат, мамлакатимиз мустақилликка эришганлигининг буюк тарихий аҳамиятини англаш каби фазилатларни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали ошириб бориш;

замонавий чет эл илмий ва ўқув адабиётларида Ўзбекистон тарихини сохталаштириш, бузиб кўрсатиш фактларини аниқлашга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳозирги Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши, социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланиши, мамлакатда олиб борилаётган демократик ислохотлар тўғрисидаги холис ахборотни кенг халқаро жамоатчиликка етказиш.

5. Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ (кейинги ўринларда – Марказ деб юритилади) ташкил этилсин;

Белгилансинки:

Кенгаш фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихининг долзарб муаммоларини ишлаб чиқишни ташкиллаштириш, ўқув, илмий-методик адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш, Кенгаш олдида турган бошқа вазифаларни бажариш Марказнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш., 2012 йил 27 январь, ПҚ-1694-сон.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 5-сон.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИДАН

Жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларни ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини кучайтиришга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, шунингдек 2012 йил Ўзбекистон Республикасида «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 13 декабрдаги Ф-3760-сон фармойиши билан тузилган Республика комиссияси томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ҳамда ноҳукумат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ишлаб чиқилган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор» деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш;

ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, шу жумладан қулай ва

шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар бериш;

жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, Мустаҳкам оила йили мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг таъсирини кучайтириш, ёш оилаларга зарур кўмак ва ёрдам бериш;

оила, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, бунда оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш;

«Соғлом она – соғлом фарзанд» тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш;

жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш;

жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим ҳамда тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш.

...  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш., 2012 йил 27 февраль, ПҚ-1717-сон.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 10-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ – АХБОРОТ РЕСУРС  
МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА» ПРЕЗИДЕНТИНИГ ҚАРОРИ**

...1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 ноябрдаги Р–3750-сонли фармойиши билан тузилган Комиссия томонидан ахборот-ресурс таъминоти соҳасидаги етакчи мутахассисларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқилган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Ушбу Дастур куйидагиларни назарда тутати:

Миллий кутубхона томонидан бош вазифани амалга ошириш замонавий юқори самарадор ахборот-компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда тақдим этиладиган ахборотни олиш манбалари, шакллари ва услубларини танлаш имкониятини таъминлаш принципи асосида аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал, маданий ва билим олишга бўлган эҳтиёжларини ҳар томонлама таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар ва кенг ахборот ресурс базасини яратиш;

республиканинг барча ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш функциясини амалга ошириш, аҳолини ахборот-кутубхона билан таъминлаш даражасини ошириш ва доимий такомиллаштиришни инobatга олган ҳолда уларни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Миллий кутубхонанинг ахборот-кутубхона ресурсларидан республиканинг ҳар қандай жойидан туриб фойдаланишни, шунингдек етакчи хорижий ахборот-кутубхона фондларининг маълумотлар базасига уланишни ўз ичига олган ҳолда фойдаланувчиларга тақдим этиладиган электрон хизмат кенгайишини таъминловчи янги, халқаро амалиётда тажрибадан ўтган хизмат кўрсатиш шаклларини ва илғор дастурий маҳсулотларни тизимли асосда жорий этиш;

республиканинг барча ахборот-кутубхона марказлари ва муассасаларининг уланиши имконияти билан бирга мамлакатнинг ягона ахборот-кутубхона фондиди шакллантириш учун Миллий кутубхона базасида ахборот ресурслари ва электрон (рақамли) нашрларнинг йиғма умумреспублика электрон каталогини ташкил

этиш орқали кутубхона фаолиятининг барча жараёнларини автоматлаштириш;

Миллий кутубхонанинг нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган, жумладан қўлёзма нашрларини реставрация, консервация қилиш ва энг замонавий ихтисослашган ускуналарда электрон шаклга ўтказиш бўйича ишларни амалга ошириш орқали уларнинг сақланишини таъминлаш;

замонавий ахборот-кутубхона технологияларини жорий этиш, Миллий кутубхонада ахборот-кутубхона муассасалари кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасидаги тадбирларни ташкил этиш бўйича норматив-методик базани янада такомиллаштириш.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш., 2012 йил 20 март, ПҚ-1729-сон.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 12-сон; 2013 й., 45-сон.*

*2013 йилда яли ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.*

*2013 йилда 2000 йилга нисбатан аҳолимизнинг истеъмол харажатлари 9,5 баробар ошган.*

*2000 йилда ҳар 100 та оилга ўртача 20 та энгил автомобиль тўғри келган бўлса, 2013 йилда бу рақам 41,4 тага етди.*

*2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсди.*

*Яли ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайди. Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ  
«АНГРЕН» МАХСУС ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИНИ БАРПО ЭТИШ  
ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қону ҳужжатлари то'плами, 2012 й., 16-сон, 177-модда)*

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлигининг Тошкент вилоятда «Ангрен» махсус индустриал зонасини (кейинги ўрнларда — «Ангрен» МИЗ деб юритилади) 1-иловага мувофиқ ҳудудлар чегаралари доирасида барпо этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Ангрен» махсус индустриал зонаси таркибига киритиладиган ер майдонларининг чегараларини аниқ белгиласин ва ерларнинг тегишли равишда ажратилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ангрен» махсус индустриал зонаси таркибига киритилган ер майдонлари Тошкент вилояти ҳокимлигининг бевосита тасарруфида бўлади.

2. Қуйидагилар «Ангрен» махсус индустриал зонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

ички ва жаҳон бозорларида рақобатбардор бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юқсак технологияли ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун инвестициялар, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасида қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

махсус индустриал зонага кирувчи минтақанинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-ҳом ашё ресурсларини янада чуқурроқ қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

махсус индустриал зона ва умуман республика корхоналари ўртасида мустақкам кооперация алоқалар ўрнатилш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий ҳом ашё ва материаллар негзида юқсак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёсларини чуқурлаштириш;

транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳамда самарали фойдаланиш, «Ангрен» логистика маркази салоҳиятини, юқлари автомобили ва контейнерларда ташинш борасида яратилган тизимни янада ривожлантириш ҳамда улардан кенг қўламда фойдаланишни таъминлаш.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 13 апрел,  
ПФ-4436-сон



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ  
«ФУҚАРОЛАР ЙИВИНИ РАИСИ (ОҚСОКОЛИ) ВА УНИНГ  
МАСЛАХАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР  
КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 15 мартда қабул қилинган. Сенат томонидан 2013 йил 28 мартда маъқулланган.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги 609–II сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, №5, 78-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш., 2013 йил 22 апрель, ЎРҚ–351-сон.

*Манба: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон. «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 24 апрель.*

**Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг  
йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни  
ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қароридан**

Халқимиз шу йил 1 сентябрь куни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик тўйини катта тантана, шоду хуррамлик билан кенг нишонлайди.

1. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика ва ҳудудий комиссиялар Мустақиллик байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган, «**Қадрқимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!**»

деган шиорни асосий гоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

мустақиллик – бу аввало ҳуқуқ эканини, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва гурурини англаши, истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканини кенг очиб бериш;

халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонатни, истиқлол гояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонганини чуқур таҳлиллар орқали кўрсатиш;

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли – ўзбек моделининг мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танланганини, ўтган йиллар давомида бу йўл юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятимиз ҳаётида синовдан ўтиб, амалда ҳар томонлама ўзини оқлагани ва бугунги кунда амалий натижасини бераётганини аҳоли ўртасида ўтказиладиган ташвиқот-тарғибот ишлари, жонли суҳбат ва мулоқотларнинг асосий йўналиши деб қабул қилиш;

мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб белгилаб олинган «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» деган, одамларимиз қалбидаги эзгу орзу-интилишларни яққол ифода этган олижаноб даъват халқимизни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлида сафарбар этгани, юртдошларимизнинг юрагига чуқур кириб боргани истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратиш;

мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг галла мустақиллиги, ёқилги-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларини модернизация қилиш, илғор техника ва технологиялар билан қуроллантириш, энг замонавий корхоналарни барпо этиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини бугунги талаблар асосида ривожлантириш мақсадида амалга оши-

рилган том маънодаги улкан ишларнинг мазмун-моҳиятини кенг таҳлил қилиш;

истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўхна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, истиқлол даври Ватанимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлганини ифода этиш;

юртимизда мустақил давлат барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига эришиш, Ўзбекистонимизни дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтаришдек улуғ мақсадларни ўз олдимизга қўйиб, бу марраларнинг нақадар буюк ва масъулиятли эканини ўзимизга чуқур тасаввур қилган ҳолда, ана шундай юксак уфқлар сари дадил бораётганимизнинг энг асосий омил ва мезонларини кенг ёритиш. Бунда, аввало, ўз кадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган, бетакрор миллий кадриятларимиз, бебаҳо маданий меросимизнинг муносиб ворислари бўлиш билан бирга, дунё илму фани ютуқларини пухта ўзлаштириб, замон билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга, манаман деган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллашувга тайёр бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи истиқлол йилларида Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини акс эттириш. Қандай оғир бўлмасин, ана шу буюк мақсадни амалга ошириш учун барча куч-қудратимиз ва имкониятларимизни сафарбар этганимиз, шу йўлда аҳамиятини баҳолашнинг ўзи қийин бўлган ишларимизнинг амалий натижаларини кўрсатиш. Бугунги кунда бу ютуқлар ҳаётимизда, мамлакатимиз тараққиётида, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган барқарор ўсиш суръатларида яққол намоён бўлаётгани, камол топаётган фарзандларимиз ҳаётимизнинг асосий, ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқаётганини таъсирчан мисолларда ифода этиш.

Юқорида зикр этилган фикрларни бундан ўн олти йил аввал қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умум-миллий дастури ва бошқа муҳим ижтимоий дастурлар таҳлили орқали мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигига етказиш;

давлатимиз томонидан мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳоли, биринчи навбатда ёшларимизнинг жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан етук авлод бўлиб улғайишига берилаётган юксак эътиборнинг яққол тасдиғи сифатида мамлакатимизда давлат

бюджети харажатлар қисмининг 60 фоизга яқини таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳалари ривожига йўналтирилаётгани дунё тажрибасида камдан-кам учрашини, Ўзбекистон аини шу соҳаларда жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб бораётгани нуфузли халқаро эксперт ва таҳлил марказлари томонидан эътироф этилаётганига алоҳида аҳамият қаратиш;

истиклолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоиздан зиёдини ташкил этадиган хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, аёл зотини эъозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган қарор ва дастурларнинг амалий натижаларини кўрсатиб бериш. Шулар қаторида оила, оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга оширилган кенг қўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамияти, бу борадаги сиёсатнинг бугунги кунда изчил давом эттирилаётганини тарғибот-ташвиқот ишларининг бош мавзуси сифатида белгилаш;

мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳолиимизнинг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича махсус давлат дастурлари жорий этилаётгани, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида шаҳар шароитидан кам бўлмаган замонавий уй-жой массивлари комплекс барпо этилаётганини халқимиз ҳаётини янада фаровон қилишга қаратилган ишларнинг амалий намоёни сифатида қабул қилиш;

эришган барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқарашини, ишга, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётгани, мухтасар айтганда, мустақил тараққиёт йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлсак, уларнинг барчасининг негизида авваламбор одамларимизнинг ўсиб бораётган сиёсий, ҳуқуқий, маданий савияси ва ижтимоий фаоллиги мужассам эканини акс эттириш;

Ўзбекистон Қуроли Кучларининг мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчи бўлиб келаётганини, ҳарбий хизматнинг ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, чиниқиш ва тобланиш мактабига айлангани, халқ ва армия – бир тану бир жон эканини ҳаётий мисолларда кенг тарғиб этиш.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Тошкент шаҳри, 2013 йил 12 июнь.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### «ЖИЗЗАХ» МАХСУС ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИНИ БАРПО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й. 12-сон, 151-модда)

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлигининг Жиззах вилоятида Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида филиали бўлган «Жиззах» махсус индустриал зонасини (кейинги ўринларда — «Жиззах» МИЗ деб юретилади) 1-иловага<sup>1</sup> мувофиқ ҳудудлар чегаралари доирасида барпо этиш тўғрисидаги таъини қабул қилинсин.

2. Қўйилганлар «Жиззах» махсус индустриал зонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

ички ва ташқи бозорларда рақобатбардор бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий юқсак технологияли ва инновацион ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш;

Махсус индустриал зонага кирувчи шиканталарнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятига комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-ҳом ашё ресурсларини ва қишлоқ ҳўжалик ҳом ашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

Махсус индустриал зона ва ушбу республика корхоналари ўртасида мустақам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда сансат кооперативсини ривожлантириш асосида маҳаллий ҳом ашё ва материаллар негизида юқсак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни мақдлийлаштириш ларасларини чуқурлаштириш;

«Жиззах» МИЗ ҳудудида транспорт, муҳандислик-қоммуникация ва иқтисодий инфратузилманинг жадал ривожланишини ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш;

3. Белгилан қўйилсинки:

«Жиззах» МИЗнинг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташқи этиди ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

«Жиззах» МИЗ фаолият юритилган муддат мобайнида унинг ҳудудида махсус солиқ тарғиб ва божхона имтиёзлари амал қилмади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
2013 йил 18 март.  
ПФ-4516-сон

2014 йилнинг тўққиз ойида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 52,9 фоиз (2013 йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 51,2 фоиз бўлган), саноатда 31,1 фоиз (27,9 фоиз), инвестицияларда 33,2 фоиз (32,2 фоиз), пуллик хизмат кўрсатишда 47 фоиз (43,1 фоиз), бандлик соҳасида 76,5 фоиз (76 фоиз) ўсди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**2013 – 2015 йилларда «Жиззах» махсус индустриал  
зонасининг транспорт, ишлаб чиқариш ва  
муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини  
жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**  
*(қарордан парча)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиззах» махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 18 мартдаги ПФ–4516-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда янгидан ташкил этилган махсус индустриал зонага хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш, ички ва жаҳон бозорларида рақобатбардошли, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ва юқори технологияли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашадиган ва шу асосда янги иш ўринлари ташкил этишни таъминлайдиган ишончли ишлаб чиқариш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари, бошқа манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари зиммасига Дастурга киритилган лойиҳалар бўйича мақсадли кўрсаткичлар ва тадбирларнинг тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда амалга оширилиши, шу жумладан лойиҳа ҳужжатларининг сифатли ишлаб чиқилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

3. Дастурга киритилган «Жиззах» махсус индустриал зонасининг инфратузилма объектларини, шунингдек «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳамда «Ангрен» махсус индустриал зонаси маъмурий биноларини, лойиҳа-смета ҳужжатларини айти бир вақтда ишлаб чиққан ҳолда, молиялаштириш, қуриш ва реконструкция қилишни 2014 йил 1 январгача амалга оширишга истисно тариқасида рухсат этилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш., 2013 йил 1 июль, 190-сон.

*Ўзбекистон Республикаси қонун  
ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 27-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ  
САЙЛОВ ЭРКИНЛИГИ ЯНАДА ТАЪМИНЛАНИШИ ВА САЙЛОВ  
ҚОНУНЧИЛИГИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ  
БИЛАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА  
САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҲАМДА «ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ  
ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ  
ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИГА  
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА  
(қонундан парча)**

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги 990–XII сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 5 18–II сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, №9–10, 132-модда; 2004 йил, №9, 171-модда; 2005 йил, №1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, №12, 637-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш., 2012 йил 19 декабрь, ЎРҚ – 340-сон.

*Ўзбекистон Республикаси қонун*

*ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 51-сон.*

*«Халқ сўзи» газетаси, 2012 йил 20 декабрь.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИНING ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
«ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚЎМАКЛАШИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА» 2013 ЙИЛ 12 ДЕКАБРДАГИ ПҚ-  
2085-СОН ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ҲАҚИДА**

*(қарордаан парча)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ-2085-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек нодавлат ноижорат ташкилотларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ташкиллаштириш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмларни

ҳамда тартиботларни янада такомиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади: ...

2. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари:

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қилиш ва фаровонлигини ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш, айниқса, давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалий кўмагига зарурият бўлган соҳалардаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда самарали иштирок этишига йўналтирилган фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашишга ва қўллаб-қувватлашга доир ишларнинг ҳолатини ҳар йилги мажлисларда мунтазам равишда муҳокама қилинишини таъминласинлар;

мамлакатни ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, энг аввало, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби соҳаларда тармоқ, минтақавий ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек уларни амалда рўёбга чиқариш масалалари бўйича жамоатчилик муҳокамаларини ва эшитувларини мунтазам равишда ўтказиш жараёнига нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этиш амалиётини кенг қўлласинлар;

нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат дастурларини амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш, уларни бажариш самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритиш, кўрсатиб ўтилган давлат дастурларида назарда тутилган вазифалар амалга оширилишининг бориши юзасидан жамоатчилик назорати натижалари тўғрисида хулосалар ва ахборотлар тақдим этиш имкониятини берган ҳолда, уларни катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган давлат дастурларининг бажарилишини мувофиқлаштириш ва амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган комиссиялар ва ишчи гуруҳлар ишига жалб этсинлар;

нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокида жамоатчилик муҳокамаларини, эшитувларини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳуж-



жатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш йўли билан норма ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш механизмларидан кенг фойдалансинлар;

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда турли нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини бирлаштирувчи бошқа жамоат ташкилотларининг уставларидаги вазифаларни амалга оширишда, ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш дастурларини ҳал этишда улар билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорликни таъминласинлар;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва халқаро шартномаларида мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш., 2014 йил 10 март, 57-сон.

*Манба: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 11-сон.*

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI

**506 Davlat mulki obyektlarini xususiyлаштириш tartibi tўg'risidagi nizomlarni tasdiqlash haqida**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Davlat mulki obyektlarini kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlariga sotish borasidagi kўshimcha chorа tadbirlar tўg'risida» 2014 йил 3 июлдаги ПҚ-2000-сон қарорига мувофиқ, davlat mulki obyektlarini xususiyлаштириш tartibini takomillлаштириш, ularni sotish mоhоsiаmlari va tartiblari samaradorligini oshirish, shuningdek davlat mulki obyektlari bilan bitishuvlarni amalga oshirishda ommaviylik va oshkorlikni taъminlash maqsadida Vazirlar Mahkamasini **qaror qiladi:**

1. Quyidagilardir:

Davlat korxonalari va muassasalariни хўжалик жамиятларига айлан-тириш tartibi tўg'risidagi nizom 1-ilovaga muvofiq;

Davlat avishlarini sotish tartibi tўg'risidagi nizom 2-ilovaga muvofiq;

Masъuliyati cheklangan jamiyatlarning ustav fondlari ustav kapitallaridagi davlat ulushlarini sotish tartibi tўg'risidagi nizom 3-ilovaga muvofiq;

Davlat kўchma mulk obyektlarini sotish tartibi tўg'risidagi nizom 4-ilovaga muvofiq;

Davlat mulki obyektlarini харидор tomonidan investitsiyani va iжtimoiy majburiyatlarni kabul qilishni sharti bilan «iud» харid kаmоmati bўyicha sotish tartibi tўg'risidagi nizom 5-ilovaga muvofiq;

Davlat mulkini Davlat mulkini xorijdagi investitorlarga sotishda te-der savdolarini tўg'rilash bўyicha Davlat komissiyasi qarorlari bўyicha so-tish tartibi tўg'risidagi nizom 6-ilovaga muvofiq;

Davlat mulki obyektlarini tanlov savdolarida va tўg'rilan-tўg'ri mu-shkoralar tўg'rilash bўyicha sotishda investitsiyani va iжtimoiy majburiyatlarning o'g kam miqdorini va turlarini belgilash, shuningdek davlat mulki obyektlarini o'zlashtirish shartnomalarining харidlar tomo-nidan bajarilishini nazorat qilish tartibi tўg'risidagi nizom 7-ilovaga muvofiq tasdiqlanishi;

2. Ўзбекистон Республикаси Hukumatining 8-ilovaga muvofiq айrim qarorlariga 9-shartlar kiriritilishi;

3. Ўзбекистон Республикаси Hukumatining 9-ilovaga muvofiq b'lyin qarorlari uz kuzini yukotay deb hisoblanishi;

4. Vazirlar va idoralar ularni kabul qilgan normativ-huqukiy хўж-жатларни бир ой муддатда usbu qarorga muvofikлаштириллар;

5. Mazkur qarorning bajarilishini nazorat qilish Ўзбекистон Res-

2014 йилда Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 1,5 триллион сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. Янги қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 10830 якка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА НИҲА УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Халқаро стандартлар даражасидаги ахборот-қоғамчиликни технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни янада тақомиллаштириш, шунингдек илгор хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телеқоғамчиликни технологиялари давлат қўмитаси, Патисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ниҳа Университети (Корея Республикаси)нинг Тошкент шаҳрида Ниҳа Университетини ташкил этиш тўғрисидаги тавлифи қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳридаги Ниҳа Университетининг асосий фаолият йўналиши эгиб қуйидагилар белгилансин:

ахборот-қоғамчиликни технологиялари соҳасида халқаро стандартларга мос юқори малакали мутахассисларни, биринчи навбатда дастурий таълимни ишлаб чиқиш, ахборот тизими ва компьютер тармоқларини бошқариш бўйича мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш;

республиканинг олий таълим тизимига ўзв жараёнини замонавий таълим технологиялари асосида ташкил этиш бўйича илгор хорижий тақрибани жорий этиш, очик ахборот-таълим муҳитининг ривожланишига қўмаклашиш;

республикада ахборот-қоғамчиликни технологиялари соҳасида ўзгүсиз таълим ва малака ошириш тизимини шакллантиришга қўмаклашиш, илмий таъликот ва таълим муассасалари, дастурий махсүлот ишлаб чиқувчилар, ишлаб чиқариш корхоналари, саноат ва инфратузилма тармоқлари ҳамда бошқа замонавий ахборот-қоғамчиликни технологиялари истеъмолчилари ўртасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорликни ўрнаттиш;

иқтисодиёт реал сектори тармоқларининг аниқ эҳтиёлларини ҳисобга олган ҳолда ахборот-қоғамчиликни технологиялари соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлашни назарда тутувчи халқаро стандартларга мос мақсадли таълим дастурларини ташкил этиш учун шароит яраттиш.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент, ш.,  
2014 йил 24 март,  
ПҚ-2155-сон

2014 йилнинг тўққиз ойида «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга оширишга 4,2 триллион сўм ва 200 миллион доллар маблағ йўналтирилди.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING KARORI

## 484 Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш чора-тадбир- ларини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни ташкил этишга доир амалга ошириладиган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш, уларнинг маънавийлигини ва самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Кўйидагилар:

Иш ўринларини меҳнат шартлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлидиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Иш ўринларини меҳнат шартлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлидиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассис малака сертификати бериш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2014-2015 ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб тегишли техника мутахассисликларининг ўқув дастурларига меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича махсус бўлини киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

даавлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ушбу қарор талабларига риоя этилиши юзасидан аарур назорат ўрнатсин;

иш ўринларини меҳнат шартлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлидиги юзасидан аттестациядан ўтказиш феолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг кадрлар таркиби тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи маълумотлар базасини марказлаштирилган тартибда шакллантириш ва юритиш йўли билан уларнинг ҳисобга олиншини ва улар тўғрисидаги маълумотларнинг тизимлаштирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва малака ошириш дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари фаолиятида қўллаш учун меҳнат шартларини яхшилаш, ишлаб чиқаришда жароҳатланганининг, касб

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

касалиякларининг олдани олдичининг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширишга доир методик қўлланмаларни ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий марказига мебеллар ҳамда ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омиллари лабораториясини жиҳозлашга мўлжалланган ўлчов асбоб-ускуналарини импорт бўйича харид қилишга зарур маблағлар ажратсин.

4. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги белгиланган тартибда:

Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий марказининг ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омиллари лабораториясини жиҳозланадиган ўлчов асбоб-ускуналарини текширишдан ўтказсин;

Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий марказининг ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омиллари лабораториясини аккредитациядан ўтказсин.

5. Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг статистика ахборотлари мажбурий тартибда юбориладиган реестрга киритилсин.

6. Вазирликлар ва идоралар ўзалари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой мuddатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

7. Маълум қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазيري**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.  
2014 йил 15 сентябрь,  
263-сон

## **Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

Шу кунларда халқимиз Ватанимизнинг шонли тарихидаги буюк ва ўчмас санани – Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Ана шу улуг айёмни муносиб кутиб олиш ва ўтказиш мақсадида бугунги кунда олиб бораётган маънавий-маърифий фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини аввало биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш борасида биз эришган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз аҳолиси ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, уларнинг кадр-қимматини чуқур англаш ташкил этиши даркор.

Шулар қаторида Ўзбекистонимиз барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани, қўлга киритган улкан натижаларимизни бутун дунё тан олаётгани, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, ўзига муносиб ўрин эгаллаб олаётганини кенг ёритиш, бу ютуқларнинг асосий омили ва мезонини биринчи навбатда халқимизнинг дунёқараши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганида кўриш, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳар томонлама асослаб бериш ва бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур.

Шу муносабат билан:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

3. Мазкур дастурни тузишда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилсин: тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда «Ким эдигу ким бўлдик?» деган ҳаётий ҳақиқатни асосий ва бош ғоя сифатида белгилаш;

мамлакатимизнинг ўтган аср охирида кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича собиқ СССРда энг охириги ўринлардан бирини эгаллаган, пахта яккахокимлиги ҳалокатли тус олган, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, қоқоқ аграр республикадан бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланганини очиб бериш. Бунинг тасдиғини мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ошгани, кейинги 9 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани ва бошқа шу каби рақам ва кўрсаткичлар мисолида қиёсий таҳлиллар орқали кўрсатиш;

юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳоли-мизнинг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини ёритиш;

ҳеч шубҳасиз, вақт ўтиши билан тобора ёрқин намоён бўлаётган, биз биринчилар қаторида амалга оширган ва давом эттираётган, дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берганимиз мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустахкам фундамент яратиб берганига алоҳида эътибор қаратиш;

биз учун ўта муҳим бўлган соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида қўлга киритган ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётий омилларини очиб бериш;

мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш, айниқса, қиз болаларни замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга ошираётган кенг қўламли ишларимизни ҳаётий ва таъсирчан мисолларда ифода этиш;

бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали ва қалтис замонда, ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек сақлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини чуқур акс эттириш;

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан дўстона алоқалар, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш бўйича ёндашув ва қарашларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш;

юқорида баён этилган беқиёс натижалар, Ватанимизнинг изчил ва барқарор тараққиёти негизида турган асосий омил ва мезонларни очиб бериш амалга ошириладиган барча ахборот-информацион ишларимизда, маънавий-маърифий учрашув ва мулоқотларда, жонли суҳбатларда катта ўрин тутиши лозим. Ушбу қарорнинг кириш қисмида қайд этилган фикр ва ғояларни чуқур маъноли, шу билан бирга, содда тилда ёритиш, одамларнинг қалби ва онгига сингдириш бу борада алоҳида аҳамият касб этиши табиийдир.

Мухтасар айтганда, биз мустақиллик йилларида қандай оғир ва машаққатли синовлардан ўтиб, мисли кўрилмаган ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси замирида фақатгина халқимизнинг фидойи меҳнати, чидамлилиги, олижаноблиги ва бағрикенглиги, матонати ва жасорати, эртанги кунга мустаҳкам ишончи мужассам эканини теран акс эттириш зарур.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов**

*Тошкент шаҳри, 2014 йил 1 июль.*

*«Халқ сўзи» газетаси, 3 июль 2014 йил.*



## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ СОЛНОМАСИ

1989 йил

- 23 май – Фарғона вилоятида дастлаб Кувасой шахрида  
8 июнь месхети турклари билан ўзбеклар айрим гуруҳларининг вакиллари ўртасида бошланган этник низолар кейинчалик совет ҳокимиятига қарши оммавий норозиликларга айланди.
- 29–31 май Тошкентда СССР ва АҚШдаги биродарлашган шаҳарларнинг биринчи учрашуви ўтказилди.
- Май Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети « Республикада Қишлоқ ва оилавий хўжаликларини ривожлантириш тўғрисида»ги Қарор қабул қилди.
- 1 июнь Ўрта Осиё ҳарбий округи тугатилди. Собик Ўрта Осиё ҳарбий округининг ҳуқуқий вориси Туркистон ҳарбий округидир.
- 3–4 июнь Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳри, Тошлок ва Комсомольск посёлкаларида ўзбеклар билан месхети турклари яшайдиган бир кеча аҳоли пунктларида тартибсизликлар келиб чиқди ва тўқнашувларда одамлар ҳалок бўлди.
- 18 июнь «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисидаги қонуни» лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.
- 23 июнь Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимига сайланди.
- 13 сентябрь Ўзбекистон ССРнинг адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Навоий ва Ҳамза Давлат мукофотлари таъсис этилди.
- 19 сентябрь Ўзбекистон ССР иттифок республика Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети ўрнига Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги республика министрлиги ва Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши республика давлат комитети ташкил этилди; Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети бекор қилиниб, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик республика давлат-кооператив

- комитети ташкил қилинди.
- 27 сентябрь «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталари саволларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов жавоблари «Янгила-ниш нишонлари» номи билан матбуотда эълон қилинди.
- 21 октябрь Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. 28 ноябрь Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида олимлар билан учрашди.
- 12–24 декабрь Москвада СССР халқ депутатларининг иккинчи съезди бўлиб ўтди. 23 декабрда бўлган съезд мажлисида « СССР Прокуратурасининг Т.Х. Гдлян бошчилик қилган тергов группаси фаолияти билан боғлиқ бўлган материалларни текширувчи комиссиянинг ахбороти» (комиссия ҳамраиси В.А. Ярин маърузаси) тингланди.
- 1989 йил Тошкент шаҳрига БМТ Қарор и билан «Тинчлик элчиси» фахрий унвони берилди. 1989 йил Тошкент шаҳрида Ўлка тиббиёти илмий тадқиқот институти негизда Эндокринология институти ташкил этилди.

### 1990 йил

- 19 февраль Тошкент вилоятининг Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» номи колхозда ўзбек ва месхети турклари вакилларининг гуруҳлари ўртасида тўқнашув бўлди.
- Февраль – апрель Ўзбекистонда сайлов тизимини демократиялаштириш мақсадида Республика Олий Советига кўп мандатли округлар бўйича эксперимент сифатида сайлов ўтказилди.
- 3 март Тошкент вилоятининг Паркент тумани марказида

- гуруҳ - гуруҳ бўлиб олган кишилар тартибсизлик қилишди.
- 5–12 март Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида халқ депутатлари область Советларининг сайловидан сўнг биринчи сессиялари бўлиб ўтди.
- 12–15 март Москвада СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съезди бўлди. Унда СССР Президенти лавозими таъсис этилди ҳамда 15 март куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг раиси Михаил Сергеевич Горбачёв Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти этиб сайланди.
- 24 март Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн иккинчи чақирик 1 – сессиясида Ўзбекистонда президентлик бошқаруви таъсис этилди ва Ўзбекистон Компартияси МК биринчи котиби Ислон Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.
- 31 март Ўзбекистон ССР Олий Советининг «Ўзбекистон ССР ҳукуматининг келгусидаги фаолияти дастури ва Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий, ижтимоий–маънавий мустақиллигини шакллантиришнинг асосий концепциялари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- Апрель Нукус шаҳрида Тошкент киностудиясининг Қорақалпоқ филиали базасида «Қорақалпоқфильм» киностудияси вужудга келди.
- 2 май Андижон шаҳридаги «Спартак» стадионида оммавий тартибсизликлар бошланиб, у шаҳар кўчаларида давом этди.
- 4 май Ўзбекистон ССР Президентининг «Навруз халқ байрамини ўтказиш якуналари тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.
- 2 июнь Ўзбекистон ССР Президентининг «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.
- 4–11 июнь Ўш (Қирғизистонда ўзбек халқига нисбатан

- геноцид сиёсати қўлланилди ва улар қирғин қилинди. Ўшдаги тўқнашувларда 35000 киши қатнашди.
- 12 июнь Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат комитети ташкил этилди.
- 15 июнь Қозоғистон ССР Президенти, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Н.А. Назарбоев Тошкентга келди ва Ўзбекистон ССР Президенти Ислон Каримов билан учрашди.
- 20 июнь Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССРда конституцион назорат тўғрисида», «Ер тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди.
- 20 июнь Ўзбекистон ССР Олий Совети ўн иккинчи чақириқ 2–сессиясида «Мустақиллик Декларацияси» қабул қилинди.
- 20 июнь Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Ислон Каримов раислигида конституцион комиссия тузилди.
- 26 июнь «Ўзбекистон ССР халқ хофизи» фахрий унвони таъсис этилди.
- 1 июль Орол ҳаракатини тузиш тўғрисидаги Декларация матбуотда эълон қилинди. У Орол денгизини қутқариш ва минтақадаги бутун вазиятни соғломлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.
- 4 сентябрь Ўзбекистон ССР Президентининг «Жумҳурият ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.
- 14–16 сентябрь Тошкентда машҳур муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган «Имом Термизийнинг маънавий мероси ва ҳозирги замон» мавзусида халқаро ислом анжумани ўтказилди.

- 29 октябрь Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг «Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарор лаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 31 октябрь Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги жумҳуриятга буйсунувчи вазирликка айлантирилди.
- 31 октябрь Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистонда мулкчилик тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон ССРда халқ депутатларининг мақоми тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди.
- 1 ноябрь Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.
- 1 ноябрь Ўзбекистонда вице–президент лавозими таъсис этилди ва Шукурулло Раҳматович Мирсаидов Ўзбекистон ССР вице–президенти этиб тайинланди ( Бу лавозим 1992 йил 4 январда тугатилди).
- 13 ноябрь Тошкент шаҳридаги Санъат саройида Ўзбекистон шифокорларининг I қурултойи бўлиб ўтди.
- 29 ноябрь Тошкентда илк бор Ўзбекистон пахтачилик маҳсулоти улгуржи савдоси жумҳуриятлараро ярмаркаси бўлиб ўтди.
- Ноябрь Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ташкил этилди.
- 3 декабрь Тошкент шаҳрида Осиё–Тинч океани минтақасида хавфсизлик ва ҳамкорлик ҳамда икки томонлама муносабатлар муаммоларига бағишланган Совет–Жанубий Корея конференцияси ўтказилди.
- 8 декабрь Ўзбекистон ССР Қишлоқ хужалиги давлат-кооператив қўмитаси Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлигига айлантирилди;

- Ўзбекистон ССР Давлат режалаш кўмитаси Ўзбекистон ССР Иқтисодиёт кўмитасига айлантирилди.
- 10–11 декабрь Москвада бўлган КПСС МК Пленумида «Иттифоқ шартномасининг концепцияси ва партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масала кўрилди.
- 14 декабрь Қорақалпоғистон АССР Олий Совети 4 - сессиясида Ўзбекистон ССР таркибида Қорақалпоғистон АССР суверенитети тўғрисида Декларация» қабул қилинди.
- 1990 йил Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Паркент ва Оҳангарон туманларининг тоғли худудларида Угом-Чотқол давлат табиат миллий боғи ташкил этилди.
- 1990 йил « Тўмарис » хотин - қизлар ҳаракати ташкил топди.

#### 1991 йил

- 31 август «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.
- 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни, умумхалқ байрами.
- 6 сентябрь Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.
- 30 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг навбатдан ташкари VII сессияси «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларацияси»ни ратификация қилди. Президент Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари» Қонунига конституциявий мақом бериш тўғрисида»ги Қонунга имзо чекди.
- 18 ноябрь Олий Кенгаш «Ўзбекистан Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонунни кучга киритиш ҳақида Қарор қабул қилди.
- 21 декабрь Алмати шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ҳамда Озарбайжон,

Арманистон, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон ва Туркменистон давлат раҳбарлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ( МДҲ )ни тузиш тўғрисидаги Декларацияни имзоладилар.

29 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президентлигига биринчи яширин овоз бериш йўли билан тўғридан-тўғри умумий ва муқобиллик асосидаги сайловда Ислоҳ Каримов кўпчилик овозни олди ва номзоди халқнинг тўла ишончига эга эканлиги яна бир қарра намоён бўлди.

### 1992 йил

10 февраль Президент «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва мулкни хусусийлаштириш қўмитасини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди

16–17 февраль Ўзбекистон Республикаси ИҚТга, яъни Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлди.

18 февраль Президент Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Давлат Фан ва техника қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.

2 март Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллат-Ташкилоти ( БМТ) аъзолигига қабул қилинди.

23 март Ўзбекистон Республикаси Халқаро Олимпия қўмитасига аъзо бўлди.

24 март Президент Ислоҳ Каримов «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган Чегара қўшинлари бўлинмалари тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

27 март Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Рўза хайити ва Қурбон хайити кунларини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

- 31 март Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида Олий Аттестация Комиссияси (ОАК)ни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.
- 2 июль «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонунни кучга киритиш тартиби ҳақида Олий Кенгаш Қарор қабул қилди. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги Қонунга имзо чекди.
- 3 июль Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига айлантириш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.
- 8–10 июль Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ходимлари учун дипломатия к ласслари ва тоифаларини белгилаш тўғрисида»ги Қонунга имзо чекди.
- 19 июль Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Финляндияга расмий ташрифи ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши (ЕХҲК) мажлисида қатнашуви.
- 1 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Қўшилмаслик ҳаракатига аъзо бўлди.
- 23 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университетини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.
- 10 декабрь Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг Давлат гимнини тасдиқлади.

### 1993 йил

- 4 январь Тошкентда бешта мустақил давлатларнинг (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон) янги минтақавий ҳамдўстлиги – Мар-



казий Осиё Ҳамдўстлигига асос солди.

- 13 январь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Республика миллатлараро маданият маркази» ни « Республика байналмилал маданият маркази»га айлантириш тўғрисида Қарор қабул қилди.
- 20 июль БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили Холид Башир Малик Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.
- 28 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 48- сессиясида нутқ сўзлади.
- 24 октябрь Ўзбекистон Республикасида БМТнинг ваколатхонаси очилди.
- 26 октябрь Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО)га аъзо бўлди.

#### 1994 йил

- 11 январь Нукус шаҳрида Россия делегацияси иштирокида Марказий Осиё мамлакатлари президентларининг Орол денгизи муаммолари бўйича конференцияси бўлиб ўтди.
- 5 май Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг « Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвонини ҳамда «Олтин юлдуз» медалини таъсис этиш тўғрисида Қарор қабул қилди.
- 6 май Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакат фуқаролари – фашизмга қарши уруш қатнашчилари ва 1941–1945 йил фронторти меҳнаткашларини ғалаба кунини муносабати билан «Жасорат» ва «Шуҳрат» медаллари билан мукофотлаш тўғрисида Фармон чиқарди.
- 1 июль Ўзбекистонда миллий валюта – сўм муомалага киритилди.

- 15 август Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари академияси ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори чиқди.
- 13–14 октябрь Буюк мунажжим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Тошкентда халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.
- 18–19 октябрь Ўзбекистон Президенти Ислom Каримов Истанбул шаҳрида туркийзабон давлатлар раҳбарларининг учрашувида қатнашди.
- 15 ноябрь Шу кундан бошлаб Ўзбекистон миллий валютаси – сўм мамлакат ҳудудида ягона тўлов воситаси бўлиб қолди.
- 24 декабрь Барча 250 сайлов округларида Ўзбекистон Республикаси парламенти – Олий Мажлисга биринчи марта кўппартиявийлик асосида сайловларнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди.

### 1995 йил

- 26 март Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача давом эттириш тўғрисида умумхалқ референдуми бўлиб ўтди.
- 19 апрель «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурини Давлат ва жамият қурилиши академияси ташкил этиш тўғрисида»ги Фармон чиқди.
- 6 май Ўзбек–Америка «Зарафшон–Ньюмонт» қўшма корхонаси ишга туширилди.
- 22 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари академияси ташкил этилди.
- 10–12 октябрь Марказий Осиё мамлакатлари тарихида биринчи марта Тошкент шаҳрида христиан ва мусулмонларнинг қўшма конференцияси бўлиб ўтди.
- 24 октябрь Ўзбекистон Президенти Ислom Каримов БМТ 50 йиллиги муносабати билан Бош Ассамблея мажлисида нутқ сўзлади.
- Октябрь – ЮНЕСКО 28 - ассамблеясида буюк ватандошимиз ноябрь Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги юбилеи халқаро миқёсда нишонланиши

- 21 декабрь тўғрисида Қарор қабул қилинди.  
«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақи-  
да»ги Қонунини (янги таҳрирда) тасдиқлади.
- 26 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Кари-  
мов «1996 йилни «Амир Темур йили» деб эълон  
қилиш тўғрисида» Фа рмон чиқарди.

### 1996 йил

- 3 январь Вазирлар Маҳкамаси «Бухоро шаҳрининг 2500  
йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни  
нишонлаш тўғрисида»ги Қарор қабул қилди,  
Вазирлар Маҳкамаси «Хива шаҳрининг 2500  
йиллиги юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни  
нишонлаш тўғрисида»ги Қарор қабул қилди.
- 8 февраль Лозанна шаҳрида Халқаро Олимпия комитети-  
нинг Қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И.А Каримовга тантанали равишда  
Олимпия олтин ордени топширилди.
- 25 март Асакадаги автомобиль заводи конвейердан  
дастлабки автомобиллар чиқа бошлади. Ушбу  
кун мамлакатимиз тарихида автомобиль саноати  
туғилган сана бўлиб қолди.
- 17 апрель Президент И.А Каримов «Ўзбекистон Республи-  
касининг «Камолот» ёшлар жамғармаси  
тўғрисида» Фармон чиқарди.
- 26 апрель Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
«Амир Темур» орденини таъсис этиш тўғрисида  
Қарор қабул қилди.
- 13 май Президент Ислон Каримов Тажан–Серахс–  
Трансosiё темирйўл магистралининг очилишида  
иштирок этди.
- 21–22 июнь Мамлакатимиз раҳбари И. Каримовнинг Италия-  
га ташрифи ҳамда Ўзбекистон Республикаси  
билан Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик ва  
шериклик тўғрисида»ги Шартноманинг имзола-  
ниши.

- 19 июль Асакадаги «ЎзДЭУавто» корхонаси ишга тушди.
- 1 севтябрь Тошкент шаҳрида Халқаро олимпия шуҳрати музейи очилди.
- 18 октябрь Тошкентда Темурийлар тарихи Давлат музейи очилди. Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида Соҳибкирон Амир Темур ҳайкали очилди.
- 24 октябрь Тошкент шаҳрида «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тўтган ўрни» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.
- 9–13 ноябрь Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллик юбилейига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди ва бу тантаналарда Бутунроссия ва Москва патриархи Алексей II қатнашди.
- 12–14 ноябрь Президент Ислом Каримовнинг Бельгия Қироллигига расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифокига аъзо бўлган мамлакатлар билан оралик шартнома имзоланди.
- 6 декабрь Президент Ислом Каримов 1997 йилни «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилди.
- 13 декабрь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистоннинг янги тарихини нашрга тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 26 декабрь Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялар тўғрисидаги Қонунига имзо чекди.

### 1997 йил

- 7 январь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иқтидорли ёшларнинг чет элларда ўқишини қўллаб - қувватлаш бўйича « Умид» жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.
- 10 январь Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси, Қозғистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик Шартномаси имзоланди.

- 23 январь Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Камолиддин Беҳзод номидаги Бадиий академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.
- 21 февраль Вазирлар Маҳкамаси «Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннииг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарор чиқарди.
- 27 февраль Ўзбекистон тарихида биринчи марта «Жаҳон адабиёти» журнаlinesи чоп этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Қарор чиқарди.
- 20 март Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони чиқди.
- 24 апрель «Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллик (омбудсман) тўғрисида»ги Қонун эълон қилинди.
- 2–4 май Италия Республикаси Президенти Луиджи Скафаронинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бўлди.
- 22 август Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати ишга тушди.
- 29 август Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қабул қилди.
- 15 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов « Марказий Осиё – ядро қуролидан ҳоли зона» халқаро конференциясида нутқ сўзлади.
- 11 ноябрь «Хоразм Маъмун Академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқди. 27 ноябрь «Аҳмад ал - Фарғоний та валлудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори чиқди.
- 5 декабрь Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган мажлисда Президент

Ислом Каримовнинг таклифига биноан 1998 йил « Оила йили » деб эълон қилинди.

### 1998 йил

- 12 январь Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони эълон қилинди.
- 13 январь «Алпомиш» дostonи яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарор и эълон қилинди.
- 24 февраль « Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.
- 26 март «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармон эълон қилинди.
- 20 май Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида »ги Қонуни матбуотда эълон қилинди.
- 21 май Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуни матбуотда эълон қилинди.
- 26 май Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг « Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.
- 29 май Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг « Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.
- 6 июнь Олий Мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги

- Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинди. Олий Мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган « Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республика Қонуни эълон қилинди.
- 27 июль Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори чиқди.
- 25 август Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ифтихори» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.
- 7–8 Бокуда Европа–Кавказ–Осиё (ТРАСЕКА) сентябрь транспорт тармоғини ривожлантиришга бағишланган халқаро анжуманда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.
- 23 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг « Академик лицейлар ва касб–хунар коллежларини ривожлантириш ва моддий–техник базаларини молиялаш Дастури тўғрисида»ги Қарори чиқди.
- 24 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг « Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори чиқди.
- 12 октябрь «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида 1998–2007 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида»ги Шартнома имзоланди.
- 6 ноябрь Тошкентда ЮНЕСКО Ижроия кенгаши 155-сессиясининг якуний йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга умуминсоний ва маданий кадриятларни эъозлаш ҳамда бой илмий меросни ўрганишни рағбатлантиришдаги хизматлари учун Абу Али ибн Сино номидаги олтин медални топширди.

- 10 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.
- 7 декабрь Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 йиллигига бағишланган мажлисда Президент Ислом Каримов таклифига биноан 1999 йил «Аёллар йили» деб эълон қилинди.

### 1999 йил

- 6 январь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ибн Сино халқаро жамғармасини қўллаб қувватлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.
- 13 январь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.
- 1 февраль Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро Кураш Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.
- 17 февраль 16 февраль куни мамлакатимиз пойтахти Тошкентда қабиҳ ниятли кучлар томонидан террористик хуружлар содир этилди. Оқибатда, бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди. Шу муносабат билан, Президент Ислом Каримов 1999 йил 18 феврални Ўзбекистон Республикасида «Мотам куни» деб эълон қилиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.
- 2 март Ўзбекистон Республикаси Президентининг «9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.



- 12 апрель Халқаро фанлар академиясининг Президенти В.Шукшунов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга мамлакатда фан ва таълимни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Академиянинг фахрий академиги дипломини топширди.
- 15 апрель Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.
- 1–2 май Тошкентда дунёнинг 48 давлатлари спортчилари иштирокидаги миллий кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.
- 24 май Халқаро ҳаваскор курашчилар уюшмаси (ХХКУ) Бош котиби Мишель Дюссон Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга мамлакатда жаҳон спортини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун уюшманинг олий нишони – «Олтин маржон»ни топширди.
- 27 май Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори чиқди.
- 6 июнь Ўзбекистонда буюк рус шоири А.С.Пушкин таваллудининг 200 йиллиги кенг нишонланди.
- 10 июнь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.
- 24 июнь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача тарбия муассасаларининг нодавлат тармогини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори чиқди.
- 1 июль 1996 йилнинг 21 июнида Флоренцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов билан Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Европа

- Иттифоқи ўртасида имзоланган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги Шартнома кучга кирди.
- 19–20 июль Тошкентда БМТ ҳомийлигидаги Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.
- 4–6 октябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи амалга оширилди.
- 5 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов буюк саркарда Жалолоддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишлаб Урганч шаҳрида ўтказилган тантаналарда иштирок этди ва нутқ сўзлади.
- 6 ноябрь Президент Ислон Каримов «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишлаб Термизда ўтказилган тантаналарда иштирок этди ва нутқ сўзлади.
- 8–10 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.
- 18 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида иштирок этди ва нутқ сўзлади.
- 6 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг етти йиллигига бағишланган мажлисдаги таклифига биноан, 2000 йил – «Соглом авлод йили» деб эълон қилинди.
- 10–11 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таклифига биноан Россия Федерацияси Бош вазири В. Путин расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

## 2000 йил

- 9 январь Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муқобиллик асосида ўтказилган сайловда Ўзбекистон Президенти этиб сайланди.
- 28 январь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ, Буюк Британия, Исроил, Жанубий Корея, Миср, Туркия, Франция, Хитой ва Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиларига мамлакатлар ҳамкорлигига қўшган хиссалари учун «Дўстлик» орденини топишди.
- 4 март Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рангли металллар парчалари ва чиқиндиларининг ўғирланиши ва ноқонуний равишда четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.
- 21 апрель Терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчилик ва бошқа минтақа барқарор лиги ва хавфсизлиги учун таҳдидларга қарши курашиш тўғрисида Ўзбекистон, Козоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари ўртасида шартнома имзоланди.
- 2 август Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.
- 29 август Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жалололдин Мангуберди» орденини таъсис этиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.
- 8 сентябрь Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг асримиздаги энг сўнгги «минг йиллик саммити» деб ном олган сессиясида иштирок этди ва нутқ сўзлади.
- 7 декабрь Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 йиллигига бағишлаб ўтказилган мажлисда Президент Ислом Каримов таклифига кўра, 2001

йил – «Она ва бола йили» деб эълон қилинди.

## 2001 йил

- 15 январь Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг илмий кенгаши Қарори билан «МДУнинг фахрий профессори» унвони берилди.
- 19 январь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.
- 24 январь Президент И.Каримовнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди. 5 февраль Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Она ва бола» давлат дастури тўғрисидаги Қарори чиқди.
- 2 март Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Темирйўл» транспортини монополиядан чиқариш ва акциялаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.
- 5 март Мадриддаги «Сифат ва технология халқаро кўмитаси» Амударё тумани «Юлдуз» акциядорлик жамиятига халқаро олтин медални топширди.
- 20 апрель Москвада Л. Левитиннинг Президент Ислом Каримов фаолиятининг ҳолисона ва жиддий таҳлилига бағишланган «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» номли китобининг тақдироти бўлиб ўтди.
- 25 апрель Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Камолот - ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди.
- 26 июнь санъа- Вазирлар Маҳкамасининг «Эстрада-ашула тини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Қарори чиқди.

- 30 август Инвесторларнинг қимматбаҳо қоғозлар бозорида ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида»ги Қонун имзоланди.
- 30 август Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Академик драма театри янги биноси очилиши тантаналарида қатнашди ва нутқ сўзлади.
- 10 сентябрь Кичик корхоналар, дехкон ва фермер хўжаликларига турли ёрдам ва хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг Қарори чиқди.
- 21 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Давлат академик театрига « Миллий театр» мақомини бериш ҳақида Фармони эълон қилинди.
- 3 ноябрь Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Урганчда « Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишланган мемориалнинг очилишида қатнашди ва нутқ сўзлади.
- 6 декабрь Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 27 январда давлат миқёсида референдум ўтказилиб, икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалалари тўғрисидаги Қарори чиқди.
- 14 декабрь Ўзбекистон Республикасининг Афғонистонга гуманитар ёрдам бериш тўғрисидаги Протоколи имзоланди.
- 25 декабрь «O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони таъсис этилди.
- декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 9 йиллигига бағишланган мажлисдаги таклифига биноан, 2002 йил «Қарияларни кадрлаш йили» деб эълон қилинди.

### 2002 йил

- 15 январь Афғонистоннинг Мозори Шариф шахрида Ўзбе-

- кистон Республикасининг Консулхонаси очилди.
- 25 январь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аёллар ва болалар соғлиғини яхшилаш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида Қарор қабул қилди.
- 27 январь Умумхалқ Референдуми асосида Ўзбекистон сайловчилари Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси икки палатали – яъни Сенатдан ва Қонунчилик палатасидан иборат бўлиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти эса беш йил эмас, етти йилга сайланишини маъқуллаб овоз бердилар.
- 28 февраль Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида «Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотини таъсис этиш тўғрисида»ги Шартнома имзоланди.
- 3 май Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш ҳақида» Қарори чиқди.
- 30 май Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва информация-коммуникация технологияларни жорий қилиш ҳақида»ги Фармони эълон қилинди.
- 7 декабрь Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали мажлисда Президент Ислом Каримов 2003 йилни «Меҳмурувват йили» деб эълон қилиш тўғрисида таклиф киритди ва таклиф қатнашчилар томонидан маъқулланди.
- 12 декабрь Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ҳақида конституциявий Қонунни қабул қилди.

## 2003 йил

- 27 январь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Испания кироли Хуан Карлоснинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Испания қироллигига борди.
- 6–7 март Ўзбекистон Республикаси Ислон Каримовнинг таклифига биноан Словакия Президенти Рудолф Шустар расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.
- 21–23 апрель Руминия Президенти Ион Илиеску расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.
- 9–10 май Германия Федератив Республикаси Канцлери Герхард Шредер расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.
- 29 май Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти раҳбарларининг Москвадаги саммитида ШХТ раҳбар ташкилотлари – Котибиятни Пекинда, Минтақавий аксилтеррор тузилмасини Тошкентда 2004 йил январидан ишга тушириш ҳақида Қарор қабул қилинди.
- 28–31 июль Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Япония ҳукуматининг таклифига биноан расмий ташриф билан Японияда бўлди.
- 5–6 октябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Тожикистон пойтахти Душанбеда «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилоти саммити ҳамда Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари саммитида иштирок этди.
- 18–20 октябрь Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Котиби Кофи Аннан расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.
- 4 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор қабул қилди.
- 21 декабрь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги»

- Қарори чикди.
- 22 декабрь Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Фанлар Академиясининг 60 йиллик юбилеи муносабати билан академиклар ва барча илмий ходимларни табриклади.

### 2004 йил

- 15 январь Пекинда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирларининг навбатдан ташқари учрашуви бўлиб ўтди.
- 23 март Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илхом Алиев Тошкентда буюк озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий ҳайкалининг тантанали очилишида иштирок этдилар.
- 25 март Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ҳожа Ахрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарор қабул қилди.
- 26 март Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарор қабул қилди.
- 26 март Тошкент шаҳрида ёвуз кучлар қатор террорчилик ҳаракатлари содир этдилар ва қақшатқич зарбага учрадилар.
- 28–29 март Япониянинг энг нуфузли университетларидан бири – Сока университетиде Алишер Навоий ҳайкали очилиш маросими бўлиб ўтди.
- 3 апрель Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг « Оролбуйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори чиқди
- 8 апрель Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Латвия пойтахти Ригада Алишер Навоий ҳайкали очилиши маросимида қатнашди.
- 3 май Ўзбекистон Республикаси Вазирларни Маҳкамаси «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини



- рағбатлантириш тўғрисида»ги Қарор қабул қилди.
- 21 май Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.
- 27 май Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг « Баҳовуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори чиқди.
- 7 июнь Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил Афинадаги ёзги олимпиада ўйинларида «Ўзбекистон спортчилари муносиб чиқишларини таъмин этиш тўғрисида»ги Қарор қабул қилди.
- 14 июнь Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таклифига биноан Хитой Халқ Республикасининг Раиси Ху Цзингтао давлат ташрифи билан Тошкентга келди ва 16–17 июнь кунлари Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг давлат раҳбарлари саммитида қатнашди.
- 11–15 июнь Ўзбекистонда Хитой маданияти кунлари. Хитойнинг Чанчун шаҳрида буюк бобокалонимиз Камолиддин Беҳзод ҳайкали қад кўтарди.
- 16 июнь Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисида битим имзоланди, қатор қўшимча имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистонга 1 миллиард АҚШ доллари ҳисобида инвестиция киритиш учун йўл очди.
- 17 июнь Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти раҳбарларининг саммитида хавфсизлик, савдо-иқтисодий масалалар муҳокама этилди, бу борада фаолиятни такомиллаштириш ва террорчиликка қарши курашни кучайтириш масалалари кўрилди.
- 2 июль Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумтаълим мактаблари ўқитувчи-

- ларининг меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.
- 7 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг « Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор чикди.
- 9 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарор қабул килди.
- 19 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов таклифига биноан Туркменистон Президенти Сапармурод Ниёзов расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

### 2005 йил

- 5 март Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов таклифига биноан Покистон Ислоом Республикаси Президенти Парвез Мушарраф Расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.
- 2 май Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.
- 2 июнь Ўзбекистан Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарор и эълон қилинди.
- 14 июнь Ўзбекистан Республикаси Президенти Ислоом Каримов «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.
- 20 июнь Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни рағбатлан-

- тириш борасидаги қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.
- 21 июль Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Тошкент тиббиёт академиясини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.
- 14 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.
- 5 октябрь Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.
- 25 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.
- 7 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган куннинг 13 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб аташ ҳақида таклиф киритди.

## 2006 йил

- 25 январь Санкт-Петербург саммитида Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕврАзЭС)га Ўзбекистон Республикаси расман аъзо бўлди. 27 январь Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида имзоланган иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида шартнома ратификация қилинди.
- 3 февраль Тошкент шаҳридаги Мустақиллик обидаси ва «Бахтиёр она» ҳайкали «Мустақиллик ва эзгулик

- монументи» деб номланди.
- 24 февраль Тошкент шаҳрида Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиали ташкил этилди.
- 20 март Тошкент шаҳридаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистон ва Қозоғистон ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.
- 28–30 апрель Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида кикбоксинг бўйича 3-жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.
- 3 май Ўзбекистонда журналистика соҳасида эълон қилинган «Олтин қалам» халқаро танлови ғолиблари илк марта тақдирланди.
- 4–9 май Қарши шаҳрида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари – 2006» спорт мусобақаси бўлиб ўтди.
- 11 май Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараккиёт жамғармаси ташкил этилди.
- 13 июнь Ўзбекистон электр энергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат давлат лойиҳа институти – «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» ташкил этилди.
- 25 июль Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.
- 8 август «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси ташкил топди.
- 25 август Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий марказига айлантирилди.
- 30 август Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали биноси очилди.

- 30 август Тошкент шаҳрида Тасвирий санъат галереяси биноси очилди.
- 27 октябрь Қарши шахрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлди.
- 2 ноябрь Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги Хивада тантанали нишонланди.
- 1–15 декабрь Қатар пойтахти Доха шаҳрида ўтказилган XV Осиё ўйинларида иштирок этган ўзбекистонлик спортчилар 11 та олтин, 14 та кумуш ва 14 та бронза медалларини кўлга киритишиб, умумжамоа ҳисобида 7-ўринни эгаллашди.
- 12 декабрь Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақида Баённома (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилинди.
- 7 декабрь 2007 йил – «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди

### 2007 йил

- 8 январь Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 13 январь Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Қарори эълон қилинди.
- 23 январь Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди январь Ислон конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассасаси – ISESCO (АЙСЕСКО) томонидан Тошкент шаҳри Триполи (Ливия), Фес (Марокаш), (Марокаш), Дакар (Сенегал) шаҳарлари қаторида Ислон маданиятининг 2007 йилдаги пойтахти деб эълон қилинди.
- 24–26 май Самарқанднинг 2750 йиллигига бағишланган

- «Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни мавзуида халқаро илмий симпозиум ўтказилди.
- 5 июнь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Тошкент шаҳридаги Хазрати Имом мажмуасида ниҳоясига етказилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.
- 14–15 август Тошкент ва Самарқанд шаҳрида Тошкент шаҳрининг 2007 йилдаги Ислон маданияти маркази деб эълон қилинишига бағишланган «Ўзбекистоннинг ислон цивилизацияси ривожига кўшган ҳиссаси» мавзуида халқаро конференция ўтказилиб, унда 90 дан ортиқ давлатлардан келган олимлар қатнашди.
- 23 август Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари илк марта берилди (ушбу мукофот 2006 йил 25 июлда таъсис этилган эди).
- 24 август Ўзбекистоннинг жанубий минтақасини бири-бирига боғловчи Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темирўли (узунлиги 223 км) фойдаланишга топширилди. Ушбу темир йўл 33 ой мобайнида қуриб битирилди.
- 25 август Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросим ўтказилди. Маросим Шарқ тароналари VI халқаро мусиқа фестивалига уланиб кетди.
- 28 август Тошкент шаҳрида И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали очилди.
- 5 сентябрь Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти ташкил этилди.
- 7 сентябрь Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросим ўтказилди.
- 17 сентябрь Тошкент шаҳрида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи ҳудудида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ҳайкали

- очилди.
- 9 октябрь Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида Ёшлар ижод саройини бунёд этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 16 октябрь – ЮНЕСКОнинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган  
2 ноябрь Бош к онференциясининг 34 -сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида Қарор қабул қилинди. 23
- октябрь– Чикаго ( АҚШ)да бўлиб ўтган бокс бўйича  
3 ноябрь жаҳон чемпионатида Аббос Атоев жаҳон чемпиони бўлди.
- 25–29 Улан–Батор (Мўғулистон) шаҳрида ўзбек  
октябрь миллий кураши бўйича VI жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда ўзбекистонлик курашчилардан турли вазнларда Фурқат Маматов, Олим Равшанов, Равшан Маҳмудов, Шерали Жўраев, Икром Нуруллаев, мутлоқ вазнда Давлат Чориевлар жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлишди.
- 11–22 ноябрь Туркиянинг Анталия шаҳридаги футбол бўйича ногирон–ампутантлар ўртасида ўтказилган VII жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди
- 7 декабрь 2008 йил – «Ёшлар йили» деб эълон қилинди.
- 23 декабрь Ўзбекистонда бўлган президентлик сайловида Ислон Абдуғаниевич Каримов 7 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

### 2008 йил

- 1 январь Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида маъқулланган янги Солиқ кодекси кучга кирди. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилинди.
- 5–6 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон  
февраль Каримов расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлди.

- 8 февраль Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида «Инсон манфаатларининг устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир» мавзусида маъруза қилди.
- 1 март Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним ҳайкали очилди.
- 12 март Тошкент шаҳрида «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгилаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.
- 2 апрель Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 3 апрель Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бухарестда бўлиб ўтган НАТО / СЕАП саммитида иштирок этиб, нутқ сўзлади.
- 9 апрель Ўзбекистон Республикасининг «Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияга ( Нью - Йорк, 2005 йил 13 апрель) кириши ҳақида»ги Қонуни қабул қилинди.
- 9 апрель Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 17 апрель Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.
- 18–28 апрель Лондон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро пианиночилар танловида тошкентлик 18 ёшли Бехзод Абдураимов финалда иштирок этиб, 24 мамлакат вакиллари орасида мутлақ голиб деб топилди.
- 1 май Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини



- янада ислоҳ қ илиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қ абул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фарғона ва Қўқон шаҳарларини 2008–2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора–тадбирлар Дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 12–18 май Тошкент ва Бухоро шаҳарларида Туркистон минтақаси ёшларининг «Ижодий парвоз» III халқаро кинофестивали бўлиб ўтди.
- 15 май «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.
- 20 июнь Тошкент шаҳрида Фидокорлар Миллий демократик партиясини Миллий тикланиш демократик партиясига бирлаштириш ҳақида Қарор қабул қилинди.
- 23 июнь Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 2 август Тошкент шаҳрида Ўзбекистон экологик ҳаракатининг таъсис анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон экологик ҳаракати ташкил қилинди.
- 8–24 август Пекинда ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида эркин курашчи Артур Таймазов иккинчи бор Олимпиада чемпиони унвонига сазовор бўлди. Дзюдочи Абдулла Тангриев, эркин курашчи Сослан Тигиев қумуш, дзюдочи Ришод Собиров, батутчи Е. Хилько ва спорт гимнастикачиси А. Фокин бронза медалларига сазовор бўлишди.

- 12 сентябрь Боку шахрининг Озодлик майдонида Алишер Навоий ҳайкали (ҳайкалтарош Р. Миртожиев) очилди.
- 12 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.
- 23 сентябрь Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида «Power Uzbekistan – 2008» учинчи халқаро энергетика кўргазмаси иш бошлади.
- Сентябрь АҚШда ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган тангликдан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланди.
- 20 октябрь Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.
- 20 октябрь Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида янги чоп этилган беш жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» китобининг тақдими бўлиб ўтди.
- 10 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.
- 20 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.
- 28 ноябрь Асака автомобиль заводи конвейеридан бир миллионинчи автомобиль чиқди.
- 2 декабрь Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилди.
- 19 декабрь Навоий шаҳри ва Навоий конметаллургия комбинатининг 50 йиллик юбилейи тантанали

- нишонланди.
- 2008 йил Ўзбекистон деҳқонлари 3 410 000 тонна пахта, 6 330 000 тонна ғалла, жумладан, 6 145 000 тонна бугдой етиштирдилар.
- 7 декабр 2009 йил – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди.

### 2009 йил

- 25 февраль Тошкент шаҳрида (Афросиёб кучаси) Туркменистон давлатининг янги элчихонаси биноси очилди. Очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбонгули Бердимухамедов иштирок этди.
- 6 март «Ўзбекистон» нашриёти Президент Ислом Каримовнинг « Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобини ўзбек ва рус тилларида нашрдан чиқарди.
- 30 март Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банки акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 2 апрель ЮНЕСКОнинг Париждаги Қарор гоҳида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган тадбирларнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.
- 16 апрель Ўзбекистон Республикасининг «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.
- 23 апрель Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.
- 27 апрель Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

- 1–3 май Тошкен шаҳри ва вилоятида « Асрлар садоси» Иккинчи анъанавий маданият фестивали ўтказилди.
- 18–23 май Берлин шаҳрида биродарлашган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.
- 26 май Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган «Кечаги ва бугунги Тошкент» мавзусида фотосуратлар кўргазмаси очилди.
- 26–27 май Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган « Ўзбекистон пойтахти Тошкент – 2200 ёшда» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилди.
- Май Тошкент шаҳри марказидаги курант қайта таъмирланиб, унинг ёнида янги курант бунёд этилди.
- 20 август Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрини « Мустақиллик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди
- 25–27 август Самарқанд шаҳрида 1997 йилдан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Шарк тароналари» VII халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтди.
- 28 август Тошкент шаҳри марказида «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи очилди.
- 1 сентябрь Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали маросим ўтказилди. Бу маросим Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллик тантаналарига уланиб кетди.
- 12 сентябрь Милан (Италия)да бўлиб ўтган бокс бўйича 15-жаҳон чемпионатида биттадан олтин ва кумуш, иккита бронза медали жамғарган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллади. Бухоролик Аббос Атоев иккинчи марта жаҳон чемпиони бўлди.
- сентябрь «Тошкент» энциклопедияси нашр этилди.
- 9–10 Алушта (Украина) шаҳрида ўзбек миллий
- октябрь кураши бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди.

Унда ўзбекистонлик курашчилардан турли вазнларда Шароф Холмаматов, Шерали Жўраев, Давлат Чориев, аёллар ўртасида 78 кг вазнда Соҳибжамол Холикулова жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлдилар.

13 октябрь Ўзбекистон Республикасининг «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

17 декабрь Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

27 декабрь Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
ва 2010 йил Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят,  
10 январь туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

8 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда 2010 йилни – «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиш ҳақида таклиф киритди ва бу таклиф маъқулланди.

### 2010 йил

12 январь Тошкент шаҳрида «Ватанга қасамёд» ҳайкали очилди.

20–22 январь Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари сайланди.

6 февраль Москвада бўлиб ўтган мусобақада ҳамюртимиз Тимур Ибрагимов профессионал бокснинг ўрта оғир вазнида WBA ва IBA йўналишида китъаларо чемпионлик камарини кўлга киритди.

16–20 февраль Тошкент шаҳрида бадий гимнастика бўйича қизлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси қизлари жамоавий беллашувлар бўйича Осиё чемпиони бўлишди.

26 февраль Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси ҳузурда «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги

- Қарори қабул қилинди.
- 12 март Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби тасдиқланди.
- 30 март Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.
- 5 апрель БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти қотибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди.
- 12 апрель Тошкент шаҳрида «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.
- 19 апрель Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда хисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 5 май Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 15 май Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 1 июнь Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.
- 7 июнь Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.
- 10–12 июнь ШХТнинг Тошкентда бўлиб ўтди. Унда ШХТга аъзо давлатларнинг раҳбарлари иштирок этди.

- 10–15 июнь Қирғизистон жанубидаги Ўш ва Жалолобод вилоятларида этник низолар уюштирилиши натижасида ўзбеклар киргин қилинди. Расмий маълумотларга кўра, тўқнашувларда 2500 дан ортиқ ўзбек, шунингдек, рус, тожик, татар ва бошқалар ҳалок бўлди. Қирғизистонлик 400.000 нафардан ортиқ қочоқлар Ўзбекистон чегарасидан ўтди. Қочоқларни аксарияти ўзбеклар эди. Кейинчалик улар Қирғизистонга қайтишди.
- 11 июнь Жанубий Африка Республикасида бошланган футбол бўйича XIX жаҳон чемпионатининг Йоханнесбург шаҳридаги очилиш учрашуви – ЖАР ва Мексика терма жамоалари ўйинини Осиёнинг 2007 ва 2009 йилардаги энг яхши ҳаками ва халқаро тоифадаги ФИФА рефериси ўзбекистонлик Равшан Эрматов бошқарди.
- 15 июнь Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.
- 17 июнь Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 25 август Тошкент шаҳрида «Chevrolet Spark» автомобилининг тақдими бўлиб ўтди.
- 30 август Бухоро шаҳрида Бухоро маданий маркази бунёд этилиб, унда «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи ( баландлиги 18 м, ҳайкалтарош Илҳом Жабборов) ва ёзги амфитеатр очилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этди.
- 9–13 сентябрь Токио (Япония)да ўтказилган дзюдо бўйича XXVI жаҳон чемпионатида бухоролик Ришод Собиров 60 кг вазнда жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. У спортнинг бу турида жаҳон чемпиони бўлган дастлабки ўзбекистонлик спортчи ҳисобланади.
- 13 сентябрь Самарқандда Мирзо Улугбек ҳайкали ва

- музейининг очилиш маросими бўлиб ўтди.
- 20–21 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов Нью–Йорк (АҚШ)да бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади.
- 29 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.
- 5 октябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди
- 13–14 октябрь – Тошкент шаҳида 6 -халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтди.
- 16–24 октябрь Аргентинада бўлиб ўтган футбол бўйича ноғи ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи марта жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.
- 18–20 октябрь Туркменистон (Тошҳовуз вилояти)да туркман ва ўзбек халқлари дўстлиги фестивали бўлиб ўтди. Унда Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов қатнашди.
- 26–30 октябрь Тошкент шаҳридаги «Ўзэкспомарказ» мажмуаси да IV халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг 2-босқичи бўлиб ўтди.
- 10 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 12 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуида маъруза қилди.



- 12–27  
ноябрь Гуанжоу шаҳри (Хитой)да XXI ёзги Осиё ўйинлари ўтказилди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси 11 та олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза (жами 56 та) медалларни қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 8-ўринни эгаллади.
- 16–17  
ноябрь Тошкент шаҳрида «Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқий механизмларни қўллаш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 30 та давлатидан 60 дан ортиқ халқаро ташкилот ва молиявий институтлар вакиллари қатнашди.
- 19–22  
ноябрь Бухоро шаҳрида мамлакат талаба - ёшлари фестивали бўлиб ўтди.
- 7 декабрь Ўзбекистон Республикаси Конституция си қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов иштирок этди ва « Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш тараққиётимизнинг муҳим омилдир» мавзусида маъруза қилди ҳамда 2011 йилни – «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиш ҳақида таклиф киритди ва бу таклиф маъқулланди.
- 27 декабрь Ўзбекистон Республикасининг «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.
- 31 декабрь « Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи халқаро ИСО 9001: 2008 сертификатини олди.

## 2011 йил

- 5 январь Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.
- 30 январь Салоника (Греция) шаҳрида кураш бўйича

- Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги халқаро турнири бўлиб ўтди.
- Январь–декабрь Тошкент шаҳрида транспорт инфраструктураси соҳасида жиддий ишлар амалга оширилди. Пойтахтимизда трамвай йўналишларини қайта куриш ишлари тўрт босқичда олиб борилди ва 16 км.ли янги трамвай йўли қурилди. Шу билан бирга Навоий кўчасидаги эски трамвай йўли олиб ташланди.
- 7 февраль Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили давлат дастури тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 25–31 март Саудия Арабистони подшоҳлигида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.
- Март–август Тошкент шаҳрида катта кўламда бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Алишер Навоий кўчаси ҳамда Фарҳод, Юнусобод, Олой, Ипподром бозорлари ва бошқа жойлардаги айрим бинолар бузиб ташланди ҳамда шаҳар қиёфасига кўрк берувчи янги иншоотлар қурилди ва шаҳар яна ҳам кўкаламзорлаштирилди.
- 4 апрель Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларининг текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.
- 6 апрель Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 6–7 апрель Бирлашган Араб амирликларининг Абу-Даби шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича Осиё чемпионатида А. Тангриев ва Р. Саидовлар олтин медалларни қўлга киритишди.
- 9 апрель Соҳибқирон Амир Темурнинг 675 йиллик

- таваллуд тўйи арафасида «Темур тузуклари» китобининг янги нашри «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. Китоб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг сўз бошиси билан бошланади.
- 13–15 апрель Тошкент шаҳридаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида IV Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси бўлиб ўтди.
- 13 апрель Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.
- 15 апрель «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва MAN Trusk & Bus AG (Германия) мамлакатимизда оғир юк ташувчи тижорат техникасини ишлаб чиқариш бўйича янги автомобиль заводи (Самарқанд шаҳри яқинида) қуришни бошлади.
- 18 апрель Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонуни қабул қилинди.
- 18 апрель Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер хўжалиklarини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.
- 29 апрель – 1 май Термиз шаҳрида академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод – 2011» спорт ўйинлари бўлиб ўтди.
- 30 апрель – 1 май Бухоро шаҳрида Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ташаббуси билан анъанавий «Асрлар садоси» маданият фестивали бўлиб ўтди.
- 5–6 май Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Туркменистон

- Президенти Гурбонгули Бердимухамедов расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.
- 12–13 май Тошкент шаҳрида VI Умумжаҳон сув форуми бўлиб ўтди.
- 17 май «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» кўкрак нишони тасдиқланди.
- 20 май Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти Андижон машинасозлик институтига; Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти Наманган муҳандислик-технологик институтига; Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-технологик институтига ўзгартирилди.
- 20–22 май Тошкент шаҳрида эркин, юнонрум ва хотин-қизлар кураши бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.
- 23 май Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Оқсаройда БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастури раҳбари Желен Кларкни қабул қилди.
- 28 май Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотирасига Тошкент шаҳрида ҳайкал ўрнатиш тўғрисида Қарори қабул қилинди.
- 30 май Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011–2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 31 май Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Оқсаройда АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича

- маслаҳатчиси ўринбосари Денис Мамонани қабул қилди.
- 1 июнь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг ( ЕХХТ) амалдаги раиси, Литва Республикаси Ташки ишлар вазири Аудронюс Ажубалисни қабул қилди.
- 4–5 йил – июнь Лондон (Буюк Британия) шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги IX халқаро турнири бўлиб ўтди.
- 13–14 июнь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тақлифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Анатольевич Медведев расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.
- Июнь Тошкент шаҳридаги «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуасида самбо бўйича Осиё очик чемпионати ва самбо юлдузлари ўртасидаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.
- 5–12 июль Хитой Халқ Республикасида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.
- 14–15 июль Остона шаҳри (Қозоғистон)да Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг давлат раҳбарлари кенгашининг ўн биринчи мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди.
- 20–31 июль Остона (Қозоғистон)да бокс бўйича ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 2 та олтин, 1 та кумуш, 2 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.
- 21–23 июль Термиз шаҳрида Республика IV аёллар спорт фестивали бўлиб ўтди.
- 8–10 август Ўзбекистон олимпия терма жамоаси футбол бўйича Киевда ўтказилган халқаро турнирда илк марта машҳур мураббий Валерий Лобановский халқаро турнирининг ғолиби бўлишди.
- 23–24 август Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли

- Мён Бак ўртасида Тошкент шаҳрида ўзаро учрашув бўлиб, турли шартномалар имзоланди.
- 23–28 Август Парижда бўлган дзюдо бўйича XXVII жаҳон чемпионатида бухоролик Ришод Собиров иккинчи марта жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди ва жаҳоннинг бугунги кундаги энг кучли дзюдочиси, Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Андрей Штурбабин энг кучли мураббий деб топилди.
- 24 август Президентлар Ислом Каримов ва Ли Мён Бакнинг ташаббуси билан Қорақалпоғистондаги Сургил кони негизида Успорт газ-кимё мажмуаси курилиши бошланди.
- 26 август Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида юкори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электропоездининг қатнови илк марта йўлга қўйилди. Бу поезд соатига 250 км масофагача йўл босиб, Тошкентдан Самарқандгача бўлган 300 км масофани икки соатга яқин вақт ичида босиб ўтди.
- 26–30 август Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» халқаро саккизинчи мусиқа фестивали бўлиб ўтди.
- 28 август Тошкент вилоятининг Зангиота туманида автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган «General Motors Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонаси очилди.
- Август Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп қилинди.
- Август Навоий вилояти Кармана тумани ҳудудида жойлашган эркин индустриал-иқтисодий зонада тўрт юлдузли «Зарафшон» грант меҳмонхонаси очилди.
- 7–10 сентябрь Илам (Эрон) шаҳрида ўзбек миллий кураши бўйича Осиё чемпионати ўтказилди. Унда 2 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медалини қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади.

- 16–19 сентябрь Тошкент шаҳрида дзюдо бўйича эркаклар ва хотин қизлар ўртасида жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.
- 20–27 сентябрь Тошкент шаҳрида муай-тай (тай бокси) бўйича ёшлар, катталар ва хотин-қизлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик ёшлар 13 та олтин, 6 та кумуш, 7 та бронза медалларини қўлга киритди.
- Сентябрь Ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий асарларининг 10 жилдлиги Ғафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида нашр этилди.
- Сентябрь Сеул шаҳрида Жаҳон халқлари миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича анъанавий халқаро фестивал бўлиб ўтди. Унда ўзбек жанг санъати терма жамоаси 52 та давлат ичида энг яхши жамоа деган номга сазовор бўлди.
- 12 октябрь Ўзбекистон Республикасининг «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.
- 18–20 октябрь Тошкент шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг олтинчи кенгаши бўлиб ўтди.
- 19–25 октябрь Тошкент шаҳрида «Олтин гепард» биринчи халқаро Тошкент кинофоруми бўлиб ўтди.
- 22–23 октябрь Термиз шаҳрида ўзбек миллий кураши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир ва катталар ўртасидаги VIII жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.
- 23–29 октябрь Тошкент шаҳрида VI халқаро Тошкент замонавий санъат биенналесеси бўлиб ўтди.
- 25–29 октябрь Тошкент шаҳридаги «Ўзэкспоцентр»да V халқаро санъат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди.
- 31 октябрь Бухоро халқаро аэропортида янги аэровокзал

- ишга туширилди.
- Октябрь Тошкент шаҳрида шахмат бўйича ўтказилган биринчи Марказий Осиё кубоги мусобақасида ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжонов бош совринни қўлга киритди.
- 1 ноябрь Тюмень (Россия) шаҳрида дзюдо бўйича мутлак вазн тоифасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Абдулла Тангриев ғалаба қозониб, жаҳон чемпиони бўлди.
- 2–4 ноябрь «Ипак йўлида туризм – 2011» Тошкент халқаро туристик ярмаркаси ўтказилди.
- 6–8 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов билан Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмитт ўртасида Тошкент шаҳрида ўзаро мулоқотлар бўлди.
- 10–11 ноябрь Бухоро шаҳрида ҳаваскорлик театрларининг республика фестивали ўтказилди
- 15–17 ноябрь Тошкент шаҳрида VII халқаро махсус медицина кўرғазмаси ўтказилди.
- 16 ноябрь Тошкент шаҳрида «Маърифат маркази» мажмуаси очилди. Бу замонавий мухташам бинодан Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жой олди.
- 23 ноябрь Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) томонидан Осиёнинг 2011 йилги лауреатлари аниқланиб, унда Ўзбекистонлик Сервер Жепаров – энг яхши футболчи (2 марта), Равшан Эрматов – энг яхши ҳакам ( қаторасига 4 марта), Абдулхамид Расулов – энг яхши қанот ҳаками номинацияларида голиб бўлишди
- 28 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соҳликни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 7 декабрь «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган



тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Маросимда 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиш ҳақида таклиф киритди ва бу таклиф маъқулланди.

- 20 декабрь Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олий органларининг сессияларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этди.
- 30 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.
- 30 декабрь «Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларини ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунлари қабул қилинди.

### 2012 йил

- 3 январь Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни қабул қилинди.
- 4 январь Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Қонун қабул қилинди.
- 5 январь Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят–процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.
- 5 январь Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Қонуни қабул қилинди.

- 7 январь Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.
- 10 январь Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Хи Тэу Оксаройда ўзаро учрашди.
- 19 январь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзуида маъруза қилди.
- 27 январь Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Мувофиқлаштирувчи методик марказ ташкил қилинди.
- 7 февраль Ўзбекистон Республикаси Вазирсиар Маҳкамасининг « Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш ва структурасини янада оптималлаштириш чоралари тўғрисида»ги Қарори чиқди.
- 17 февраль Тошкент шаҳридаги Симпозиумлар саройида «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуида халқаро конференция бўлиб, унда дунёнинг 48 та давлатидан келган таълим тизими раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.
- 27 февраль Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури

- тўғрисида Қарори қабул қилинди.
- 20 март «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси-ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори эълон қилинди.
- 13 апрель «Ангрен» махсус индустриал зонаси барпо этилди.
- 27 апрель Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус қонун қабул қилинди.
- 4 июнь Ўзбекитсон Давлат санъат ва маданият институти ташкил этилди.
- 24 июль ва Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар
- 27 июль тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони чиқди.
- 24 сентябрь Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ташкил этилди.
- 13 ноябрь Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди.
- 10 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

### 2013 йил

- 14–15 апрель Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти В.Путин таклифи билан расмий ташриф билан Москвага борди.
- 16–17 апрель «Замонавий уй-жой қурилиши-қишлоқ жойларда комплекс ривожланиш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзуида халқаро конференция доирасида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий турар-жойлар барпо этиш

- борасида тўпланган.
- 15 март Ўзбекистон тажрибси атрофлича ўрганилди.
- 15 март Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- 19 март Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан «Жиззах махсус индустриал зонаси» барпо этилди.
- 4–5май Навоий вилояти Сармишсой дарасида «Асрлар садоси – 2013» анъанавий маданият фестивали ўтказилди.
- 30 май Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Yoshlar» телерадиоканали ёпиқ акциядорлик жамияти ҳузуридаги «Volajon» болалар рақамли телеканали ташкил этилди.
- 13 июль Қозоғистон Республикаси Президенти Н.Назарбоев расмий ташриф билан Тошкентга келди.
- 27 август Самарқандда «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусика фестивали бўлиб ўтди.
- 8–10 сентябрь Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.
- 9 сентябрь Тошкентда БМТнинг «Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда ННТ иштироки: Ўзбекистон тажрибаси» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.
- 12–13 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Президенти Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарининг кенгашида иштирок этди.
- 23 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузуридаги «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ташкил этилди.
- 23 сентябрь Ҳаво кемалари халқаро парвозлари учун Андижон, Наманган, Фарғона, Қарши ва Термиз шаҳри аэропортлари очилди.
- 7 декабр «Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш –

ёруғ келажегимизнинг асосий омилидир» мавзусида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ЎзР Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида 2014 йил «Соғлом бола йили» деб аталиши таклиф этилди.

### 2014 йил

- 15–16 май Самарқанд шаҳрида « Ўрта асрларда Шарқ алломалари » ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.
- 6 июнь Тошкент шаҳрида « Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.
- 11–12 сентябрь Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида ШХТ аъзо давлатларининг ўн биринчи саммети бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.
- Ноябрь Мамлакатимизда ўзини-ўзи бошқариш органлари – маҳалла раислари ва уларнинг ўринбосарлари сайловлари бўлиб ўтди.
- 7 декабрь Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ЎзР Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида 2015 йил – «Кексаларни эъозлаш йили » деб аталиши таклиф этилди.
- 10 декабрь Россия Федерацияси Президенти В. Путин расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.
- 12 декабрь Ўзбекистон телерадиокомпаниясида « Менинг Юртим » канали иш бошлади.
- 21 декабрь Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлигига сайловлар бўлиб ўтди ва унда 340 дан зиёд чет эллик кузатувчилар иштирок этди. Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайлови бўйича такрорий овоз бериш масалалари кўриб чиқилди.



# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ ХРЕСТОМАТИЯСИ

Ташкент – «Fan va texnologiya» – 2014

Редактор: Ш.Кушербаева  
Тех. редактор: М.Холмухамедов  
Художник: Д.Азизов  
Корректор: Н.Хасанова  
Компьютерная  
вёрстка: Ш.Миркосимова

Изд.лиц. АИ№149, 14.08.09. Разрешено в печать 20.12. 2014.  
Формат 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Гарнитура «Times New Roman».  
Усл. печ.л. 20,5.

*Отпечатоано ООО " Star Print Servis "*  
*г. Ташкент, Чиланзар-10, д. 30А.*  
*тел.: 178-01-08, Заказ № 112.*  
*формат 60 x84 1/16, объем 20,5 п.л. тираж 75*

